



МИРТЕМИР

Асарлар

ТЎРТ ЖИЛДЛИК

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1980

МИРТЕМИР

Асарлар

БИРИНЧИ ЖИЛД

ШЕЪРЛАР

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1980

ББК 84Уз
М 57

Таҳрир ҳайъати

К. ЯШИН, ЗУЛФИЯ, МИРМУҲСИН, Б. БОЙҚОБИЛОВ,
И. ҒАФУРОВ, М. ТУРСУНОВ

Нашрга тайёрловчи

НАИМ ҚАРИМОВ

Сўз боши муаллифи — *КОМИЛ ЯШИН*

Миртемир.

Асарлар: 4 жилдлик — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
1-жилд. Шеърлар. 384 б.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти ва Бердах номидаги
Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ шоири
Миртемирнинг тўрт жилдлик «Асарлар»и нашр этилмоқда. Ушбу жилдга
адибнинг 1926—1960 йиллар мобайнида ёзилган шеърлари киритилди.

Миртемир. Сочинения. В 4-х т. Т. I. Стихотворения.

ББК 84Уз
Уз

М $\frac{70403-149}{М 352 (04)-80}$ 40—80 4702057020

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ АРДОҚЛИ ШОИРИ

Миртемир — ўзбек совет шеърятининг тамал тошини қўйган устоз, оқсоқол шоирларимиздан. У гоёта меҳнаткаш, жафокаш, ҳассос, билимдон, камтар, зукко сўз санъаткоридир. Ватанпарвар шоир классик адабиётимизнинг барҳаёт анъаналарини, халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганиб, ўзбек совет адабиётини бойитди, ҳозирги замон шеърятимизни юксакликка кўтаришда зўр куч сарф этди.

Давримизни авж пардаларда ҳарорат билан куйлаган Миртемирнинг жўшқин, чуқур партиявий, халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетган чўнг ижоди социалистик реализм адабиётининг тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Миртемир айқин дарёдай ҳаётбахш шеърятини билан совет Ўзбекистонининг поэтик солномасини яратган забардаст шоирларимиздан биридир. Атоқли сўз санъаткори кўп бадий юксак асарларини Ленин ва Шарқ, Октябрь инқилоби, халқлар дўстлиги мавзуларига бағишлади. Бир қанча бақувват шеърларида эса бизнинг кунларимизда, бутун жаҳонда ленинча музаффар ҳақиқатнинг қудратли таъсири остида юз бераётган буюк ўзгаришлар манзарасини ўзига хос кенг тарихий назар билан теран идрок этиб, моҳирона тасвирлади.

Гўзалликнинг, ҳаётнинг чинакам ошиғи бўлган шоир она халқининг қалбини чуқур тушунар, бой ва рангин тилини гоёта нозик ҳис қилар, қудратли, пурмаъно ва нафис халқ сўзларини шеърятимизга дадиллик билан олиб кириб, тилимиздаги гражданлик ҳуқуқини барқарор этар эди. Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг тил соҳасидаги новаторлиги жиддий ўрганишга сазовор катта мактабдир.

Шоир ҳар бир асар устида кўп ва самарали меҳнат қиларди. Шу сабабли ҳам Миртемирнинг шеърлари чуқур гоёвий мазмундорлиги, бадий юксаклиги билан ажралиб туради. У халқ жасоратининг илҳомбахш куйчиси сифатида кенг шуҳрат қозонди. Миртемир

бепоён совет диёрининг, жонажон Ўзбекистоннинг қўлга киритган оламшумул ютуқларини, бахту саодатини ва бу бахт-саодат учун халқимиз олиб борган оғир курашларни инсоний дард, беқиёс ҳаяжон ва жўшқин илҳом билан куйлади. Шу тариқа шоиримизнинг бадний баркамол асарларида юртимизда янги ҳаёт қурилишининг асосий босқичлари поэтик тарзда ёритилди.

Биринчи шеърини 1926 йилда эълон қилган Миртемирнинг мўъжизакор қалами ярим асрдан зиёдроқ давр мобайнида бир нафас ҳам ёзишдан тўхтамади. Яратган асарлари бирин-кетин «Шуълалар қўйнида», «Зафар», «Қайнашлар», «Коммуна», «Бонг», «Пойтахт», «Уч», «Танланган асарлар», «Янги шеърлар», «Тингла, ҳаёт!», «Излаганим» каби йигирмалаб номларда чоп этилиб, шеърят мухлисларининг маънавий мулкига айланди.

Миртемир совет ленинномасини бойитган забардаст шоирдир. Улуғ Ленин сиймосига бағишланган «Ленин жилмайиши» китобидаги асарлар мамлакатимиз китобхонлари орасида жуда машҳур бўлиб кетди, СССР халқларининг кўп тилларида босилди.

Дўстимиз Миртемирнинг бадний таржима соҳасида катта ғайрат кўрсатиб қилган меҳнатлари асло унутилмасдир. Ҳомер, Руставели, Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Гейне, Тагор, Бердақ, Нозим Ҳикмат ва жаҳоннинг бошқа буюк сўз усталари ижодидан намуналар, қирғиз эпоси «Манас», қорақалпоқ эпоси «Қирқ қиз» (Уйғун билан бирга) таржималари ўзи бир улуғвор олам. Миртемирнинг бу масъулиятли ва муқаддас жабҳадаги ҳалол меҳнати ибрат олса арзигуликдир.

Отахон шоиримиз ҳаётда ҳам, ижодда ҳам инсонийлиги, заҳматкашлиги, пок виждони, ғамхўрлиги билан ёш ижодкорларга, келажак авлодга чинакам намунадир. У узоқ давр мобайнида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузурдаги ёш ёзувчилар семинарини бошқарган йилларда ҳам, кейинги пайтларда ҳам доимо ёшлар, айниқса, навқирон қаламкашлар даврасида бўлди. Устоз шоир шогирдларини «киприкларим», деб эъзозлар эди.

Ёшлар устозларининг буюк ижодий жасоратини ҳеч қачон унутмайдилар. Кейинги йилларда, оғир дард тез-тез хуруж қилиб туришига қарамай, Миртемир сабот ва қунт билан ижод қилди. «Гулистон» журналида, бошқа газета-журналлар саҳифаларида эълон қилинган бадний қуйма шеърлари, «Излаганим», «Тоғдай таянчим» ва «Едгорлик» китоблари, Бердақ таржималари устида олиб борган фидокорона ижодий меҳнати фикримиз исботидир. Шоирнинг ижодий меҳнати Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти билан тақдирланиши ҳам шундан далолат бериб турибди.

Ўзбек халқининг ардоқли шоири Миртемир ҳамиша барҳаёт. У халқимизнинг қалбида, авлодларимизнинг меҳру муҳаббатида, шонринг мактабида ўқиган, ўқиётган қанчадан-қанча ёш шоир ва адибларимизнинг олмос истеъдодларида, саз қўшиқларимизнинг баланд авжида мангу яшайди.

КОМИЛ ЯШИН,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

* * *

*Қўшиқларим, сиз учун ҳижолатлик эмасман,
Сиз ўтган йўлларимсиз, кечган дарёларимсиз.
Сизни мен олтинга ҳам, кумушга ҳам бермасман,
Сиз менинг тансиқ ғазнам, эзгу дунёларимсиз.*

*Менинг дардим-дарддошим, илинжим, кўнгил тинчим,
Сиз билан тирикман-да, менинг қалб чўғим сиз-ку!
Менинг олтиши беш ёшим — ғуссаларим, севинчим,
Энг ёруғ хаёлларим, менинг бор-йўғим сиз-ку!*

*Сиз менинг қалқонимсиз. Таянчим, тоғ бардошим.
Сиз борсиз — чўчитолгай на дўзах ва на аёз.
Фақат, фақат халқимга эгилур мағрур бошим,
Халқимнинг ўзи бермиш соз ахир, бу жаранг соз...*

ШЕЪРЛАР



СЎНГГИ ХАТ

Сочма

Хатингизни олдим, бобожоним.

«Турма ўша томонларда. Соғиндим. Кел, қўзичоғим» — дебсиз. Соғиндингиз, биламан. Тоқатсизларча кутасиз, интизорлик билан кутасиз...

Биламан...

Менинг жойнамоз ёзиб, бандалик қилишимни кутасиз...

Сўнги хат — сўнги сўзим бу:

Мен қайтиб бормаيمان!.. Айтайми, бобожон?.. Мен комсомол бўлдим. Ленин ўгли бўлдим.

Тўппа-тўғри айтаман: мен даҳрийлар сафида!.. Тушунасизми? Сизга, сизнинг сўқир йўлбошчиларингизнинг асоссиз дунёсига қарши курашувчилар сафидамен! Боролмайман, кир тилаклардан соф-мағрур бошимга салла ўролмайман!..

Мен — эски эътиқоддан воз кечган, кўҳна ҳаётдан нафрат билан қочган замон боласимен.

Англадингизми, бобожон, ленинчи мен!..

Ешлигимнинг энг ширин даврларида чирик бўйрага ўтқаздингиз мени! Еш, ўткир сезгим билан сездимки, бу жаҳолат уяси...

Унутмайман.

Қалтаклар, азоблар, барчаси эсимда! Шунинг учун ҳам бормасликка онт ичганман! Юрагимда ғазаб...

«Сизин, бахт тила, бахтли бўлгайсан», дедилар.

Мен соф кўнглимдан сизиндим, бахт тиладим, чин кўнглимдан йиғладим... Лекин, қани бахт!

Асрий фиғонлар, дарё қонлар — шўрлик жонлар — ёш кўнглим сизди — барчаси ҳақсизликдан...

Наъра чекдим:

— Эй, сиз адашган инсонлар! Қани сизда тавфиқ,

қани имон? Нега ўз дўстларингизнинг қонини ялайсиз!
Нега оламни алдайсиз?

Жавоб бўлмади... Мен шунда чиндан ишондим, бо-
бо, сиз юрган йўллар борса — келмас... Сўқирлар йўли:
ишондим, англадим...

Сўнгги хатим бу, азиз бобожоним! Кўзларингизга
ёш олманг! Мен боролмайман... Улуғ тилак йўлидамен!
Сизнинг тавфиқ тилаган неваражонингиз комсомол ҳо-
зир. Аҳдидан қайтмас. Алдоқчи дунёга қарши курашув-
чилар сафида ёш аскар мен бу кунда!

Ўпка қилманг, азиз бобожоним! Мен, сизча — осий,
динсиз. Майли, мен Ленин йўлида — чин йўлда, ҳақ
йўлда! Сўнгги хатим бу!..

Тошкент

ИУҚ БУЛМАС

Озодлик қурбонига

Пардадан қочмишдинг сен,
Гул юзинг очмишдинг сен,
Қоронғини севмасдан,
Эрк сари учмишдинг сен.

Кўнглинг нурга тўлиқди,
Тилакларинг улуғди,
Эй ботир қиз, умидинг
Қуёш каби ёруғди.

Қайнар қон тинди-қолди,
Билаклар ишсиз толди,
Кўпларни қайғу олди;
Кўп кўзлар ёшга тўлди.

Оҳ, бир учқунми сўнди?
Қалблар шунга ўртанди?
Сен кетдинг бу боғчадан,
Бойқуш, қарғами қўнди?

Боғчага бойқуш қўнмас!
Нурли умидлар сўнмас!
Тинч ухла, ботир қиз, сен,
Истакларинг ҳеч ўлмас!

ТУТҚУН ҚИЗ

Эсдалик дафтарларимдан

Қоп-қора кўзинг
Ешларга тўлмиш.
Ой каби юзинг
Япроқдай сўлмиш.

Маъсум дил — ўйинг
Қайғу-ла доғлиқ.
Тилда дард куйинг,
Иўлларинг боғлиқ...

Қафасда кун-тун
Фарёд этасан.
Синиқ қалб — тутқун
Қимни кутасан?

Елғиз... у оҳинг,
Фамли нигоҳинг
Қимса сезмайди...
Надир гуноҳинг?

Эй қиз, замондош,
Сочма кўздан ёш...
Йирт шу пардани,
Нур отсин қуёш...

МЕҲНАТ

Сочма

Меҳнат — шеър, нафосат ва яратгувчи...
Бахт-саодат чашмалари оқади меҳнат туфайли,
Ҳақиқат ўз чироқларини ёқади меҳнат туфайли...

Меҳнат!

Мен сени қучай!..

Юксакларга учай!..

Шеър сочай!..

Табиатнинг яширин сирларин очай!

Меҳнат!

Ҳаётнинг, борлиқнинг шеърини — меҳнат!

Юрагим дўсти, ишончим, толеим — сен!

Сен — мену, мен — сен!..

Кел, гавҳар кўзларингдан ўпай,

Чўлларга ҳаёт сепай

Сенинг қудратинг билан, эркин меҳнат!..

* * *

Меҳнат — куч, меҳнат — қувватдир;

Тангрилардан қудратлироқ қудратдир...

Булутлар саломчиси — кўклар сирдоши мудҳиш, мута-
каббир тоғлар қалтирайди меҳнат қаршисида...

Поёнсиз, ҳиссиз қуруқ чўллар гулбоғларга айланади
меҳнат қаршисида.

Денгизга ғулғула солади меҳнат...
У — истак хўжаси, ўзгартувчи бир куч — марҳаматсиз

у!

Ким ишонмас? Инкор этгувчи ким?! Сўйлангиз ким у?!

Осий, мунофиқ у!..

Туйғусиз, ваҳший салтанат тирноғида маҳкум чоғида
ҳам борлиқни зийнатлади-ку?

Юксак саройлар, чаман боғлар, муҳташам шаҳарлар,
олтин ҳарамларни ким яратди бўлмаса!

Ким ясангирди борлиқни ўша чоқда?..

— Ваҳший жаллодларнинг маҳкуми — эркисиз, иродасиз меҳнат.

Англадингизми?

Меҳнат барпо қилган бировлар учун муаззам кўшклару,
олтин тахтларни...

Меҳнат ҳадя этганди хўжаларга бахтларни!

Сармоёга асир эди меҳнат у чоқда!

* * *

Меҳнат эркин ҳозир, у — шеър... нафосат!

У — кучлиларнинг кучлиси, ботирларнинг ботири...

Қудрат эгаси...

Бошқалар учун саройлар яратмайди, ҳарамлар ясамайди
энди ўзгаларга атаб...

Бахт ҳадя этмайди ортиқ бировларга!

У эркин...

Борлиқнинг олтидан бир бўлагиди меҳнат байроғи
порлашда... меҳнат қуёши порлашда.

У тинмас...

У сўнмас...

Порлагандан порлаяжак.

Учқунлар сочажак.

Меҳнат борлиқда ҳоким бўлгуси!

Қуёшдек кулгуси!

Шуълаларини кўкларга сочгуси...

Ҳоким бўлгуси ер юзига меҳнат!

У кучли, сўнмас ўт!

У — қодир, у — ботир, яратгувчи!

Озодлик байроғи кулган озод элларда — гул боғчаларда
шеърят бўлгуси, шеър сочгуси — меҳнат...

Борлиқ тиз чўккуси меҳнат қаршисида...

Биз эса, меҳнат хўжаси, иш болалари, меҳнат ботирлари!
Умид, ишонч юракларда...

Меҳнат, куч бизнинг пўлат билакларда!..

Тошкент

* * *

Кўзингни ўйнатма, кулма, қарама,
Нозли нигоҳларинг керакмас сенинг.
Боғлаб оларман, деб энди ўйлама...
Тортган у «оҳ»ларнинг чин эмас сенинг.

Кўп кунлар судрадинг тусмол йўлларда,
Мен-да тилсизларча эргашдим-кетдим.
Адашган эканман, билсам, чўлларда,
Мана эндиликда тушуниб етдим...

Тушундим: у тотли хаёллар — хаёл,
Алданмас бу юрак ширин сўзингга.
Йўқол, эй алдамчи, ёндашма, йўқол,
Термилиш йўқ энди орсиз юзингга!

Жилмайма, қарама, сўзлама менга,
Эски афсонани куйлама менга...

ТАНБУРИМ ТОВУШИ

Борлиққа тарқалсин танбуриим товуши,
Бир болқиш яратсин ёш юракларда.
Шавқу завқ қўзғотсин шўх-шўх куйлаши
Ҳаттоки тебранмас тош юракларда.

Танбуриим торининг янгроқ садоси
Борлиқда умидлар уйғотиб борсин;
Қалбларни эритиб ёниқ навоси,
Ҳар руҳда битмас завқ ўйнатиб борсин!

Қўлимда танбуриим куйлаган чоқда,
Олам яшнаб кетсин ва яйраб ўссин
Бу эркин тупроқда қирмизи гул ҳам...
Умидлар дostonин сўзлаган чоқда
Чарх уриб, ҳайрат-ла чаманга тушсин
Кўкдан завқ излаган дардли булбул ҳам...

Ҳар ёққа таралсин танбуриим товуши,
Биракай тўхталсин кўзларнинг ёши.
Ташлансин қўллардан қайғулар тоши,
Тугалсин борлиқнинг ҳазин йиғлаши!..

ЧАШМА БҮЙИДА

Бир кўклам тонгининг нозли чоғида
Чашма бўйларида ўлтириб қолдим.
Қўйнимга чечаклар тўлдириб олдим.
Сезардим ўзимни завқ қучоғида.

Кўм-кўк оғочларнинг қалин шоҳида
Қанотли куйчилар сайрашда эди.
Эзилган кўнгиллар яйрашда эди.
Фараҳ юз очарди қалбим боғида.

Соф, кумуш чашманинг сирли бўйида
Ғаму ғуссаларни мен ҳам тўқардим.
Чарчаган танамни енгиллатардим.
Умидлар экардим ғамлар ўрнида.

Тиниқ чашма бўйи — яшиллик қўйни;
Қучар ва куч берар эди менга ул.
Қуёш! Шу чоғларда соч тарқатиб кул.
Табиат бошламиш кўклам тўйини.

Чашма бўйларида қолдим бир тонгда.
Чечаклар куларди шунда ҳар ёнда!..

КУКЛАМ КУЙЛАРИ

Ухшатма

Нозанинларнинг ғамсиз қувнашларидан,
Эрка булбулларнинг сайрашларидан,
Сирли тўлган ойнинг кулиб боқишидан,
Ўйноқи сувларнинг оқишидан — юракка сир, маъни
яширган тиниқ тургун сувлардан,
Булбул жононаси гуллардан илҳом олиб, ширин
қўшиқлар куйла!
Табиатнинг гўзал кўринишларини мақта!..
Қувониш бўлса, бас! Йўқолсин қайғу-ҳасрат биздан!!—
дейдирлар.
Севги куйларин куйлашга ундайдирлар мени бировлар.

Оҳ!..

Ишқ —

Муҳаббат...

Эсга тушди қора кунлар, оҳ чекиб ўтказган баҳосиз
чоқлар...

Эсга тушди!..

Уфф...

Мен — севгувчи эдим...

Гул-чечак мафтуни бир «капалак!»

Енган бир шамнинг парвонаси...

Йўқ!

Вафосизлик тузоғига тушган бир ўксиз қушча эдим.
Қўз ёшларим баҳор томчиларидек ёғиларди — ўша
кунларда... Кунчи эдим.

Мақтар эдим — қора қошлари-ла сунбул сочларини...

Биласизми?

Дунёдан гўзалларни мақтай-мақтай ўтган куйчилар
нима деганлар:

«...Муҳаббат, дунё қариган сари сифатланиб яшаб
борадир...»;

Ушал олижаноб куйчилар кучсиз эдилар — менинг
олдимда.

Кучсиз эдилар.

Негаки, меним муҳаббатим: кучлик, маънили ҳам —
сирли эди.

Биласизми?

Оҳ!

Ҳалиги сиз сўйлаган тиниқ сувлардан софроқ...

Мунгли, нур чеҳрали ойдан сирлироқ...

Тонгда, қийғоч кулган ғунчалардан дилбарроқ,

Утлироқ эди қалбимдаги севги...

Чин кўнглимдан севар эдим,

таърифлар эдим кулиб боқиши билан — қош
қоқишини!..

Утди-кетди ўша чоқлар шамолдек учиб...

Булар мингдан бир қисса,
Бахтсиз бошларини қайси тошга уришни
унутиб юрган ошиқлардан дostonлар
тингланг-чи!

Нималарни тушунар, англар экансиз...

Алданиш...

Жабрланиш...

Бахтсизлик...

Умидсизлик.

Бутун умрда бир марта тараҳхум,
бир дафъа шафқат,
бир минутлик қадрли, тотли чоқ!

Етмайдами! — бе!

Етмайдами, шунча хўрланишнинг қиймати учун бир
боқиш...

Етмайдами, жанда кийиб излаганда, дарвиш аталиб
ахтарганда — унга бир йўла қош қоқиш...

Билмайман...

олимда.

Сира билмайман!

Ранжиб ўксиб йиғлайми? —

эгилайми?!

Ё ўтган қора соатларга нафрат ўқиб:

Фотиҳа қилайми?!

Билмайман...

Мени яна шу — тарихдан сўйлашга, тагин
сирли қўллардан, нозли гуллардан завқланишга
ундайсиз...

Кечирасиз, азамат бировлар!
Қалбимда ҳамон тўлқин бўлса-да,
Қаламим ҳамон ўйноқласа-да,
Ғамсиз юрагимдан тошган шеърят; бўёлғон
гўзалликка алданишдан тортинган.
Муҳаббат-ишқ эртагин сўйлашни инламайдир, эрка
қизларнинг ипак сочларини, қийиқ қошларини...
тавсифлашдан безган...

Безган!

Кечиринг, бировлар...

Кўрасизми?!

Кўклам...

Чиндан кўклам!

Қоронғи турмушимизнинг ёруғ кўклами!

Сувлар тошадир...

Тўғонлар бузиладир...

Наҳрлар қутурадир, қайнайди...

Дарё қиргоқларида, томоша қилганмисиз?

Унинг ўйнаб-ўйнаб ағдарилиб, оқиб кетишини,
чошиб кетишини ёқтирасизми?

Севасизми, тошқинни?!

Севасизми?

Мен уни севаман,

Ёшлар кўнгли денгиздек тошсин,

Ёшлар қайнасин, чуруқ йўлларни боссин,
дейман!..

Боқинг!

У... узоқда —

қирлар этагида кўринган деҳқон оталар омоч
эмас, ўт омоч билан ер суралар...

Тер оқизалар, ишлайлар...

Ундан кейин —

Заводларга кирганмисиз?!

Даҳшатли машиналар —

кўркамлик касб этган тилсиз ғилдирақлар
қучоғида билак мускулларин ҳаракатлантирган меҳнат
қаҳрамонларин кўрганмисиз?!

Кўрганмисиз

Қорага бўёлғон меҳнат қаҳрамонларин?!

Шу дилбар гўзалликларга кўз ташлайман —
мен.

Шу нафосатга боғланаман,
суқланиб телмираман — мен!

Завқ-лаззат топаман...

Шеърят ахтараман — шундан!

Шунинг учун кирсиз қалбимдан отилган
кўкламги куйларни, дардли қўшиқларни чин нафосат
эгаси эркин меҳнатга бағишлайман.

Олқишлайман,

Ҳурматлайман —

Меҳнат қаҳрамонларин — мен...

Б О Қ!

Боқ! Шарқнинг булутлар босган уфқида
ўтлар ёнади...
Ёвузлар булғаган мажруҳ кўксига
шуъла ёғади...

Замонлар ухлаган узоқ кунчиқар
Қўзғолиб қолди.
Кенг шарққа ғофиллик сепган хўжалар
даҳшатга толди...

Йилларнинг жабрини тортган бандалар
турган ўхшайди...
Исёнсиз занжирлар узилмаслигин
билган ўхшайди...

Уфқда порлаган аланга — ўтлар
кучланар, сўнмас!
Ўлим ёмғирини сепган булутлар
тарқалар, турмас!..

Боқ! Тутқун кунчиқиш уфқида ёнғин,
Даҳшатга урадир зарбали ёлқин...

КҮКҚИЕ

Қари, турғун, гудур Қоратоғ
Сен гўзални асрар бағрида.
Сендай бўлмас уммоқ боғида...
Гулдек борлиғингда ҳеч йўқ доғ.

Олдин қучар эркалаб қуёш...
Қучоғингдан топилмас ҳасрат.
Кенг кўксингда чечак, лола-пат...
Оҳ, на дилбар оппоқ қиё тош!

Жон озиғи унум ўсади
Қуршаб олган олтин қирларда.
Эрталаблар, ойдин тунларда
Кўнгилларни севинч босади.

Шу кун кўнглим ғам нима билмай,
Эй, Қоратоғ қизи — Кўкқиё¹,
Гўдакликдан сенга маҳлиё,
Қучоғингдан кетгим келмайди...

¹ Кўкқиё — Қоратоғ бағрида бир қишлоқ.

ТОШҚИН

Турғун сув тошур,
Қирғоқдан ошур.
Телба кўпиклар
Иўлсиз адашур...

Қўрқинч гўрларни,
Маъюс чўлларни,
Шаксиз босар ул
Унг ва сўлларни...

Ғайратига боқ:
Мағрур, ялтироқ.
Наъра — шовқиндан
Титрайди ҳарёқ...

Сусаймас тўлқин,
У — ўт, у — ёлқин.
Иўлни тўсолмас
На куч, на тўсқин.

Тинмай тошажак,
Тўлқин сочажак.
Ҳовлиқма тўфон
Олдин босажак...

ТОНГ ТАРОНАСИ

(Буюк ўзгаришнинг 10 йиллигига)

Сочма

Борлиқ тонг қучоғида —
эрк қўйнида...
Мазлумлар кўкида маскан қурган қуюқ
булутлар йўқ...
Заҳар тирноқли ваҳший бургутлар учмайди!
Шум товушли, қора қузғинлар-да битмишлар...
Ҳар томонда ҳақиқий гўзаллик — кўнгил
тортар кўрниш!
Қуёш кулимсирайди, эркалайди бизни...
Қушлар ёниқ ун билан нағма тўкадирлар,
Севинч порлайди. Шодлик тошади кирсиз
кўнгилларда!

Алам йўқ; ғам учиб кетган, ҳасрат-чи?

— Ундан-да узоқларда...

Шуълалардан боғча—

Вайронликлар ўрнида...

Нурдан гуллар — чаман, чаман...

Тиканлар ўрнида...

Ёғдудан бутоқлар қўйнида — олтин япроқлар
қучоғида сайрайман, мен эрк тонгини мақтайман — мен!
Унинг шаънига олқиш, унинг шарафига шеър сочаман,
дардли созимдан умид қўшиғин тўкаман — мен!..

Созимнинг жўшқин товуши алангали салом
бағишлайди, тонг учун —

Шу чоқларда.

Мен — яйрайман,

қувнайман,

тошаман — шуъла

япроқларнинг юмшоқ марҳаматли қучоқларида...

«Тонг йўқ, мангу — қора тун, мангу уйқу...»
маънисини сайрар эди — бойқушлар тунда! Қора,

қўрқинч туннинг энг совуқ қучоғида уйқусираб эшитар
эдим мен бу шум қўшиқни! Зулмат қаърида қўзғалолмас
эдим. Устимдан тоғлар босгандек; оёқларимда занжир-
лар бордек эди...

Гафлат асири эдим — мен. Атрофимда-да барча
уйқу билан тинч эди, турғун эди.

«Уйғотувчи йўқми — уйқу қулларини?

Қачонгача уйқу?»... Занжирлар узиб чиққан
ботирларнинг кенг кўкрагидан отилди шу ўтли сўзлар...

Борлиқ сесканди бу товушдан.

Зулмат қўшини бир қадам орқага чекилди —
шунда! Курашга ундади ботирлар бизни...

Кураш қонли оғир — даҳшатли эди. Миллионлаб
қурбон тилар эди — кураш шундай эса-да кураш, исён
тўлқин отди.

Мазлумлар кўнглида сақланган вулқон ўт сочди.
Атрофни ёнғин ўраб келган — саодатли дамда уйғониб
кетдим — мен.

Ўт қўйнига отилдим — шунда!

Шуъла тортиқ қилди — менга ёнғин, кураш йиғи-
ти, дейдилар мени!

Учқун сочдим, ўт қўйдим қаҳр ва ғазаб билан —
зулмат қувладим курашчилар сафида — мен!..

Эрк тонгги отди.

«Саодат иродасиз қулларга! Тутқун бандаларга
бахт!!»—

деди, ботирлар наъраси.

«Бахт меники,

Бизники тонгдаги порлоқ бахт!»— дедим —
мен! Бахт чечакларини тердик биз шунда!

Кимса бермади бизга бахтни, кимса саодат
бағишламади — бизга! Кураш армуғони — ўзгариш
ҳадяси — бу!..

Кўҳна, манҳус кеча гўрга тикилди,
битди!

Қузғунлар — ҳасад куйини сўйладилар —
шарақлаб... кулдилар...

«Яна тун тездан, ёнган тонг — бу!..» дедилар...
Уйқули, ҳиссиз гавдалар устида кайф билан уч-
моқни қўмсайди — қузғунлар! Совуқ, мудҳиш, қоқ бу-

тоқларнинг қучоғида тинч яшашни истайди — хазон қўшиқчилари...

Энди у даврлар йўқ!

Манҳус йиллар битди!..

Қоронғи кечалар ботди йўқлиққа!

Ботди — қоронғи кечалар, қора йиллар!.. чиндан отди тонг — мангу у!

Қуллар қутулган — қўлларида нурдан машъал!
Уйғоқ...

Тун тутқунлари — эркли кўнгилларида умид...

Порлоқ...

Эрк кулади ҳар ёқда,

Эрк бизники! Бахт бизники! Тонг қучоғида биз...

Ўт, алангадан боғча,—

Шуъла, ёғдулардан япроқ...

Эрк булоқларида қўниб сайрайман — мен!

Мунгли созимдан олқиш сочаман..

Оқ юрагимдан нағма-қўшиқ бағишлайман.—

Тонг шарафига!

Гуллар ётади —

Нурлар ёнади оқ йўлимда.

Порлаган гавҳар шамлар, машъаллар қўлимда!

Тошқин севги, жўшқин муҳаббат сақлайман у учун кўнглимда!..

Севаман уни...

Мақтайман гўзаллигини!..

Ҳақиқат курашининг битмас, туганмас чучук меваси — қуллар саодати, мазлумлар бахти — эрк тонгини...

ШУЪЛА

Сочма

Жаҳонни чулғаган қуюқ зулмат — оғир, фалокатли қанотларни судраб қочмоқда.

Олис тоғлар орқасидан ўт парчаси алангали чехрасини очмоқда, қучоқ-қучоқ ўт сочмоқда.

Уйқу қочмоқда!..

Уйғонмоқда сонсиз ғафлат тутқунлари!

Булутларда қизариш, қуллар кўнглида тошқин...

Шуъла найзалари — қоқ бутоқлардаги хазон куйчиларининг бағрига қадалади — ҳа!

Яшириндилар улар ҳам!

Булутлар қаърида аллақандай мудҳиш хаёлга чўмган улуғвор тоғлар, тоғларнинг гўзаллигини орттирувчи кумуш булоқлар, куз еллари олтин сепган увалар, кенг қулочли яйловлар, олтин қирлар — шуъла қучоғида...
Эрк тонгги — бу!

* * *

Зулматдан безган юраклар севинчга тўлди...

Кулди...

Ўт парча порлагандан порлаб, ёнади тиниқ кўк бегида!

Табиат умидлар, севинчларга ботади.

Жаҳон гўзаллиги яна ортади...

Яна қушлар олқиш сўйлайдилар сайраб...

Қалблар қайғудан озод... севинч тошади, инсон яйраб.

* * *

Мен — ғафлат қаҳрида титраганлардан...

Бойқушлардан таъна тинглаганлардан...

Оғир кулфатда инграганлардан!

Ғафлат қули эдим мен...

Очилди юмуқ кўзлар!
Кулди сўлгин юзлар...
Шодмен, кўплардек шодмен!
Тилимда — тонг шаънига, эрк ҳурматига шеър то-
шади.

Қалбимда — янги ҳаётга туганмас муҳаббат ошади...
Биз — шу ёруғ ҳаёт ошиғи!
Севмаймиз қора кечани! Соя-салқинга тоқат йўқ!..
Шуъла шафқат манбаидир! Ғамсиз, кадарсиз эрка-
ланаман, яйрайман кўплардек!

Борлиқ уйғоқ!
Табиат нур ичида.
Эрк, қутулиш тонгида, ёниқ шуълалар қўйнида, нур
қўйнида қолдим мен!

Ғамлар тарқоқ!
Мен уйғоқ!
Қалбимда тошқин...
Кўнглимда муҳаббат, умид!
Заҳмат чеккан танамни эркалатувчи қуёш бағрида,
шуъла қучоғида қолдим мен — кўплар қаторида...
Менга саодат, менга бахт, эрк шунда!..

Тошкент

БАХТ

Сочма

Эрмат бахтсиз отанинг бахтсиз ўғли эди.

Чин маъноси билан бахтсиз эди — улар. Хонин — қоронғи муҳит жабр-зулм тошларини отарди — булар устига.

Қул бўлиб туғилган, иродасиз махлуқ саналар эди — Эрматлар...

Мунг билан боқади — озгин бола. Кўз ёшларини қатор чизиб, ўксиз кўнглини эзиб боқади — онасининг сир яширган кўзларига — Эрмат.

— Она! Нега мени бахтсиз туғдинг? Нега бахтсиз туғдинг — мани?!

Нега ёруғ кун бермайлар — бизга?

Сўйла, гуноҳсиз онажоним, сўйла!

Онаси, мазлума онаси сиқилади, хўрланади, жавоб тополмайди — ёлғизининг сўроғига!

Уни юпатмоқчи бўлади.

— Инграма, ёлғизим, инграма!... Тақдир шундай, ёзмиш — шу! — дейди. Овутади ўксиз ўғлини...

Бахтсизлар!

Ҳақсиз ҳаётнинг қоронғи, золим қучоғида титрайди, эзиладир-да, «ёзмиш»дан зорланадир...

Тақдирга бўйсунадир.

Эрматнинг отаси ҳам шу «ваҳший» тақдирнинг тирноғида битди. У — кучли эди, — соғлом эди...

У — кетмон кўтарганда ер титрар эди, табиат сажда қилар эди, унга. Шундай ботир отасини олиб кетди — «ёзмиш!» ёввойи ёзмиш!..

Кун-тун тинмай меҳнат қилар эди! Меҳнат енгди, меҳнат тугатди — уни... Ҳзи учун ишламади-да! Меҳнатнинг меваси кимларнинг оғзига тушди...

«Вой, отажоним!» сўзларини қайталаб йиғлаганлари эсимда Эрматнинг... Тўлаган бойни қарғаб йиғлаган эди онаси шунда!

Бахтсизликлари, оғир кунлари яна бир қат ортган эди Эрматларнинг...

«Ёзмиш»ни душман ҳис эта бошлади Эрмат.

Онаси-чи?..

Ҳақиқий мусулмон. У шу дунёда кўрган азоб-уқубатлари бараварига «жаннатдан» ўрин сўрайди тангрисидан...

Кўкдан умиди бор бечоранинг...

Ғам билан қариди Эрматнинг севиқли онаси. яшар Эрмат турмуш қийноғида янчила бошлади. Юзлари сарғайди. Отасининг ёввойи қотили — Тўлаганининг эшигида «қул Эрмат» ҳисобида юрди.

Иш... оғир иш...

Тўйиб нон емайди, ёзилиб ўйнаёлмайди...

Тинчлик йўқ! Отасиз Эрматни барча ҳақорат қилади, тубанлайди...

Йиғлайди, хўрланади Эрмат. Онаси олдига келади-да, мунгли-мунгли тикилади.

— Нега бахтсиз туғдинг, она?..

Онаси ҳовлиқадир.. Юпатишга киришади.

Сиқилган кўнглини ёзадир онаси...

Эрмат, яна қайтади...

Қайтиб боради яна ўша заҳар тўла, ёт эшикка. Яна, ўша оғир меҳнат...

Азоб яна...

Ёлғиз Эрматми, дейсиз, эзилган...

Ёлғиз Эрматми бахтсиз!

Мингларча Эрматлар отасиз, саодатсиз.

Минглаб, минглаб эрксизлар ёлборади «тангрига!»

Бахт тилайди йўқ «тангри»дан...

Заҳар юракли мунофиқ кишилар роҳат қучоғида яшайди...

Ипаклар қучоғида кун санайди «хоним»лар...

Ишлайди, тер оқизади саноқсиз «қул»лар...

Тиним йўқ... тоғлардан йўл очади.

Денгизларга ғулғула солади, чўлларни гулла-
тади.

Ишлайди... Шундай бўлса ҳам эшиги ёпиқ.

Хонн Тўлаганларнинг болалари духобаларга
ўралиб, тулпорларга миниб ўтганда, оғир нафас олиб,
телмириб қолади — Эрматлар.

— Нега улар ғамсиз?.. Нега қувонишдан бош-
қани билмайдилар... Нега улар бахтли!

Онәси жавоб тополмайдир.

— Тангри ҳикмати, ўғлим, осийлик қилма!..

Топган сўзи шугина эди — мазлуманинг...

Йиллар ўтиб борадир...

Биров, «йўқдирсан а, тангри!» деганда, Эрмат
аччиғланган, имон келтирган эди... Узи ҳам ўйлай бош-
лади — йўқолсин бундай — мунофиқ тангри!

Нега — у барчани бирдек яратмайдир.

Ишонмайман, йўқ у!

Қайда у... бўлса?!

...Қон тўкиладир...

Инграшган товушлар ҳар томонда...

Мингларча азаматлар қурбон...

Қани «тангри»нгиз?!

Кўрмайдирми ҳақсизликни?.. Шунчалик раҳм-
сизми, шунчалик ҳиссизми «тангри»нгиз?!

Йўқсиллар тинч ётмас...

Йўқсиллар қўшини озодлик йўлида...

Қон денгизлари тошди яна!

Қурбонлар гавдасидан тоғлар пайдо; суяк тоғ-
лари пайдо бўлди яна чўлларда!..

«Қузғунлар» учади...

Даҳшат!..

Йўқ! чекилмайди кураш қўшини!..

Миллион-миллион у!

Зафар...

Чиниққан, ботир курашчилар кўнглида нур
тошди...

Пўлат билаклар, қора қўллар зафар байроғини
кўтарганда — кўҳна салтанат ўлим денгизига чўмди.

Олтин тахтлари, муҳташам тожлари, дабдабаси
билан — қонли қилич, ола байроғи тангриси билан бо-
тиб кетди.

Ана гўзаллик!
Ҳақиқат қуёшни порлайди,
Саодат байроғи кулади...

Эрмат англади, барчаси бирдек!
Тубанламайлар, эрксиз махлуқ санамайлар энди!
Ипаклар қўйнида ғамсиз ўсган Алилар, Тоҳир-
лар қайда?..

Қайда хоин Алилар?!

— Тупроқ қўйнида!.. Қолганлари бор бирмунча.
Улар ҳақсиз энди.

Ҳақи йўқ яшашга.

Эрмат хандон; кураш йигити!

Кундузлари темир мускулларини ҳаракатга
солиб, шўро заводида ишлайдир-да, кечалари илм уй-
ларига борадир. Илм чечакларини терадир. Емирик
ҳаётини тузатишда тиришадир...

Бахт эгаси бўлди.

Саодатли бўлди...

Севинади — тошади...

Ваҳший турмуш қийноғида қурбон бўлган мазлум
отасини эслайдир;

«Тангри-ёзмиши» қўрқусида жон берган мазлум
онасини ўйлайдир.

Шу йўлда, шу қайғида тугалган мингларча «ота»
ларни йўқлайди.

Порлаб турган қизил байроққа тикилади...

— Октябрь чечаги — байроқ!

Мунглиларнинг — сирдоши байроқ!

Сен — бахт тортиқ қилдинг — менга!

Сен саодат бағишладинг, менга!..

Абадий бахт меники!..

Порла, юксал байроқ...—

дейди ихтиёрсиз.

Бахт Эрматники! Чиндан у — бахтли!

Октябрь боласи — энди у!

Кураш аскарлари — у!

Бахт эгаси!..

Унинг кўнглида янги, кирсиз дард...

Бахт қуёшининг порлоқ чеҳрасини тўсқувчи «жал-
лод»лар курашида жон берса, яна бир дафъа чин бахт
эгаси ҳисоблайди ўзини Эрмат.

САККО ҲАМ ВАНЦЕТТИ МОТАМИДА

Сочма

Олтин хўжалари учун байрам...
Ваҳший жаллодлар учун чеки йўқ қувонч шу кунда...
Фаҳш уяларида шодумон шароб ичадилар шу кунда...
Алдоқ ва риё тўлиқ кўзларида масхара ва заҳарханда;
таъна тошлари ва таъна оташлари...

Маънисиз таъна тошлари...

Қўрқмас курашчилар, бахтсиз ботирлар! Ёввойиликнинг энг оғир бир зулми, ёвузликнинг жуда даҳшатли ҳақорати панжасида жон бердингиз...

Маслак қурбони бўлдингиз...

Озми шу йўлда қурбонларимиз, озми?!

Борлиқ тинч уйқудан безган ҳозир: шарқда, ғарбда, шимолда, ҳар ёқда миллионлаб кураш қўшини довул кутади...

Борлиқда ҳаёт куртак ёзган дамлардан то шу кунларгача кураш бор...

Қуллар, эркисизлар тинч ётмас!

Ваҳшат тирноғида сақланмас!

Зулм, зўрлик, тубанлик сўнгига етмайдими?

* * *

Қуллик панжасида —

Гўзал, кенг кун чиқишнинг юқори, иссиқ бағрида Хитой тупроғи; қадим Чин-Мочин... Улуғ, даҳшатли тўфон...

Зўрлик қучоғида —

Ҳинд ўлкасида миллион-миллион ҳақсиз, эркисиз қуллар...

Қудратли, шавкатли бўрон...

Остин-устун қилувчи бир куч!..

Шўро ўлкаси, эркин юрт, курашчилар юрти...
Ана Қизил Москва, жаҳонни уйғотган Москва.
Озодлик машъаласи унда.

Борлиққа инқилоб илдинини отади, шуълалар тар-
қатади бурчакларга у. Ҳақиқат йўлини кўрсатади маз-
лумларга инқилоб юраги Москва!

Тўлқин, тўфон...
Бирлик куч — бўрон!
Ўзгаринш-чи қудрат...
Бир йўлда барча...

Ўша бир тўда таловчи хўжаларни тупроққа қўша
ололмайдим, қудратимиз?

Ўша бир тўп чиркин вужудларни йўқликка тортиқ
этолмайдим, кучимиз?!

Фаҳш манбан — ҳашаматли саройларни зер-забар
этаолмайдим, азмишимиз?!

* * *

...Бахтсиз йигитлар, нима кўрдингиз борлиқда, нима?

Ҳақсизлик!

Ҳақорат!

Бошқа?!

Ҳеч...

Биламиз — сизни, ботирлар!

Эрк талаб этдингиз ёвузлардан заҳматкаш инсонга
тенг ҳаёт...

Шу тилакда, шу йўлда қурбонсиз.

Ёвузлардан мадад!! Афсона эмасми бу!

Мудҳиш, тил билан айтиб бўлмаслик ҳақорат...

Қўрқинч бир ўлим тортиқ қилди сизга!

* * *

Қаҳр тошган чоқ...

Йўлларни қонга бўяб, қурбонлар бериб, олға!

Номус, эрк учун, янги дунё қуриш учун...

Кураш!

Борлиқ: Мағриб, машриқ, жануб, шимол — барча
бир тилакда, бир йўлда...

Тенг ҳаёт орзуси!

* * *

Номус билан кетди эр йигитлар, биз шулар йўлида...
Юракда қон тўлқини, чидам йўқ!
Қизил Москва йўлчи!
Қон-қурбон, майли!
Бир сўз, виждон, сўзи:
Кураш!
Ишонч, чидам билан кураш!
Ҳақиқат кураши, сўнгги кураш бу!
Кураш қўшини олға!
Биз барча шу йўлда...

Тошкент

ҚИШЛОҚ КҰРИНИШЛАРИ

Сочма

Қуёш эрка қиздек кулиб, зар кокилларин тарқатиб юз очганда — меҳнат кишиларни қир бағридан, яшил ува кўкрагидан топасиз.

Оқ либос ёпинган, кумуш ҳарир кийган қари, юксак тоғлар қўпол бўйинларини чўзиб, қўрқинч афти-ла узоқдан ҳўмрайиб туради.

Қуёш кўк юзига кўтарилиб, қизғин найзаларини санчаркан, тоғлар чидолмасданми, билмам, тўлғонадир, ёшлар соча бошлайдир.

Тоғ кўзларидан қайнаб отилган чашмаларнинг ялтироқ сувлари маржон тошларни судрай-судрай оқадир; қулоққа бир нарсалар шивирлаб, экин бўйларидан чопадир.

Юмшоқ шабада эса, нариги увадаги қуёшга қараб силкиниб турган буғдойлар, кузликлар ёнида ишлаб ётган эркин қиздан эркин йигит Собирга «салом...» келтиргандай, юзларга аста-аста урилиб, сийпалаб яна ўз йўлига бурилиб кетадир.

Бир-бирига ёношқон паст ва кичик бинолар орасида йиқиқлари ҳам ғамли-ғамли чалинадир кўзга, буларнинг емирик кўксида яқиндагина қузғунлар сайрар, бойқушлар инграр эди... Кўклам келиши биланоқ қайгадир учдилар-да, кетдилар — мангу!

Келмаслар энди!..

Тўп-тўп — кўкарган боқчалар жилваланадир узоқдан... Шуларнинг кўм-кўк, зумрад янглиғ бутуқларида ёз қушлари севинч нағмасин наво қиларкан, унинг остида, кўланкасида кўринган экинчи Бобо Турсун яна кетмонини қаттиқ чопадир — терларини оқизадир, яна қора ер бағрини тилкалайдир — тинмасдан, тикан ўсган, ўт босган кўримсиз ер устини гулбоғчага айлантира-

дир, гавҳарлар ундирадир. Шу қариган Турсун чол ердан.

Қишлоқ ҳаёти ўзгача.

Ел юзингни ўпиб, қуёш қош қоқиб саломлайдир эрталаб.

Чашмалар қулоққа эртақлар сўйлайдир шунда!

Кетмон кўтарган кучли, қора билаклар меҳнат билан жаннатлар яратадир — ўша кенгликда.

Гуноҳсиз боқишли — соф юрак арслон йигитлар табиатни бўйсундирадир ўзларига! Сирларини очиб, қўйинларини ёрадир олтин қирларнинг!..

Бир четдан қараган ҳар қандай кўз эркисизча қайтадан термиладир, суқланадир шу кўринишларга! Тўлқин қўзғаладир юракда...

Оғзидан:

«Аҳ сен, иш қаҳрамонлари!

Шухрат, ҳур ишга!

Қизгин ҳурмат, олқиш сизга юракдан!..»

Маъносида бир жумланинг узилиб учишини сезмай қоладир шу чоқда ўзи!..

ҚОН САҲИФАСИ

(26 ларга атадим)

Сочма

Нега қучоғингда бу кун тошқин куч олди, Ҳазар?
Нега шу даҳшат, шу кучдан қўрқмасдан бағрингда шум-
ли бир кема кезар? Сўйла, табиий куч, ўлимлар, даҳшат-
лар гувоҳи — теран сув.

— Йўл берма, сен — буюк денгиз! У ёвузлар кема-
си-ку.

У кемада ўзгаришчи болаларнинг боғланганини бил-
мадингми?

Ҳей, тўлқинлар-тўлқинлар! — бу даҳшатни туймадинг-
ми?!

Ҳазар, Ҳазар!

Сезмайсанми болаларингни боғлаган бир кема қу-
чоғингда кезар?

Ҳей, тўлқинлар! — қарши кўкрак очмайсизми?
Қирғоқларга отмайсизми?..

Ҳазар!..

* * *

Фақат қон тўкишмидир сенинг шонли адолатинг, қари
Британия... фақат, шумидир?..

Қонлар-ла қизарди қора қумлар ҳам...

Қонларга йиқилди тутқунлар ҳам...

Оҳ, у кунги даҳшат...

Тиндим, босилдим шу билан қора юракдаги кин?..

Қумлар, сўйла! У кундаги мотамдан, қайғудан, қон-
дан сўйла!

Қумлар, сўйла! У чоқдаги ҳасратдан, юракларга,
гулдиракдек титроқ солган товушдан, Шаумяндан сўйла!

Қуёш кулиб боққанда, қумлар шуъла чечак таққан-
да, қуёшли келажакка йўл бошлаган ботирлар тонг қу-

чоғида, қон орасида қолдими? Шаумяннинг қалбидан отилган ўтли сўзлар тонг қалбидан ўрин олдими?..

* * *

Улар ўлиб кетди... кураш олиб кетди...

Фақат кураш тарихида мотам саҳифаси очган бу ваҳшат қалблардан учармиди?

Қонхўр Британия яна қаҳқаҳа урмоқда... Бироқ айтинг! — бу, исённи босар эдими! Бу қон, ваҳшат тошқинни тўсар эдими?!..

Темир қонунни буза олармиди, тарихни қайтадан бўяб туза олармиди? — Бу, ҳақорат, айтинг, қайнаган, тўлган, тошган ўт тўфонини боса олармиди?!

Боку

ТИЛСИЗ ТОШЛАРДАН...

*(Ушда босмачиларга қарши курашган бир
ботир хотираси)*

Сочма

Уш...

Утмишга гувоҳ у!

* * *

Сўранг!

Шу кичкина Ушдан, унинг ўйноқи наҳрларидан, кўм-кўк кўкатларга бой ёнбағирларидан, қалин арча ўрмонларидан, ёйиқларидан сўранг...қандай тез ва аниқ сўйлаб берар экан Уш...

Қонли тарих сирларини сақлаб қолган қоқ ёғочлар, бузуқ йўллар, кенг увалар, ниҳоят шу тилсиз тошлардан сўранг-чи... қандай тўғри ва маъноли дostonлар айтар...

...У билади, мен ҳам ҳамон эслайман, қоронғи тун, кўкда юлдуз, ерда чироқ йўқ. Тун чинакам, қоронғи. Шамол гувиллайди, тинчликни қувлайди. Узоқлардан ёввойи ҳайвонларнинг товушлари келгандай... Биз Чашмайи ғози силсиласининг совуқ бағрида, «ов» интизоридан... Шу йўлдан, шу сўқмоқдан «бек»лар ўтажак, одам айиқлар, ёввойилар ўтажак...

Биз интизорда...

Уш тоғлари, қўрқинч жарлари, жилғалари, адирлари — барчаси бизга кўпдан ошна. Бу ерларда кўп тунлар қолдик. Бу ерларда анча ғалаба олдик. Қонлар тўқдик шу тоғлар орасида, отлар чопдик шу тошлар кўксида.

* * *

— Жим!
— Огоҳ!

Командирнинг товуши келди. Бешотарларни қўлга олдик. Мағрур таланчилар тоғларни кўтариб, қўшиқ айтиб ўтади.

Пастда —

Текисликда қишлоқлар ёнади. Саноқсиз меҳнат кишилари бир парча нонга зор, оч. Юқорида бўлса, тоғлар қучоғида ғамсиз бир тўда ўғри тоғларни кўтариб қўшиқ айтади.

— Ут очинг!

Командир товуши тошларга урилиб, акс берди. Жанг.

Отишма гумбури фазоларда қанот керди.

Қўлга тушди!

Маст, мағрур йигитлар қўлга тушди... Уликлар тўлди қора тошлар устида. Кимлардир оқ чекади. Кимлардир инграб-инграб тинади...

Тун қоронғу, шамол ғувлайди, тинчликни қувлайди. Таниб бўлмайди киши кишини. Мағрур йўлбосарлардан битта ҳам қолмади шу тунда. Биз тагин тоғлар хўжаси бўлдик.

Тонг отди. Кўк очиқ, ел қонли байроқни ҳилпиратиб ўйнатди. Орқага, таланган қишлоққа қараб йўл солдик...

Қолди итлар ўлиги... Курашчиларнинг қонлари ҳам қолди. Тошлар қизил бир тус олди...

— Унутилмас, фақат...

Биз шундай тинимсиз, уйқусиз қилич ўйнатдик кураш кунларида... қонлар кечиб от чопдик чўлларда...

Тунларда тоғлар орасида жанг қилдик, зафар олдик. У кунлар тоғларга қон билан битилган, жаҳон билади...

Сўранг!

Сўранг, сиз туйғусиз чўллар, саҳролардан, қизариб оққан ўйноқи сувлардан, тоғлардан.

Сўнгра, сиз Уш силсилаларидан, оқ либосли шоҳиқалардан, ниҳоят тилсиз тошлардан сўранг.

Достонлар сўйлаяжак:

Қон билан ёзилган, суяк билан битилгандир...

Қон тамғаси тилсиз гувоҳ, чаноқлар жонсиз шоҳид. Айтиб, сўйлаб берадир шу қора тошлар ҳам...

Сўранг!

Қонга бўялган тилсиз, туйғусиз, ваҳший тошлардан...

АНА, БОҒЛАР

Тутқун дўстим, гўзал Қамар, турдингми?
Озод турмуш қучоғида юрдингми?
Сочларингни тўлқинлатиб ўрдингми?
Эркин эллар парвозини кўрдингми?

Ана, боғлар... ана, гулзор, хиёбон,
Ана, ҳаёт япроқ ёзган биёбон.
Кулиб турган шу ҳаётдан ҳақинг ол.
Сен ҳам инсон, сен ҳам инсон, сен инсон!

Қора тарих қонунлари ёнди, қиз!
Қора турмуш дўзахлари сўнди, қиз!
Юракларинг титрамасин барг янглиғ,
Ёз қушлари бутоқларга қўнди, қиз...

Тутқун дўстим, гўзал Қамар, турдингми?
Сочларингни ювиб-тараб, ўрдингми?
Озод эллар юксалишин кўрдингми?
Ана, боғлар...
Уйнаб-кулиб юрдингми?..

ЕН!

(Чўнтак дафтаримдан)

Сочма

Қизил майдон...

Колонналар тўлиб-тошади, байроқлар баҳор на-
сими билан ўйнашади, юраклар ошқиниб-ошқиниб
уради...

Урмасинми?

Кечагина кир пардалар орасидаги чўрилар байроқ-
лар томошасида табассум этса...

Кечагина тилсиз деворлар қучоғида инграган қора
кўзлар бахт куйини куйлаб ўтса...

Юраклар ошқиниб-ошқиниб, қувониб урмасинми?

Юракларда севинч туғён қурмасинми?!

...Товушлар кўкларни янгатди, атрофга бир қўр-
қув — бир сурур отди... минбарда: чиниққан — кураш
ўтида пишган ботир большевик сўзлади, узоқ сўзлади
у... гўё ўт-ёлқин сочиб, олисларни кўзлади...

Кўз олдида денгиз тўлқинидай меҳнаткаш халқни
кўрди у, шу миллионлар кўкрагидан чиқиб, ҳаво ян-
ратган кураш қўшиқларини тинглаб, завқ сурди. То-
шиб-қайнаб, қувониб кетди. Шу чоқда шу тўлқинлар то-
мошасида, шу қайнашлар сўнгида узоқ, шонли кела-
жакни тасаввур этди:

«Ана келажак, ёруғ келажак! Барча бирдай;
чўрилар йўқ, барча тенг, ана!..» Кўзларида, юзларида
нур кезиб кулди. Ботир большевик, қайнаб, қўл силтаб
самимият сочди, учқун — ўт очди...

Ўт ўзи!

Майдон; кенг майдон борган сари қизил байроқлар-
ни қабул этарди, янги дунё оналарига қучоғидан жой
кўрсатарди...

Ҳаёт...

Ҳаёт мақтангандай, ҳаёт ёнгандай, табиат кулгандай...

Қуёш нимадандир хижил бўлиб қочгандай, булутлар орасида ял этади, насим эса байроқларни тинмай ўйнатади...

Бирдан... бурчакларда олов...

— Олов!

Паранжилар ёнмоқда, турмушнинг аччиқ, заҳар кунларига чидам берган оналар паранжиларини ўтга ташлаб, юз очиб, кулган байроқларга қараб, қонмоқда...

Бурчаклардаги аланга борган сайин ўч ва ғазаб билан паранжиларни қучади, куллар кўтарилиб, тутунлар учади...

Майдон кўк тутун билан тўлди...

Кимларнингдир қалби сўлди...

Ён!

Ён!

Ён, сен юз йилларнинг қолдиргани — ён!

Ўт олсин!

Чириган қонунларни ўт олсин!..

Ҳақ олсин!

Қувонсин, булар ҳам эрк олсин!

Аталсин! — йиғлаган, инграган чўрилар — эрк қизи, иш онаси аталсин!..

Ён, сен эй йилларнинг увадаси!

Ён, сен эй кир парда...

Гулласин...

Ўтмасин гул ёшлик, ёш дамлар қоронғу туманлар ичида — чексиз дардларда...

Ён!

Ён!

Ён!

Тошкент

ЭДИЛ КУЛГАНДА

Сочма

Эдил оқади.

Қирғоқларда яшил ўрмонлар Эдил ойнасига боқади. Сув ойнасида ўзларини кўргач, яшил япроқлар бири-бирига сир очади, бир-бирини ўпиб қучади... Ел эса узоқлардан келиб, ўйнайди, учади. Сочларни долғалантириб, тагин қочади...

Мингларча майин долғалар, қўрқувсиз тўлқинчалар ила оқиб ётган сувга қуёш олтин сочлар армуғон этди, Эдил сийнасида мингларча олтин сочлар, ўт чизиқларининг ўйини бошланиб кетди...

Сувни иккига айириб бораётган кеманинг ҳайқириғи ҳавони тилади. Юраклар ошиқади, талпинади, юраклардаги ғаш ўрнига енгил истаклар тўлади...

Кўзлар кулган қирғоқлар сайрида кулади... Мингларча олтин тўлқинлар билан товушсиз Эдил ҳам мамнун-мамнун кулади...

— Эдил кулади!

...Узоқлар йўлчисидан хабаринг борми, ҳей кураш дарёси! Айт, шу чоқда: оқ ўрдулар, оқ тўлқинларингга мазлумлар қонини қўшганда, сендан рухсатсиз кўкрагингга ҳаром оёқларини босганда... жим қолдингми?

Ҳайқириб, тошмадингми? Босмадингми? Тўсмадингми? Ҳануз сақланадими йиллар сири яшил ўрмонларинг қучоғида? Чечакли кунлар учун кураш очганми бу қирғоқларда?

Айт, барчасини сўйла, чечаклар ўсган қирғоқдаги турмуш куйларини куйла. Ҳей қонли йилларнинг тилсиз тарихи — қорамтир сув... эрк элларининг эрка дарёси — Эдил...

Сўйла!

Тўлқинлар ўйноқ...

Тўлқинлар уйғоқ!

Эдил тўлқинлар отиб оқади. Ўрмонлар Эдил ойнаси-га кулиб боқади. Оҳ, сўнгсиз бағрида олтин чечаклар очилган қора сувга қарасангиз, сўрасангиз! Эдил сизни эркалагандай ўйнатади. Сўйламай, нетмай оқади. Гўё, вақтим йўқ, йўлим узоқ — ўзинг бил, дегандай, бизнинг узоқлар йўлчиси эканимизни билмагандай...

Қирғоқда яшил ўрмонлар бири бирини қучиб туради. Яшил қирғоқлар, қишлоқлар сайри юракларда севинч қуради.

Эдил кўпиклар сочиб, қучоқ очиб, нур ичида кулади...

Эдил кулади!

Эдил

МУНГ

Сочма

Сув тонгги...

Завқ, тасалли, мунг сочгувчи ол тонг...

Ўрмонларнинг орасидан, булутларнинг орқасидан табассумга тўлган тонг келини юз очади...

Олтин остона, мрамар поғоналардан юриб келмоқда у келин. Ҳаётга ҳаёт, севинчга севинч қўшмаслиги мумкинмиди?..

Нега у, аста-аста юрар экан, нега ўт ёнган кулча юзидан тўкилган қизилликлар бурчакларга югурар экан: ана улар, менинг кечани уйқусиз ўтказганим қора сув қучоғига келиб тушаётипти. Ана долгаларни қучаётипти...

Сўнгсиз тунларнинг хаёли юракка қўрқув солган дамларда, хаёл борлигини қуршаб олган дамларда — тонг отгани ва кўланкалар ботгани қандоқ соз!

* * *

...Тун қора, салқин қора рўмолларда ҳарён ўроғлик, қора тўлқинлар кемага келиб, қаҳр сочади. Гоҳ кўтариб ташлаб, гоҳ аллалашга қучоқ очади... мен оёқ остимда талпиниб ётган қора тўлқинларни кўраман, кечанинг қоралигини унутгандай, узоқ-узоқ қараб тураман...

Жинни тўлқинлар, телба тўлқинлар... Қатор тепалардай, бир-бирини босиб келадилар-да, кема қиррасига урилиб, алланарсалар дегандай қочадилар, яна келадилар, яна ўша қарғиш... яна қочиш...

Кучсиз, босиб ўтолмагандан, кучсизлигидан хижолат бўлади чоғи. Талпинади, қанот қоқади, фақат учиш қайда?..

Қалбимда на севинч, на кадар... тўлқинлардан кўз олиб, қирғоқларга қарайман: қирғоқлар узоқда... Йўқ, ана, кундуз туркум-туркум кўринган қора ўрмонлар шекилли у...

Қора тўлқинлар, қора ўрмонлар... хаёлларим-чи? Қора кечаларда ёруғ хаёллар қанот ёзиб қочадиларми?

Хаёл интиҳоси бўлмайдими ё?

Шу ўтиб кетган йўллар, поёнсиз чўллар, қумлоқларга боғлиқми хаёлим? Қум босиб ётган чўллар ўртасида, қум босган чўл...

Шуми сув кўкрагида мени қучган мунг?!

Шуми, менинг сўнгсиз мунгим?.. Уйқудан ажратган, тўлқинларга қаратган шуми?..

Мана мен юксакда... Юксалолмай қолган тўлқинларни кўрдим, шу тўлқинларга ўхшаб юксалолмай қолган қумтепаларига шу тўлқинлар борса-чи... қум ўлкасининг қайғусини сўраса-чи. Не завқ бор экан бу қадар чекланиб ётишда... тўлқинлар тўлқинларни қўлласа не бўлар?

— Чўл кулар, сахро кулар!..

Сўйланг, ҳей қирғоқларга ҳусн бўлиб, гуркираган қуюқ ўрмонлар!

Сўйланг, ҳей сувнинг теран қучоғида титраган олмос парчалар, олтин чечаклар... томчи-томчи қонлар!..

* * *

Мунг!

Мени қуршаб, қучиб олган мунг...

Кет, узоқлаш, йироқлаш!..

Тоғ ош, чўл ош...

Марҳабо, ҳей тонг!

Биламан: энгил дардларим қоронғиликдай қочади, истақларим худди сендай ёруғ юз очади...

Тасалли ахтариб келган эдим чўлларни кезиб, қуч мени.

Зарварақларингни оч кўзларим олдида...

Оча кўр, севинчим тимсоли — қуёшим менинг...

Оча кўр...

Ҳа, мен тўлқинлардай ҳовлиқай, кўпирай, тошай,
яшай!

Мен талпинай, қумликларда ёруғ ва яшил оламлар
очай, учай!

Сен бўлса, мунг — қоч, кет...

Йироқлаш!

узоқлаш...

Эдил

КУРАШ

Қўрқоқларга бахт қаёқда дунёда?

Сен қайсидан,
Суясанми тўлқинни,
Истайсанми, аллаласин сув тоғлар...
Билсайдинг, оҳ! На саодат шу чоғлар...
Сўйла, йигит! Ўргандингми оқинни?

Тоғ тўлқинлар қўзғалганда...
Довул қўлга мудҳиш чолғу олганда...
Сукут излаб йиғладингми, чинданми?
Сўйла, қалбинг зарра ҳаёт туйганми,
Денгиз усти тоғ тўлқинлар тўлганда?
Денгиз куйлар,
Куйла, сен ҳам куйла кураш куйини.
Ўпқонга туш, тўлқинни бос:
Ос!—
Фалаба туғини...
Доғда қолсин,
Сўнг мақтайди сенинг юрак чўфингни...

Денгиз ўйнар...
Завқ, сафо ўйнашларида.
Кучсиз эсанг, қаҳр ўсар қайнашларида...
Олиш,

Қувиш,
Тўлқиндан ўз,
Кураш —
Ўзи шу!

Саодатлар бағишловчи қуёш...

Қўзим, шу!

Тўлқинлардан хавфнок бўлсанг бахт қайда?

ЧУЛ

Эсдалик дафтаримдан

Ана чўл: ҳар томон қум,
Тош эрийди гўё мум.
Ялпоқ, ясси тепалар,
Ётади туркум-туркум...
Кенг дала — ҳар томон қум!

Кўролмадим учар қуш,
На садо, на бир товуш...
Адашиб қолсам агар,
Неткум ташна ва беҳуш?
Кўролмадим учар қуш.

Сув бўлса-чи, кошки сув!
Битарди жимлик, уйқу...
Йўқликка қочар эди
Йиллардан қолган қайғу...
Сув бўлса-чи, оҳ, сув, сув!..

Чўл ана, қум ҳар ёғи,
Бу ерлар дўзах чоғи...
На қуш, на товуш.... ётар
Туркум-туркум қум тоғи,
Чўл,
жим...

тош, қум ҳар ёғи.

Туркистон

ОЙНИСА

Сочма

Ешлиги эсида.

Қайғусиз ўйнар эди шу оқар дарё бўйларида... Юзлари очиқ, кўзлари ўйсиз, эркин-эркин яйрар эди шу яшил дўнгларда...

Баҳосиз ёшлик чоғи эсида.

Ёшлик ўтди. Бўйи етди. Қир одат уни зиндондек ҳовлига солди. У чиқолмайдиган, қувнолмайдиган Ойниса бўлиб қолди.

* * *

Отаси даладан қайтади-ю, хўкиз ҳайдаб яна кетади
Бувиси қари, сочлари оқ, юзларида ажин, тасбеҳ
ўгириб куни ўтади...

Қиз...

— Қиз — дард билан йўлдош, оталарнинг гўё бағри-тош?

Гўё қиз инсон боласи эмасу ичкари учун яратилган буюм.

Тош!

Бу, олчоқ қонунларнинг қалби қора бир тош...

* * *

Тирқишлардан қараб қолиш одат бўлди, юраги армонлар-ла тўлди...

Очиқ юзли қизлар ўтади; чақчақлашиб ўтади, қора сочлари елларда елпираб ўтади. Тоғ еллари эрка қизларнинг кулар юзларидан ўпиб-ўпиб кетади.

Ойниса — ўзи ўсган гўзал тоғларда, ошно қирғоқларда очилиб юролмаса, эрка қизлардек тоғ янгротиб кулолмаса...

Армон эмасми бу?

Хўрлик эмасми бу?

* * *

...Тоғ бошини оқ булутлар қучди. Салқин еллар гўё қанот боғлаб учди. Хув дарё бўйида икки байроқ мавж уради. Бири қишлоқ шўроси, бири мактаб биносида: худди ўтдек ёнади. Елда аста-аста тўлқинланади...

Қиз қалбида ҳам тўлқин уйғонади унга қараб турганда, қалб ошиқиб-ошиқиб тўлғанади...

Завқ — умид топади қарашдан қиз. Эрк, бахт жилваси бор шу қирмизи тўлқинда. Байроқ томошасида узоқ қолади.

Тоғларга табассум сочган қуёшнинг олтин шафақлари сувларда чўмиб ўйнайди. Узоқ-узоқларда, қуёш ботар ёқларда қонли булутлар, ўтлар тўлқини кўкни қизартиб, қорайди...

— Ой... сааа, Ойса... юввв.

Бувисининг бўғиқ товуши қайта-қайта янграса ҳам, тирқишдан қарайди боёқиш. Қарагиси келади; ана у бинода шаҳардан келган эркин қизлар, эрка ўғлонлар борлигини Ойниса билади...

Ойниса ҳам шу даврага аниқ келади...

Шоҳимардон

СУВ ЁҚАЛАБ...

Сочма

Сув ёқалаб келиб қолганим бу чечаклар уваси шунчалар гўзал, дўстим! Бир ёғи: бағри арча ўрмонлари-ла тўла буюк тоғлар, бир ёғида ўлим даҳшатин сўйлаб тургувчи учуримлар, қоялар. Яшил дўнглар!.. Баланд жардан қараб турсанг, чуқурликда дарё. Ён-беримда райҳонлар, ялпизлар, гуллар... Аста-секин куйлаб, ошиқиб оққан кумуш ирмоқ шалолача бўлиб дарёга қуяди, табассумкор қуёш — япроқлар, тўлқинларни қучиб суяди...

Дўнгларда, сайҳонларда кўклам гуллар очмиш-да, қушлар маст-аласт ўқийдилар. Ялтироқ харсанглар қалин яшилликлар, сунбуллар, япроқлар қучоғида ғарқ. Оҳ, шу тошларга ёнбошлаб табиатнинг бу гуноҳсиз, қанотли шоирларининг юрак наволарига қулоқ солсанг, ўйласанг... юракка қувват, севинч, мадор тўкади холос бу ёз чоқларида... Чексиз бир завқ қонларга қўшилиб ўйнар каби...

Бу...

Бу нақадар софлик, ёруғлик!.. На ярашиқли яшиллик бу? Нақадар юксалган гўзаллик бу ҳей, табиат!

Ботиб бораётган қуёшнинг олтин шуъласи рақсга тушади. Тоғ қушлари, қайгадир, уюр-уюр учади. Кечки салқин ҳаво танни бутун ўраб қучади. Ҳамон кўз ола олмайман бу гўзалликлардан...

Шоҳимардон

ТОҒ ЭРТАСИ

Сочма

Тоғ эртаси севинч саҳнасини очиб, эртанинг шеърли созини чалди, гуллар иси билан эсган еллари, кўпирган сойлари билан қарши олди...

Ҳар эрта қуёш кулар пайти — сой бўйлаб кетаман, уйдаи-уйдай тошларнинг бири кўкрагида тонгни сайр этаман. Худди мен кўз очган, қуёш юз очган чоқда, телба сой яна бировни қаршилаб олади. Том самимият билан қаршилагандай уни сой...

Бошида желаги¹ бор, қўлида малаги бор, ошна сойнинг таниш тўлқинларига кўп қарамайди. Қўшиқчи, ҳайқирган сойдан ҳол сўрамайди. Ошна кўпикларнинг ўйинини, жўшишини сайр этмайди-да, ошиқиб кетади... сув олади-да, тоғдаги қатлам-қатлам кулбаларга қараб ошиб кетади...

Тўлқинлар малул, ҳайрон, саросима қолади...

Тўлқинлар хафа бўлади... Мен ҳам тош устида тош, у гўё тонг эртадан тош кўксини ўрин қилган — ўйчан бир болани кўрмагандай... тоғ эрталарида ёлғиз, уйғоқ... тоғ тонглариини ёлғиз угина суя олади гўё...

Оқ эрта ҳар кун иккимизни қаршилайди — уни эса том ҳурмат билан, мени-чи? Улкан қора тошларгина қаршилагандай... сойнинг бу томонида тўлқинлар сўзига қулоқ солиб қоламан, у, елак қучоғида, қонун тузоғида сув олиб кетади; тонгдаги тоза табиатни, кулаётган ҳаётни ғамнок этади, сой саросима бўлади, ҳайрон қолади...

¹ Англатиш: м а л а к — сопол кўза: ж е л а к — паранжи ўрнига бошга солинадиган енгил камзул.

ҚОНЛАР...

Сочма

Оқ тонгларнинг сўлим боғларида олтин чечаклар тердим...

Еллардан на у ён, на бу ён дарак йўлламадим, қаршимдаги қонли қоялар ҳикоясини тарқатишга буйруқ бердим.

Қонли қоялар...

Оппоқ ойдин тунларда кўз солсанг, шу қадар баҳайбат!.. Оғир мунг, фиғон жимиб ётади, юракда машъум бир туйғу уйғотади...

Шу тонгнинг тоза бир дамида мен унга қараб югурдим ва тонгдан бир дам юз ўгирдим.

Эй, кўзларим...

Тўхтаб қолдим, бирдан қаршимда очилган машъум варақлар, қонли дўнглар олдида туриб қолдим...

Шум мозий —

Юракларимга титроқ солди.

Қим билади, кимлар қони чечак отганини, кимлар суяги тўпланиб ётганини?..

Қора кунлар эсдалиги бўлиб қолган шу дўнглар, теранликлар, тикка тошларни тарихнинг фахри деб ким ўйлайди? Ким мадҳ сўйлайди бу ваҳшат қаршисида?

Қонларнинг, у қоронғу замонларнинг бир парчаси муайян бу!..

Исённи босгандир-да.

Тоғларнинг саноқсиз арслонларини — суюкли ўғлонларини тутиб осгандир-да... Қаршисида қолганим шу қоя орқасидаги унгурлар, дўнглар сирли бир қўзғалишнинг қамали бўлгандир, қабри бўлгандир.

Гумон эмас...

Ёлғон эмас!..

Оғир, оғир мунг. Не-не селлар оқиб ўтса-да, не-не еллар эсиб ўтса-да, қон ранги ҳануз туради... қалбда қайғу, мунг туғдиради... Менга куч берган тоғ тонгларнинг бу кунги кўркига, бу кунги нафосатига тағин қайрилиб қарадим. Тағин қонли қирлар узра кезган хаёлим-ла қонли қирлардан сўз сўрадим.

— Тонглар...

— Қонлар...

— Биласизми? Тонгларнинг отишида қон бор, тонгларнинг отишида қизиллик устивор. Бу қонлар сўнгида — ўлимлар, қурбонлар сўнгида отадиган ёруғлик тимсолидир, бу тамғадир! Бу гўзал тонгларда ёғду булоқларига қўшилиб ерга ёғадир...

Бу қурбонларнинг, қўзғолонларнинг нишонидир, арслонларнинг, эсар — алп, жасур ўғлонларнинг қонидир!..

Хайҳот...

Қоя қаршисида, товушларга қулоқ солсангиз, қон товушларини туя олсангиз... ҳақиқатан кураш тарихи, қонли дostonнинг бир саҳифаси бу қоя!.. Узоқларга кўмилган мотамларнинг тоғлардаги кўлкаси бу қоя!..

Қонлардан яралган шу тонгнинг нур боқчасидан чечак тўпладим. Еллар етагида қўналғамга отландим...

Қуёш рўпарасида туриб:—«тонглар бизники!»— деб кўкрак кердим... Сочларимга тўлқин берган еллардан кимсага салом йўлламадим. Бу ерларнинг гўзалликларидан, олтин кечалари — оқ кунларидан сўраганларга машъум қон, қонлар бағишлаган бахтли замон ҳикоясини, кураш қонунини сочиб юр, тарқатиб юр, деб буйруқ бердим.

* * *

...Биласизми?—

Қон бор тонгларнинг отишида!

Шоҳимардон

ҚИЗ ҚАБРИДА

Сочма

Қуёшли кунларни кўролмасдан кетибсан-да.
Қошки тирик бўлсанг сен ҳам.

* * *

...Биласизми?

Мен уни суйдим. Тоза қалбимнинг энг чуқур ўрнида, энг тоза бурчагида сақлаб, ҳаётни суйганимдай суйдим. Дадиллиги, чеварлиги, шўхлиги ва қора шахло кўзларини суйдим.

Қураш чўлларига жўнаган чоғимда йиғисиз қолди.— «Бор, суюклим. Унутма мени...» деб қолди. Унутмадим. Унутолмадим, ўзга хаёлларда ёнмадим. Қирлар ошдим, сувлар кечдим.

Қора булутли куз тунларида салқин томчилар енголмадилар мени. Қоронғи совуқ қишлар йиқолмадилар мени. Кучли довуллар учиролмадилар мени... тўлқинларни эзиб, тўсиқларни бузиб қайтдим, енгиб қайтдим...

Фақат, қани у?

* * *

Йиғлоқи эмас эдим, мен йиғламадим, йиғлай олмадим, севгиси юрагимда сақланган қора сочли иш қизининг қабрига гулчамбар боғлаб қўйдим. Утганни ўйладим бир оз. Чинорларга қарадим.

Чинорлар менга қараб:

— Арслон! Чечакли ой келди. Сенинг чечагинг қайғуда сарғайиб, сен келганча, қора ерга жой бўлди,— дегандай.

Не, ҳақиқатларни сўйлади Чинорлар...
Йиғлоқи эмас эдим мен, йиғламадим, йиғлай олма-
дим. Фақат шу сўз кўнглимдан ўтди:
— Оҳ, қуёшли кунлару, серчечак шу ҳаётда у ҳам
бўлса...
Кулар эди чечакдай, очилиб-очилиб!..
Суюклим, дўстим — мингларнинг бири...

ЧЕЧАКЛАР

(Қизил майдонда)

Сочма

Чечаклар...

Чечаклар ўсган қабрлар олдида тўхтадим.

Сўлмас, сўнмас маънолар сочиб кетган улуғларни
йўқладим...

* * *

Эй... чечакли қабр!

Эй, ер юзини илк бор оғир бир талпинишга қўйган
сағана!

Қабрлар!

Оти қуёшдай порлаб қолган доҳийлар!..

Кун чиқар ёғидан..

Сочган маъноларинг суғорган, улуғ иш ёруғида
оқарган ҳаёт боғидан келдим.

Шавкатли шаҳарнинг юраги — Қизил Майдон!

Салом бўлсин, эй Кремль бағридаги чечаклар ўсган
қабр!..

Кун чиқарда...

У йилларнинг оғир уйқуси босган кун чиқарда...

У, қуёшлар, тонглар юрти, гўзалликлар ўлкаси, саҳ-
ролар қучоғи — кун чиқарнинг бир парчасида тонг чи-
накам отди.

Қонга сингган, ўйга аралашган туйғу — оғир хаёл
бурдаланган занжирларга қўшилиб, ботди!..

Уйғоқ, қумлар саҳроси, қушлар ўлкаси — уйғоқ...

Талпинади... Узоқ кунчиқар ҳаёт истаб қанотларини
қафасга уради.

— Ҳаёт!

Синф можаросида ёнган ҳей, улуғлар!

Исён...
Исёнчидир бизнинг Шарқ!
Исёнлар сўнгида тонгчидир бизнинг Шарқ!
Тонгларда, тонглар отган чоқларда — туғлар ку-
лади.

Қонли туғлар!

Йилларнинг салмоғи эзган...

Қуёш кулса-да, салқинда титраган мазлум кунчи-
қарда сочилган маънолар қуёшлар янглиғ кулади. Йўл-
чи бўлади!..

Бир чеккасида чечакли ҳаёт чечак отган қуёшли ёқ-
лардан.

Буюк тоғлардан, уйғоқ иш яратган боғлардан кел-
дим.

Бир қонли чечаклар дастаси ола келдим, ҳей...

Қабр!

Қизил Майдонда узоқ тўхтадим — Қизилликка бот-
ган муҳташам Кремль қаршисида...

Кураш тўлқинларида оқиб кетган, бахт эшикларини
очиб кетган улуғларни эслаб, бир оз йўқладим.

Москва

ҚУНДУЗ

Сочма

Эсингдами, Қундуз! Салқин еллар сочларингни тўлқинлатиб эсан, қалбимизда суюнч ўсган бир кун?

Қўклам.

Қуёш табассумкор, то узоқларда яшариб кўринган қирлар жилодор, сен эсанг, маъсум қиз!— нималарнидир тўпловдинг, гуноҳлардан пок, ишсевар дўстим!— Эсингдами, ўрим-ўрим сочларинг-ла шафақдай юзингни қопловдинг...

* * *

Болалик...

Юракда қайғу кезса-да, юракни ўраган муҳитда бахтсизлик кезса-да,— ўйин севган болалик!

Туш пайти — барча кўланкага ошиқади, тол остларига оқади. Болалик мавж урган соф қалбимиз буйруғида биз сой бўйлаб кетдик. Узоқлашиб, ўйноқлашиб кетдик...

Сув бўйи...

Қўклам безаклари тўла сочилган сув бўйи...

— Қўчқор, ҳув... Қўчқ-оо-р!

Ёнингга бордим, сенинг билан кўклам чечаклари тердим, сенга бердим ва тарқоқ сочларингга чечаклар тақдим, чечаклардек очилган юзингга суқ билан боқдим...

Эсингдами шу?

Эрта кўкламнинг шундай ёқимли кезларида армон ўрайди мени...

Омочлар судраган қирлар усти, бахтсизлик кезган далалар сийнаси кулиб турган пайтларда, орзулар ўрайди мени!

Кетсаммикин?

Балки, Қундуз — маъсум Қундуз, тагин барно бўл-
гандир... Кулар юз қиз бўлиб, тўлгандир...
Кетсамми?

* * *

— Қундуз!
Эсингдами, қирларда уйқули оочлар тентирарди —
болаликда — биз ўйнаб юрган кунларда...
Бу кунларда ўт оочлар кўйлайдиргандир-а?
Сочларинг елларда тарқалиб, кўзларинг ўйнайдир-
гандир-а?
Эсингдами, ўннинг сочган, бола қалбимизга сўнгсиз
суюнч бағишлаган бир кун...

* * *

Эсингдами, Қундуз!

ФАРФОНА

Сочма

...Кечаги фоже кунларимни сўрамай қўя қол!
Ундан бурунгиси эса, яна мажҳул, яна машъум.
Неларни кўрмади бошим... не балолар келмади мени
излаб?..

Кўп замонлар мени қарши олган ёлғиз қайғу бўлди;
кунимга бахтсизлик тўлди.

Оҳ! Утмишимнинг қоралиги, чиркинлиги, оғирлиги...

Қалб яраларини очмай, сўрамай қўя қол!

Бу кунни сўрасанг-чи, мендан бу кунни...

Гуллаб, чечак отиб, гўзаллигим ортади борган са-
йин... мени қуёшли кунлар бағишлаган бахт кулдиряп-
ти, озод иш иродаси, сийнамда гул ҳаёт қурыпти...

Бу кунимдан, бахтимдан сўра менинг!

Қирларимда ўйнаган ўт оочлар, инон!— Менинг
ишончим, кўркимдир!.. Усиб ётган сурурларни кўр, оқиб
ётган нурларни кўр... ғурурларимни кўр, эрк олган қора
сочлар, саноқсиз иш оналарини, эмгак қизларини кўр...
Уларнинг шу эрки, ишон!— Менинг ўз эркимдир...

Далаларим бағрини оч, тоғларимга қўл сол.

Бари, бари, бари бор менда...

Бу кунимдан сўра...

Кел, бахтимдан — кулар ҳаётимдан сўйлай...

ЮРАК ТОШГАНДА...

Сочма

Тоғ-тоғ севинчлар, зафарлар кутган бахт қўшини шуми?

I

Бу не даҳшат, бу не ҳайбатли оқин? Қайдан келди, қайда эди бу тоғ тўлқин?.. Қудрат, қаҳр, исён чашмасими бу; исён денгизининг қўзғолоними бу!

Тоғларни парча-парча этадиган, эзадиган бу тўлқин қайдан; тўлқинларни ўпқинларга босадиган, тўсадиган бу оқин қайдан?

Олдида тоғ-тоғ зафарлар ётган бахт қўшини шумидир?..

* * *

Йўлда турма, сен эй қора шол ёпиниб титраган қора ҳаёт! Барибир сенда журъат қолмаган, сенда. Барибир сен унинг қалқув кўкрагига қайғу отолмайсан, биласанми у — шу тўлқинда кетади. Ёлғиз эмас, юзларида шафақ ёнган ўт қизлар...

Чекил, қайғу!

Барибир сен унинг қаршисида туролмайсан, чекил! Қаёқларда эди бу товуши кўкларни бузган, ерларни титратган буюк тошқин!

Қаёқларда эди, дўстим!

Ким, қандай куч, қайси тоғ, қанақа тўсқин тоб беради; ким туради бу исён олдида... Тоғларни эзмайдими, тўғонларни бузмайдими, тошмайдими бурчаклардан оққан бу денгиз?.. Босмайдими айланани бу ўт оқин?..

Еритмайдими йўлларни бу ўт тўлқин...

Исён-ку...
Зўр қўзғолон-ку бу, дўстим!

II

Эшитасанми, ҳей ҳаёт!

Ҳаётнинг тубандан оқиб чиққан пок тўлқинлари қир-
ғоқларга рахна солиб, шовқин қилади. Кўрасанми, қан-
дай ишонч билан боради...

Тўлқин товушини тингла.

— Бурчаклардан, йироқлардан, яқинлардан келиб
чиқдик... биз ҳар қайда. Биз курашларда, турмаларда,
ўлимларда ва ниҳоят зафар, севинчларда! Қон, қур-
бон,— ўлимлар чўчитдимми? Даҳшатлар, азоблар қўрқит-
димми? Оналарнинг кўз ёши, оталарнинг ҳасрати, эллар-
нинг қайғуси, бизни курашга отмиш, тенгсизлик, ҳақсиз-
лик қалбимизга ботмиш. Кураш... Кураш оғир, қўрқинч
ва гўзал бир кураш кутмоқда! Зафарлар, фараҳлар
кутмоқда!

Қонлардан яралган байроқ-ла садо солармиз дунёга
оқиб. Юксалармиз, юксалармиз қонунларни, салтанат-
ларни ёқиб!

III

— Хайр, қуёш!

Кўрмасам эди бу даҳшатни деб ботдингми, қуёш?

— Хайр, ботсанг! Дунё ёшларига сўйларсан: бахтлар
ўлкасида зафар байрами, дерсан; ёш тўлқинлар ҳаётга
даҳшат бериб оқмоқда, мен ботдим, улар эса чироқ ёқ-
моқда, дерсан!

Эҳ, дўстим, қаламингни узат-чи!

Қайси кўринишни чизсам, қайси гўзалликни ёзсам!

Эҳ, бу тошқинни кўрсанг, тўйсанг, мен бўлса шош-
дим, тошдим... Қайси бирини ёзиб берай?

...Ҳаволарда тўлқинланган ўт, миллионларнинг юра-
гидан чиққан бир наъра, севинч наъраси, зўр бир исён
денгизи, зўр тўлқин... Курашларда ким турар қаршиси-
да?

...Тўлқинларнинг таърифини куйлайми? Қелажакнинг
гўзаллигини, софлигини, ёруғлигини сўйлайми!

Эҳ, дўстим, қалам!

* * *

Бу ҳайбатни кўрса-чи, мағрур салтанатлар? Бу тоғларга қўрқинч берган, ҳаётга ҳаёт бағишлаган оқинни кўрса-чи!

Не даҳшат, маҳобат, оғир тўлқин? Не гўзал оқин бу? Олдида тоғ-тоғ зафар, байрамлар ётган, курашлар ётган бахт ўрдуси шуми?

— Шуми, дўстим!

Тошкент

ТИНГЛА ҲАЁТ!

(Созчи қиз)

Сочма

Тингла ҳаёт!

Тингла, қирғоқсиз денгиздай чексиз коинот...

I

Соз куйлайди...

Талвасаларга тўлиб куйлайди соз; тошиб куйлайди соз... сўнгсиз бир дoston бошлагану тугатолмайди, сирли бир тарихнинг саҳифасини очгану тамом этолмайди...

Титраб-титраб йиғлагандай, талвасаларга тўлган ярали бир юракнинг талпинишларидан сўйлагандай...

Оҳ, шу чоғда унинг қорамтир юзига боқсангиз, ҳасрат чизиқларини кўрар эдингиз. Жингалак қора сочлар очиқ юзини ва елкасини босгану ҳам чизиқларини беркитмоқчи бўлади.

Шу пайт унинг кўзларидаги маънони ўқимаслик мумкинми?..

Тингла, қирғоқсиз денгиздай, коинот... тингла, ҳаёт! Ранжиган юракнинг мунгини, ўтган умрнинг ёниқ достонини тингланг! Куйлаяпти у, бахт кутган ҳаётни эслаб сўйлаяпти. Бахт келтиришда, боғлар яратишда йўқолган мингларни ўйлаяпти. Қонларда қолиб кетган йигитларни соғинади, чоғи... балки унинг суйгани бор эди, шулар орасида.

II

Тўхта, ҳей.

Бир дақиқа тўхтаб, тингла унинг бахт қўшиғини... Тўхта, шўх бир дoston боғлади созчи қиз...

Тўхта, ҳей!

Тўхта, қуёш!

Эшит, сўнгра тонг чоғидаги шеъриятингга қўшиб сочарсан унинг қўшиғини...

Тўхта ел, тонг даракчиси, тўхта!!

Эшит, элларга тарқатиб юрарсан сўнгра унинг бу қўшиғини...

Тўхта, ҳаёт!

Тингла... кўзлардаги сўнгсиз мунгла қанотсиз учқундай... Юраклардаги тугунни сўнгги куй ечгандай... у, шу дақиқада, шу онда суюнчларда қулоч отаяпти, соз инграмасдан, ўйноқи куй сочяпти...

Чал, қиз!..

Чал! Олдинги товушлар мунг берган эди, сўнггиси давра айланага фараҳ сочди... Чал, юракларда кураш завқи уйғотиб!.. Чал, томирларда қон ўйнатиб!

Чал, бахт элларининг созчи эркаси!

Чал, бўлажак енгишлар ва суюнчларнинг даракчисидай!..

Чал, шўх куйларингни!..

Тингла, ҳаёт! Тингла, ҳей, қирғоқсиз коинот!..

ЕРУҒ КҮНЛАР ЕТАКЧИСИ БҮЛ. ҰҒЛИМ!

Сочма

Қора булут томчилаб, кун ботишга йўл солди...

Қора булутли қора умр орқада қолди. Қора кунлар томчилардай, тарихга сингиб кетди... Ҳаёт — яшил ёнбағирларда тотли, нашъали ўтиб туради...

Бир кун пилла, эртага пахта, индин қовоғи солиқ куз келади, орқасидан оппоқ қиш!

Эргаш ота ўз дастёри бўлиб қолган ёлғиз ўғлидан ажралгиси келмайди. Йўлдош ҳам қўзиларидан айрилгуси йўқдай, аммо ўқиш учун узоқларга кетиш яна гаштли, яна маъноли.

* * *

Тоғ орасида ёз ҳаракати тугай деб қолди. Йўлдош ўсиб қолган тўрт қўзичоғини укасига атаб қўйди. Онаси севикли ўғлига сафар — йўл халтаси тайёрлашда, Эргаш ота айвонда соқолини сийпаб ўйланади. Шу кўкда оқиб ётган қора булутлар янглиғ қоронғи кунларни эслайди.

Тўнғич ўғли «бек»ларнинг қонли қиличига дучор бўлди. Чиройли қизгинаси очлик йили ўлди: ўн бир ёшлик шўх Йўлдош — севинчи бўлиб қолди. Укаси кичик, кичиклиги устига қиз бола... майли кетсин, қўзиларга қизча ўзи қараб турар. Онаси бўлса қари. Қайтиб келгунча борми-йўқми... Майли, кўриб келсин, билли келсин, ўқиб келсин!

— Дада...

Боласининг мунис товуши хаёлни бузди.

Арава келди...

Юзида йилларнинг доғу чизиқлари аён ота оғир
жилмайиб, ўрнидан турди.

Она кўзига ёш олди:

— Онангни унутма, қўзим!

Укаси йиғламади ҳам, кулмади ҳам, ҳайрон... Отаси
ўғлини аравага жойлаб, Тошкентга жўновчи болаларга
қўшди, бағрига босиб, манглайдан ўпди:

— Уқиб қайт, ўғлим! Еруғ кунларнинг етакчиси бў-
либ қайт, ўғлим!

...Арава адирдан тушиб боради, кўк тиниқ, булутлар
узоқ! Ота кўздан йироқлашган аравага қараб шивирлай-
ди:

— Оқ кунларнинг бахтини ола кел, ўғлим!

Шоҳимардон

ЧҰПОН ОТА

Сочма

Булутлар босиб ётган юксак тик тошларга кўлнинг майин тўлқинлари аста-аста тўш уради. Мудҳиш, теран ва кўм-кўк кўл қуёш қучоғида ялтираб, юракларда исён қуради...

Қаршимизда ёввойи бутазорлар, арчалар юксалиб ётади, қушлар нағмаси чуқур мунг, сўнгсиз бир роҳат билан юракларга ботади. Икки томон яшил яйлов, кўкракларида йигирманчи асрнинг қора капалари ҳайрон! Гўё, булар йилларча шундай қотиб турганмиш...

Йўлдошларимдан ажраб шу нафосатлар қучоғида ёлғиз юрганимда, қайдандир, эзилиб-эзилиб бир товуш келди. Мунг, ҳасрат, алам билан учган бу эзик нола тоғ-тошларнинг қалбини тилгудай бўлди.

Изладим, ахтардим, тополмадим, тошли йўллар, кўрмаган-юрмаган оралиқларда чополмадим... товуш ҳавони тилиб, узоқларга учади, узун бир дoston, аламли бир ҳикоя сочади.

Ҳайрат, талваса билан жим турдим. Энг сўнг афсус ва тоқатсизликда кўкат устига ўлтирдим. Ялтироқ Қуббон — ўз қирғоқларига ўпиш бериб ётади, қаршимда эгасиз, қора капалар ҳамон-ҳамон қотади...

Най ҳам инграб-инграб тинди. Бир кез йўлдошларимдан кимдир чиқиб кетди.

- Қаёқларда қолдинг ёлғиз?
- Шу ёқларда.
- Эшитдингми?
- Қим эди?
- Эшитдингми ўзинг?
- Чалган ким?
- Чўпон ота!..

...Уйсиз, кимсасиз, ёлғиз чол бардам, тетик, фақат юзларида ҳақсиз жабрларнинг чизиқлари...

Қўрбошилар тоғ оралиқларида пусиб, қишлоқларни бузиб, қон тўкиб юрган чоғларда, шу чол қалбида ҳам битмас яра қолдирибди. Ёлғиз қизини олиб кетиб, бир неча кундан сўнг ҳайдаб юборишибди. У қиз — тоғларда ўсган олмадай қиз хўрликка чидолмай, жафокаш ҳаётнинг қийноғида бир ҳафта ичида ўлибди.

— Она — ёлғизи доғида, қайғу қучоғида ҳаётдан кўз юмибди, ёлғиз капаси шундай эгасиз қолибди.

Чол бу кунларда чўпон, қўйлар ёйиб, ҳўв анови ёнбағирларда ётади. Кимсага сўйламайди. Шу қадар бой табиат томошасида севинч куйламайди, кулиб туриб йиғлайди, йиғлаб туриб кулади. Қўрқинч қаҳқаҳаси тоққа садо солгач, яна йиғи... Қаттиқ нон, айронни ҳам бировлар келтириб беради. Қайдандир бир най топибди. Чалади, чалади, инграйди, қийналган жонивор янглиғ алам, изтироб ичида узоқ навҳа сочади.

Найни отади, яна олиб чалади...

Шоҳимардон

ҚАЙНАШЛАРИМ

Сочма

Йиллар тонгги бизга бахтлар ола келди; ёруғ умр,
ойдин келажак ола келди!

Буюк денгизда асов тўлқинлар исён наърасини тор-
тиб ўйнаганда, биз уйқу қучоғида эдик. Тўлқинлар қир-
ғоқларга ларза берганда кўз очдик...

Йиллар тонгги бизга бахтлар билан келди, йиллар
тонгги отиб, уйғондик. Нурга қондик!..

Ғалаба қўшини, меҳнат ўрдуси, дейди бизни тарих!..

Тўлқинларда ўсдик ўктам бўлиб;

Эрк кулади озод ўлкамизда куч олиб!

Йироқ-йироқларда қуллик, азоб.

Ана, Шарқда қон қўллари кўкка соя қурганлар!

Боқиб турсам...

Қонларимда тошқин ўсади!

Озод элдан тутқун ўлкаларга миллионларнинг юрак
саломини сўйлайман. Занжирларда чидам битмадим,
дейман...

* * *

Бизнинг кўкда булут йўқ...

Қуёш кулади... қуёшга қўшилиб табиат, ҳаёт кулади.

Ҳаёт баҳори чечаклар, гуллар билан тўлиб-тошиб
кулади.

Тутқун эрлар, тўзим битмадимми?

Ёруғ йиллар насиб бўлмасми...

Минглаб қуллар, бахтдан маҳрум қолган маъсум
туллар тоқат ила ётаверарми?

Ҳақиқат юз очмайдими?

Денгиз қайнаб тошмайдими?

Шарқда қон қўллари кўкка соя солур, ғарбда тош қўрғонлар суякларга тўлур, бизда қучоқ-қучоқ севинч, сўлмас гуллар...

Қонлар оққан чоқда ғунча очган қизил гуллар менинг қўлимда.

Қонли йиллар хотираси бу...

Эрксиз ўлкаларга салом ёздим гуллар тўлган озод элимдан...

Юракларнинг саси бу!

Даста-даста сўлмас гуллар билан қутлуғлайман озод элимни; чечаклардан олқиш сочиб, олқишлайман меҳнат аҳлини!

— Жаҳон кўкрагига ёруғ сочар ўлкамизда ёнган улуғ ўтнинг ёлқини...

Гуллар қўлда, сўлмас гуллар қўлда!.. Зафар ола-ола кетажакмиз шу йўлда!..

Йиллар тонгги юзин очар кенг оламга кўп ўтмай!

Тошкент

ЯНА БИР ҚАТЛА...

(Ленин мақбарасида)

Сочма

Эй, қора тунларимизнинг қандилини ёққан...
Эй, туман байроқлар ўрнига эрк чечагин таққан —
Буюк устоз,
Фақат букун сенинг учун кўз ёшлар-ла мотам оз...

* * *

- Шум хабар, телеграф қилларида инграб, дунёга титроқ солганда...

Миллионлар мотамсаро қолганда...

Қизил байроқларни қора уқалар ўраб, қадалганда...

Минутларча эсдан айрилиб, унсиз қолган дунё каби,
минутларча унсиз қолдим; тўзган сочларимни ушлаб,
оғир мунгга толдим...

Кўз ёшим тошиб-тошиб оқди... теран мунг, оғир қайғунинг таржимони — томчи ёшлар қирғоқдан ошиб оқди!

Улимларда, даҳшатларда, мотамларда ачинмаган,
йиғламаган мен...

Ўксиб-ўксиб юрак алами билан йиғладим...

Йиғладим...

Оҳ, у кунлар, у кунлар...

У кунлардаги қалбларда оққан оғир туйғу, у кунлардаги оғир қайғу...

Қўрғошин билан ёзилгандай юрагимда...

* * *

Онт бир!

У ўлган кунда кўтарилган, кўкларни тилган миллионларнинг онти бир:

— Сўнгги курашнинг ғалабасига қадар!..

Эй, доҳий, улуғ йўлбошчи!

Кўрсанг!

Сўнги йилларни кўрсанг...
Баҳорлар кулиб ётган элларни кўрсанг...
Йилларнинг курашида кескинлашган кўзларингни
сал қисиб, завқ ичида кулармидинг?
Муҳаббат, умид билан ўғилларингнинг бошларини
силармидинг?..
Улуғ устоз!..
Йиллар кечди...
Пўлат партиянг устунликда ғалабалар қучди!
Сағанангда...
Эй, сағанангда онти яна бир қайта янгратай:
— Сўнги зафарларга қадар!..
Ҳурмат сенга яна бир қатла!
Яна тўйиб-тўйиб қарай... ботирликларни эсга олай...
Яна... Биргина қатла...
Эй буюк доҳий... Улуғ устоз!

Москва

ШУ ҚАДАР МАҒРУР, ШУ ҚАДАР БУЮК...

Сочма

Шонлар, бахтлар, саодатлар очари қайда?

* * *

...Шу қадар кибор, шу қадар мағрур бу тоғлар...

Шундай мусаффо — қўл урилмаган гўзалликлари борки...

Табиатнинг ҳашам ва буюклиги порлаган юксак бир даргоҳи ё даҳшатлар, учурумлар ва тансиқ дафиналардан қуйма бир боргоҳимикин бўлмаса.

Тонг — шу туташ тоғлар орқасидан отса, қуёш шу юксак қоялар қучоғига ботса... қандай эркин, қандай ўктам хоҳиш у?..

— Табиатнинг қалби, ифтихори бу кўркам тоғлар, эркам!

Чиройли, мағрур ва осуда!

Мен табиатнинг ваҳший сийнаси, мен йилларнинг — ўзгаришларнинг муқаддас фахри ва дафинаси, дейдигандай менга қараб...

Мағрур инсоннинг мағрур иродаси олдида не жавоб айтаркин; осуда меҳнатнинг — ишнинг қудратини билса нетаркин...

Инсон...

Ёлғиз инсон ғурурланса бўлади. Ҳаёт — фақат инсон меҳнатидангина кула олади! Табиатнинг ифтихори гумроҳ тоғлар бу шон эгасини билмайдими, кўрмаганими?

* * *

Саодатлар, сурурларнинг очари кимда?

Худди шу қаршимдаги тоғ-тошларга титроқ солишга, худди шу мағрур қоялардан йўл очишга қодир бир кучни мақта! Гўзалликка гўзаллик бағишловчи, бузиб-ахтариб, ағдариб саодат яратувчи бир қудрат билан мақтан!..

У бўлса: инсондир...

Ҳаёт, ўраз, сурур, сафо очари инсонда...

Шу қадар мағрур, шу қадар гумроҳ ва юксак!..

Шу қадар осуда ва мамнундай бу тоғлар...

Елғиз ўйла-чи, эркам!— Мағрур меҳнат иродаси қаршисида не жавоб бера олади... У қўзғалса, нучук шу улуғликда, шу тўлаликда қолади?..

* * *

Ҳаёт, сурур, саодатлар очари...

— Инсонда!..

НУРХОННИ ЙУҚЛАБ...

Отинг чиқди, ўзинг қаёқда?

Сенсиз оҳанг таралди бу кеч,
 Сенсиз нашъа яралди бу кеч,
 Отинг чиқди...
 Енгил йўрғалаб,
 Гўё боғчаларда оралаб,
 Чечакларни териб тақмадинг;
 Мамнун табассум-ла боқмадинг...
 Отинг чиқди...
 Ўзинг қаёқда?

Саҳналарда сен мавж урганда...
 Қўлинг ёзиб юришларингдан,
 Қуш каби чарх уришларингдан
 Оғир, узун бир шеър ўқирдим...
 Зотан, ўзинг тутқун қизларнинг
 Дил сирини очар эдинг-да,
 Дардларини сочар эдинг-да...
 Мен бу сирни очиқ кўрардим
 Саҳналарда сен мавж урганда.

Қон-ла ўсган қонхўр кўзида
 Уйғондими ўша ёвуз ўч?
 Оҳ!—
 Нечоғлиқ ваҳший — ёвуз куч,
 Бир чечакни узди ва отди!
 Оғир алам...
 Саҳна эркаси
 Мангу, мангу, мангу кетибди...
 Эркалаши мангу битибди...
 Қон тошибди қонхўр кўзида...

Очиқ саҳна гуллар очганда,
Сен бўлмадинг...
Кўплар қалбида
Оғир қайғу ётди шу онда...
Отинг чиқди...
Нурга ботган қиз!
Боғчаларда қувнаб, оралаб,
Чечакларни узиб тақмайин,
Мамнун кулиб, ўйнаб боқмайин.
Қайда қолдинг?
Қайга йўл солдинг?
Бу кун саҳна шеър сочганда?!

Отинг чиқди, ўзинг қаёқда?

ДАРЕ БҮЙЛАБ...

Сочма

Сочларим билан ўйнашган шўх шамол!

Менинг наъраларимни, жаҳон ичида жаҳонлар яратаётганлигимни жаҳонга сўйла:

— Ернинг меҳварида, қонлардан байроқ қадалган ўрнида қадоқ қўллар саодат яратмоқда. Жаҳонларнинг муҳаббатини, қалбини қалбига қаратмоқда!

* * *

...Зардарёнинг ҳовлиққан, шошган шўх тўлқинларига қараб ўтирганда, шўх хаёлларим узоқларга қочади. Бир нуқтанинг ўзида мозий қон саҳифасини очади:

— Қон!

Она боладан, бола ҳушдан айрилмиш...

— Нон!

Суяклар тоғ-тоғ, айланада юрак ёрувчи оғир дод, фиғон...

— Ноо-о-оо-н!..

Кимлардир масъуд-масъуд ишрат чолғуси чалади. Кимлардир қон дарёларига қараб кулади, завқларга тўлади... Зарафшон бўйларида кезаркан, қон бўлиб оққан зарафшонлар эсга тушади, қонларим қайнаб тошади.

Тағин уруш шарпаси... ўлим шарпаси.

Тағин қиличлар ярқираши, танклар гуриллаши...

Тағин жонсиз бургутлар бўш қалбга ўлим юклар, қанот қоқиш олдида!..

Тағин қонлар дарё-дарё бўлиб оқиш олдида...

— Ўлим таронаси...

— Бу!..

— Бу — башариятга не беражак?

Бу — ўлиб битишдан, далаларда суюк тоғлари бўлиб қолиб кетишдан миллион-миллион меҳнат эли не бахт кўражак?!

...Эсларда тургандир. Қон ўқитган сабоқлар қалбни мангу ўрин қилгандир...

Алданмас!

Йилларнинг онги, исёнкор асрларнинг дарси макр оловида писқиб ёнмас!

Сочларимни учириб ўйнаган шўх ел, кучли ел!

Менинг наъраларимни жаҳонга соч:

— Ернинг меҳвариди, қон байроқ қадалган ўринда пўлат қўллар дақиқалаб саодат йўлларини очмоқда...

У — темир ирода эгаси: дақиқалаб зафар қучмоқда...

— Олға учмоқда!..

— Учмоқда!

Самарқанд

САЛНОМА

Андрей Андреевич ёзган хат

Москва тонгги... қуёш қалқиб
 Келаётганда;
 Қуёш қалқиб, балқиб-балқиб
 Кулаётганда,
 Дўстим Қўлдош, менга ёзмиш
 Саломинг олдим.
 Тарихингни бир-бир чизмиш...
 Юракка солдим.

Мен учун ҳам, дўстим, ҳаёт
 Қўп оғир бўлди.
 Йиллар бўйи топмай нажот,
 Юзларим сўлди.
 Машиналар қучоғида
 Ўсдим туғилиб.
 Чексиз заҳмат қийноғида
 Нафас бўғилиб,
 Машинадан тоғлар қурдим,
 Заводдир онам;
 Тубанликда нелар кўрдим...
 Ҳаёт — дарсхонам.
 Билки, дўстим, ерда жаннат
 Яратиб ўзим,
 Оч яшадим, нуқул заҳмат,
 Ўтмади сўзим...
 Узоқ йиллар берди азоб
 Яшаш ғавғоси.
 Юрагимни қилди хуноб
 Қуллик жафоси:
 Юракларни тўғраб еди

Ёвуз салтанат,
Оғир, оғир, оғир эди...
Лаънат, юз лаънат!
Шундай, дўстим! Умр йўли
Кўп узоқ бўлди.
Эркисиз меҳнат бир қўрқувли
Кир тузоқ бўлди!

Сўнг чидамай ғавғо қилдим,
Кўтардим исён.
Кўзим очиб, сўнгра билдим,
Оқмиш талай қон.
Бешинчи йил, шиддаткор йил
Олди қанча бош.
Дил мулкини қилди чил-чил
Золим, бағритош.
Ҳаво туман... қор ёғади
Элаб ва элаб;
Совуқ нафасни бўғади...
Марҳамат тилаб,
Келди сонсиз ишчи авлод
Сифиниб шоҳга.
Адолат!— деб кўтарди дод,
Улуғ даргоҳга.
Улуғ даргоҳ, қуруқ даргоҳ
Тинглармиди сўз?
Отоқли шоҳ, ардоқли шоҳ
Кўрсатарми юз?
Қиличларда ялади қон,
Йўлларни тўсиб,
Қип-қизил ранг олди майдон
Шаҳар қон қусиб...
Учди зоғлар... кўча юзи
Уликка тўлди...
Салтанатнинг ёниб кўзи,
Қаҳқаҳлаб кулди.
Ёвуз шоҳнинг қалби заҳар
Сочди, оҳ, у кун.
Тонг-ажабда қолди шаҳар,
Бурчакларда ун...
Ёш эдим мен, аста-секин

Ешлигим ўтди...
Юрагимда сақланган кин
Юрагим титди...
Мусибатлар, чигал ўйлар
Эди ўзимни...
Мотам сочиб қонли тўйлар,
Очди кўзимни!

Оғир кураш келди яна,
Даҳшатлар солди
Ва қўрқоқлар излаб пана,
Тисланиб қолди.
Ағдар-тўнтар... кучли бўрон!
Оқар ўт-селлар.
Селлар оқар, шовқин-сурон,
Инграйди еллар...
Қор бўронда еллар инграб,
Эшик қоқарди...
Инсон ўғли суяк ялаб,
Суяк чақарди.
Дўстим, тингла! Сўйлаб берай
Ҳикоя: бир тун...
Келар эди тинчлик бермай
Ҳасратли бир ун;
Тоқатим тоқ, кўча ўтдим,
Югурдим, чопдим;
Ким экан у? Йиғлаган ким?
Ниҳоят топдим,
Она: унинг қучоғида —
Қотган бир гўдак...
Қора туннинг тирноғида
Титрайди баргдак.
Шундай, ўлим панжасида
Қотди оналар,
Йўқчилик исканжасида
Ётди хоналар...
Шумли кунлар, тингла, Қўлдош,
Оқди бир сувдай...
Ва бахтсизлик сўраб қон-ёш
Қора оғудай —
Юракларга ботиб-ботиб,

Утди из ташлаб.
Кураш тағин, наъра тортиб
Келди йўл бошлаб...
Мана шундай оғир чоқда
Кўрмай тусини,
Эшитдим тағин узоқда
Ленин исмини...
Элда тағин кучли бўрон
Бошланди, дўстим!
Бошланди-да шовқин-сурон;
Ташланди, дўстим,
Жабҳалардан қайтган сонсиз
Ишчи-ю деҳқон
Тахтни босди; қочди шонсиз
Тож кийган шайтон.
Бўрон шундай юриб турган,
Бўкирган маҳал,
Қалби тинмай уриб турган
Партия жадал —
Ҳушёр, огоҳ наъра солди,
Асло тинган йўқ.
Қўлига ол байроқ олди,
Шашти синган йўқ.
Туманларда, булутларда
Лочиндай учди,
Тўлқинларда, сел, ўтларда
Зафарлар қучди...

Оғир жафо торта-торта
Яшашдан тўйган,
Шоҳ юкини орта-орта
Елкани ўйган
Мужиклар ҳам ўрмонларда
Бердилар қурбон.
Қурбон, ўлим ва қонларда
Ёришди замон.
Шу курашлар қучоғида
Қувватга тўлдим.
Олов селлар ўчоғида
Пўлатдай бўлдим...
Жангдан қайтгач: Кремлнинг

Оқ қуббасида
Бир туғ кўрдим, ўктам элнинг
Қони тусида.
Бир туғ кўрдим: тўлқинланиб,
Қулар эди у,
Лахча ўтдай ёниб-ёниб,
Турар эди у...
Бу ёқда ҳам, Қўлдош билсанг
Қунлар ўзгача.
Ўзгаради ёзда кўрсанг,
Ўша — кузгача.
Айланамда тоғ ошгудай
Оқин кўраман.
Дилларга ўт туташгудай,
Чақин кўраман.

Тўсаман, деб бу оқинни,
Ўй қурди кўплар.
Босаман, деб ўт-ёлқинни,
Юз бурди кўплар.
Тентак сойдай қуриб расо,
Уялиб қолди
Ҳам шармисор бўлиб, асо
Суялиб қолди...
Ажал бўлди ёвга элда
Ўз қазган чоҳи,
Тик туради тўлқин-селда
Партия — доҳи!..

Бир-бирига басма-басда
Ишлашар минглар,
Бирини шошиб темир тешса,
Ўзгаси чинглар...
Улуғ, гигант темир тоғлар
Қурмоқда шаҳрим.
Ёв қалбига қора доғлар
Урмоқда шаҳрим.
Сўнгги шуъла сўнишда, боқ,
Ёвнинг кўзидан.
Темир оқин! Оқ, жадал оқ,

Дала юзидан!
Дўстим, Қўлдош, пўлат отлар
Юбордим сенга.
Пўлат отлар, соз олатлар
Юбордим сенга.
Тўлқин урар, оқар ҳаёт,
Говларни босар.
Баланд-баланд қоқар қанот,
Байроқлар осар
Улкамизда бўлгуси ҳал
Асрли чигал.
Келди даврон, келди маҳал,
Келди, Қўлдош, гал...
Шу оқинда, шу шовқинда
Бир сўз бўлайлик....
Ҳар қўрқувда, ҳар босқинда
Енгга олайлик.
Бурчакларга ёлқин отиб,
Солайлик сурон...
Нур мавжига ботиб-ботиб,
Кулсин бу замон!
Дўстим, соғ бўл; ишла-яша,
Далаларни эк;
Оқ олтиндан тоғлар яса...
Ҳали сақлаб кек
Юрганлар бор, аламларда
Қолсин, кулмасин.
Далаларда, ялангларда
Хаёл сурмасин...
Сен у ёқда, мен бу ёқда
Меҳнат қилайлик.
Гуриллайлик, шу тупроқда
Жаннат қилайлик...
Ардоқлайлик шу Ватанни,
Тўлқин отайик,
Тарих ўзи кўрмаганни
Биз яратайик...
Тезлатайик ёруғ даврон
Чархини, дўстим!
Эллар бўлса бир тан — бир жон,
Гов бўлолмай ким?!
Шуъла олсин олам улуғ
Давронимиздан.

Ҳаёт олсин бахтга тўлиқ
Жаҳонимиздан...
Эрк ва бахтнинг қадрига ет,
Улуғла, Қўлдош.
Эрта яна ёруғ, фаҳм эт,
Қўриқла, Қўлдош.
Соғ бўл, дўстим, далалардан
Унум ол, яша...
Оқ момиқдай пахталардан
Тоғларни яса!

Самарқанд

БОНГ

Кенг, сўнгсиз водийларда трактор суриб,
 Наъра уриб, бонг уриб,
 «Юқори унум!» деган даврнинг олти шартини
 Трактор бармоқларида ёза олмасак,
 Кенг колхоз қирларида елиб-югуриб,
 Жадал улгуриб,
 Зафарларнинг калитини
 Электр симларида чўза олмасак,
 Қатъий, кескин чизиқдан тойган бўламиз-ку,
 Душманнинг мазаҳига қолган бўламиз-ку!

Губор қўнмас ёруғ маслак-онггимиз,
 Жаҳоншумул зафаримиз, донгимиз,
 Жаҳонларга титроқ солган бонггимиз,—
 Ҳар увоқда
 Синфийлик негизларини қуриб,
 Ҳар увоқда
 Ҳаракатни синфга буриб,
 Асрларнинг одимини минутларга мингизиб,
 Асрлар одимини минутда ташлаётган,
 Ғояларнинг ғоясини тиргизиб, жон киргизиб,
 Синфсиз жамиятга астойдил бошлаётган
 Ленин партиясининг собит бўлганидандир,
 Ленин партиясининг кучга тўлганидандир.

* * *

Ютуқларнинг селларини
 Селлардай селлатгали,
 Суръатимиз йўлларини
 Еллардай еллатгали,

Синфсиз жамиятни
Тўла барпо этгали,
Фақат олға кетгали —
Бизнинг тагин қайнашимиз,
Оташимиз керак.
Югурик аср ёрлиғини ўташимиз керак.
Кенг, сўнгсиз большевик далаларида
Қуёш шуълаларида —
Фабрикалар садосига жавоб ўлароқ,
Тарихларга довруқ солароқ,
Ёйиб шохларини, бутоқларини,
Ёйиб қуёш эмган япроқларини
Яшнасин, ҳа, большевик пахтазорлари,
Жарангласин мустақиллик шиорлари!

* * *

Кенг, сўнгсиз водийларда —
Большевик асрининг
Пахта деган алп шеърини
Трактор бармоқларида
Ёзмасак бўлмас.
Кенг колхоз қирларида
Асос этиб даврнинг
Олти буюк шартини,
Муҳтожликка
Чуқур гўр қазмасак бўлмас.

ХОЛНИЕЗГА БАҒИШЛАҒАНИМ¹

I

Бу ерларда
Боболаринг бўғиқ ҳаёт кечирмиш.
Бу ерларда
Ҳаёт сенга аччиқ жомин ичирмиш.
Бу ерларда
Отангга ҳам тақдир кафан бичирмиш.
Бу ерларда
Чироғингни неча гал ел ўчирмиш.
Эсингдадир
Шу чорбоқнинг эгасида юрганнинг,
Эсингдадир
Ишлаб-ишлаб, хўрлик-азоб кўрганнинг.
Эсингдадир
Хўжайининг тумшуғига урганнинг,
Эсингдадир
Ертўлада етти ой банд турганнинг.

* * *

Ўша боғ-ку...
Нечоғлик кенг, кўринмайди чеккаси.
Ўша боғ-ку...
Қайда бугун бою танноз бекаси?
Ўша боғ-ку...
Қайда ўша таттихўр уй эркаси?
Ўша боғ-ку...
Мана ҳозир сен ўзингсан эгаси...

¹ Самарқанд Агроколхоз институтини 304 киши тамомлаб, динлом олганда ёзган эдим.

Институт ҳозир бу боғ...
 Дилга тугиб асрий қасосларини,
 Варақлаб «Ленинизм асослари»ни,
 Большевик билимин мағзин чақишда
 Асл ишчи, асл батрак болалари,
 Шу асосда порлагуси
 Ўзбекистон пахта далалари.
 Уртоқ кадр!

Сенга ҳурмат, сенга қадр!
 Институт юрагидан олганинг,
 Юрагингга солганинг —
 Сенга ҳамдам,
 Сенга машъал бўлгуси,
 Ҳаётинг ҳам
 Шундан шуъла олгуси!

* * *

Ленинчисан. Биласанки, ўлкада
 Қўрилгуси янги, ёруғ бир олам.
 Ленинчисан. Юкинг тоғдай елкада,
 Тошдан чечак ундира ол, бўлма кам!
 Капиталнинг илдизига
 Қатъий зарба уришда —
 Сен зарбдорлар қаторида турасан
 Бу юришда,
 Бу қуришда,
 Бемисол югуришда —
 Ортда қолмай, доим олға юрасан.

Пахта керак.
 Пахта,
 Пахта,
 Пахталар керак.
 Лахта юрак,
 Лахта,
 Лахта,
 Лахта қон юрак —
 Йўл тўсмасин,
 Йўл тўсмасин,
 Тўсмасин асло!

Ёруғ онгни,
Улуғ донгни —
Босмасин асло!
Пахта бўлсин,
Пахта кулсин,
Денгиздай тошсин пахта!

Пахта бўлсин,
Жаҳон тўлсин,
Чўққидан ошсин пахта!

* * *

Шўх мақом, ҳа!—
Бардам-бардам чалинг, ҳа!
Қарсак чалинг, илдам-илдам олинг, ҳа.
Ёв кўксига аччиқ алам солинг, ҳа!
Бу чўнг байрам, тағин хушбахт бўлинг, ҳа.
Янгрating, ҳа.
Уч юз уч, деб сим қоқинг!
Мана кадр, мана куч! деб, сим қоқинг!

Самарқанд. Агроколхоз институти

САФАРБАР

Ҳарбий таълимий машқ кунлари

Соат уч, кеча;
 Шаҳар уйқуда.
 Уйқуда:
 Электр чироқлари қўйнида
 Қатор-қатор кўча.
 Уйқуда:
 Юз йиллар зарбида
 Ушалаётган Самарқанд миноралари...
 Йилларнинг йўлида қартайган Самарқанд чинорлари...
 Уйқуда:
 Дарвозалар тепасига байроқ осган корпуслар...
 Мактаблар, клублар, идоралар, курслар...
 Уйқуда...
 Дам олаётир шаҳарнинг ўртасида —
 Шаҳарнинг миясидай,
 Юксак, қирра Горком биноси...
 Жимлик қанотини ёйган бутун шаҳарда.
 Сочилгандай парда-парда
 Ҳаловат алласи, сукут навоси.
 Соат уч, кеча,
 Урилди бир темир жарангида бонг,
 Тарқалди хабар
 Са.. фа.. р.. бар!..
 Кўз очди уйқусидан бир зумда шаҳар,
 Манглайига байроқ қадаган
 Завод корпусларининг қучоқлари...
 Майдон айланасида қатор билим ўчоқлари...
 Кўчалардан юриб қолди
 Қатор кетидан қатор,
 Шаҳарга тўлди.
 Электр тезлигида бу бонг шиддаткор.

Ётгандай

Самарқанд тоғларининг ғорларида
Белги берди қуёш ёйиб олов қанотларини..

Қизартириб

Тоғ силсилаларининг қор босган қатларини,
Ёзди энг олдин радио чивикларининг авжларига хат-
ларни...

Сен сўнг қолдинг, биродар,

Сен сўнг қолдинг бу сафар...

Соат учда урилди бонг:

Сафарбар!

Мана ўқи, кўзинг ўтса, комиссар буйруғини —

Кенг ўлкада тўлқинланиб большевизм туғини,

Ҳушёр, сергак сақлаяжак

Озод республикалар

Социализм қўрғонини,

Тупроғини, ўзини...

Бир ёнғоқдай ўйнатажак,

Ўяжак,

Ҳар қадамда

Ҳарб кўзлаган импернализм кўзини...

Турди шу кеча бир дақиқада,

Тоғ сувларидай чаққон

Курашчилар тўда-тўда

Гўзал Кавказ тоғларининг ораларида...

Турди, мана мен, деб колхоз бригадалари,

Эксиз-чексиз Кубань саҳроларида...

Турди, шу кеча бир дақиқада,

Сибириянинг узоқ тайгаларида

Босиқ қор уйларидан...

Ҳазар буйларидан...

Волга буйларидан...

Турди худди шу дақиқада,

Иш чоғида

Мана биз, деб яланг оёқ қум кечувчи

Колхозчи йигитлар

Узоқ Хоразмда...

Туркман қумларида...

Турди сақлаймиз ўлкани деб

Кигиз ўтовларидан

Қозоғистон яйловларида...

Бир дақиқада

Кўз очди бутун ўлка
Қувват бериб,
Чегараларда
Ухламай тик турган чекистларнинг юракларига...
Зарба уриб
Сармойнинг олтин кўкракларига...

Эй, капитал,
Сенинг
Бир қонунинг:
Олтин ишқида — қон...
Етмагандай кенг Ҳиндистон, ярим жаҳон,
Қурасан:
Бир-бирининг ортидан қурол шаҳарлари, ўлим завод-
лари...
Бўйнингда
Олтинга мукка тушган фашизмнинг бутлари...
Фақат ҳар давр
Бир кечикдир
Соннинг сифатга қараб отлаши йўлида...
Ҳар келган — кетажак,
Ўзгаражак
Йилларнинг қўлида...

Капитал!
Бел тутишган энг сўнгги тўқинишларда,
Синдиргудай сиқиб сенинг суюқларингни,
Ҳаволарга учиражак
Тилақларингни,
Ағдаражак
Пролетар
Совуқ мозор қучоқларига,
Ўз қўлинг-ла қазилган мозор...
Қолажак мозоринг тепасида
«Капитал ўлди!» деган битта лавҳа зор...

Шу кун — учинчи кун...
Соат кеч етти урди,
Тағин қатор-қатор юрди:
Юриб қолди Самарқанд кўчаларида
Тўлқинли ҳаёт;
Юриб қолди шаҳарнинг бурчакларида
Сакраб ўрганган қатор-қатор ҳарбий от...

Карнавал:
Тутатиб қўлларда,
Электр кирмаган кўчаларнинг зулматини ёриб,
Юриб қолди,
Қўшиқлари кўкларни тилган қаторлар...
Тарқатди товушини,
Коллектив бир куч қўлида чалинган,
Бу жарангли темир тор...
Телеграмм қоқ,
Бер хабар,
Бер хабар,
Бер хабар:

— Ворошилов, биродар!
Биз доим сафарбар!
Агар:
Кўтариб империализм ола байроғини,
Тиклаб 14 ларнинг тумтароғини,
Ҳарб талаб эта қолса,
Сўнгги тўқнаш дамлари ета қолса;
Қачон амр этсанг,
Шундай жипс қаторларда,
Сувларда,
Музларда,
Тоғларда,
Қорларда

Кетажакмиз от суриб,
Юриб...
Капитал тепасида тўполон қуриб...
Капитал калласига қотириб уриб...
Тортажакмиз жиловини
Тарихнинг буриб...
Шундай, Клим, биродар! --
Ўлка — ўзини сақлашга шай ҳар сафар.
Амр эт,
Биз барча — сафарбар...
Сафарбар!

Самарқанд

ЛЕНИНИЗМ ДАРСИДАН

...Давлат —

Синфий зиддиятлар натижасидир!

Ҳоким синфнинг гуриллаган ҳоким сасидир!

Давлат —

Эзгу ғояларнинг ҳақиқати эмас —

Ё идрокнинг сурати эмас —

Гегель ўйлаганича.

Демократия, деб буржуанинг шовқин солгани —

Синфий сиёсатнинг ялтироқ усти!

Доғули демократларнинг фарёд қилгани —

Ҳақиқатнинг мағзи эмас, пўсти!

Бўлмаса, фашизм қонли тирноқларини

Пролетар юрагига

Нега ботираётир?

Нега

Кун сайин ошириб жабру қийноқларини,

Қўзғолончининг кўрагига ўқ оттираётир?

Европанинг донгдор кўчаларида

Қон оқтираётир?

Зулми кун сайин орттираётир?

Сўйла, муртад Каутский, шундай бўлмаса...

Шакллари бошқа-бошқадир,

Бироқ барибир:

Фашизм ҳам бўялган,

Узга тус олган,

Буржуанинг қонли диктатураси...

Феодализм харобалари устига қурган диктатураси!

Бир узоқ, қўшилмас йўл-ку,

Маркс формуласи ила —

Сенинг тушунчангнинг ораси...

Бўлмаса:
Сўйла,
Буржуанинг турмалари,
Дор оғочлари нега?
Полициянинг ваҳший ҳамлалари,
Қон тўкишлари нечун?
Дунёнинг капитал «чечак отган» бурчакларида
Миллион-миллион очлари,
Яланғочлари
Нега?
Миллионларнинг оҳ чекишлари нечун?

Ҳар даврнинг ўз қонуни бор, аён,
Сенинг даврнинг қонуни ҳам фақат: қон!

Қандай аста-аста,
Қўзғолонсиз қуражакнинг ҳаёт?
Қандай,
Қонсиз
Сўражакнинг қанот таққан от?
Бургутдай тахтга қўнган
Бир император,
Юракларни йўнган
Диктатор,
Мутлақ ҳокимни ағдариб ташламай,
Сўнг темир тирноқлар-ла
Қурашни бошламай,
Жанг майдонида қандай
Ўйнатмоқчи бўлдинг от?
Шундай қуриш мумкинди социал ҳаёт?

Ҳе...
Капитализм!
Қуни, соати яқинлашаётган
Капитал!
Қуриб — қақшаётган
Тол!
Ўсдинг илдиз ёйиб йилларнинг қатламларида...
Қулоч отди тўрт томонда бутоқларинг, шохларинг...
Келди сув ичиб япроқларинг —
Қўз ёшларимизнинг намларида...
Фақат:
Энди келди сўнги чоқларинг,

Қуриётир қулоч ёйган бутуқларинг,
Шохларинг,
Қелаётир тез-тез сенинг оҳларинг...
Ағдарилажаксан:
Гумбур-гумбур инқилоб довулларида...
Ағдарилажаксан:
Бутун ўзинг келтирган шонинг,
Бўхронинг,
Салтанатинг,
Давлатинг
Билан инқилоб бўронларининг
Раҳмсиз қўлларида...
Қолмаяжак
Узик илдизлари эски — чирик чинорнинг...

Қолмаяжак
Излари
Пролетарга аталган
Қамоқнинг, дорнинг.
Суражак от
Социал ҳаёт...

Мировой диктатураси
Пролетарнинг
Кўчиш йилларнинг ўткир дастаги бўлиб,
Дунёни биз қураётгандай,
Кайтадан қуриб,
Капиталнинг юрагига ўлим ўқи уриб,
Синф деган тушунчани тарихдан олиб,
Тарих чўнтагига солиб,
Миялардан хусусий мулк кайфини юлиб,
Мияларни биз қураётгандай қайтадан қуриб;
Давлатнинг сўнг чекини қўяжак...
Бўлмажак:
Диктатура бу диктатурадан сўнг...
Бу диктатурадан сўнг, биз қураётгандай қуражак —
Дунё пролетари,
Бари —
Бир овоз бўлиб,
Техниканинг кучида қишлар ёз бўлиб,
Большевизм бир машъалдай ёниб қўлларда,
Темир иродаси,
Темир иродадай

Синф диктатураси
Қурол бўлиб,
Дастак бўлиб
Йўлларда,
Қуражак,
Биз қураётгандай,
Синфсиз жаҳон...
Бонг уражак беш йилликлар зарбдор йилларда...
Бонг ураётгандай бизнинг темир қўлларда...
Бўлмас унда жамиятнинг паразит қатламлари...
Синфсиз жамиятнинг
Коммунист одамлари
Тенг бўлажак...
Бир кулиб,
Бир чўпдай сўлмаяжак...
Ҳе...
Гегель!..
Яна бил...
Билки:
Давлат,
Сенинг ўйлаганингдай,
Яхши, ёруғ идрокнинг сурати эмас...
Ақлнинг,
Ахлоқнинг
Ҳақиқати эмас...
У —
Синфий қаршиликнинг
Натижасидир!
Синфий жамиятда ҳоким синфнинг
Ҳоким сасидир!
Фақат
Партия
Диктатура системида
Рулнинг бошида туриб,
Ҳаракатнинг тоқларини бера олади...
Фақат
Партия
Тўлқинларнинг қайноғида
Миллионларни бошлаб юра олади...

Биз бўлсак:
Адашмайин қатъий, кескин йўлларда,

Синфларни синфлардай йўқотиб,
Миллионларнинг онгида
Хусусий мулк кайфларини буткул тарқатиб,
Ҳар ишчининг,
Колхозчининг тушунчасида
Зарбдорчилик, қаҳрамонлик уйғотиб,
Жаҳонларга бонг таратиб, одимлар отиб,
Қуражакмиз:
Зарбдор бўлиб,
Синфсиз жаҳон...
Жаҳонларда ўрнатиб,
Янги ва ёруғ даврон!
Давлатга пролетариат беражак таммат
Ўтиш йилларнинг сўнгида...
Тугал коммунизм,
Коммунизм,
Коммунизм
Тонгида...¹

Самарқанд

¹ Ленинизм дарсидан учинчи топшириқ бу. Мен дарсда шу шеърни ўқиб берганим, ўқитувчи рози бўлди.

ХАИР, ТОШКЕНТ!

Эркин шеър

Ёндиради далаларнинг қўнғир тўшларини
 Оловланган, ўтдай ёнган июль қуёши,
 Водийлар узра ёйиб мрамар кулишларини,
 Оқариб кўринадн тоғларнинг боши.
 Тўқайлар соч тарайди елда тўлғониб,
 Чўққиларда сакрашар олқор, оҳулар...
 Тоғларнинг этакларида шуълаларда ёниб,
 Товланиб оқади шишадай сувлар...
 Булар —
 Пахтазорларнинг томирларида
 Тўхтовсиз оқадиган қондир!
 Томирлари уриб турган чексиз далалар,
 Кенг кўкраклар, кўк этаклар — Ўзбекистондир!

Тошкент, ҳей, пахтакор ўлкам юраги,
 Индустрия жаранглари жаранглаган шаҳар,
 Советлар Осиёсининг тираги,
 Юксалиш тароналари янграган шаҳар!

Заводларинг соч ёйиб мовий кўкларда,
 Бир минутда ишга тушар дастгоҳларинг.
 Йўқ ҳузн юракларда;
 Ортда қолди бир замон тортган оҳларинг.

Тўқима комбинатлар-ла чиқиб довриғинг,
 Тилларда дoston бўлиб, ўқилади куй,
 Оснёга таралиб шуъланг-ёруғинг,
 Гурлайди ёнбошингда Чирчиқстрой.

Большевик бир вафодор, доно онадай
 Социал ҳаёт бешигида сени ўсдирар.

Ўқув майлида ёнган зийрак боладай,
Тошкент...
Бошлаган жилднини албат битирар!

Тошкент, ҳей, Совет Осиёсин тирағи,
Қўшиқлардай, тўлқиндай, жарангдор Тошкент!
Ардоқли пахтакор ўлкам юраги,
Индустриал, магистрал, улуғвор Тошкент!

Кел, қўлинг бер! Кетар бўлдик... кел ҳозирча хайр,
Яхши қол бўстонларим, олма-анор боғларим!
Кел, Ватаннинг кўкрагида қониб этай сайр,
Яхши қол, яшил дала, уваларим, тоғларим!

ЧУЛ ОРАЛАБ...

Гармсел шамоллар кириб деразалардан,
Танни беҳол этиб, қочади саёқ.
Баъзан ёлғиз чинор — узоқ уфқлардан
Ҳуснига лол этиб очгандай қучоқ...

Қум... сариқ қум, поёни — чегараси йўқ,
Фақат тўрғай чириллаб учар, куй тўқир.
Наҳотки, бу денгизнинг ўзга саси йўқ,
Наҳотки, бу шоир қуш доим танҳо ўқир...

Ялтираб кўринади қуёш шуълаларида
Сирдарёнинг қўрғошиндай ҳоврли сувлари.
Кўринадир кенг қозоқ далаларида
Ҳам қалин жийдазорлар, ҳам саҳро оҳулари...

Поёнсиз қумлоқларнинг ўрталарида
Кўринади Сир бўйлари — сийрак яйловлар,
Қадимий тепаларнинг паналарида
Кўринади қора уйлар, якка ўтовлар...

Янграб кенгликларда Жамбул ўланлари:
Ҳар қозоқ ишчисининг севган куйидир.
Биз ўтаётган чўл,
Биз кетаётган йўл
Қозоғистон саҳроси ва Сир бўйидир...

Ёлқинли шамоллар кириб деразалардан,
Танларни беҳол этиб, қочади узоқ.

Қирларда сароб юриб,
Фикрим тўлқин уриб,
Эртаги кун саҳналарин очади порлоқ.
...Сир сувлари ғиқ бўғилиб, чўлларга оқур,
Қир йўллари кулиб-кулиб тақур гул-лола,
Тўрғай ирғай-ирғай баҳор шеърини тўқур,
Қўйнингга баҳор кирур — кенг саҳро, дала!

Қизилғрда

УЧАДИ

Тонг шуъласинда товланиб ётар яшил кенгликлар,
Зумрад дала лола тўла сийнасини очади.
Яшил денгиздай мавжланиб кўринур янги чеклар,
Тақир-туқур тақа уриб бизнинг айғир учади.

Трактор колонналари аскар сафидай қатор,
Яшил, атлас тепаларнинг кўкракларини очмиш.
Коллектив деб номи кетган, янги ва улкан рўзғор —
Янги одам: нон бўлсин деб кенг далага дон сочмиш.

Чексиз, олтин бошоқлари шуълаларда соч тараб,
Тўқ ўлкаминг, тўқ колхознинг кўрки бўлиб кўринур.
Бу қирларда трактор-ла комбайн, ҳўкиз биргалаб,
Одам иродасида кун-тун бирдай уринур...

Кўринади кенг, мўл, сахий — баракатли қирғоқлар...
Яшил дала лола тўла сийнасини очади.
Кўринади гуллаётган, қулоч отган тупроқлар...
Тақир-туқур тақа уриб бизнинг айғир учади.

Учади: тракторга минган колхоз қирлари,
Учади пўлат қанотларда ҳушёр-тетик.
Дон омборлари тўлган совет ерлари
Учади темир отларда юксакларга тик...

Учади совет паровозида бир иштиёқ-ла
Ватаннинг баракатли, сўнгсиз саҳролари...

Иилларнинг йўлларига довруқ сола-сола,
Учади синфсиз бир ҳаёт сари!
Симоб ялтирашларини акс эттириб юзида,
Кенг Эдил ҳил-ҳил товланиб қолди.
Учмоқ нстамаган бир ёруғдай, кўзимда
Бир сўзлашув, бир сирлашув ишқи ёниб қолди...

СУҲБАТ

Ҳайдар! Бошла сўзингни, юрак тўлқинланади,
Киприкларим пирпираб, кўзим ўтдай ёнади.
Ҳайдар, бошла сўзингни, борлиғим толпинади,
Кўнгилнинг ҳасратида кўнглим оловланади...

Умримизнинг баҳори — ёшлигимиз мадори —
Ёруғ кунлар бизни кутиб олади,
Бахтимиз янги тори — умидимиз дийдори,
Янги кунлар бизга бир куй чалади.

Белларимизда боғлиқ йигитлик камарини,
Сўйла, ким еча олур, ким еча олур?
Қўлларимизда бахтимиз жаранг торини
Кимнинг ҳадди бўлурки, тортиб олур?

Ол байроқлар кўринган уфқ четларидир,
Мунча кўркам, ким мунча безаган, сўйла,
Бахтимизнинг рамзидир, гўзаллик ўтларидир,
Оловланган уфқлар... Эркама, куйлайлик, куйла!

Ҳайдар! Кел бир ёндошиб,
Ҳайдар! Кел, шошиб-шошиб.
Ҳайдар! Кел, тошиб-тошиб,
Қўшиқ айтайлик!

Ҳайдар, қани бошлай қол.
Ҳайдар, қани ўзинг ол,
Ҳайдар, қани оҳанг сол,
Куйлаб ўтайлик!

Ҳайдар, ҳасрат куймас,
Ҳайдар, нафрат ўйимас,
Ҳайдар, суюнчга сарбаст,
Куйлаб, кетайлик,

Ҳайдар, шу юрт ўғлимиз,
Ҳайдар, ёруғ кўнглимиз;
Ҳайдар, яқин йўлимиз.
Тезроқ етайлик!

ШАҲАР БУСАҒАСИДА

Ильич чироғларининг тўлқинида ғарқ бўлиб,
Жаҳонга ёруғ бериб, саҳар кўринур.
Жаҳон-жаҳон зафарнинг пўлат қўрғони бўлиб,
Кўкларга қанот кериб, шаҳар кўринур.

Сақлар ўз нурларида ўлмас Ленинни...
Метро гурлашлари-ла янграр ер тағи.
Сақлар ўз қучоғида бир улуғ кинни,
Бир кинки, курашларнинг янгроқ эртағи...

Кинки, агар қўзғалса жанг бўронлари,
Олтин ишқида тағин жаҳонга юрса,
Ола байроқ кўтариб ғарб шайтонлари,
Қуршаб олса, ўлкага отини сурса.

У кин отилажакдир лаваларсимон,
У кин пўртаналардай уражак тўлқин,
У кин қўзғалажакдир мисоли тўфон,
Ва келгинди бошига солар қора кун.

Ўлкани сақлаяжак ёв ҳамласидан;
У кин бутун ўлканинг қаҳр оташидир!
Қўяжакдир аёвсиз ўқ сийнасида,
Ўқки, қирағай қирғин, ўлим тошидир!

Асрим оҳангларида куйлар сочади
Заводлар, автоларнинг зил товушлари.
Чизиқсиз кўк юзида озод учади,
Қанот қоқиб ўлкамнинг пўлат қушлари.

Пойтахтнинг ғурури ва ўлка фаҳри
Қизил майдон бағрида мармар мақбара...
Нур шаҳри, зафар шаҳри, инқилоб шаҳри...
Ҳар куни улкан тарих, тарихи сара...

Ильич чироғларининг тўлқинида ғарқ бўлиб,
Самоларга бўй чўзиб шаҳар кўринур.
Кремль юлдузлари ярқираб, кулиб,
Кўзимга олам-олам зафар кўринур.

Москва

ҚУЕШ ҲАҚИДА

...Хоҳлайманки, сўзим меннинг радио тезлигида
Эфирда тўлқин уриб оқсин, оқолсин!!
Хоҳлайманки, созим меннинг янги кунлар изида
Долғали товуш бериб, мунглари қолсин!

Дарвозаларнинг пешоналарида елпираган
туғлардай,
Бир қудрат таратолсин қичқириқларим.
Даврим кошоналарида Ильич чироғларидай,
Бир шуъла ота олсин бу кўз нурларим...

Мен ерга қуёшни кўргали келдим,
Бироқ у кулмаган бўлса ўшал кун
Куйлагум, куйлагум қуёш ҳақида,
Тароналар тўқиб, солғум садо — ун...

Куррада
Қуёшдай ярқираган ватаним!
Сенга бўлсин, улуғ она, ҳар сатрим, шеърим.
Сенга бўлсин бутун ишқим, юрагим, меҳрим:
Сенга бўлсин жаранглаган қўшиқларим маним!

Сен тунларда Турксиб чизиқларида
Поездларни учар қушдай учириб,
Сен йўлларда, телеграф қозиқларида
Электр тўлқинидай тўлқин-ла юриб,

Шимол қорларида қишлаб узун қиш бўйи,
Қорақумни айланиб авто пойгаларида;
Мартин оловлари ёниб совуқ қиш ойн
Сибирь тайгаларида:

Осмон туманларида булутларда очиб йўл,
Пўлат қанотларингни керасан.
Ендириб электрик янги юртларда мўл
Шуъла, ёруғликлар берасан!

Гигантлар яратасан сувсиз саҳроларда,
Одам юрмаган йўлларда — қирра қояларда...
Ҳаётлар яратасан ўрмон ораларида,
Минг йиллик кўлларда, салқин сояларда...

Байроқ қадаб, тарихда очиб варақлар,
Социал шаҳарларнинг торин чаласан.
Шуълаларинг куррада ёнар — ярақлар.
Колхоз далаларида қанот ёясан.

Мен жаҳонга қуёшни кўргали келдим,
Бироқ у кулмаган бўлса ўша кун
Куйлагум, куйлагум қуёш ҳақида,
Бу — сана юзга юзим тўғри келган кун.

Қуррада
Қуёшдай ярқираган ватаним!
Сенга бўлсин ҳамма ҳурмат, ҳамма шон, довруқ,
Сендагина бутун ўт, бутун шуъла, ёруғ...
Сенга бўлсин юрагим, тилагим маним!

Мен ёнай, учқунланай, нурларга қонай,
Мен буюк одимларни санай куйларда...
Баҳор бўстонларингда сайраб, учиб қўнай;
Қайта бошдан ер босай, қайнар кунларда...

Ол, мени... тўлқинингда мард қулоч отай,
Юриб ўтай йўллардан, поғоналардан...
Ол, мени... куй яратай, куйлар таратай,
Қатра-қатра тер тўкиб пешоналардан...

Мен ерга қуёшни кўргали келдим:
Бу — сана юзим сенга тўғри бўлган кун...

Олов қучоқларингда юргали келдим
Ва товушим борича солай садо-ун!

Куррада

Қуёшдай ярқираган Ватаним...

Ҳар душманининг ҳийласин-макрин ёндириб,
Гумонларнинг нафасин рад этиб-инондириб,
Юраётган қўшиқларим сенга бўлсин маним.

БИР ГЎЗАЛ

Қўшиқ

Дейдиларким, шаҳримда бир гўзал бормиш,
Ҳар оқшом боққа кириб мани сўрармиш.
Изларимни тополмай оҳлар урармиш —
 Гир-гир юрармиш,
 Ҳайрон бўлармиш.
Ултириб япроқлар-ла суҳбат қурармиш...
Ишқ учун осмас кимса мени, деб, дорга —
Баъзан қўлин чўзармиш мунгли дуторга,
Соғлиқлар тилар эмиш олисда ёрга,
 Асл хушторга,
 Ҳажрида зорга...
Саломлар йўллар эмиш бу интизорга...

БУ КЕЧА

Дарё мавжларида
Уйинга тушар
Тўлин ойнинг юмшоқ
Жимжималари...
Само авжларида
Озод юзишар
Кечанинг ярқироқ,
Оқ кемалари...
Қорамтил сувларда
Рақс этур тўп қиз...
Арчазор қирғоқларнинг
Қўланкалари...
Сайқал кўзгуларда
Акс этур тифиз
Машғал чироғларнинг
Алангалари.

Бу кеча оппоқ, оппоқ!
Қайнар ижод жабҳаси...
Тун сукутин ёрароқ,
Янграр меҳнат наъраси,
Ишлар рекорд қўяроқ
Гвардейцлар бригадаси...
Бу кеча бус-бутун оқ,
Муттасил штурм кечаси!
Дарёнинг сўл бўйида,
Кичик ёғоч уйда —
Электрик киприк қоқмай,
Нур сочар ҳамон.
Дарёнинг у бўйида:
Юқорида, қуйида

Бир шиддат, бир ҳаракат,
Суръат ҳукмрон.

Шунда телефон бирдан
Жаранглаб кетади;
Товуш келгандай ердан,
Одам қулоқ тутадн:
— Ҳа, буйруқ бажо бўлур!
Бу кеча режа тўлур!

Ўқилар ўша замон
Қатъий амр ва фармон:
Тинглайди сочларини
Ўриб, ёйган ўрмонлар,
Англайди бу амрнинг
Қатъий, чўнг маъносини,
Тинглайди кучларини
Тўкиб ётган инсонлар,
Англайди бу амрнинг
Темир садосини...
Тинглайди ҳаммаси ҳам
Юракдан, жондан;
Янграйди жавоб шу дам
Пишқирган қондан:
— Штаб, амрнинг ижро бўлади!
Ва бу кеча режа тўлади!
...Бу кеча сутданам оқ...
Кечанинг ҳуснига боқ!..
Юлдузлар ялт-ялт ёнур,
Сувлар оловланур.
Ҳаволар тўлқинланур.
Ерга шиддат қўнур.
Дарё мавжларида
Ўйинга тушар
Тўлнн ойнинг юмшоқ
Жимжималари...
Само авжларида
Озод сузишар
Кечанинг ялтироқ,
Оқ кемалари.
Москва ўрмонларининг
Сояли қучоғида
Бутун ларзага келди

Дарёйи «Уча».
Штурм онларнинг
Зарбли қалдироғида
Гўё зилзила бўлди
Ерда бу кеча...
Бу тун замбилғалтакда
Қум, шағал ташиб,
Табиат кучлари-ла
Тинмай талашиб,
Дарёга жилов урди
Уктам инсонлар.
Улуғ бир тўғон қурди.
Ҳайрон жаҳонлар...

Юртга боглиқ муҳаббат —
Қувват бағишлар...
Бир шижоат, бир шиддат
Қудрат бағишлар...
Тунларда киприк қоқмай
Тонг юзини кўргали,
Тонглар-ла кетга боқмай,
Яна-яна юргали,
Чақмоқлардай тезликда
Суръат бағишлар.
Бу давруқни ҳаётда
Меҳнат бағишлар!
Улуғ саднинг узоқлардан
Унаётгани,
Қумлардан, тупроқлардан
Қуйилаётгани,
Тоғ сиртидай кўринар
Сутдай ойдинликларда.
Инсон ўғли уринар
Бу мрамар тинликларда.

Арчазор қирғоқларининг
Титроқ кўланкалари
Акс этур сувларнинг
Кўзгуларида.
Прожектор чироғларининг
Алангалари
Рақс этур кўзгуларнинг
Кулгуларида...

Юлдузлар ярқ-ярқ ёнур,
Сувлар оловланур...
Бу оқ, мәрмар кечанинг
Эрка кулишидандир!..
Байроқлар тўлқинланур,
Ерга сукут қўнур;
Бу — дарёи «Уча»нинг
Таслим бўлишидандир...

*Москва — Пушкино
Акулов плотинаси*

КРЕМЛЬ ЕНИДА

Ўт курраси совуб-сўниб,
Тупроқ бўлгандан бери;
Зарралардан ҳаёт униб,
Мағзи тўлгандан бери,
Бу табиий кенгликларда шундай осуда
Ҳеч ким биздай панжа сололганмикин?
Ер остида, тоғ устида, ҳавода, сувда,
Табнатни биздай ололганмикан?

Бу на чўпчак, афсона, на мавҳум бир сир,
Шонли меҳнат фатҳ этган шон қалъаси — бу.
Янги тарих сафҳасида бу олтин сатр,
Меҳнат, техника, фаннинг ғалабаси — бу!

Эдилдай улуғ сувнинг тўлқинларини тўсиб,
Югурик қадамларига шлюзалар қургалн,
Эдилдай она сувнинг йўлига садлар босиб,
Еруғлиқ пойтахти сари бургали:

Мана, биз келдик яна,
Тўлқинлана келдик.
Совет ўлкасининг
Қаҳрамонлари каби,
Оддий қаҳрамонларнинг
Буюк шонлари каби,
Порлаб ёна,
Учқунлана келдик...
Уқтин-ўқтин мавжланади ва товланади
Бу қора ўрмонларнинг қуюқ сочлари.
Шуълаларда, яшил ёнғинлардай ёнади
Поёнсиз ўрмонларнинг зич ёғочлари...

Кўкариб кўринади яшил хиёбонларда
Алвон-алвон, чиройли ва узун йўллар.
Япроқлардан шамсия барақ соч ўрмонларда,
Ширин, тиниқ дарёлар ва зумрад кўллар...

Қолмагай очилмаган бир тилсим — дарча,
Табнатга солиб жилов, солиб дов,
Табнат шўхликлари бўлур парча-парча,
Қурамиз йўлларда қўймай тўсиқ, гов...

Ҳар кун беради овоз
Улуғ меҳнат жабҳаси...
Шонли Ватан, фармон ёз,
Бўлур кимнинг шубҳаси,
Ки, биз ағдаролмаган
Қоя

Бормикан?
Ки, биз боғлай олмаган
Дарё

Бормикан?
Ки, биз қурутолмаган
Ботқоқ қолурми?
Ки, биз қўлга олмаган

Қирғоқ
Бўлурми?
Пойтахтдан Эдилга қараб тик туриб,
Ҳамла этаётган ким,

Титаётган ким?
Уриб, қуриб, от суриб,
Утаётган ким?

Бу — қир, бу — жар
Демай,

Бу — кенг, бу — тор
Демай,

Бу — йўқ, бу — бор
Демай,

Бу — бўрон, қор
Демай,

Ерга сурон солаётган
Биз бўлмасак, ким?

Табнатни олаётган
Биз бўлмасак, ким?

Ҳар сад ва соҳилдан чиқади овоз,
Бўлажак шлюзалар ҳисоб беради;

Қурилажак садлар кўкрак керади.
Барчаси бўлиб бир соз,
Куйлайди қурилиш бўйлаб,
Куйлайди ўйлаб...

Рақс этади тинимсиз оёқлар, қўллар,
Рақс этур бир қаҳрамон коллектив ўрду:
Рақс этади тик жарлар, йўллар ва чўллар,
Рақс этур улуғ дарё, ирмоқ, тўлқин, сув.
Рақс этур ўрмонлар, барглар, сув сиртлари,
Рақс этур кураклар, ломлар, ғалтаклар.
Рақс этур атлас қирлар, Эдил ортлари,
Рақс этур йироқ, яқин, яшил этаклар...

Тўлқинда, ёлқинда, елда, бўронда,
Ларзакор сел сингари илгари юриб,
Кунларда, тунларда, ҳар ёруғ тонгда
Коллектив қаҳрамон бир тўлқин уриб,
Кун туғилур:
Тарих жилди шон ила тўлур.
Она Эдил Кремль ёнида бўлур
Ва битди деб Москвада беш денгизга порт,
Ғолиб инсон Марказкомга топширгай рапорт...

Москва — Дмитров

САФАРБАР

I

Чайқаламан юқори тахта устида,
Узоқ вақт кўзимга келмайди уйқу.
Ўйлайман: «Шу осмон остида
Айрилиқдай оғир ҳол йўқ-ку...»

Мен ўйлайман: туннинг чироқлари
Олтин игналарни отади.
Блокнотнинг тоза варақлари
Янги сатр кутиб ётади.

Мен ўйлайман: поезд ғилдираклари
Йўл босади ўзича куй чалиб.
Йиқилгандай қолур йўл тераклари,
Қора айғир қичқирур толиб-толиб.

Вагон дарчасидан кўраман
Ҳар нафасда янги бир лавҳа...
Олдин телеграммалар бераман,
Ҳам муҳаббат, ҳам ишқ, ҳам навҳа.

Хат ёзаман, унутмасин, дея,
Хат ёзаман ширинсўз билан.
Кутиб олсин мени суя-суя
Кутиб олсин ўша кўз билан.

II

Уша кўзлар, бироқ букун мана
Бутун фикр бошқа, ўй бошқа.
Кечқурунлар сирқирайди тана,
Ҳатто вақт йўқдир ухлашга.

Уша кўзлар... Фақат букун кўринг:
Иш тобида, ўзга бутун куй.
— Йигитча! — дер,— Қани эрта туринг..
Дарвозани қоққан посевной.

Хатто шу кунларда бир сатр ҳам
Жавоб ёзай десам вақтим йўқ.
Кунга, тунга, тонга бермай дам
Иш кетади, шумикан бахтим?

Эрта-индин саф-саф темир туёқлар
Далаларга биракай ҳамлага чиқур,
Эрта-индин мана мен турган ёқлар
Эрта кўклам қўшиқларини ўқур.

Эрта кўклам қўшиқлари остида
Сепилади тоза Миср чигити,
Бадавлат ҳаётни шундай осуда
Қурур, қурур колхоз йигити.

Эрта-индин кўклам сувлари
Ариқлардан тошиб-тошиб оқади.
Поёнсиз қирларнинг ёйиқ йўллари
Лолақизгалдоқлар тақади.

Мана меҳнат — куч-ла паҳлавон,
Мана қудрат, доврўғ ва савлат.
Мана турмуш — сувлардай равон
Оқади фаровон, бадавлат!

Иш устига иш тошур яна,
Лабларда ҳам бутун ўзга куй.
Кечқурунлар сирқирар тана,
Сафарбарга олган посевной.

Фақат... қўлга кирган ҳар ўлжа
Дармон, қувват, суюнч беради.
Тўлган сари кўзланган мўлжал
Жумҳурият кўкрак керади.

ЯХШИ ШАҲАР

Ойнисанинг хати

Бир фикрда эдик иккимиз
Ва мен такрор этдим ҳар сафар:
— Ки дунёда эҳтимол ёлғиз
Яхши шаҳар — биз турган шаҳар.

Хизмат битар, қайтамиз уйга,
Ҳар қадамда шилдирар сувлар.
Шуълалар рақс этар ҳар куйга,
Кўнгилда мусаффо туйғулар.

Биз атайлаб пиёда юриб,
Иўл соламиз шаҳарчамизга.
Энг юқори устунда туриб,
Ғазал ўқир радио бизга.

Олқиш ўқир ёз шуълалари
Учиб, қўниб тол бошларида,
Олқиш ўқир биракай бари
Боғ, япроқлар, гуллар, қушлар-да.

Биз сен билан бир фикрдамиз
Ва мен такрор этдим ҳар сафар:
— Ки жаҳонда якка ва ёлғиз
Яхши шаҳар — шу бизнинг шаҳар.

Қиш тонглари... Ҳаволар аёз,
Тўда-тўда кетамиз ишга.
Қор парчалар қилади парвоз,
Ел саломлар келтирар қишга.

Шуъла чизиқлари музларда
Ҳали бутун сўнмасдан туриб,
Дадил одим ташлаб йўлларда,
Иш вақтига борамиз кириб...

Хизмат кутиб қарши олади,
Суюнч тўла, бахт тўла ҳаёт.
Кунлар янги ҳис-ла келади,
Яхши кунлар айланур қат-қат.

Бир фикрда эдик иккимиз,
Бу сўз бўлди такрор ҳар сафар:
— Шу дунёда ягона-ёлғиз
Яхши шаҳар — биз турган шаҳар.

Суйдик, яхши кўрдик, қўйнида —
Қувнаб юрдик. Сўнгги бир кеча
Хайрлашдик бекат ёнида...
Қараб қолдим узаб кетгунча.

Булутлардай қора тутун отиб,
Учиб кетди улкан паровоз.
Рўмолимни елларда ўйнатиб,
Қанча турдим тип-тик — тикиб кўз.

Улуғ шаҳар ўзи ўрнида,
Ҳамон шундай яқин ва азиз.
Бироқ унинг шовқин қўйнида
Сайр этаман сенсиз мен ёлғиз.

Биз сен билан бир фикрдамиз,
Бу сўз бўлди такрор ва такрор:
— Ер устида якка ва ёлғиз
Яхши шаҳар — биз турган шаҳар.

ҚАДАҲ

Янги йил

Бу йўлларни мардона кечганим учун,
Бу сувларни ёна-ёна ичганим учун,
Ғуссаларимга кафан бичганим учун,
Ичаман гул сувлари тўлиқ бир қадаҳ.

Қадаҳки, шаффоф қатра каби товланар,
Қадаҳки, йигитлигим қонимда ёнар,
Қадаҳки, кўпикланар ва тўлқинланар,
Ичаману, бўлмайман сарсари маддоҳ.

Бир йиллик зафарин куйлашда ўлкам,
Жаҳонга янги дарак сўйлашда ўлкам,
Ўлкани бутун янги айлашда ўлкам,
Душманнинг юрагида бир алам, бир воҳ.

Ҳам ўлка янги йилга бўлиб сувори,
Юриш қилур кун сари фақат илгари,
Бонг урар дастгоҳлару далалар бари,
Бу шер юришларга ёв қазолмас чоҳ...

Мен бу йўлларда бир-бир мардона кечдим,
Мен бу сувларни сувсаб, ёна-ёна ичдим,
Мен ҳаётда янги бир саҳифа очдим,
Ҳар оғирлик олдида тортганим йўқ оҳ...

Шу вайдан кўтараман бир коса шароб,
Шаробки, гул сувлари, эмас у сароб,

Шаробки, бир шарафдир... эмас уйқу — хоб...
Ичаману, демайман «во ҳасрат, эвоҳ!»

Синов йўлни мардона кечганимга ичаман,
Ғуссаларимга кафан бичганимга ичаман,
Ҳаётда янги варақ очганимга ичаман,
Билган билсин, билмаган бўлсин огоҳ!

Москва

ЯХШИ ҚИЗ

Айрилиқ кунларининг сўнгидай азиз
Ёнаётган бу кўзлар, бу ёнар кўзлар.
Шунчалар ёқимлигу, шунчалар лазиз
Бу хилват, бу суҳбат, бу ширин сўзлар...

Кўз нурларинг ича-ича
Ўлтирай пича,
Қимирламай ўтирмоқ орзуси бор бу кеча...

Билмайман!
Кўп чоқ сени кўрмаганим учунми?
Ўлтириб, ширин суҳбат қурмаганим учунми,
Тотли хотиралар-ла овунганим учунми,
Сени жуда соғинганим учунми?
Яхши қиз!
Сочларимни силаётган Мария қўлчаси,
Юзларининг тўлин, оппоқ кулчаси
Бу кеча сўлим, азиз...

Муз тахталари ёнур олмос пораларидай
Тўлганиб оқаётган «Уча»да.
Совуқ салтанат қуриб қирқ даражада,
Олмос резалар отур
Замҳарир,
Кўзга кўринмас найзалар ўйнатур
Замҳарир.
Ўрмонлар кийган сарпо —
Сарпопо
Ҳарир...
Танларида кумуш реза — олмос парчалари,
Совуққа салом берур қирғоқ арчалари...
Кечагина суяниб қолганим булоқлар,

Кечагина соясида дам олганиб япроқлар,
Кечагина бригадам ила давра қуриб,
Атлас қирлар сайрида кўзлар югуриб,
Кечагина
Куй таратган кўм-кўк қирғоқлар...
Кечагина
Дарёнинг майин мавжларида
Япроқларнинг соялари рақс этиб гулгун,
Ёғочларнинг учларида
Сўнар эди кун,
Штурм тўлқини-ла ўтар эди тун...
Шу қирғоқларда тарқалиб машина товушлари,
Учарди ёз қушлари
Туркум-туркум...
Ўшанда ҳам сени баъзан келарди кўргим!
Бу кун муз кўринур ялт-ялт ёниб,
Тўлганиб
Оқаётган «Уча» да,
Совуқ салтанат қурмиш қирқ даражада...
Совуқ салтанатини топтаб оёқларда,
Тарқатиб мусиқанинг шўх куйларини,
Тўлдириб шовқинлар-ла қиш кунларини,
Биз ҳамла бошладик тўнг қирғоқларда...
Энг сўнги хандақларни қазмоқ қасдимиз,
Ғижир-ғижир оқ қорлар оёқ остимиз...
Тошдай тўнг тупроқларда
Пармалар қуриб,
Тошдай тўнг қирғоқларда
Ҳамлалар қуриб,
Аммонал осмонга кўтариб тўнг қирғоқни,
Тўзитаб тўнг тупроқни,
Учириб оқ мрамар тожини қоянинг,
Синдириб оқ ҳарир тахтини даланинг,
Тутунлар оқизиб сўнгсиз осмонда,
Оловлар ёндириб оппоқ туманда,
Рекорд қўйдик, замҳарир салтанатида ҳам,
Замҳарир салтанатига бердик барҳам!
Замҳарир кенгликларда қолганим учунми?
Сени ўбдан соғинганим учунми?—
Қўшни қизнинг сочларимни силаган қўлчаси
Азиз бўлди,
Лазиз бўлди
Бу дам кечаси...

Мен сенга ҳикоялар сўйлаб бераман,
Мен сенга ғалати куй куйлаб бераман.
Узун тунлар бўйи икков ўлтириб албат,

Узун тунлар бўйи икков қурамиз суҳбат,
Соғиниш куйларини куйлашурмиз бир-бир,
Айрилиқ кунларини сўйлашурмиз бир-бир.

Бу кечалар ўтар тез — тумандай учиб,
Мен сени, яхши қиз, эркалаб — қучиб,
Сўйлаб оғирлигин соғинув дамларининг,
Сайр этурман шўхлигингни... севгилим, сенинг!

Қанал бўлур, ҳаёт кулур, дамлар келур тез,
Москва қишларидай оқ пахта даласида,
Қуёш шуълаларида — узумзор соясида —
Қувнаб ўсган чиройли қиз, яхши қиз!

Москва — Пушкино

ПОЙТАХТ

Қумуш резалар учур пойтахт устида,
Муаззам кўчаларда қор ёғмоқдадир.
Оқ қуюн кўк ҳуснини сал бўғмоқдадир,
Ўрмонлар ва сайҳонлар қуюн тусида...

Автобуслар югурар кўчаларида,
Заводлар сочларини ёяр осмонга.
Радио куй чалади бутун жаҳонга...
Беш йиллик машъаллари кечаларида.

Бир метр муз остида сувга термулдим:
Оқади, ҳад бормикан тўхтатадирган?!
Оқади, томирларда оққанидай қон,
Асрим фалсафасидан шунда ўргилдим,

Ҳар зарра ва ҳар томчи тўхтовсиз оқур,
Оқади шу йўсинда буюк денгизлар,
Ўсади, юксалади, қўяди излар,
Такрорсиз оқиб ўтар, бир карра — бир қур...

Метро туннелларида тинмайди садо,
Метро туннелларида бир шиддат ҳоким,
Ер йиглайди: «сўкмангиз менинг,— деб,— чоким!»
Ер таги тилсимлари бўлмоқда адо...

Қурранинг ғурурисан ва зийнатисан,
Ёруғ замон бешиги — ягона пойтахт!
Элларнинг кўз нурисан, муҳаббатисан,
Одамзод сендангина топмоқдадир бахт...

Кремлнинг ёнида, Қизил майдонда
Қора мрамар даҳмани билмаган борми?
Курраннынг кўркини ҳам суймаган борми?
Дамашқда-ю, Ҳиротда ва Ҳиндистонда,

Хитой шаҳарларида, Африка саҳросида
Қўради... Унга севги боғламиш олам,
Унинг ишқи тортади дилни дам-бадам,
Уни сақлайди курра кўз қорасида...

Қутб ботирларига ғайрат, куч берган
Пўлат бадан пойтахт сен эмасмисан?
Сен уларга уч, юксал тез, демасмисан?
Тарих қанотларида ҳей, қанот керган!

Пойтахт кўчалари ол байроқларда,
Байрам сарпоси кийиб, барқ урар, гулгун...
Шарқнинг кундузларидай чарақлайди тун,
Шуълалар рақс этади кўп йироқларда.

Уша кун Американинг бир қул хўжаси
Том¹ оғани кишанлаб бозорга солди
Ва бутун курра бўйлаб мунг-ла таралди—
Уша кун Элиза ҳам Топси² ноласи.

Уша кун Пекинда рикша³ бир гўдак
Очликдан, ишсизликдан қотди кўчада...
Рикшалар исён қилди, ҳаётдан зада,
Ҳаётда улар, ахир, тентирар беҳақ...

Шу кун... Британияда — кўмир конларда
Тоғчилар бир лавадай қилди қўзғолон...
Кўча говларин бузиб, торож ва толон
Этди шаддод миршаблар сузиб қонларда...

Бироқ... бари пойтахт ишқига мафтун,
Бари курра ғурури ила шод, мағрур!
Барининг кўзларига пойтахт берур нур...
Бари буни хотирда тутган ўша кун!

^{1,2} «Том бобонинг чайласи» романининг қаҳрамонлари, қул бозорида сотилган одамлар.

³ Одам ташувчи.

Уша кунки... пойтахт байрам билан банд,
Елларда мавж уради қизил байроқлар...
Шуълалар қучоғида йироқ-йироқлар,
Пойтахт шўх куй чалар радиода баланд.

Оқади... бир метрли музлар остида
Сув ҳеч тўхтов билмайин оқади ҳамон...
Пойтахт уфқларида ёйилар туман,
Учар қор қуюнлари унинг устида.

Фақат, унинг музайян кўчаларида
Автобуслар учади, кўзни олади,
Радио курра бўйлаб садо солади,
Беш йиллик машъаллари кечаларида.

Муаззам кўчаларда қор ёғишдадир,
Фақат на қуюн, довул, совуқ таъсирсиз...
Ҳаёт — соғлом юракдай ғуборсиз, кирсиз,
Жаҳон узра жаҳонлар яралишдадир!

Ўлкамнинг ғурурисан ва зийнатисан,
Кўкларга кўкрак керган улуғ пойтахт,
Элларнинг кўз нурисан, муҳаббатисан,
Сен маҳкум ўлкаларга ёруғ юлдуз — бахт...

Сен улуғ Ватанимиз пўлат қалъаси,
Сен бизнинг юракларга ишқдай тўласан!
Югурик бу йилларнинг сен машъаласи,
Балки эртан куррага пойтахт бўласан...

Москва

АСКАРДАЙ

Менга ҳаёт китобини варақ-варақ ўқитиб,
Менинг кетар йўлларимга машъаллар тутиб,
Мени бир аскардай ботирликка ўргатган,
Менга йўл кўрсатган,
Ҳам юмшоқ, ҳам жиддий,
Ҳам яқин биродар,
Ҳам содда ва оддий
Бир падар! —
Тарбиячим, бошлиғим, туриб қаршингда,
Онт этаман, қўл кўтариб, яланг бошим-ла...
Онт этаман: ўғитларинг эсимда турур,
Шоир ўз жабҳасида содиқ аскар бўлуր!

Хайр, Москва! Улуғ шаҳар, шонли пойтахт!
Кўзим очиқ... бағишладинг янги илҳом, бахт...
Аллалаб бешигингда, бердинг ҳаёт сутини —
Сатрларимда ёндириб илҳом ўтини,
Мен ўша саҳролардан бир-бир ўтаман,
Пахта жумҳуриятига тўғри кетаман.
Онт этаман,
Аскардай қаршингда туриб,
Ҳар на деган бўлсанг, жавобимдир: хўб!

Хайр, қўл бер, зўр иншоот, канал қирғоқлари,
Ёз кунлари ёд этганим ўрмон қучоқлари,
Юлдузларнинг рақсига саҳна бўлган дарёлар,
Юрагига меҳнатимиз раҳна солган қоялар,
Аҳд этаман қаршингизда аскардай туриб,
Ҳарна деган бўлсангиз, жавобимдир: хўб!..

* * *

Кеча бўлган тасодифдай кўз нуримда саф тортур,
Дафта-дафта, ранго-ранг ёз лавҳалари...
Билмайманки, борган сари кўрмак орзуси ортур,
Оқ мрамар қирлар ўрнида баҳор воҳалари...
Оқ мрамар тепалар, оқ мрамар кенглик,
Ҳарён оқ кумуш қор остида каби...
Асримнинг айғир оти — паровоз чопадир тик,
Оқ тутунлар ортида ярқирар осмон қалби.

Осмон — зумрад қубба, жуда ғуборсиз,
Ўртасида тўлин ой, осилган қандил янглиғ...
Еллар ҳар қадамда ўйинга тушур орсиз.
Қуюн, қор ўйинлари; шўх бормикан ел янглиғ?

Ҳар нима табассумда, рақс этади оқ дала,
Ҳаммаси бахтиёрдай, бари кулиб туради...
Дам-бадам типирлайман, гўёки шўх — ёш бола,
Юрагимда ғуборсиз умидлар барқ уради...

Оқ қорлар ўртасидан бўй кўрсатди шаҳар,
Тошкент!
Қўлларингни сиқиб тутаман,
Ҳам туриб қаршингда мисоли аскар,
Онт этаман:
Сатрларимда ёндириб илҳом ўтини,
Бузиб дамлар сукутини,
Ҳали Чирчиқстройдан илҳом сўрай олмаган,
Ҳатто унинг дарвозаси олдига бормаган —
Соз тутган, вале чалмаган созчиларга боқиб,
Шеърда бир лирик куй, лирик оҳангда оқиб:
Волгострой донгини кўтариб бошимга,
Юртимга,
Соз тутган бутун қардошимга
Кўрсатаман, кўрсатаман, кўрсатаман!

Москва — Тошкент

ЯШИЛ ЯПРОҚЛАР

Салқин, силлиқ сўлим баҳор эртаси...
Уфқ бўйлаб ёнар шафақ байроқлар.
Ёшариб товланар барра япроқлар —
Қўшиқдай таралур қушлар нағмаси.

Далада, саҳрода, сой сиртларида
Қуёш кокиллари ётур паришон.
Поёнсиз экинзор беради нишон
Узоқ уфқларда, кўк четларида.

Кездим кенг водийда эрта саҳардан:
Колхоз даласининг истеҳкомлари,
Трактор саройининг пўлат тўмлари
Жилва қилур яшил текисликлардан.

Дала салқин тонгга очди кўзини,
Иш куни бошланган, қайноқ бир фурсат.
—«Ҳой япроқлар!— дедим — юзингни кўрсат,
Тинглагали келдим асл сўзингни!

Сиз учун даланинг чокини сўкдик,
Чиқардик қора ер қаъридан омон,
Сизнинг ишқингизда аямадик жон,
Бола ўсдиргандай эмгаклар тўкдик.

Парваришлаб, жиндак кетолмай нари,
Суғориб, чопиб, ўтаб ўтмоқда кунлар,
Момиқ чечак оч, деб кутмоқда кунлар,
Ғўзанинг қўш япроқ кўк новдалари!

Ишқимиз сендадир, гул чиройингда
Бахтимиз ғазалин ўқисак деймиз.
Фабрикада бемалол тўқисак, деймиз.
Тунларда қўриймиз қолиб ёнингда.

Куч тўкиб кечалар, тонг чоғида боз —
Тўрғайдан олдинроқ уйқудан туриб,
Йўлларингда юриб, трактор суриб,
Шавқингда ўтади бутун кўклам, ёз.

Ниҳол бўйларингни, яшил япроқлар,
Қадрласак сулув қизлардай азиз.
Қадрласак жўшқин севгидай чексиз,
Чунки, бешигингиз бизнинг тупроқлар...

Тупроқки, берилган у деб беҳад бош;
Ҳар одим бир қошиқ қонимизга тенг,
Жангларда олинган мамлакат бой, кенг;
Унинг фахри, шони куррада қуёш.

Сўйла, эй япроқлар, шундай ватанга,
Шундай ватан бўйлаб жавлон ургувчи,
Унда соз, ғавғосиз ҳаёт қургувчи
Элга вафонг борми, бу сўроқ санга!»

Силкинди салқин тонг шаббодасида
Аскар қаторидай яшил булоқлар,
Кўзимда қатъият кўрди япроқлар
Шунда бутун водий шўх ялласида —

Берди жавоб: «Бизми? Фидо ватанга!
Ниҳол бўйимизда — зумрад шохларда,
Оқ момиқ ярқирар кузги чоқларда,
Олқиш кўкартганга, меҳнат тўкканга!»

Шеърдай янгради кенг водий саси...
Уфқ байроқ тақиб гулгун ёнади.
Сўнгсиз қирлар усти яшилланади,
Элда қанот ёзди баҳор нафаси.

САРГУЗАШТ

Қатта йўлда кетардим шошиб,
Чиқиб қолди бир қиз ногаҳон.
Қора сочи белга чирмашиб,
Шаҳло кўзлар сўрар эди жон.
Чиқиб қолди ўзи беҳабар,
Ташлаганди қия шол рўмол.
Қараб турди жиндек беҳатар,
Барқ урарди гулдайн жамол.
Тўлин ойдай ёруғ чеҳраси,
Ниҳол каби келишган қомат.
Гўзалликнинг порлоқ зуҳраси,
Қоши қийиқ, бирам қиёмат.
Дарҳол тутди юзига чиммат,
Фарёд сездим кўз қарашида.
Қайдам, умри сезилмас қиммат,
Тутқун экан кичик ёшида...
Гўё эсин йиғди шу фурсат,
Қочди-кетди келган изига.
Қараб қолдим, кўзимда ҳайрат,
Ичкарининг сулув қизига...
Тўхтолмадим, кутарди мани —
Ҳарбий машқ, командир, майдон,
Жўнаб қолдим, бироқ ўйимни
Боғлаб олди бу қоши камон...
Машқ ҳам битди яна кечқурун,
Ўз взводим билан қайтдим мен.
Ҳаволарга солиб садо — ун,
Дўстларим-ла қўшиқ айтдим мен.
Ўша ошна эшик олдидан
Ўтар чоқда азобда қолдим.
Не учундир тўлғанарди жон,

Кимларгадир ғазабда қолдим.
Эҳтимолки, қизнинг отаси
Ҳали жоҳил ва тажанг чолдир;
Қиморбоздир балки оғаси,
Ё, кўрганим тушдир, хаёлдир.
Онасида, эҳтимол, гуноҳ,
Қизни қўймас у ўз эркига.
Йўлларига балки қазган чоҳ,
Бўлмаса у ҳануз қул нега?
Машқ ҳам битди, тегди қоғозим,
Лекин кездим у маҳаллада.
Баъзан куйлаб ўтдим, овозим
Балки, қилди бу қизни зада.
Учратолмай юрдим сарсари,
Хабар бермас кимса дилбардан.
Ким экан у нозанин пари,
Сўрар эдим оқшом, саҳардан...
Ҳануз дилда бир ғам ётади,
Ғазаб тошар ўйласам ҳануз.
Балки нафрат тошин отади
Кимларгадир ҳануз у ой юз...

СУЛУВ

Хушбахт қўшиқлардан жаранглар осмон,
Ялла товушлари учади баланд.
Кўнгил яйраб кетар, ором олар жон,
Гуллар манзараси севинчга пайванд.

Юрак тўлқинларим: ёз, дейди, баёт!
Кўшиқлар келади дилга бутун ёд.
Алвон лавҳаларда ярқирар ҳаёт,
Шеър бўлур бунёд.

У келар, ваъдалар беҳуда эмас,
Чачвонни кўтарар, қайрилиб қиё.
Келишига кўнглим ишондими — бас,
Кўзлари кўзимга тўкажак зиё.

Дўқлар иш беролмай қолди, ҳей ошна!
Макру ҳийлаларнинг занжири узук.
Қошга ўсма қўйиб, қўлига хина,
Қолмас баҳор қизи кўзлари сузук.

Мунчалар бетоқат боқасан, нега?
Уринма, уринма, уринма лекин.
Тўлин ой кирганда осмон қўйнига,
У ҳам юзни очиб келади секин...

Унга янги қўшиқ қилғум армуғон,
Унга келтираман китоб ва дафтар.
Севгим отини Сулув қўяман,
Бахтиёр яшармиз худди қўш каптар.

БАЛКИ...

Хайрлашдим муюшида кўчанинг:
—Хайр, раҳмат... Унутилмас яхшилик!
Эшик очди... ёруғ қўйни кечанинг —
Барно қизнинг сочи янглиғ кўп силлиқ.

Хайрлашдим, ўпдим, жаранглаб кулди,
Юлдузлар нур тўқди кетар йўлимга.
Қалбим бир севинчга парвона бўлди,
Севиб қолдим.
Балки бу қиз...
Она бўлур туғилажак ўғлимга.

ОНА ОРЗУЛАРИ

Унинг кўзлари бўлур қоп-қора, тиниқ,
Унинг қўллари, юзи, тани оқ бўлур.
Қоши, киприги қора, сочлари силлиқ,
Дўндиқ, шўх бўлур ўғлим — шодумон кулур.

Алла айтиб бераман туриб бошида,
Оқ сут эмизаман, гулдай боқаман.
Мактабига элтаман етти ёшида,
Бахт шамини бошлаб ўзим ёқаман.

— Уғлим! деб чақираман... Қуш боласидай
Қанот ёзиб келади соғинганимда.
Тенглашолмас кўркига на юлдуз, на ой,
Қувонар этагимда, кулар қўйнимда.

Галстук боғлаб келар ўғлим тўдадан,
Она, пионер бўлдим, она, пионер...
Машъала ёқиб келдик ҳозир даладан,
Она, чечак келтирдим сенга мана, дер...

Байрамда энг олдинги бир колоннада
Мен уни кўражакман, севинчи тошган.
У ўтар ўз сафида, кийинган содда,
Бўйинбоқ кўкрагига қандай ярашган...

Бир кун мени чақирар мактаб мудирин:
«Уғлингизнинг тўйига келинг кечқурун»

Ўғлим аъло ўқиган кўпларнинг бири,
Шаҳодатнома олур ҳаммадан бурун.

Ленин, жилдларингни варақлаб сенинг,
Ватанимга фидокор бўлажак ўғлим.
Қувончим, икки кўзим, умидим менинг,
Бахтиёр фарзандим, бағрим, севиклим...

УГИЛ

Тонгда кирдим чаманзоримга,
Барглар билан ўйнар ел майин.
Гул боғладим хаста ёримга,
Хурсандлигим тошар дам сайин.
— Ўгил қутлуғ,— дейди жиддий чол,
Фурури барқ урар кўзида.
— Қутлуғ ота, дейман заб хушқол,
Жиндак ҳаё аён юзимда...
Бир даста гул қўлда, кетаман,
Ўгил туққан хушрўй, қайдасан?
Юрак ўйнар, кўча ўтаман,
Оҳ, шу фурсат қандай ўйдасан?
Чақалоққа меҳрингни қўйиб,
Кўз соласан балки ҳар минут.
Фурур ила боқасан тўйиб,
Дилга дейсан: ғуссани унут...
Гунча очган сўлим навбаҳор,
Қутганимдан келтирди дарак.
Товланади барқут боғ-гулзор,
Қўшиқ айтар йўлда шаршарак.
Гул кўтарган қиз дуч келади:
— Тугруқхона, ҳой синглим, қайда?
У шодумон ва шўх кулади:
— Хиёбондан бурилган жойда.
Жараанглайди кулги кўчада,
Аста қўнар гуллар баргига.
Қувончим мўл, бўлибман дада,
Ўгил яхши ота кўркига...
Куйла, кўнглим! Ана онаси,
Ором олур, қошлари қиё.
— Жиндак кутинг,— дейди дояси,—

Бир ўғилки, кўзга тўтиё...
— Салом, сулув, салом, сумбул соч,
Гулдастани ол, эмас гуноҳ.
Ватандошим, ўғлим, қўлинг оч,
Бир ўпайин, меҳримга гувоҳ...
Улғаярсан, кулгуси новвот,
- Юртинг тенгсиз, асл гул диёр.
Ҳар қадаминг — порлаган ҳаёт,
Эл бахтиёр, сен ҳам бахтиёр...

УХЛА, ҚЎЗИМ!

Нега уйқунг қочди, ухла, қўзим!
Тун туш осиб келган бўйнига.
Бош устингда туриб, куйлай ўзим,
Кир, қулуним, чойшаб қўйнига.

Тўлин ойнинг сузгун боққан чоғи,
Яшил атлас қирлар уйқуда.
Сувга тегар майин ел дудоғи,
Мавж кўринар жим, турғун сувда.

Юзларида шудринг резалари,
Мудрашади гул, ялпиз, райҳон.
Ором олур қирғоқ сабзалари,
Ухлар Бўта, ухлайди Ойхон.

Жониворлар ухлар инларида,
Чирқилламас уяда қушлар.
Уйқу кезар оқ тун йўлларида,
Улаштирар оламга тушлар.

Уваларда, ясси тепаларда
Уйқу қўяр секин қадамлар.
Тол остида, айвон, супаларда
Ором олур, ухлар одамлар.

Еллар учиб даштга йўл солди,
Чирчиқ бўйлаб кезади уйқу.
Қамиш, жийда, тўқай жим қолди,
На учади оққув, на қий-қув...

Жаҳон мудрар салқин қучоқларда,
Ел сал эсар, фурсат кўп сўлим.
Уйқу билмас ёлғиз шу чоқларда
Аскар оғанг — шерсифат ўғлим...

У тик турар, ҳушёр тунлар бўйи,
Оқ булутлар ўтар бошидан.
Ёвқур ўғил бўлмоқ бутун ўйи,
Ёв қочолмас кўз қарашидан.

У туради; довул, дайди бўрон
Кўзларига тупроқ уролмас.
У Ватанни сақлар, асл ўғлон,
Душман асло ёвуқ боролмас.

Чегарачи оғанг — танти, полвон,
Оғанг мағрур, оғанг посбон...
Кеча ойдин, ярқирайди жаҳон,
У бор, тўфон тўкса-да осмон.

У Ватанни сақлар босқинлардан,
Шижоати ёв учун даҳшат.
Ватан омон бало, тошқинлардан,
Йироқ, ўғлим, Ватандан ваҳшат!

Ухла, қўзим, ухла сен ғунчадек,
Ухла, азиз ўғлим, қулуним!
Роҳат уйқу олар Ватанинг тек,
Сен ҳам ухла, бахтим, оқ куним!..

ЖИЛҒА БҰИИДА

Құшиқ

Лагерь, соз лагерь — жылға бұйида,
Чўзилган яшил дара қўйнида.
Кунлар хуш кечар, ойлар соз кечар,
Шод кечар гўё туққан уйида.—

Нима десанг бор,
Шўх-шўх ўйин кўп.
Ёшлик бахтиёр,
Қувнашар тўп-тўп.
Тонглар алвон,
Кечалар оқ,
Сургил даврон,
Эй, ёшлик чоқ,
Шўх ёшлик чоқ!

Гулхан ёқамиз тунда тўқайда,
Жар ёқасида, чаманда, сойда.
Командир келар — ҳикоя айтар;
Ўқиймиз китоб кундуз тинч жойда.

Музли тоғларда тикамиз ўтов.
Тушда толзорда қирғовулга ов.
Сўлим табиат кўзга жылвагар,
Яшил қирларда кезамиз яёв.

Улкада заб мўл қуёш, сув, ҳаво,
Қуёш, сув, ҳаво — баҳосиз даво.
Танлар қораяр, ўсармиз ғаюр,
Соғлиқ, сулувлик ёшликка раво.

Нима десанг бор,
Шўх-шўх ўйин кўп.
Ёшлик бахтиёр,
Қувнашар тўп-тўп,
Тонглар алвон,
Кечалар оқ,
Сургил даврон,
Эй, ёшлик чоқ,
Шўх ёшлик чоқ!

ЕЗ

Туристлар ашуласи

Ез келди, жўралар, ўлкамизда ёз.
Боғларда сайрашур қушлар хушовоз.
Далалар ям-яшил, тепалар яшил,
Ҳовлиқма жилғалар, оҳ, нақадар соз!
Кезгали ажиб жой тоғ этаклари:
Сўлим ва соядор чинор таглари,
Йўлимизда ётар даралар, сойлар,
Қизгалдоқ, райҳонлар, чўл чечаклари...

Жўралар, овлоқларга,
Ям-яшил яйлоқларга,
Табиат гўзаллиги
Яшнаб турган ёқларга!

Кўкси хазинага лиқ тўла Чотқол,
Тўқайларда лак-лак ари тўплар бол.
Тунга ёруғ берур, тупроққа мадор,
Чирчиқ ҳикматига кекса дунё лол...
Янги жилға оқар Лоғон чўлида,
Балиқлар ўйнашар Қуббон кўлида.
Қаттақўрғонда ҳам Байқолдай денгиз,
Янги дарё Ватан ўнгу сўлида.

Жўралар, бундай соз ўлка қайда бор?
Қаён борма, бунда топарсан дўст-ёр.
Ез келди, ғанимат соз ойлар келди,
Шўх, ёш сайёҳларга йўллар интизор...
Кўз тутар овлоқлар, кутар яқинлар,

Сурхон саҳролари, кекса оқинлар.
Ўрмонлар, денгизлар, дарёлар, қирлар,
Шамоллар, шовқинлар, булут, чақинлар...

Жўралар, овлоқларга,
Ям-яшил яйлоқларга,
Табиат гўзаллиги
Яшнаб турган ёқларга!

КУЗ

Кеча ёруғ, тўлин ой елкандек юзар,
Тўп-тўп юлдуз пирпирар, жилва кўргузар,
Еллар шўх, ўйнаб тинмас, баргларни узар,
Кўз илғайди гўёки олам-олам зар...

Ҳаво аёз, кўк тиниқ, ясси тоғлардан,
Ой остида товланган заррин боғлардан,
Куз қўйнида мудраган кенг ўтлоқлардан,
Қўшиқ янграр пахтазор, нам тупроқлардан...

Юртим ҳуснига тўймас, юлдузлар боқар,
Куйлар бахтиёр авлод, садолар оқар,
Залларда, клубларда чилдирма қоқар,
Куз нағмаси дилларда завқу шавқ ёқар.

Келади қўлтиқлашиб тунда икки ёр,
Бир-биридан севимли, гўзал, бахтиёр.
Оқ тунда ажралолмас, жўшқин ишқи бор,
Қандай гўзал бу Ватан, яхши бу диёр!

Тотли бўса, хилват тун, ваъда, ширинсўз,
Ой ёруғи остида ёнар қора кўз,
Ёнар илк бўсалардан гул ёноқ, ой юз —
Нақадар шоирона, на соз келдинг куз!

Тоғларда ол туғ тикар қуёш тонг чоғи,
Ҳали-бери қайнайди дала қучоғи;

Республикам — гурурим, эй эрким боғи,
Қамолингга етасан, бахтим чароғи!

Шоир соз ола чиқар шўх сой бўйига,
Куйлари таралади фасл тўйига.
Жўр бўлур шўх наслнинг шўх-шўх куйига,
Қуёш ҳам кўз узолмай, кулар куйига...

ҲАМ ПОСЕВНОЙ, ҲАМ ВАСЛ

I

Атир исларими аста сочилур
Қўйнингизда, ойдин апрель тунлари.
Бодом гулларидай очилур
Салқин, соя, сўлим баҳор кунлари.

Посевной-чи, қитдек кута олурми?
Дала, майдон тўла ҳозир бўлсин, дер.
Жумҳурият тоқат эта олурми!
Ўлка бонг уради: пахта, пахта бер!

Ҳой сен, тракторга сувори,
Минган қора арғумоғинг бардамми?
Сен-ку посевнойнинг илғор саркори —
Қадамларинг шўхми, тезми, шахдамми?

Бир ҳаракат тинмай тўлқин уради,
Кенг Фарғона сахий адирларида.
Посевной гувиллаб оғир юради
Жумҳурият олтин водийларида.

Саф-саф бўлиб чиқур темир туёқлар
Адирларга сўнгги қатъий ҳужумга.
Кўм-кўк, сарин дала — мана шу чоқлар
Тун кундузга айланур, кундузи тунга.

Ишим шу чоқ жуда бошимдан ошган,
Езолмайман, кечир, ҳулкарим, кечир,
Жуда кўргим келар ўзингни баъзан,
Эсларимдан чиқмас ўғилча ҳеч бир.

Узоқ тунлар ўлтираман баъзан,
Мажлис, ҳисоб, маслаҳат, қарор.
Тонг отганда киприк қоқмасдан,
Тағин қир бағрида бўламан тайёр.

Бардам бўлай бу сафарларда,
Ахир режа улкан, иш буюк,
Шуни равшан кўрган дамларда,
Енгил келар тоғдай оғир юк.

Кунлар боғлаб олгандай қанот,
Зафар олиб уча беради.
Бу йил илғор бўлса жумҳурият,
Кенг Ватанда кўкрак керади.

II

Беҳад суюнч ила қайтаман,
Шу йўл... бироқ еллар мулойим,
Ўз-ўзим-ла суҳбат этаман,
Қим қаршилар. Уми, ё ойим?

Фақат поезд тўхтамай туриб,
Ўша кўзларингни кўраман.
Мен сенга, сен менга зум юриб,
Бир зум сўз қотолмай тураман.

Уйга етмай туриб, неча марта
Кулдираман елдаин учиб.
Суюнч ёшларингни арта-арта,
Уйга кирмай ўпаман тутиб.

Ҳам посевной, ҳамда васлингнинг
Суюнчлари сигмайин терга,
Ҳам овқат еб қўлингдан сенинг,
Ҳам «Ҳамлет» га борурмиз бирга.

КУТИБ ОЛГАНДА...

Орденлиларга

Бу — сизга саломларим, бу мақташимдир;
Бу — сизга мадҳиямдир — севинч ёшимдир.
Йўлингизда тўшаган мрамор тошимдир,
Субҳидамларда туриб бу сайрашимдир.

Мақтаганим — жангларда қозонилган шон,
Мақтаганим — юртимнинг юлдузларидир.
Республиканинг донгдор қизи Тожихон,
Ҳожарой, Анорбону, Қундузларидир.

Салом, кўкракларидан орден ярақлаб,
Пойтахт кўчаларидан ғурур-ла ўтган!
Кремль залларида кўзлар чарақлаб,
Калининнинг қўлини ҳурмат-ла тутган!

Жанг тўлқинида пишиб, тарбия олган,
Бахт шарбатин ичган пиёлаларда.
Республика ғурури бир тўп қаҳрамон,
Эй танларини ювган шалолаларда.

Салом, Файзулла Юнус — пахтакор устоз,
Тансиқ орден кўкракка қандай ярашиқ!
Тошкент субҳидамдан чалаётир соз.
Ҳаволарни титратур янграган қўшиқ.

Ун бешинчи асрнинг карнай садоси,
Суюнчимиз жиндек қил-чи ифода.
Салом, республиканинг азиз отаси,
Тубанлардан юксалган жонажон, содда.

Тантана товушлари қилади парвоз,
Юлдузлардай ёнади порлоқ исмингиз,
Нақадар мақтасам-да, барибир бу оз,
Илғор республикамнинг ғурури сизсиз!

Анҳор! Бир зум тўхта, кўр бу намойиш,
Юракларга сиғмаган, севинч, тантана...
Камол топган ҳур элим ўз бахтига эш;
Кўриб ол, сўнг кўпириб оқарсан яна.

Юрган йўлларингда куйлаб ўтарсан,
Ўлка бўйлаб ёйилсин бу шон, бу шараф.
Тилинг лол, қалбинг ёруғ, шоша кетарсан,
Бахтига кўмилибди, дерсан, бу тараф.

Радио! Бир минутга тўхта, уқ сўзим,
Гурлаган товушлардан бўлмагин карахт,
Териб ол, саралаб ол бир нафас, бир зум,
Гуллар, байроқлар ора кулар пойтахт.

Тинглаб ол, музиканинг тўлқин товшидан
Қудрат куйи таралур кўкларга сўнгсиз.
Пўлат қушлар ўтади пойтахт бошидан,
Шу товушларни тарат куррага мунгсиз.

Қуёш! Бир нафас тўхта, қолсанг-да йўлдан,
Сайр эт, биз мардларга қилмоқдамиз тўй.
Мардки, бўстон яратган қақраган чўлдан,
Рекорд берган жабҳада, шунга мақтов, куй.

Бу менинг бир мадҳиям — севинч ёшларим,
Довруғингизни жиндак мақташимдир бу.
Субҳидамларда уйғоқ бу сайрашларим,
Ёш бошим, йигит ёшим, қарашимдир бу.

Бу танамда югурган тоза қонимдир,
Сизга бағишлаганим, армуғонимдир.
Сизга атаб чизилган шеър маржонимдир,
Оташин олқишимдир, шараф-шонимдир.

АЙРИЛИҚ

М. Горькийга

Шумли хабар ола келди субҳидам,
 Изтиробда қолдим, кўзда жиққа ёш.
 Буюк адиб ўлмиш, ўлкада мотам,
 Золим табиатнинг бағри бунча тош?

Ерга боқдим, ерда уйиган сукут,
 Айрилиқ очмишдир аччиқ бир яра.
 Кўкка кўз ташладим, кўк юзи булут,
 Қуёш мотамсаро, ранги қоп-қора.

Қуёш каби порлоқ оташин ҳаёт
 Қандай сўна қолди? Ҳасрати оғир.
 Куррада шум ўлим қоқдимми қанот?
 Не надомат, олам узра қандай сир?

У тобутда, оғир ўлим уйқуси
 Айланиб учади адиб бошида.
 У сокин ётади, оқарган туси,
 Бутун эл туради тобут қошида.

Бошини эгади бугун ёр юзи,
 Қайғуда у ўсган буюк мамлакат.
 Чақмоқдай таралган шум ўлим сўзи
 Кўзларга қуймишдир ўлчовсиз ҳасрат.

У йўқ!.. Жаннат янглиғ Қрим боғлари,
 Хаста адиб ортиқ юрмас соянгда.
 Денгиз бўйи, тошқин сув қирғоқлари,
 Горький ёнингизга келмас бу тонгда.

У йўқ!.. Оламшумул дoston ҳақида
Кремлга келмас суҳбат қилгали.
Байрамда кўринмас минбар устида,
Олам уни кўп чоқ соғинар ҳали.

У ўлди... Жим ухлар мангу уйқуда,
Аmmo хотираси сўнмас ҳеч замон.
Қалъалар фатҳ этдик ер, кўк ва сувда,
Ўлимни ҳам енгиб, олсайдик омон.

ОИСУЛУВ

Бўз тўрғай саз ғазал ўқир
Яшил дала бўйлаб.
Она бўлса алла ўқир,
Қизи бахтин ўйлаб.

Ой шуъласи япроқларда
Сапчиб ўйнар шошқин.
Алла айтган дудоқларда
Она меҳри тошқин.

«Яшил кўйлак кийди осмон,
Яшнар тўп-тўп юлдуз.
Ҳордиқ олгин, Ойсулужон,
Хўп ўйнадинг кундуз.

Эрка қизим, тинчинг олгин,
Кўзларингни юмгил.
Уйқу келди — ухлай қолгин,
Тўшагингга чўмгил.

Баҳор чоғи ғозлар ўтар,
Қаноти оқ, кўркам.
Қишлар ўтар, ёзлар ўтар,
Сен ўсарсан, эркам!

Энг чиройли қиз бўлурсан,
Қирқ кокилли қизчам.
Чевар қиз, деб ном олурсан,
Бўлмагайсан ҳеч кам...»

Бўз тўрғай саз ғазал ўқир
Яшил осмон бўйлаб.
Она шундай қўшиқ тўқир
Қизи бахтин ўйлаб.

Аммо чевар бўлмади қиз,
Тикмади у кашта.
Пардаларда қолмади қиз,
Бурро бўлди ёшдан.

Гўзал бўлди, ойдай бўлди,
Мактабида — аъло.
Қоши қора, ёйдай бўлди,
Кўзлари ҳам шахло.

Самолётлар гувлаб ўтар,
Ойсулужон бирга.
— Ойсулужон унда нетар?
— Учиб тушар ерга!

Ана, чодир ёйди қанот,
Қаптар каби оппоқ.
Талпинади жўшқин ҳаёт —
Қаптардан ҳам шўхроқ.

Қизгинани кўрмас она,
Учиб келар қайдан?
Осмон — юз қат болохона,
Қизи келар ойдан.

Тегиб ўтар оқ булутга,
Ипак қанот — чодир.
Учиб кетди қандай юртга
Ойсулудай ботир?

Ўз юртининг осмонида
Учиб ўйнар лочин.
Қувноқ, порлоқ замонида
Қувнар, яйрар лочин.

Онагина кутар тун-кун,
Ойсулужон қайда?

Ойсулужон учар букун
Осмондаги ойдаи.

Ун тўрт кунлик ойдаи бўлиб
Онажонга қайтар.
Уйнаб туриб, кулиб-кулиб,
Ҳикоялар айтар.

Бўз тўрғай бир нағма ўқир,
Қушлар учар куйлаб.
Қиз мардона қўшиқ тўқир
Тиниқ осмон бўйлаб.

СЕРГО ОРЖОНИКИДЗЕ

Ўлди улкан саркор, қаҳрамон одам,
Қора ўпқонларга ботмаган одам,
Бутун мамлакатга қадрдон одам,
Ўлим хабаридан олам ларзада.

Кетди Улуғ Ватан еткизган ўғил,
Қавказ бургутидай полвон эди ул,
Ватан чаманзори очганида гул,
У йўқ, эл мотамда, Ватан азада.

Қуёшга йўл солган полвон юртимиз,
Жаҳонга яллиғлар сочар ўтимиз,
Ўлимни ўлдирсак эди энди биз,
Дайди зарбасидан юраклар зада.

Серго! Едгоринг сўнмас ҳеч қачон,
Ватан коммунага етишур омон,
Сен ҳаёт, бахтиёр дилларда ҳамон,
Биз билан борурсан ҳар бир лаҳзада.

* * *

Самога термилиб боқдим кечаси...
Само чексиз, яшил далага ўхшар
Тўлин ой кечанинг оппоқ ғунчаси,
Ҳар юлдузи қирмизи лолага ўхшар.

Адирда юрганман наврўз айёми,
Адир чексиз, яшил денгизга ўхшар.
Шу қадар чечак мўл, топилмас номи,
Ҳар барра қизғалдоқ юлдузга ўхшар.
Ям-яшил самонинг кўрки — юлдуздир,
Ям-яшил даланинг кўрки — қизғалдоқ,
Тўқайзор кўлларнинг кўрки — қундуздир,
Баланд тоғлар кўрки — чўққилари оқ...

Салқин булоқлардан қонар йўловчи,
Гул очилса, боғда булбул нағмакор.
Жайрон ҳасратида йўл кечар овчи,
Ошиқнинг дардини сўйлар ғазал, тор...

Қора кун келганда дўст келади илк,
Номард дўст — душмандан баттар жафодир!
Йигит кўрки эса мардлик, тантилик,
Ақли расо ёрнинг кўрки вафодир.

ЮРТ ҚҰШИҒИ

Қанча йироқ чопса чарчамас тулпор,
Қанча йироқ оқса қуримас булоқ.
Майса қулф урганда маст бўлади нор,
Нафси ёмон киши бўлур қурғулоқ...

Тупроқ остида ҳам зар — ҳаминша зар,
Кумушни занг босса — кумушдир ҳамон.
Денгиз тубларида гавҳардир — гавҳар,
Чиқар тоғ тагидан кон ҳам бир замон...

Ойни этак билан тўсиб бўлурми?
Тутатқи бўлурми юлдуз чўғида?
Айтинг-чи, мард одам асло ўлурми?
Номи қолар юрт қўшиғида...

СЕНИ, БОЛАЛИГИМ...

Қушлар чирқиллашур, тўп-тўп учишур,
Қўкка кўтарилур катта йўл чанги.
Боғда юрганымда ёдимга тушур
Болалик кунларим, умримнинг тонгги.

Ҳар япроқ, ҳар новда, норасида шох
Баҳор оғушида рози, беармон.
Гуллар жилвасидан товланади боғ,
Гунафша, гулсафсар, пушти, нафармон.

Баҳор болалигим каби беғубор,
Табиат ижоди шундай аслики...
Шудринг маржонлари тақмиш сабззор,
Сувларга узалмиш толларнинг илки.

Қапалаклар учар гулзор айланиб,
Атлас қанотлари кўзга жилвагар.
Гуллар дудоғидан сўришар қониб,
Жавлон уриб ўтар туркум кабутар.

Савлатидан мағрур якка қайрағоч,
Далдасида ўйнар икки мусича.
Лой ташийди шифтга бир жуфт қалдирғоч,
Нили муборақдан келишган кеча.

Уша уялардан айтишар қўшиқ
Ҳа демай чиройли палапонлари.
Учишар, қўнишар, ўйнашар шўх-шўх
Она қалдирғочнинг болажонлари.

Куз фасли кўргандим, бўшди бу гўша,
Сийнаси сабзалар мавжидан гулгун,
Яна ялпиз ўсмиш, бултурги ўша,
Излаб ўз ўрнида учратди бугун.

Демак, болалигим кетмадинг йироқ,
Мен сени гулларнинг баргида кўрдим,
Ҳар хил суратларга кирасан, бироқ
Мен эса кўп кунлар ахтариб юрдим.

Дўст тутгансан қуёш шаршарасини,
Баҳор сумбуллари, сумбул япроғи
Сенинг жилвангмидир? Кўрдим мен сени
Қуёш чеҳрасида субҳидам чоғи.

Она чиройида барқ урган зиё
Фарзанд яноғида бўлади пайдо.
Сени, болалигим, мен кўрдим боя
Баҳор дийдорида равшан — ҳувайдо.

Қушлар қўшиғидан келди овозинг,
Бу қўшиқ нақадар яқин созимга.
Сувларнинг нағмаси у жўшқин созинг
Шу қадар ошино, жўр овозимга.

Эрта тонг салқини, қуёш кулгиси,
Шафақ латофати, булоқ дийдори,
Оналарнинг меҳри, падар суйгиси,
Ҳаёт малоҳати — жилванг диёри!

Сувларнинг мавжида кўрдим мен сени,
Кўкда янги ойнинг юзида кўрдим.
Тош-тоғлар тожида кўрдим мен сени,
Бурро пионернинг кўзида кўрдим.

Демак, болалигим кетмапти йироқ,
Жилваси шафақда, гуллар рангида.
Хил-хил суратларда кўрнар, бироқ
Барқ уради ҳар бир умр тонгида...

Оталик шарафи тушур елкага,
Аммо нари бўлмас на ғурур, на бахт,
Миннатдорман азиз республикага,
Шиддатга, меҳнатга ўргатмиш барвақт.

Шиддатга ўргатган болалик чоғим,
Кўзим қорасида қолур умрбод.
Сочимга оқ тушди, ўғлим, чироғим,
Аммо кўнглим мулки сенингдай обод.

У КУН...

Владимир Ильич Ленин

Хуллага ўралган кекса ўрмонлар,
 Нечун инграшади, қандай мунги бор?
 Январь ташлаб ўтди замҳарир қадам,
 Чинорлар бошида булут барқарор.

Улка бўйлаб у кеч ёғди қор нуқул,
 Довуллар шиддаткор, шамоллар дайди.
 Қорлар, оловлардан очиб ойдин йўл,
 Мамлакат дам сайин силжимоқдайди.

Ёзди қари тарих саҳифасига
 Тарихни титратган бир сўз ларзакор,
 Курра қулоқ солди радио сасига,
 Олам тинди, гўё юракларда зор...

Заводлар кўксидан юксалди тутун,
 Шаҳарлар устида кезди ноласи.
 Одамзод бўтадай бўзлади бутун,
 Паймона бўлгандай сабр пиёласи.

Йиғламас кўзларда кўринди ёшлар,
 Курра бундай вазмин кўрганми қайғу?
 Эгилди эгилмас не мағрур бошлар,
 Тошқин дарёларда тинди оқар сув.

Ўз узун умрида бу кекса дунё
 Шундай мусибатга бўлганмикан дуч?
 Йўқ!
 Қалтираб тушди дунёлар гўё,
 Ерга ларза солди бир сўздаги куч...

Ленин вафот!..
Бугун оламда сукут,
Бугун шилдирамас, булоқлар тургун.
Бугун инсонлардан ўчди ранг ва қут,
Қўзларида ёшу чехралар сўлгин.

Нега булут аро боқасан офтоб?
Нега куйларда ҳам дариг, вовайло?
Нега, эй коинот, боқилинг нотоб?
— Айрилиқ дардига бағрим мубтало!

Нега ёш тўкасан мағрур одамзод,
Нега жарангламас созларда наво?
Нега бўғизларда бўғилмиш фарёд?
— Айрилиқ дардига бағрим мубтало!

Зал... Кекса большевик, қари сафдошлар
Бош қуйи киришар Ильич ёнига.
Эгилар эгилмас у мағрур бошлар,
Юрак тоб беролмас дўст ҳижронига.

* * *

Ленин ўлган эмас...
У ҳаёт ҳали.
Ленин ўлган эмас, у ёнимизда,
Ленин ўлган эмас.... Даврон сургали
У абадий яшар давронимизда.

Боягина улкан бекат тўрида,
Броневиқ устида сўйлаган янглиғ,
Боягина қалин ўрмон қўйнида,
Оғир хаёлларни ўйлаган янглиғ...

Ҳам Дзержинскийга телефон қоқар,
Бераҳм бўлгин, дер, ёвга бўл қаттол...
Горькийга меҳрибон, мулойим боқар,
Улуғлик олдида улуғ Горький лол...

Ленин ўлган эмас.... Ленин барҳаёт!
Ленин асрларнинг ўлмас фахридир...
Ленин ўлган эмас... Ленин ўлмас зот,
Ленин золимларга элим қаҳридир!

Ленин ўлган эмас... Ленин барҳаёт!
Ленин доноликнинг тошқин наҳридир!
Ленин ўлган эмас, у мангулик от,
Не наҳр, ақлнинг чексиз баҳридир!

Ленин ҳар қадамда ўлкамизга ёр,
Ҳар кичик ҳам улуғ зафарда сарвар.
Ҳар кичик ҳам улуғ жангда Ленин бор,
Ленин борки, бу эл бахти муқаррар...

Жангларда, оташ ва дўзах ичида
Ленин ҳар найзадор ёнида ҳозир.
Ленин кучи яшар мардлар кучида,
У ҳар шижоаткор ёнида ҳозир...

Бу эл яшар экан, яшайди Ленин,
Ленин яшар экан, эл яшар омон,
Лениндай илгари етаклар элни
Ленин партияси ҳамону ҳамон!..

БИР ВАРАҚ

Чегарачи ҳаётидан

Тоғдан тушди туман саҳролар томон,
Қора унгурлардан ўтдим ёнма-ён.
Тўқайзорни бўғиб олди зулумот,
Шарпасиз сўқмоқда танҳо сурдим от.
Ўтдим даралардан, кечдим сойлардан.
Ўтириб муздек сув ичдим сойлардан.

Аллақачонлардан ошна бу жойлар,
Қора мағоралар, ирмоқлар, сойлар...
Бу ерда юз дафъа тоққа тирмашдим,
Юз йўла тошлоқлар, давонлар ошдим,
Юз йўл тонг оттирдим чинор тагида,
Юз йўл дучор бўлди менга бу жийда,
Юз марта дуч келдим излаганимга,
Юз марта хавф тушди ёлғиз жонимга...

Булутлар тўпланар кўк қатларига,
Шабнам ўтиради қуш патларига...
Қора кўзларимга чўкар теран ғам,
Биринчи мартаба бу кўзларда нам,
Умримда илк дафъа келди оғир дам,
Қушдай толпинаман, қўзғалмас қадам...
Мен ёв қаршисида қилмадим сажда,
Дўстлар, ёмон отга қўйманг бу важда.
Бир ўзим бир талай ёв аро қолдим,
Бир ўзим талай жонларни олдим...
Мен якка, душманам эди бир гала,
Белим, оёқларим бўлди дабдала.
Отишдим, чопишдим, найза солишдим,
Қолганлари билан тагин олишдим.
Энг сўнг қочди золим узиб битта ўқ,

Гўё шу ўқ бўлди ажалимдан дўқ...
Ўзи ҳам сулайди мендан нарироқ,
Ўзи мендан аввал жон берди бироқ...
Мана кўз олдимда ит ўликлари...
Оҳ, азиз Ватаннинг мовий кўклари!
Оҳ, тошқин сойларим, чинор таглари,
Жийдазору толзор — ойдин барглари!
Сен учун ўламан, олтин тупроғим,
Бахтим, саодатим, чаманим, боғим!
Ўлишим биламан, ўлдим шон билан,
Шу сўзларни ёздим тошга қон билан.

Мардона ўлганлар номи қолади
Мардона Ватаннинг зар китобида...

ЛОЛАЗОРДАН УТГАНДА

Катта йўлнинг бўйида ясси тепа, тошлоқ бор,
Ҳар йил баҳор келганда бўз сийнаси лолазор...

Мен бу йўлдан неча бор қишлоғимга ўтганман,
Лолазорнинг сайрига тўёлмайин кетганман.
Ҳар йил эрта баҳорда тошлоқ ерда сел оқар.
Катта йўлни сув босар, гўё жўшқин Нил оқар.
Ҳар йил баҳор келганда ҳатто тошга кирар жон.
Баҳор чоғи бормикан яйрамаган бирор жон?
Қалдирғочлар келади учиб аллақайлардан,
Чиройли уй солади балчиқлардан, лойлардан.
Қизариб тонг отганда сайраб қолар тўрғайлар,
Овоз қўшар бедана, кўлда оқ чағалайлар...
Катта йўлнинг бўйида мана шундай ҳар баҳор —
Алвон-алвон жимиллаб, имлар ёйиқ лолазор.

Эсимдадир: бир кезде амакимнинг ёнида,
Мен ўтдим лолазордан навбаҳорнинг тонгида.
Лола япроқларида ялтирайди инжулар,
Инжулардай жилодор шудринг томчилар булар...
Мен анча лола тердим, кўзни ололмас эдим.
Бола кўнглим рағбатин тутиб қололмас эдим,
Худди биров атайлаб эккан каби чиройлик,
Мен кўзим узолмайман, амаким дер: юрайлик!
Мен кўзим узолмайман, мен суқ билан қарайман,
Кўнгил тошқинларидан, билмам, недур сўрайман.
Амаким хўрсинди-ю, кўз солди лолазорга,
Пичирлади, фотиҳа ўқигандай мазорга,
Сўнг деди: бу тепада улкан қирғин бўлувди,
Қанча қонлар оқувди, қанча одам ўлувди,
Қалмоқ подшосининг лашкари келган чоқда,

Фалокат бўронлари дашт бўйлаб елган чоқда,
Элнинг найзадорлари, қиличбозлари ўлди,
От ўйнатиб, ёв қирган чавандозлари ўлди.
Увалар тўлиб кетди каллалар ғарамидан,
Боболарни ўтказди душман қилич дамидан.
Мен сендай гўдак эдим ўша қирғин замонда,
Кўргандим бу тепани беллашган қизил қонда...

Амаким хотираси юрагимдан жой олди,
Улғайганим сари у теран эсимда қолди...
Мен баъзан улкан йўлдан қишлоғимга ўтаман,
Ҳар ўтганда лолазор тепа бўйлаб кетаман.
Лолаларни тераман, ололмайман кўзимни,
Болалигим тугади, тутолмайман ўзимни.
Хаёлимга тушади амаким хотираси.
Дейман: ҳар қизил япроқ ўша қонлар қатраси...

БОҒ

Яшил япроқлардан чодир қурган
Қатор-қатор дарахт барчаси.
Эрта баҳор чоғи яшнаб турган,
Мана сизга — колхоз боғчаси...

Тиниқ кўкда қуёш нур сочади,
Япроқларга тушар шуъласи.
Олма, ўрик, бодом гул очади,
Супамизда салқин кўлкаси.

* * *

Яхши боғбон бизнинг Нор амаки,
Парвариш қилади боғини.
Унинг иши ҳечам бўлмас чакки,
Кўрмайсан жим юрган чоғини.

Чопиб, бутаб, дорилаб юради,
Севар ҳатто ҳар бутоғини,
Меҳнати сингганга хуш кўради
Ҳар гулини ҳар япроғини.

* * *

Гўдакларни севар боғбон амак,
Доим чақчақлашиб кулади.
Чунки йигитчалар берар кўмак,
Шунга хушвақт, кўнгли тўлади.

Нор амаки бутаб кетган жойдан
Шох-шаббани тўплаб олишар.

Шундан сўнг уй ясаб қумдан, лойдан,
Уйнашар ва шовқин солишар.

* * *

Кўп ҳам ўтмай келишар қувлашиб,
Тиниқ, саёз ариқ бўйига;)
Чўмилишар, ювинишар шошиб,
Тушиб боғнинг салқин сувига.

Барчаси дўст, барчаси қадрдон,
Бари тенг бир-бири бўйига.
Барат, Суюм, Баҳодир, Қодиржон —
Чарчаса, қайтишар уйига.

* * *

Қушчалар нағмаси тугай демас,
Қўшиқлари кўклам тўйига,
Қўшиқ маъносини ҳеч ким билмас,
Аммо уйғун севинч куйига.

— «Озор берманг» деди ҳар она қуш,
Ўтинадн боқиб куйига:
— «Ҳой, шўх гўдак, бузма уямни, туш,
Ман ҳам етай кузнинг тўйига!»

* * *

Парвариш қилади тинмай боғбон,
Қўз ўнгидан қочмас ҳар дарахт,
Чунки пишиқчилик кирган замон,
Ҳар дарахтдан тушар қанча бахт.

Зиёнкор ҳашорат қўнмасин, деб,
Оҳак сураб, қурисин бадбахт.
Сув беради, қақраб қолмасин деб,
Бутун шартни қилар ўзи тахт.

* * *

Мана, ҳа демаёқ гилос пишади,
Олча, ўрик унинг кетидан.

Болалар қоқишса дув-дув тушади.
Оғиз тинмас оппоқ тутидан.

Қанча есанг, одоқ бўлай демас,
Бири шакар, у бири новвот.
Йигитчалар танлаб егач бирпас,
Теришади тўлдириб сават...

* * *

Мана ғуж-ғуж олтин, узум бошлари,
Узиб олишингга зориқар.
Мана бир тўп колхоз қалам қошлари
Меваларни тергали чиқар.

Йигитлар ўн дона термайин,
Тўрттасини паққос уради,
Аммо қўлдан мақтовни бермайин
Сават кўтаришиб юради.

* * *

Боғбон ота хурсанд бўлганидан
Ширин-ширин кулиб олади.
Йигитчалар сават тўлганидан,
Узумга ҳам оғиз солади.

Колхоз омборига мева тўлди,
Бироқ тамом бўлайин демас.
Толларнинг япроғи аста сўлди,
Боғбон шу чоқ уйқу ҳам кўрмас.

* * *

Кузнинг совуқ кунларига қолмай,
Меваларни олайик қоқиб,
Жинни каби шошиб келар бу ой,
Ёмғир босар, чақмоқлар чақиб.

Йигитча, қизчалар бирга-бирга,
Колхозига этади кўмак...
Баъзан кўп ишлашиб ботар терга,
Боғбон олқиш айтади бешак:

* * *

— «Балли, ўғилларим, кўз нурларим!
Балли, қизчаларим, бор бўлинг!
Сизда менинг умид, орзуларим,
Яшанг, ўсинг, беғубор бўлинг!»

Мана сентябрь ҳам биринчи кун —
Куздан дарак берди чинакам;
Ўлка бўйлаб кетди янграган ун:
— «Мактаб очиқ букун, ҳой укам».

* * *

Бизнинг гўдаклар ҳам каттакон,
Етти ёшга кирган қиз-ўғил...
Қитоб, узум, кулча қўлтиқлаган,
Мактаб сари солди сўзсиз йўл...

Нонуштага қиём — олҳирот,
Кечки палов, беҳи босилур.
Ётар чоқда биттагина нашват...
Қазноқларга узум осилур...

* * *

Мактаб томон йўл олади сўзсиз,
Мактаб билим ва онг қучоғи!
Онгсиз киши гўё йўлсиз, кўзсиз,
Ёшлик айни ўқишнинг чоғи!

НАҲАНГ

Жўра ўқир эди беҳад китоблар,
Китобда жумбоқлар бўлар эди ҳал.
Ҳар сўроққа топар эди жавоблар,
Сирлар ва чигаллар аён галма-гал...
Денгиз остидаги улкан шаҳарлар,
Тоғларда қўзғовсиз ётган хазина.
Наҳанглар, тимсоҳлар, ёвуз аждарлар,
Қудуқ қазир эди киприklar — игна...

...Жўра улғайибди, зап танти ўғлон,
Денгиз тагларида қилар саёҳат,
Денгиз юлдузлари, юз бошли илон,
Унга дуч келади йўлда ҳар соат.
Дуч келди бир наҳанг ёвўз, беаёв,
Бадбуруш, баҳайбат, йўлини олар.
Кўзлари пирпирар мисоли олов,
Жўра қочди, наҳанг тез қувиб қолар.
Жўра сув устига чиқса ҳам қўймас,
Жўра тўлқинлардан ҳатлаб югурар.
Наҳанг қувар ҳамон, қолайин демас,
Пишқирар, ўшқирар ва наъра урар.

Жўра ҳам қўлига олади ханжар,
Ханжар тишларини қоқиб ташлай деб.
Йўқ... наҳанг тишларин қайрайди баттар,
Бола суякларин чақиб ташлай деб.

Сувни тўлқинлатиб ўқ каби учар,
Ўғлонни ямламай ютмоқ бўлади.
Сув остига тушса, йўлини тўсар,
Сув устига қочса, тутмоқ бўлади.

Жўра тағин андак тўплади мадор,
Роса пойлаб урди наҳанг бўғзинга.
Денгиз устин қоплар туман ва ғубор,
Ҳеч нима кўринмас ўғлон кўзинга.
Пўртана ҳайқирар, тўлқинлар тоғ-тоғ,
Жўра якка ўзи қилади жанглар.
Жўра жанг қилади, Жўра ҳали соғ,
Ураб олар яна беҳад наҳанглар...

Денгиз усти бўлди тугал қора қон,
Пайдо бўлар кўкда қора булутлар.
Жўра бўлса, олишар ҳамон,
Булутлар оралаб учар бургутлар.
Жўра олишади, терга ботади,
У кўради ногаҳ олисда қайиқ...
Юз бошли аждаҳо тутун отади:
«Қайиқ келмай туриб ютайиқ!»

Тер оқади йигит пешанасидан:
Қайиқ келар, тўлқин тоғларни ёриб.
Бола ҳолдан тояр, оғар эсидан,
Яна кўзин очар, ранги оқариб...
Кўзини очсаки, қайиқ эмас,
Пўлат кема экан улуғвор.

Жўра кўрди, унда шу нафас —
Энг севган кишиси Ворошилов бор,
Елкасини қоқар, бошини силар:
—«Балли, йигит, ўтдинг оғир синовдан,
Наҳанг ўлди, ўғлим, зап урдинг ханжар,
Холос бўлдинг, кўзим, хатарли ёвдан».
Елкасига қоқар, бошини силар:
—«Балли, танги ўғлон, Ватан эркаси!
Сенинг шуҳратингни дўстларинг билар!»
Ўша дам уйғотиб қўйди укаси...
Укаси уйғотиб қўйди дафъатан:
«Туринг, чой ичайлик, туринг тез, ака!
Бугун имтиҳон бор табиётдан,
Юринг, кеч қоламиз мактабга!»

ЕТТИ ЙИГИТ ВА БИР ЧОЛ

Суҳбат қилишарди сайҳонда хушҳол
Етти лочин йигит ва бир бургут чол...
Бири дер:— Мен узоқ колхозда чўпон,
Қолхоз моли учун аямадим жон,
Қоплон дуч келганда, олишдим якка,
Сиртлон билан қанча солишдим якка.
Менинг қўйларимни ололмас бўри,
Мендан овлоқ юрар бўрининг зўри.
Совуқ қиш тунлари қўзичоқлар тинч,
Иссиқ ёз кунлари бўталоқлар тинч,
Балодан, офатдан сақлайман ҳар вақт,
Ҳалол меҳнатимдан келди асл бахт.
Колхоз кўз тутганим, таянчим, қутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим...

Бири дер:— Мен ўзиқ тракторчиман,
Билиб олган эдим аён бурчим ман.
Эски нормаларни ташладим бузиб,
Мен ерни ҳайдайман ҳаммадан ўзиб.
Мен ҳайдаган ерлар пахтазор майдон,
Бир туп ғўза очар нақ юз момикжон.
Куз ойлари кўрсанг худ оппоқ денгиз,
Ҳалол меҳнат билан бахт ўзи эгиз.
Колхоз кўз тутганим, таянчим, қутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим.

Бири дер:— Мен бўлсам сувчиман — мироб,
Сувни тежаб, ерни қиламан сероб.
Экинлар беш йўла қонади ҳар ёз,
Яшил далаларим қандоқ дилнавоз.
Тунлар ухламайман жилға бошида,

Ҳар маҳал ҳозирман ариқ қошида.
Бир томчи сув кетмас беҳуда, бекор,
Ҳалол меҳнатимдан бахту омад ёр.
Колхоз кўз тикканим, таянчим, қутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим.

Бир дер:— Мен эса қоровул эдим,
Колхозим мулкани ўз мулким, дедим.
Сақладим, қўридим қароқчилардан,
Илондан беш баттар алдоқчилардан.
Чўчитолган эмас босқин, дўқи ҳам,
Елкамни ўпирган тўнғиз ўқи ҳам.
Биқиндан ханжар ҳам санчдилар бир гал,
Мендан четлаб юрар ҳозирча ажал.
Колхоз кўз тутганим, таянчим, қутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим.

Бир дер:— Мен-ку бир оддий кетмончи,
Гўдакликдан меҳнат кўнглим юпанчи.
Ошириб ишлайман тенгу тўшлардан,
Ҳатто жирканамаман қўли бўшлардан.
Пойгада чопгани тулпор отим бор,
Албатта ўзади, деган шартим бор.
Бу йил бир гектардан мўлжал юз бўлди,
Қувонган албатта қора кўз бўлди.
Колхоз кўз тутганим, таянчим, қутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим.

Бир дер:— Теримчи эдим мен илғор,
Ҳаммани қолдирдим йўлда неча бор,
Ҳар кунни бир хирмон тердим бир ўзим,
Чий бахмал бўлди, ҳа, қалами бўзим.
Тер тўкдим, давлатим ой сайин ошиқ,
Шойи белбоғ белга қандай ярашиқ...
Колхоз кўз тутганим, таянчим, қутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим.

Бир дер:— Агроном эдим колхозда,
Деҳқонга ёр эдим қишда-ю ёзда.
Вақтида яхобу, вақтида шудгор.
Меҳнатим тупроққа бирам мададкор,
Йилдан-йил ошади пахтадан унум,
Попада сигиру хампада уним,

Мотоцикл миниб, далани кезиб,
Ўзим, ўзлигимни жавобгар сезиб,
Кечқурун қайтаман янги уйимга,
Уйим тўла ҳозир янги буюмга.
Ҳурмат тўридаман, ёғадн олқиш,
Билим ва тажриба берган-да болқиш,
Колхоз кўз тутганим, таянчим, қутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим.

Сўз олди ҳаммадан кейин Утаб чол:
— Офарин, дўстларим, бахтингиз ҳалол.
Ҳаммангиз колхозда илғор экансиз,
Меҳнаткаш, фидойи, номдор экансиз.
Мен ҳам ўз ишимга анча пишиқман,
Колхозда раисман, ерга ошиқман.
Тўю маъракаси ўтмайди менсиз,
Қишлоқда не чигил — битмайди менсиз.
Колхоз бахти учун жон аямадим,
Меҳнат саҳросида қолди кўп одим.
Колхозим пешқадам кенг Бухорода,
Тупроғи олтинга тенг Бухорода.
Колхоз кўз тутганим, таянчим, қутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим.

Сухбат қизиб кетди, келди бахшилар,
Келди эл ичида номи яхшилар,
Келди ўйинчилар, бир тўп созанда,
Қўшиғи жонфизо қанча хонанда.
Майдон бир нафасда тўй тусин олиб,
Маҳалла-кўйларга садо таралиб,
Соз лапар кетидан қўшиқлар кетди,
Даврада айланиб у шўхлар кетди.
Нозик белларида қирқ кокили бор,
Лапарчи қизларнинг бурро тили бор,
Созандалар олди ажиб шўх мақом,
Жаранглаб турарди осмон — мовий жом.
Куйга — куй уланур, бахт ҳам безавол,
Ёш бола сингари қувноқ эди чол...

ОРДЕНЛИ

Зийрак чол уйқудан уйғонур саҳар,
Янги чопонини ташлар эгнига.
Уфқ ёқасидан тўкиларкан зар,
У секин йўл олар дала қўйнига.
Қайрилиб боқмайди шитирлаб тушган
Олтин япроқларга, куз чеҳрасига.
Боқмайди қировга, тўп-тўп учишган
Қушларга... фаслнинг янгроқ сасига.
Боқмайди саҳархез ўзидай чолга,
Сал қийшиқ минору азон мунгига.
Қайрилиб боқмайди кўҳна аҳволга,
Ўзга севги солган бобо кўнглига:
Олтин уфқларга чўзилиб кетган
Пахтазор ҳуснига тушар илк назар.
Саҳарда, тунларда ишқини тутган,
Бобо ёт севгидан қилади ҳазар:
— Кўксимга Ленинни таққан элимга
Саҳар саломини олиб бор, сабо.
Белга қувват, илҳом солди дилимга,
Даврингдан айланай,— дейди чол бобо,—
Даврингдан айланай, ҳар саҳар турсам,
Сурати ўтади кўзим олдидан.
Кўнгилда қолади ҳаттоки ўлсам,
Ҳеч нима ололмас уни қалбимдан...
...Йил бўйи тер тўкиб, қолар эдим оч,
Болаларим кезар эди дарбадар,
Бухоро тахтида онкўр, олтин тож,
Ёвғон гўжамизга қўшарди заҳар.
Шундай саҳарларда миноралардан
Чўлларга оқарди кетма-кет азон.

Дўзах ваҳмасидан жон титрар экан,
Ранглар ҳам хазон...
Энди билсам, бари аврашнинг ўзи,
Зада эди юрак, хун эди жигар,
Доғули нағмаси экан ҳар сўзи,
Қарор топган экан тахтда жодугар.
Чолнинг сўзларини тинглар даласи,
У тунда ҳам ҳозир, саҳар ҳам пайдо.
Бахтиёр Ватаннинг кекса боласи,
Боғу роғ кўркида бахти ҳувайдо,
Тер тўккан чол бобо, дам олган тушда,
Юртига таниғлиқ улкан пахтакор.
Шу ариқ бўйида қилган нонушта,
Ҳар одим тупроқда унинг изи бор.
Шунинг учун бобо уйғонур саҳар,
Янги чопонини солур эғнига.
Уфқ ёқасидан тўкилганда зар,
Йўл солур пахтазор дала қўйнига.
Йўлда эшикларни қоқиб ўтар чол.
Каттакон қишлоқнинг ўчар уйқуси.
Боғларга меҳри-ла боқиб ўтар чол,
Ножўялик кўрса, оқарар туси.
Бобо кўзларидан қочмас ҳеч бало,
Бир зумда далани чиқар айланиб,
Уни танигандай тебранур дарё,
Тебранур кўз етмас пахтазор таниб.
Ленинни эслар у ҳар кун субҳидам.
Оппоқ соқолидан снлайди сабо,
У ахир юртида жавобгар одам,
У ахир колхозда каттакон бобо.

Бухоро

ҚУШИҚЛАР

I

Қўшиқлар, сөз қўшиқлар,
Баландпарвоз қўшиқлар,
Оламга ардоқ ўзи
Жаранг овоз қўшиқлар.

Улуғ байрам айёми,
Учар сөз бахт мақоми.
Қўшиқларда жаранглар
Бахт берган одам номни.

Барқ урар Қизил майдон,
Тўрида улуғ инсон.
Ёнидан ўтар ўлка,
Ёнидан ўтар жаҳон.

Бу дам улуғвор, сөз дам,
Нақадар азиз, кўркам.
Мардона колонналар
Куйлашур: «Ватан онам!»

II

Байроқлар, ол байроқлар,
Тулпор отлар ўйноқлар,
Ўтар эл ботирлари,
Кишнашар аргумоқлар.

Байроқлар, ол байроқлар,
Тошдан учар чақмоқлар.
Танклар ўтар сафба-саф,
Қўтариб тумтароқлар.

Байроқлар, ол байроқлар,
Самолёт заб ярақлар.
Азиз ватан самоси
Тўлиб кетар шу чоқлар,

Байроқларки жилвагар,
Мазмуни олам зафар.
Амаллар аломати,
Жозибадор нақадар.

Ҳилпирар, тўлқин урар,
Ўлмас шон, ўлмас ғурур!
Олам уфқларида
Ёруғликлар туғдирур.

III

Баҳор на сулув фасл,
Жилваси асл,
Боғларда вафо-васл
Гулгун муттасил.

Учар севги ғуссаси,
Ойдин кечаси.
Им қоқар ишқ ғунчаси,
Ширин бўсаси,

Бармоқлар ўч торига,
Оқшом чоғида.
Дил роз айтар ёрига
Висол боғида:

«Жонгинам, сенда кўнглим,
Кел, ёнимга кел.
Тун соялар ёймиш жим,
Бўстонимга кел.

Най наво қилур, наво,
Дамлар вафокор,
Ўлкада кезар вафо,
Севги бахтиёр».

IV

Учар хаёл ногихон,
Учади фақат.
Кўринур бутун жаҳон,
Босади ҳайрат...

Мана олам саҳнаси,
Қадим гузаргоҳ.
Бир ён — эрк тантанаси,
Бир ён — теран чоҳ,

Бир ён — бахт таронаси,
Гул очар баҳор.
Бир ён — эл вайронаси,
Эл сурунар зор...

Элимда баҳор борки,
Яшнар, тўлишур.
Дилимда баҳор борки,
Муҳаббат жўшур.

Дейман, бор бўл эй, қуёш,
Эй бахт маконим.
Юксал, мудом довон ош,
Жоним-жаҳоним!

ОНАЖОНЛАР

Қўшиқ

«Аёл — ёрти!» демишдир қуръонлар,
Ҳарамларда тутди сархуш хонлар.
Базмларда сочи паришонлар,
Қўкка учиб нолаю афғонлар
Бағри қонлардир, бағри қонлар...

Эмиш: аёл эрга чўри, қул, банда,
Эр амридан чиқса, тугал шарманда.
Қафасларда қолди гўё парранда,
«Ожиз махлуқ, деди, тутинг кишанда!»
На бўҳтонлардир, на бўҳтонлар...

На хуш даврон келди, ўзга ҳол ўлди,
«Аёл — одам!» сўзи заб мақол ўлди.
Бадгумонлар шармисору лол ўлди.
Аёл — бу ҳаётга хўб жамол ўлди.
Соз замонлардир, соз замонлар...

Гўзал Нурхон, Ҳожар бўлди садпора,
Элда гавҳар беҳад, битмас якбора.
Рафторингдан эл лол, сулув Тамара,
Ҳалима, Раҳима, Маҳбуба, Сора...
Хуш алҳонлардир, хуш алҳонлар...

Элимнинг қизлари машҳур жаҳонга,
Орденлари ёруғ сочар осмонга,
Тенг эга — давлатга, ерга хирмонга,
Тенг эга, тенг соҳиб бахтга, давронга,
Тенг инсонлардир, тенг инсонлар...

Бири ҳамширадир, бири комиссар,
Қамол топган, сўзи қиличдай кесар.
Бири туғиб берар ватанга аскар,
Бири кўкда учар, шамолдай эсар,
Мард жавлонлардир, мард жавлонлар...

Аёл — бу ҳаётда тўлин ойсимон,
Дўстимизсан мушкулларда бегумон.
Боғлайсан ўқ есак жангда ногаҳон,
Фарзанди — дилбандга эса меҳрибон
Онажонлардир, онажонлар...

Йўлингиз ёритур офтоб ўзи,
Кремль офтоби — оламтоб ўзи,
Давримизга ёзди зар китоб ўзи,
Бахтимиз қўшиғи ҳар бир боб ўзи,
Заб давронлардир, заб давронлар!

ОЙ ЮЗЛИ

Кеча ойдин, кўз ойдин!
Мен сўрадим сўз ойдин,
Ой деди: ой юзлигинг
Ойдинроқдир, юз ойдин.

Қўзим, сен эркатойсан,
Шўхликда тентак сойсан.
Юлдузлар орасида
Тўлин ой, тўлин ойсан.

Ойдинда денгиз сулув,
Сувда ой тенгсиз сулув,
Денгиздан ҳам, ойдан ҳам
Ой юзли шу қиз сулув.

Сув усти қора бахмал,
Шуълалар нақши зарҳал,
Ой туққандан яхшироқ
Оқшом сен келган маҳал.

Соҳилларда най чалай,
Қуйла, ҳамоҳанг бўлай,
Хоҳла, дўст тут ўзинга,
Хоҳлагил, аканг бўлай.

Бир йўл кўрдим, тўймадим,
Юз йўл кўрдим, тўймадим.
Бир бало бўлса керак,
Минг термулдим, тўймадим.

Булбул дер: очил, ғунча!
Сайрар зор очилгунча.
Сайрайман зору полон,
Ой юзинг тўсдинг бунча...

Ойдинда кўрай сени,
Боғимда кўрай сени.
Саҳнада жавлон этган
Чоғингда кўрай сени...

* * *

Кўзларим йўли устида,
Ёр келур, жононим келур.
Меҳри кулиб дийдасида,
Ёр келур, жононим келур.

Севганига этмас жафо,
Ваъдасига айлаб вафо,
Сайр этгали боғ босафо,
Ёр келур, жононим келур.

Шаҳло кўзи юлдуз мисол,
Қирқ кокили қундуз мисол,
Қулса, юзи кундуз мисол,
Ёр келур, жононим келур.

Бахт ялласин куйлаш учун,
Дилни боғлаб дилга бутун,
Вафосига етиб букун,
Ёр келур, жононим келур.

ЯЛИ-ЯЛИ

Қўшиқ

Даряси кўп дардга даво яли-яли,
Лим-лим оқар, бўлмас адо, яли-яли.
Ҳовлиқиши телбанамо, яли-яли,
Боқмай ўтар асти қиё, яли-яли,
Шовқинидан тўлди ҳаво, яли-яли.

Қирғоғида қирғоғи йўқ дашт ётар,
Телба оқим қанча теран, шўх ўтар,
Ташнасига қатра сув берса нетар?
Қатра тугул заррасига зор этар,
Мағрур ўтар шомо сабо, яли-яли.

Дарё жамолини кўрарманми, дер.
Ошиқ экан қанча замон ташна ер,
Қанча замон бўсасини энди бер.
Тўйни қилур танги элим нарра шер,
Дашту дала топди сафо, яли-яли.

Дашт юзига юрди элим қаҳрамон,
Қудрати зўр — топмағуси тоғ омон:
Бахт сувини очғувси у бегумон,
Бўстон ўлур, сувга қониб ҳар томон,
Тўлқинида меҳру вафо, яли-яли.

Бўйларида сухсур учар, ғоз учар,
Қирғовул, оққувлар этиб ноз учар,
Булбул ўқир, нағма хушовоз учар,
Қишни қувиб кўклам учар, ёз учар,
Кўкка тўлар савт-садо, яли-яли.

ШОДИЁНА

Бу янги дарё бўйлаб тошқин келади,
Чўлга ободончилик шошқин келади.
Сувга қонар, дам олар азиз она-Ер,
Гул асри, унум асри ёрқин келади.

Бу янги дарё бўйлаб иқбол келади.
Лим-лим бўлиб, чайқалиб оқ бол келади.
Саҳарда келинчакдай уйғонар саҳро,
Асрлик уйқусига завоп келади...

Бу янги дарё бўйлаб оқин келади,
Жизгинак саҳроларга салқин келади.
Баракатли панжалар ёяди дарё,
Сакрашига узоқлар яқин келади.

Бу янги дарё бўйлаб тўлқин келади.
Қадимий орзуларга якун келади.
Тўлқинида ушалар дилдаги тошлар,
Сув деганинг гулдураб ҳар кун келади.

Бу янги дарё бўйлаб бахт хуш келади.
Беҳаёт майдонларга хуруш келади,
Кўкалам ува олиб, чечаклар олиб,
Фаровон ва бахтиёр турмуш келади.

Бу янги дарё бўйлаб мўл бахт келади.
Уни қамраб олгали эл шахт келади.
Зўр бинолар қурамиз канални бўйлаб,
Жаҳонга кўз-кўз қилур соз вақт келади.

Бу янги дарё бўйлаб армон келади,
Баҳодир элимизга хўб шон келади.
Чўлларнинг сийнасида жаннатлар бўлур,
Сайри жаннат этгали жаҳон келади.

Бу янги дарё бўйлаб урфон келади.
Маърифат барқ уради — шодон келади.
Аср поғонасини ойларда ошиб,
Жаҳонга мард, баҳодир инсон келади.

Бу янги дарёда сув чандон келади,
Пахтаю мева, ипак, мўл дон келади,
Халқим севгиси билан тошиб, шодумон,
Пахтакор республикам хандон келади.

ДАМ

Салқин оқшом, чиройли оқшом,
Япроқларга тушар аста нам.
Йўллариингга боқдим интизор,
Йилдай узун ва тургун ҳар дам.

Аста-аста келдинг сарвиноз,
Тўлқинларга тушди юрак боз.
Ўргилайин бахтимдан ўзим,
Дамлар на хуш, оҳ, дамлар на соз!

Оқшом... Оқшом ойдин, сеҳргар,
Сен ёнимда сеҳргар дилбар.
Бир дамани йилга бермайман,
Йилни бир давронга баровар.

* * *

Сен у ёнга кетдинг, мен бу ёнга,
Мен олдиноқ, сен бир оз кейин.
Иккимиз ҳам келдик гулистонга,
Юз кўришдик... энди не дейин?

Эсар йигитлигим тушди эсга,
Яхши эди ҳеч учрашмасак.
Дилда жой бор ҳали жўшқин ҳисга,
Дили қурғур ҳали ҳам тентак.

Нечун юзларингда хижолат бор,
Нега ҳайрон шаҳло кўзларинг?
Нечун лолсан, наҳотки бу иқрор?
Лабларингда қолди сўзларинг?

Нечун қақроқ ёқут бу дудоқлар?
Сенми ўша кўзи сузугим?
Бармоғингда нечун, айт, ярақлар
Ҳануз ўша менинг узугим?

ТУЙГА АТАГАНИМ...

Жўралар, тўй қутлуғ бўлсин,
Гуллар сочай бошингизга.
Қадаҳларга бода тўлсин,
Бол татисин ошингизга.

Бирдай сулув сиз икковлон,
Пахтазорим ўзғирлари.
Теримчи қиз, ботир ўғлон,
Гул диёрим кўз нурлари...

Созчи куйлар чалиб мақом,
Шоир тўқир жонон ғазал.
Тўй — умрда тансиқ айём,
Севишганлар тўйи ғўзал.

Ширин ёшлик берди замон,
Қадрин ҳар ким билса қани.
Ишқ умрида янги даврон —
Икки умр қўшилгани...

Қўш кафтардай яшанг иноқ.
Оналар дер: қўшақаринг.
Мард йигитга севги синоқ,
Эрка бўлса севган ёринг.

Ишқ дегани — олий туйғу,
Олиб учар самоларга,
Юз яшасин ўтли суйғу,
Донғи кетсин дунёларга.

Бахт ўқидим юзингизда,
Қутлуғ дўстлар шодиёна.
Шодиёна тўйингизда
Қутлов сўзим шоирона:

Бахт устига бахтлар келсин,
Соя солсин бошингизга.
Тўй устига тўйлар бўлсин,
Етинг юз бир ёшингизга...

* * *

Офатлар қочиқ бизга,
Оқ йўллар очиқ бизга,
Она-Ватаи ҳурмати
Кўзда қорачиқ бизга!

Дўстлик — ярашиқ бизга
Оламлар ошиқ бизга.
Дучор келса машаққат —
Тантилик — машқ бизга!

УЙҒОН!

Уйғон, эркам, кўзинг оч,
Тонг ёйди заррин қулоч.
Бош устингда айланиб,
Учиб ўтди қалдирғоч.

Аллақачон ботди ой, 8,5
Тур, ётмагил, эркатой.
Қанот ёзиб осмонда,
Куй бошлади бўзтўрғай.

Кутади ўйинчоғинг,
Кутади қўзичоғинг,
Кутади ер тепиниб
Шўх, ўйноқи тойчоғинг.

Кутади дафтарларинг,
Бўёқларинг, зарларинг,
Кутар учгиси келиб
Бир талай каптарларинг.

Гуллар интизор боқар,
Сувлар чарх уриб оқар,
Сенинг учун тонг отиб,
Қуёш машъала ёқар.

Уйғон, эркам, тур, эркам,
Кўз сол, олам на кўркам!

Сен учун боғча, боғлар,
Оламлар бермиш ўлкам!

Уйғон, қўзим, юзинг юв,
Тонг — ўзингдек соф, сулув...
Шошил, шошил, мактабда
Қутади сени ўқув!

УЙЛАР

Тонг чоғи қарайман уфқ томонга,
Кўк юзини тутар олов ловва-лов.
Гўё, қанотини ёяр жаҳонга
Жаҳонни тутгулик қирмизи ялов.
Нақадар чиройли товланишлари,
Нималарнинг разми бу ол ранг хил-хил...
Узоқ уфқларда не ҳодиса бор?
Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил!
Тонг чоғи уфққа ташлайман назар.
Дилни гирдобига олар ажиб дам.
Хаёл қанотланар — оламини кезар,
Дейман: кошки, туғдор бўлолсам мен ҳам!

Денгиз қирғоғида ўтирганим бор,
Тўлқинлар тоғ-тоғу ранги кўк шиша.
Баъзан хуружидан титрар қоялар
Ва қушлар безовта учар ҳамиша.
Нақадар қудратли толпинишлари,
Нелар баён айлар бу зарблари зил,
Тоғ-тоғ тўлқинларнинг орзуси нима,
Юрагига қўл сол, тўлқинли кўнгил!..
Денгиз қирғоғида ўтирганимда
Денгиз гирдобларга ташлаб тик қадам,
Ушатсам денгизлар тилсимотини,
Сўнгсиз муҳитларнинг қулфин очолсам!

Қорли чўққиларда юрганман ёлғиз,
Оҳ, яшил даралар нақадар создир!
Булоқ бўйларида гул, райҳон, ялпиз,
Қушлар хушовоздир, баландпарвоздир!
Нақадар жилвагар қия тўшлари!

Бу на давлат, гурур, сипоҳлик нуқул?!
Юзар ҳаволарда она бургутлар,
Кезар чўққиларда ишқибоз кўнгил!
Қорли қояларда юганда якка,
Шоир ўзин сезар шунчалик бардам.
Дейман: оқ қоядай бўлсам абадий,
Лочин каби мағрур парвоз этолсам!

Узун тунлар бўйи кўз нурларим банд,
Тонглар отқизаман жилдлар варақлаб.
Бири юлдуз монанд, бири ой монанд,
Келур устозларим чақнаб, ярақлаб.
Нақадар нуроний-ўйчан инсонлар,
Ҳар қайси одамзод севган мард ўғил...
Ҳам Пушкин, ҳам Гейне, Шота, Алишер,
Мадад ол, мадад ол, э ўйчан кўнгил!
Узун тунлар бўйи кўз нурларим банд,
Дейман: эр йигитга қирқ ҳунар ҳам кам!
Санъаткор ошиғи саз Ватанимда
Қошки, тилга олгулик шоир бўлолсам!

АЧЧИСОЙ

Боболарим юрти — бужур Қоратоғ,
Олма тўқайларинг имлаши яхши.
Хонқиз чўққилари нақадар бедоғ,
Ҳар қари чўпонинг бир улуг бахши...

Этакларинг яйлов, созлоқ ва пода,
Қайдаки сув бўлса, қатор ўтовлар.
Қалдирғоч уяси янглиғ кўринур
Тоғнинг камарида қалин қишловлар.

Олқар сурувлари дараларингда,
Баҳор тошқинлари олиб қочар от.
Адашган қўзига човт солар бургут.
Осуда ҳаёт...

Сой арллаб оқар, қўпорар харсанг,
Харсанг чўп парчадай чарх ўрар ночор.
Нақадар ўтовлар оқиб келади,
Ўркач-ўркач тўлқин на зилзилакор.

Еттикўл қаерда гар сен бўлмасанг!
Жийдазор, пичанзор, новча қамишлар,
Тўқайда қирғовул, кўлда ўрдак, ғоз,
Қобонлар кезади мисли гавмушлар.

Учиб-қўнар, сайрар юз хил парранда,
Ёлғизга дуч келар бўри ё қоплон.
Бир-бири қонини ичар дарранда,
Туяни чўкдирар йўлбарс ногаҳон.

Етимкўл, Қобонкўл, Кўккўл, Ойдинкўл,
Наҳангга ем бўлур авайсиз тушган.
Қайиқларда юздим болалигимда,
Узоққа борма, деб бобом уришган...

Куз чоғи эсимда, ўт кетар эди,
Тунларда боқардим узоқдан ҳайрон.
Олис қишлоқни ҳам дуд тутар эди,
Қочарди қобонлар, қочарди жайрон...

Нега Аччисой дер сени билмайман?
Ахир, қатралари ҳаётбахш сувсан.
Одамзод қонади, тупроқ қонади,
Жонивор қонади, бойсан, эзгусан.

Офтоб таптида қақраган палак
Лойқа тўлқинингга ошиқ ёз куни,
Бир қонса, бас, пишар шакар қовунлар,
Сендан бошланади ёзги соз куни...

Сен бўлмасанг қуриб қолар мингбулоқ,
Сен бўлмасанг қайда Ўйиқ ва Музбел?
Сен бўлмасанг қайда сулув Кўкқиё,
Барига яшиллик берган лойқа сел...

Сен бўлмасанг қайда Ёйиқ, Мойбалиқ?
Лиммо-лим Еттикўл нетарди сенсиз?
Сен бўлмасанг қайда Ясси, Ёйилма,
Яна қумлар босиб кетарди сенсиз...

Телба тўлқинларинг чўллардан ошиб,
Кўлларни тўлдириб, сирга шошилар.
Тошганингда асло бўлмас ёнашиб,
Ночор от чопишар мироббошилар.

Тўғонлар бузилур, бандлар бузилур,
Лойқа босиб қолар кузлик буғдойлар.
Денгиздай мавж урар тизза бўйи ўт,
Маст бўлиб чопишар қулунлар, тойлар.

Табиат кийинар кўкламга хос тўн,
Ялпизларнинг бирам анқийди ҳиди.

Атлас тепалардан кўз узиб бўлмас,
Қанот қоқар дилнинг мудроқ умиди.

Телба тўлқинингни тўсар кун келур...
Мунча ҳам мағрурсан шошмай тур ҳали.
Она Сирдарёдай солинур жилов,
Ўзинг қойил бўлиб, дерсан: ҳа бали!

Ҳали бир қатранг ҳам бекор кетмагай,
Ҳали тўлқинингга зор қишлоқлар бор.
Тўлғанарсан одам ихтиёрида,
Ҳали зор, армонлик бўз тупроқлар бор.

Телба сой, сенга ҳам келади кезак,
Мунчалар ҳовлиқиш, мунча бебошлик?
Тошларни тошларга урма мунча ҳам,
Сенга одат бўлур ҳали ювошлик...

Оқарсан одамзод истаган ёққа.
Йигит қўл солгуси ёри бўйнига,
Ўйнаб-ўйнаб ҳали кирарсан ўзинг
Ошиқ ва ташналаб тупроқ қўйнига.

Ва кўклам ёмғири симсилаганда
Бўз қирларга инсон экар кўчатлар;
Боғлар, хиёбонлар пайдо бўлгуси,
Явшанзор даштларда сабза-кўкатлар.

Хазиналар тўкар сахий, қўр тупроқ,
Яшил пахтазорда гавҳарлар унар.
Узоқларни кўзлаб йўл солган йўлчи
Танг қолар ва жаннат днёрда тунар...

Нега Аччисой дер сени, ҳайронман?
Ахир ҳар қатраси муборак сувсан.
Майли, бугун кўпир, майли, бугун тош...
Эрта яна азиз, яна эзгусан!

* * *

Тоғда қўрғошин бор, темир бор ва қор...
Сен оқиб чиқасан конлар қаъридан.
Қўрғошин тоти бор қатраларингда,
Тўтиё оласан тоғнинг бағридан.

Шунинг учун оқар тўлқининг лойқа.
Шунинг учун сувинг таъми аччиқроқ.
Боболар атаган сени Аччисой,
Аслида ширинсан, тотлисан бироқ...

Келди асрий муддат, ижодкор замон,
Қоратоғ кўксига қўл солди одам,
Яширин хазиналар қулфини очиб,
Ўлка учун қора зар олди одам.

Одам бу ўлкада соҳиби фармон,
Одам бу ўлкада соҳиб ихтиёр.
Одам бу ўлканинг танидаги жон,
Янги дунёларни қурувчи девкор.

Одам бу ўлкада яратувчи куч,
Тап тортмас дўзахлар, тилсимотлардан.
Манзилини топди қадим эртақлар,
Ҳақиқат устундир учар отлардан...

* * *

Холий ва ёввойи Қоратоғ бағри,
Бағрингда бетилсим талай қон кўрдим.
Кўксини очмишдир қора ер қаъри,
Қора зар қазиган мард инсон кўрдим.

Қора зар қазиган инсон кўзида
Бахти чароғини чароғон кўрдим.
Устакор бўлибди чўпон болалар,
Давронларга тенгсиз хўб даврон кўрдим.

Ильич чироқлари дараларингда,
Подалар маърашар, радио куйлар.
Икки тоғ ораси шу қадар ёруғ,
Ярқирар тун бўйи қатор оқ уйлар.

Сойларнинг телбаси, қайсар ва шўх сой,
Қоратоғ онангдир, хазинанг қордир.
Бағринг ҳали қулфли тилсимларга бой,
Қоратоғ, ҳали кўп сирларинг бордир.

Мунча ҳайқиргунча, телба тўлқинлар,
Симларга қувват бер шалолалардан,
Яна ҳам ёруғроқ бўлғуси тунлар,
Шалолалар отган шароралардан.

Майли, бўй бермайсан, йиллар уриндик...
Майли, бугун кўпир, ўз майлингча оқ.
Асов нор туядай уриб бурундиқ,
Ёввойи буқадай солгаймиз бошвоқ.

Чўпон қўшиғини тинглаган тоғим,
Кўклам тошқинидан бадмаст, тентак сой,
Яйлоғим, қишлоғим, навниҳол боғим,
Қулочингни кенг ёй, қулочингни ёй!..

Боболарим юрти бужур Қоратоғ,
Олма тўқайларинг имлаши создир.
Ҳаёт оғушингда жўшқин, кўркам, соғ,
Бахши хаёлидай баландпарвоздир.

Қоратоғ

ҚИЗҒАЛДОҚ

Йигит ёшимгача қишлоқи эдим,
Қуёнларим қашқа, тойчоғим тўриқ.
Бола хаёлимни олиб учарди
Явшон тағларидан учган булдуриқ.
Ташна қушлар келур айни туш пайти,
Тузоқлар қўярдим сув ёқасига.
Илинар олифта каклик жўжаси,
Қил тушиб чиройли бағбақасига.
Тонг чоғи турардим қушлардан бурун,
Тинглай деб парранда куйини саҳар.
Тўрда, қафасларда толпинар эди
Тўрғайдан тортиб то қирғийга қадар.
Кўнглимни тутолмас на ов, на ўйин,
Нимадир излардим, билмайман ўзим.
Хаёлимни олар чўлларда қуюн,
Тепаларга ҳайрон боқарди кўзим.
Инсон бола чоқни унутарми ҳеч?
Тегирмон ўйнардик сув ёқасида.
Шикоят қилардик бўғиқ ҳаётдан,
Улкан ғарамларнинг жим орқасида.
Бир дафъа саргардон, йўл канорида,
Ясси қир бағрида сен бўлдинг дучор.
Қизғалдоқ... ҳеч гулда бундай жинло йўқ,
Сен учун адашдим чўлда неча бор.
Сен, эй, далаларнинг тантиқ чиройи,
Ясси тепаларнинг эй ярашиғи,
Мен ўша кунданоқ бўлдим шайдойи,
Қолди соққаларим, олқор ошиғи...
Қолди қафасларда каклик жўжалар,
Қолди сулув қийғир, қолди бедана.
Қолди қашқа қуён, тўриқ ғўноним,

Янги савдоларга берилдим яна.
Менинг дилкашларим тенгдош чўпонлар,
Менинг овунчоғим бўлди қизгалдоқ.
Даста-даста териб келтирар эдим,
Ҳам ўйини, ҳам юпанч, ҳам дилга алдоқ.
Ўша кундан бери ажаб мафтунман,
Эсингдами териб йиғлаганларим.
Эсингдами тақди олиб қўлимдан
Сени болаликда севган дилбарим.
Мен унга қўйгандим сенинг отингни,
У ҳам сулув эди, қирмизи чирой.
Лола юзлигимни кўролмас бўлдим,
Далани тарк этди лола таққан ой.
Мендан йироқ тушди қизгалдоқдай қиз,
Бешқ дил умрбод бўтадай бўзлар.
Эсиз у латофат, у дилбар эсиз,
Оқ парда остида қадалган кўзлар...
Қишлоғимдан кетдим бола чоғимдан,
Мунча эрта тушди бошимга савдо.
Сарғайдим, ранг ўчди ол яноғимдан,
Ёш умрим довда...
Мен бугун учратдим ясси тепада,
Хаёлимдан ўтди болалик даври.
Қани жўраларим, қани лола юз,
Бошимдан учдими эсарлик ҳоври?
Ёш бола сингари ўксиб йиғладим,
Сўлди қизгалдоқлар, сўлди чаманлар.
Мен йигит умримга топмайман баҳо,
Ёдимга тушганда йиғлаб кетганлар.
Чаманзордан ўтдим, сувлари равон,
Кўнгил, қишлоғингга мунча боғлисан.
Ясси қирлар кўрки, сулув қизгалдоқ,
Гулзор ўртасида турсанг ҳақлисан...

ҚИЗ

Оқшом... Тун соядай келади жимжит,
Ҳар дам бир умрдай сезилади зил.
Ой чиққунча бунда одам бўлур хит,
Ёрилиб кетгудай тўлғонади дил.

Яхлит бир пардага бурканур толлар,
Тоғларнинг қораси хира ва чигил.
Туш-тушдан учишиб келар хаёллар,
Оқ қоя, арчазор товланмас хил-хил.

Шунда, жимжитликда аллақайлардан
Сен аста бошлайсан роҳат машқини.
Одамлар туради бир-бир жойлардан,
Дилда қўзғалади ҳаёт тошқини.

Тун сингари аста босиб келади,
Сув сингари сарин жимиб келади.
Тоғ елидай шошқин эсиб келади,
Кўл мавжи сингари тиниб келади.

Бўзтўрғай сингари айтар юз наво,
Булбул қўшиғидай жаранглар толзор.
Бўғиқ кўнгилларга гўёки даво,
Жимжитликни бузиб келар шифокор.

Нақадар мунг ётар бу пардаларда,
Утган умрларнинг оҳу зорими?
Қушлар чирқилламас тол паналарда,
Уста бармоқларнинг кўринг корини...

Тўлқинланиб учар оҳиста оҳанг,
Тўлқинланиб учар теран туйғулар.
Бир лаҳза тўхтаб қиз созлайди таранг,
Қўзлардан қочади оғир уйқулар.

Санъат чўққисига кўтарил, қўзим,
Тарат шўх қўшиқлар, тарат шўх баёт.
Жўр бўлур ғазалим, юрагим, сўзим,
Жўр бўлур шодумон ва рангин ҳаёт.

Шоҳимардон

ҚОЯ

Толзор куз рангида ва салқин.
Дарахтларда япроқлар олтин.
Тоғдан эсар ел оқин-оқин,
Тағин бўлур тин.

Толзор куз рангида, бутоқлар —
Бари киймиш ёқут сарупо.
Кўзни алдар хил-хил бўёқлар,
Оҳ, на дилрабо!

Толзор қолди, тоғларга ошдим,
Тоғ устида қор бор бел бўйи,
Арчазорга кириб адашдим,
Гўё йил бўйи.

Атай излаб келдим, оқ қоя,
Сен нақадар мағрур ва кибор.
Имлагандай бўлгандинг боя,
Кўнглингда не бор?

Кетар чоқда бир кўрай девдим,
Сенинг мағрур хуснингни аён.
Тошлоқлардан йўл солиб келдим,
Сиринг эт баён.

Тилга кирди қоя, тингладим:
«Мен азалдан яралдим мағрур.
Кел, тепамга ош одим-одим,
Жаҳон кўринур.

Умровимда қор хазинаси,
Мана, ён-беримда ирмоқлар.
Мана музлар, садаф сийнаси,
Мана булоқлар.

Арчалар мўл тош кўрагимда,
Мана бу ён яшил яйлоқлар.
Дафина кўп кенг юрагимда,
Қатларим сақлар.

Кучинг бўлса юракка қўл сол.
Қудратингга қойил бўлайин.
Аямайин, майли барин ол,
Ҳеч аямайин».

«Қоя!— дедим,— ҳой мағрур қоя!
Юрагингга албат қўл солғум!
Хазинанг-ку мўл, бениҳоя,
Барини олғум!»

БАРАКА ТОМЧИЛАРИ

Оқ туман оқади юксак тоғ бошидан,
Шамол қувламоқда водий устига.
Ҳайратда боқаман ясси оқ тошидан,
Бир зумда кўк кирар мрамар тусига.

Бир зумда очилур оқ елкан саноқсиз,
Бошимнинг устида бари сузишур.
Шу қадар кенг кўкда тинимсиз, қўноқсиз,
Чақнашур, яшнашур, сукут бузишур.

Оқ тиниқ томчилар худди дур донаси,
Тўкилур, сочилур дала бетига.
Юксак тоғ бўлмайн фақат бош панаси,
Аста йўл солишар сахро кетига.

Қатралар тушади... Дақиқа ўтмайин,
Ювиниб, ярқираб қолур арчазор.
Оқ булут бўз сахро устига етмайин,
Қушларнинг қўшиғи келур лутфикор.

Ҳавога тўймайсан, ҳаволар муаттар,
Кўзларинг тушади тўлин ойига.
Қарайсан: на шамол, на ёғин, на хатар;
Оқ туман қайтади тагин жойига.

Гўёки шўх шамол боғларнинг юзидан —
Гардини олгали булутни қувмиш.
Булут ҳам чиқмайин шамолнинг сўзидан
Тўқайзор, экинзор юзини ювмиш.

Барака ёғади бу олтин тупроққа,
Бир зумда мусаффо, кўм-кўк айлана.
Жон кирмиш япроққа, ҳаттоки тош-тоққа,
Ёмғиржон, ёғ дейсан, ёғ ёмғир яна.

Қорли тоғ оқ мрамор силсила сингари
Дилни беихтиёр ҳуснига боғлар.
Кўзларга кўринмас на сулув, на пари,
Тушимга киради ҳар кун у тоғлар...

Шоҳимардон

НАВОИЙ

Узун тунлар бедор ва танҳо,
Ўтираман тикиб кўзимни.
У келади ярқироқ сиймо,
Унутамаман бир дам ўзимни.

— Сиз ўшами, келинг, марҳабол
— Мен ўшаман, лол бўлма, бўтам.
— Кўз тутганман, муҳтарам бобо,
Кўз тутганман азизим-отам.

— Мен ўлганман, унутдингми ё?
— Ўлмагансиз, ўлмайсиз ҳали!
Сиймосида барқ урди зиё:
— Балли, саҳар суҳбат маҳали...

Кўз олдимда нуроний сиймо,
У забардаст қаламкаш инсон.
Дафтаримга қилади имо,
Ғазалимни ўқидим ҳайрон.

— Балли, — деди, — андак ҳавас бор.
Ҳикмат деган ғазалга ҳусн,
Чидам даркор, вазминлик даркор,
Қуйлагани эрлар туйғусин.

Умринг ёруғ, Ватанинг ужмох,
Мендан сўра, мен ёниб ўтдим.
Англамади замона, эвоҳ,
Беш асрким, шу кунни кутдим,

Бешигим у қадимий қалъа,
Балки оғам у Баҳром сардор,

Балки онам нозанин Лайло,
Балки синглим Ширин нолакор.

Балки юртим у зангин дара,
Балки дўстим Фарҳод паҳлавон.
Аммо, асринг баланд юз карра,
Ҳар пояда бир улуғ дoston.

Искандардан ўтик ва аъло,
Муз тоғида у тўрт қаҳрамон.
Шириндан ҳам кўзлари шаҳло
Қизлар кўрдим, фахри бир жаҳон.

Тилсимларни очур бегумон,
Полвонлари эртақдан баланд.
Қуёшларки, қочади туман,
Замоналар кутган, жон фарзанд.

Кўкни олур Ватанинг азми,
Хазиналар очур тоғлардан.
Афсонадан баланд ҳар базми,
Қўшиқ учар чаман боғлардан.

Озод элнинг армони борми?
Мен у чоқда ёш тўқдим талай,
Бугун боқиб кўзим тўярми?
Ҳар ким ҳам дер: шонринг бўлай...

Шоир кетди... Кўз узмай қолдим,
Кетди буюк у аламднийда.
Чўчиб турдим, бир назар солдим,
«Хамса» турар бошим тагида.

Кўк губорсиз, юксакда қуёш,
Лайло янглиғ вафодор ва ёш.
Дoston ила ухлаб қолибман,
Тушларда ҳам шоир суҳбатдош.

БОҒИМНИНГ ЧЕЧАКЛАРИ

Оҳ сулув чечаклар, сулув чечаклар...

Қирмизи барглардан кўз узиш маҳол,
Қиз бола кулгуси янглиғ қувноқсиз,
Қиз бола уйқуси янглиғ юмшоқсиз...
Эрта саҳарларда уйқумдан кечиб,
Қўшиқ эшитганман тагларингизда,
Ҳазал тўқиганман баргларингизда
Мен ўзим этганман сизни парвариш,
Севгилим юзига юз қўйган каби —
Сизга саҳарларда юзим суртганман,
Товланган баргларга кўзим суртганман.
Оҳ, сулув чечаклар, сулув чечаклар...

Қизил ранг — кўнглимда латофатли ишқ,
Пушти ранг — дерларки, — шарофатли ишқ
Буларни келтирдим ардоқлаб сизга,
Нақадар нафису, нақадар хушбўй...
Булар — бари менинг пешона терим,
Булар — менинг жўшқин ишқим ва меҳрим...

Лекин, афсус бари шу гўзалликда
Сизнинг жамолингиз олдида лолдир,
Сизнинг камолингиз олдида лолдир!
Сиз жаннат гулисиз, сиз жаннат гули...
Эй, сўлим чечаклар, сўлим чечаклар!
Ёрга аён этинг кўнглимни тугал.
Ҳар гул алоҳида айласин баён
Инжа муҳаббатим, тошқин севгимни,
Кечалари бедор соғинганимни...

Оҳ, сўлим чечаклар, сўлим чечаклар.

МАЙПАРАСТ

Нега бундоқ — наҳот ногирон?
Ким биларкин дилу дардини?
Шалақ, шилқим, ёввойи, нодон,
Асти қўймас оҳи-сардини.

Сўрагай маст, сўрагай беҳуш,
Гўё ҳаёт — наздида бир туш.
Гоҳо босиқ, гоҳо енгил қуш,
Не юваркин кўнгил гардини?

Рангги беқон, кўзлар — туташ қон,
Юз ювуқсиз, асабий, нимжон,
Саҳарликка баъзан топмас нон,
Кўтаргусиз баъзан қаддини.

Жонга тегар кундалик нози,
Маҳаллани бузар овози,
Эл афтини кўрмаса — рози,
Сигдираркан тоқай ҳаддини?

Тентирайди баъзи кун хумор,
Паст кўчада пойлармиш шикор,
Ханжари бор — бадкорига ёр:
«Кўриб қўй, — дер, — йигит мардини!»

Аввал кеча кимдир дод солмиш,
Қоровул чол ҳуштагин чалмиш,
Ғафлат босиб, ўртада қолмиш,
Боғлашмиш тез у ашаддийни!

Чавақланмиш паттачи жувон,
Қора сочлар бўялмиш ол қон,
Бир қултум май учун шу ҳайвон
Ишга солмиш тигнинг зардини.

Нега бундоқ — ўзига аён,
Писанд эмас кўзига жаҳон,
Юз ювуқсиз, ўзи беқатрон,
Ори ўртар йигит мардини...

ХОЛТОШ

Киши қирқдан ўтгач кирармиш ақли...
Шундай Холтош ҳам,
Бағрин куйдиргандек боболар нақли,
Босар баъзан ғам.
Қайлиғи кечалар тонггача тинмас,
Айтади алла.
Холтош кўзига ҳам ҳеч ором инмас,
Сирқирар калла:
«Кони ташвиш-ку бу тилсиз чақалоқ,
Эй, шўрлик она.
Кечалари шундоқ ўтгандир уйғоқ,
Зору парвона...
Кони ташвиш-ку бу: ювса, тараса,
Тебратса кун-тун,
Ўзи сўлғин, чарчоқ — кулиб қараса
Бешикка беун...
Эй, она тақдири, она тақдири,
Оғир нечоғлиқ.
Ҳануз яралганмас она тасвири,
Сийнаси доғлиқ...
Менинг ҳасратимда кетди бевақтроқ,
Сўнди шам каби.
Қирқ ёшида сочи пахта каби оқ,
Титроқ, асабий.
Одам бўлганимни кўрмай кетди-я,
Мунглуғ, бедармон.
Бир кун ҳам бахт шавқин сурмай кетди-я,
Дилида армон...»

Сандиқда қолибди атоғлиқ белбоғ.
Холтош тағинганг.

Емай-ичмай балки жамғармиш узоқ...
Аттанг, юз аттанг!
Ҳаётдан ўрнини топди-ку ҳозир,
Лек онаси йўқ.
Кеч ҳозир, ёш тўкиб эслар бирма-бир,
Эслар бўлиб чўғ:
...Маҳаллада танҳо сўққабош,
Дўппи ярим, бепарво, беор.
Тирик боқим, бебурд, бағритош,
Бор-йўғини ўртамиш қимор.
Ярим тунда келар: «Она... Ошшш!»
Қари она шу кулфатда зор.
Тоқати тоқ, нурсиз кўзда ёш,
Ҳасратида қадди ёй, бемор.
Токай ғалва, токай бу бардош
Қўтарарми бундоқ юкни нор?
Ўғил дарди элу юртга фош,
Ҳар кун таъна... ўғил сабабкор...
«Қошки қўйса дайдишни Холтош,
Саёқ кўнгли топсайди қарор,
Тўй-томоша қилсам... бир ювош
Келин тушса, кундай беғубор...
Мана Ҳожар... ҳамсоя — тенгдош,
Ҳаётидан рози, миннатдор.
Келини бор сулув-қаламқош,
Ўғли танти, ўғли беозор...
Қани, бу ҳам кезмаса бебош,
Ўз йўлига ўзи қазиб ғор.
Оҳ, лоқал бўлса сартарош,
Иигит умри ўтмаса бекор.
Тошни талқон қилолгудек ёш,
Касби қимор, олам бўлди тор.
Тенгдошлари бир-бир ишга бош,
Бу ҳали ҳам қиморга хумор.
Қўрпа, ёстиқ, ҳатто чорак мош
Бир-бир кетди, куни ғалвадор.
Беозор бўлди қавму қариндош,
Йиғлаб айтган ўгит эмас кор»...

Дағ-дағ титрар она, жигар хун.
Ёлғиз фарзанд... ёш тўкар такрор.
Ҳаёл тарқоқ, юзлари сўлғин,
Ёлғиз фарзанд... севар чор-ночор:

«Үтга солди гулдек чоғини,
Умрини ҳам тикар бу бадкор.
Кўрмай ўлсам эди доғини...
Оҳ, дилимда не армонлар бор!»

Холтошга тунов кун дуч бўлдим нохос,
Қиссаси мунгли.
Кўчирдим қисқароқ — нақ ўзига хос,
Бўшасин кўнгли...

Қошки мен ҳам бўлсам айтгули шоир,
Бир армоним бор:
Оналарга атаб яратгум охир —
Шеърдан чўнг ёдгор.

КУЛ БУИЛАРИДА

Чанқоқ далаларнинг дудоқларига
 Ҳаёт тошқинлари лиммо-лим оқар.
 Сўлғин сахро ясси қумлоқларига
 Ялпизлар, райҳонлар, чечаклар тақар.
 Усар адирларда яшил тўқайлар,
 Булбуллар ўқишар гул бутоғида.
 Жаннатга айланур чангалзор жойлар,
 Бепоев Ватаннинг бу аймағида.
 Даррандалар кезган бўш дараларда
 Маърашар подалар, йилқилар, қўйлар.
 Утгуси гуно-гун манзараларда
 Меҳнат байрамлари, шодумон тўйлар.
 Бахши достонида куйланган дарё —
 Халқим хаёлида барқ урган соз кўл
 Мардлар қудратида бўлди муҳайё,
 Қатралари гавҳар, гавҳарлари мўл...
 Офарин, марҳабо, Оқбилак опа!
 Офарин, тасанно, баҳодир Ёдгор!
 Чўлда вафо кўли, ишқ кўли барпо,
 Денгиз қадар чексиз мазмунлари бор.
 Балли, азаматлар, топинг барака,
 Яшаймиз, ёронлар, мангулик бу бахт.
 Бизники ғалаба, тўю маърака,
 Йўқ эди, бор бўлди зар кўл, айна вақт!
 Усар адирларда яшил тўқайлар,
 Булбуллар ўқишар гул бутоғида.
 Жаннатга айланур явшанзор жойлар
 Бепоев Ватаннинг бу аймағида.

Каттақўрғон

ТОНГ ҚУШЛАРИ

Тонг қушлари куйлашур, боғларда шовқин...
Эркажон, имтиҳонга борасан бугун:
Такрор ўқи! Қолмасин ёруғ дилингда
Бирон чигал масала, савол ё тугун.

Муаллимлар ўтирар, зал тўлган бўлур,
Қанча кўзлар сен сари термулган бўлур.
Тур, қўзим, аъло ўтсанг бу синовдан ҳам —
Ота дилида ғурур зап улкан бўлур!

Ватанинг дурдонангдир — азиз онангдир,
Оқ йўл бошловчи, қўзим, мактабхонангдир!
Ёшлигинг зап бахтиёр, етгил қадрига,
Юксал қўзим, бу замон — ўз замонангдир!

Ҳа, имтиҳон дамлари — зап талабгор дам,
Бурро айту аъло ўт, бўлма асло кам.
Маърифат тарихида қолур умрбод,
Дафтарга нақши тушган ном қандай кўркам!

Тонг қушлари куйлашур, боғларда шовқин...
Эркажон, имтиҳонга борасан бугун:
Такрор ўқи! Қолмасин дил гўшасида
Бирон чигал масала, савол ё тугун...

ХУШ ҚОЛ!

Хуш қол, азиз мактаб, меҳрибон оғуш!
Заллар, оқ бўлмалар, рози қол ва хуш!
Сендан бошланади ҳаёт сафари,
Бердинг онгимизга ёруғ ва хуруш!

Хуш қол, билим ўчоғи!
Илиқ она қучоғи!
Ўтди роп-расо ўн йил,
Ёшликнинг ширин чоғи!

Бахт завқин сурган
Эй, ёш ватандош!
Қириқ ҳунар ўрган,
Довонлардан ош!

Қишлоққа кетади Қоражон, Қўлдош,
Маърифат юлдузи умрбод йўлдош.
Бири сут соғувчи, бири механик,
Шўх, бурро қизларки — чевар, қора қош.

Чексиз пахтазорда жавлон ургали
Трактор минажак Қўчқор, Шерали.
Оламга таниғлиқ одамлар бўлур
Гўдаклиги сенда ўтганлар ҳали...

Хуш қол, азиз мактаб, меҳрибон оғуш!
Заллар, оқ бўлмалар, рози қол ва хуш!
Сендан бошланади ҳаёт сафари,
Сенда ўтган ўн йил нақ баҳорги туш.

Хуш қол, билим ўчоғи!
Илиқ она қучоғи!
Ўтди роп-расо ўн йил
Ёшликнинг ширин чоғи!

Бахт завқин сурган
Эй, ёш ватандош!
Қириқ ҳунар ўрган,
Довонлардан ош!

ТЕЛЬМАНГИНА

Кичик Тельман, сал пучуққина,
Қорагина, ўзи шўхгина.
Ўзи қора, оқдир тишлари,
Ўзи гўдак, катта ишлари...

Эрта туриб ювар юзини,
Ясантирар тоза ўзини.
Денгизчидай кияди қалпоқ,
Тақиб олар қизил бўйинбоқ.

Утиради кичик курсига,
Эркаланар жон бувисига.

Иннайкейин бир тўп ўйинчоқ,
Қилич, милтиқ арава, тойчоқ.
Буни қўйиб, унисин ўйнар,
Хўроз билан тулкисин ўйнар,

«Отинг нима?»— десанг: «Тельман!»— дер.
Салом берар худди пионер.
Бироқ билмас — кимдир одоши,
Ким у Тельман, зўр асрдоши...

* * *

Ўйинингни тўхтатгил укам!
Мен ҳикоя айтайин бир дам:

«Германия деган ўлка бор,
Унда меҳнат қилган яшар хор.

Ҳар қадамда бир зиндон, бир дор,
Тельман ётар зах зиндонда зор.

Нега ётар? Нечун зор ётар?
Укам, у беихтиёр ётар?
У элига фидокор эди,
У ишчига дўсту ёр эди.

У зулмни кўрарди ёмон,
У золимга эди беомон!

Фашист деган ҳайвон, шўртумшуқ
Уни тутиб этди занжирбанд!
Меҳнаткашга кун бермас шумшук,
Зулм билан толен баланд!

Германия деган ўлка бор,
Унда очдан ўлар гўдаклар.
Фашист деган одамхўр, айёр.
Очилмайин сўлар чечаклар.

Ўша фашист бизнинг юртда ҳам
Дор қурмоқчи, зиндон қурмоқчи.
Жаннат мисол ўлкада беғам —
Айш қилмоқчи, даврон сурмоқчи.

Фашист ёмон, фашист ёввойи,
Оналарнинг бағрини тилар.
Вайрон бўлар ўтган ҳар жойи,
Гўдакларни найзага илар.

Лекин қўрқма, аканг сен учун,
Ватан учун кетди урушга.
Ёв бошига солар қора кун,
Иўл бермагай даврон суришга!

Лекин, укам, мард бўлиб ўсгил,
Тельман сенга ҳазилакаммас!
Ном эгаси занжирбанд, хўп бил,
Ёруғлик кун кутар ҳар нафас.

Лекин, укам келади у кун,
Портлар вулқон, портлар ларзакор.
Қирғинга дуч бўлар ёв бутун,
Қолмас зиндон, қолмас битта дор!

Ўйна, укам, унутма бироқ,
Улуғ маъно сенинг номингда.
Оғир бўлди ҳикоям, чироқ!—
Тушунарсан улғайганинда!»

САҲАРЛАРДА

Тонг елидай саҳарларда
Узоқларга жўнар бўлдим:
Жанг қизиган маҳалларда
Олов каби ёнар бўлдим.

Тонг елидай саҳарларда
Ёв устига юрар бўлдим.
Юртим учун зўр жангларда
Золимларни қирар бўлдим.

Хуш қол, санам! Жоним, хуш қол!
Омон бўлсам, қайтарман ҳам.
Тонг чоғида булбул мисол
Дил розини айтарман ҳам.

Тонг елидай саҳарларда
Сунбул сочинг силарман соз,
Бир йил учун мунча зарда,
Зафар олиб келарман боз...

Тонг елидай саҳарларда
Деразангни қоқарман, ёр.
Ухлар бўлсанг — тутма парда,
Тўйиб-тўйиб боқарман, ёр!

СЕВГИ

I

Нечун боқишларингиз мунгли ва сузгин,
Шумикин ишқ достони — жарангдор севги?
Нечун бир нафасдаёқ ёноқлар сўлгин,
Шумикин дил туғени — беқарор севги?

Сочингиз тарамлари ипакдан силлиқ,
Нега кўзингизда ёш, бу не кўргулик?
Иккимизга солади тағин айрилиқ,
Азиз ватан ҳам унга фидокор севги...

II

Узатинг тунда мени, силкитиб рўмол,
Кетаман, сиз қоласиз, эй соҳиб камол,
Ишқимизни кафилга олади дарҳол —
Республика, жонажон, вафодор севги.

Тунда кетмасам агар, жўнайман саҳар,
Бу йил беаёв жангга бўлдим сафарбар.
Кўз тутинг, бу сафар ҳам бўлгай бехатар,
Сиз кутинг, ҳар жойда ҳам мадакор севги.

III

Балки ёлғиз қолурман салқин тунларда,
Балки жанглар қилурман қизгин кунларда,
Бўлурман суронларда ҳам тутунларда,
Чунки ватан севгиси — талабгор севги!

Ҳаёт гўзал ҳам жаҳон кўринур хавфсиз,
Лекин ҳар увоқ ўлжа олинмас довсиз.
Талаб этса ёшлик ҳам фидо, тўхтовсиз,
Бу — анчайин севгимас, барқарор севги...

IV

Водийларидан оқар олтин жилғаси:
Қорли тоғлар бошида қуёш жиғаси,
Асрларнинг кўз очиб кўрган тулғаси,
Ҳур ватан, республика, беғубор севги!

Ҳар нимадан азизроқ, қадрдоним — сиз,
Шу куним, келажагим, жонажоним — сиз,
Кўзларда қорачиғдай сақлаганим — сиз,
Эй ватан, республикам, сулув ёр, севги...

МЕН ОНА БЎЛСАМ АГАР...

Хат

Мен она бўлсам агар, сиз ота — падар,
Бироқ кўнгилга солманг зарра ҳам кадар.
Ахир, этилмаганмиз ўлкадан бадар,
Ўйламанки, мен қолдим ёлғиз — дарбадар.

Биламан, Ватан сизни чақирган жангга,
Тушасиз тўлқинларга, ботасиз чангга.
Олқиш, ёв қалъасига зарба урганга,
Мардона сафарингиз доврўқ нақадар!

Ўртоқлар кўнгил сўраб келиб-кетади,
Хат ёзиб сўранг, дейди: қачон қайтади?
Сафарбар мард улфатга салом айтади,
Эр йигит қаршисида на хавф, на хатар!

Қора тош қаршисида бўлинг тиг-табар,
Ҳар хитой деворини қилинг зер-забар.
Зафарлардан ўлкага беринг тез хабар,
Шухратингиз жаҳонга кетсин, сафарбар!

* * *

Гавҳар ширин уйқуда мадор олади,
Мен энди фабрикага кетсам бўлади.
Кекса, мулойим буви уйда қолади,
Ухла, кўзим, кўз нурим, қувончим — Гавҳар!

Тушингда боғлаб олиб қирмизи дурра —
Куласан, гуллар аро кулади курра.
Жанг майдонида қўйиб рекорд бир марра,
Отанг шараф-ла келур, сўзлари шакар.

Кенг мамлакат олқиш-ла олади тилга,
Ғазаллар, қўшиқларда ёйилур элга,
Куйларда буюк сафар жойланур дилга —
Эзгу жанг майдонида жанговар аскар.

Азиз Ватанимизнинг зўр жангларида
Чапаевдай от суриб ялангларида,
Ойли кечаларда, ол тонгларида
Отанг қаҳрамон бўлиб келгай музаффар!

ПИЛЛА

Қиз қўшиғи

Яшил япроқ, хуш япроқ,
Зар япроқ, кумуш япроқ,
Қуртларимга оборай —
Этагимга туш, япроқ!

Боғимга ниҳол экдим,
Тут экдиму, тол экдим,
Пиллам хўб ипак берди,
Ёрга соябон тикдим.

Рўмолим шойи катак,
Барг кесай этак-этак.
Душман бўғзини қийсин
Қизлар йигирган ипак.

Ипагим қизил, пушти,
Юрагимга ўт тушди.
Севганим кўкда учиб,
Фашист билан уришди.

Қизларжон, қўрқди деманг,
Парашютдан ғам еманг.
Севганим тушган бўлса,
Ёни қилар ҳангу манг,

МАРД ЙИГИТ ҒЕРИНГ БҰЛАЙ

Қиз қўшиғи

Мард йигит, ёринг бўлай,
Ҳам вафодоринг бўлай.
Сен ёвга қарши отлан,
Мен жиловдоринг бўлай.

Мард йигит, ёринг бўлай,
Ҳам вафодоринг бўлай.
Сен ёвга қарши отлан,
Мен мададкоринг бўлай,

Мард йигит, ёринг бўлай,
Ҳам вафодоринг бўлай.
Ўқ тегиб яралансанг,
Мен шифокоринг бўлай.

Мард йигит, ёринг бўлай,
Ҳам вафодоринг бўлай.
Ёвни енгмайин келма,
Мен интизоринг бўлай.

Мард йигит, ёринг бўлай,
Ҳам вафодоринг бўлай.
Сен қўлсиз қолсанг агар,
Мен куч, мадоринг бўлай.

Йигитсан, жангда жонсан,
Тантисан, паҳлавонсан,
Ватанга ботир ўғлон,
Ёвга ўчсан — ёмонсан.

Жангда жавлон уриб кел,
Ёвларни ўлдириб кел.
Соғ бўл, мард бўл ҳар қайда,
Қасос олу қириб кел.

ОТЛИҚ АСКАР

Чух, деганда номард қочур,
Мард қолур майдон ичинда
(«Эшвой» ашуласи)

Йигит арслон, ор талашур,
Ёвни янчар қон ичинда.
Ватан учун довон ошур,
Аланга, бўрон ичинда.

Арғумоқлар ўйнар асов,
Якка-якка, ясов-ясов,
Солар қирғин, кўтарар дов
Ёвуз аламон ичинда.

Майдон аро кишнар тулпор,
Учиб келар мисли шунқор.
Наърангни торт, ўтини ёр,
Зафар олинг, шон ичинда.

Майдон устин қоплар сур чанг,
Ёвни этинг лол ва тажанг.
Бу сўнгги жанг, бу қатъий жанг,
Уринг чанг-тўзон ичинда.

От бошини буринг жадал!
Зафар бизда, ҳақдир амал.
Қора номи ўчсин тугал,
Шуъладор даврон ичинда.

Омон қолса бермас ором,
Қонимиздан тўлдиран жом,
Оламга танилган ём-ём,
Жом берсин армон ичинда.

Қилич уринг! Найза санчинг!
Уққа тутинг! Қўймай янчинг!
Зўр мамлакат — зўр таянчинг,
Ардоқлар фармон ичинда.

СЕН ОНА...

Алишерга алла айтиб ухлатган
Сен — она.
Оғушида Бобир камолга етган
Сен — она.
Торобийни оғир жангга жўнатган
Сен — она.
Оламни нурида мунаввар этган
Сен — она.
Йиғласа, дунёни расо титратган
Сен — она.
Кулгиси саодат парвариш этган
Сен — она.
Доҳийлар бешигин бедор тебратган
Сен — она.
Меҳри баҳорида элни яшнатган
Сен — она.
Ягона ўғлингни жўнатдинг жангга,
Бўл бардам, она!
Онадай ошиқ йўқ она-Ватанга,
Муҳтарам она...

БАБО

Тўрғайлар ухлашур явшан тагида,
Дарё бўйларида — тўқайда сукут.
Ялтироқ шабнамлар лола баргида,
Зангори самода парча оқ булут.
Тўлин ой юзида — сулув келинчак,
Тепамда интизор боқар кимгадир...
Қафтимда тургандай ҳар йироқ бурчак,
Қафтимда тургандай ҳар олис адир.
Соқит, сўлим кеча... Мен соқчи эдим,
Соғлардай йироқ қоровулхона.
Соқит, сўлим кеча, тўрт томоним жим...
Сақлар эдим элни мардона.
Сақлардим, тин бўлсин яқин ва овлоқ,
Ширин бўлсин азиз гўдак уйқуси.
Роҳат уйқу олсин бу она тупроқ,
Лабларида ширин тушлар кулгуси.
Ором олсин улуғ шаҳарлар,
Ором олсин инсон, жонивор.
Ором олсин кекса падарлар,
Роҳат уйқу олсин севган ёр...
Тинч бўлсин қўрада қўзичоқлар ҳам,
Роҳат уйқу олсин йилқи уюлда.
Роҳат бўлсин чаман қишлоқлар ҳам,
Безовта бўлмасин айиқ унгурда...
Сезар эдим ўзни жавобгар,
Юрагимда мардлик туйғуси.
Сочолмасин қув душман заҳар,
Роҳат бўлсин юртим уйқуси.
Тун салқини оҳиста қучар,
Пичирлаган каби аллаким...
Қим у? Наҳот япалоқ учар?

Қандай шарпа? Нега тағин жим?
Пўлат қўрғонимга ким қўймоқчи от?
Ким жонидан тўйди бу замон?
Ким жонидан тўйган ўшал зот?
Ким тўкмакчи тупроғимда қон?
Шитирлаган товуш нимаси?
Қашқирмикан ўлаксага зор?
Ё бўримни қоннинг ташнаси?
Йўлбарсмикан ахтарган алқор?
Ё кўзимни қўйдими боғлаб,
Бирон айёр, бирон жодугар?
Тўқай аро турарми чоғлаб?
Бу не соя, нима дардисар?
Ёки еллар чарх уришарми,
Ёргинамдан келтириб бўса?
Ё парилар югуришарми,
Алвастининг шарпаси, йўқса?..

Йўқ! Бу на пари, жин ва на алвасти,
На бўри, на қашқир ва на жодугар.
Элни таламоқдир, элдадир қасди,
Бу келган ялмоғиз ёвдир дардисар...
Элнинг оромини бузган ўшалар,
Ямламай ютмоқда мисли оч юҳо.
Гўдак уйқусини бузган ўшалар,
Ўлкани босмоқда хатарнок вабо...
У — вабо! Хок бўлди жаннатдай эллар,
Шоир тополмайди лойиқ бирон ном;
Севгилим сочинни силаган еллар,
Салқин қанотингда етургил салом:
«Сояси мўл боғлар, балки, мени кўролмас,
Балки бу жангларда бўлурман ҳалок,
Лекин душман бу элга хўжа бўлолмас,
Тиз чўкмаймиз унга ҳеч қачон!»

БЕШОТАР

Партизан қўшиғи

Эсларимда у қора йил,
Гувлаган бўрон.
Талпинарди қуршовда эл,
Ёв солур сурон...
Қўлларда сен, қилгандик жанг,
Ватан, эрк ҳақи...
Ахир бўлди танг, ҳанг-манг —
Ёв манжалақи!
Айрилмас ўртоғимсан,
Жанг йўлдошим, бешотар!
Синалган яроғимсан,
Сен яна бўлдинг даркор,
Марди майдон,
Қон қақшатай!
Қоқ манглайдан
Кўзлаб отай.

Ухлар бўлсам, сен бағримда,
Қўнмади тўзон.
Улди қанча ёв қаҳримда,
Улдирдик чунон...
Ардоқладим дов елкамда,
Чет юрди бўри.
Урнинг бўлди тинч ўлкамда
Уйимнинг тўри...
Бизга таниш қирлар, йўллар,
Тўқай, жар, сўқмоқ.
Қағалаб ғоз учган кўллар,
Қамишзор овлоқ...
Таниш дарё ёқалари,
Қумлоқ сўнгсиз дашт.

Какликзор тоғ орқалари,
Тоза сурдик гашт...

Босиб қолди қароқчилар,
Эски қадрдон!
Элга офат солмоқчилар,
Жангга! Икковлон!
Оғир, ошнам, бу жанг оғир,
Тўғри ол мўлжал.
Қаттол ёвга — замон охир,
Ажал ҳам ажал!
Айрилмас ўртоғимсан,
Жанг йўлдошим бешотар!
Синалган яроғимсан,
Сен яна бўлдинг даркор.
Марди майдон,
Қон қақшатай!
Қоқ манглайдан
Кўзлаб отай!

ҚОРА КҮЗЛИ

Қора кўзли ва гул дийдор,
Баҳор чоғи мени ёд эт!
Хиёбонда кезар бўлсанг,
Наҳор чоғи мени ёд эт!

Қора кўзли, сўлим дилдор,
Сенга айтай сирим ошкор,
Агар кечса кечанг бедор,
Саҳар чоғи мени ёд эт!

Қора кўзли, вафоли ёр,
Ажаб хилват, чаманзор бор,
Кўзинг тушса — этар хумор,
Хумор чоғи мени ёд эт!

Қора кўзли ва гул дийдор,
Бўлай жангда шижоаткор,
Агар ўлсам, сўрай такрор,
Баҳор чоғи мени ёд эт!

БУ — МЕНИНГ ВАТАНИМ

Шуъла тўлқинлари тоғлар учида,
Ярқираб кўринар кумуш ирмоқлар,
Хўб гўзал товланар тонг оғушида
Поёнсиз мамлакат, бўлиқ тупроқлар.
Азамат шаҳарлар бурчи-бурчида,
Ёйилган элатлар, эллар, аймақлар.
Хирмонлар уйилган қирлар тўшида,
Водийлар, далалар, азиз қирғоқлар...
Бу — менинг Ватаним! Бу — бахт днёри,
Бунда эзгу эрк бор — эл ифтихори.

Қузғуннинг севгани фақат вайрона...
Наҳот боғимизга қўнажак қузғун?
Равоми, бемалол кезса бегона?
Жаннат ўлка, наҳот, бўлажак бузғун?
Ичарми қонлардан май қона-қона?
Улакса изларми шақал кундуз кун?
Эй, тошқин ғазаби дилда паймона,
Қўзғал эй, қўзғалки, бу не қаро кун!
Бу — менинг Ватаним! Бу — бахт днёри.
Бунда одамзоднинг энг бахтиёри...

Қўзғал қаҳрамонлар, айёр ёв томон,
Ўт қўй! Ёнсин қолмай на пар, на қанот...
Қўзғат зўр бўронлар, бадкор ёв томон,
Чоғидир! Зарба ур, ур жадалроқ! Бот!
Э, марди майдонлар, беор ёв томон,
Бошга налар солмас келса, эй, ҳайҳот!
Э, жангда қоплонлар, ғаддор ёв томон,
Ё ўлим, ё ҳаёт? Йўқ ўлим... Ҳаёт!

Бу — менинг Ватаним! Бу — бахт диёри.
Бу пўлат қалъадир! Пуч ёв бадкори.

Замон кўчасида доғули, мурдор
Ит суқинг кирмасин бутун нонимга!
Замонанг охирдир, кўз оч, шармисор!
Тумшуқ суқиш маҳол бахт маконига!
Эй ажал ўрдуси, талвасанг бекор,
Тер тўкиб топганим даркор жонимга,
Чинакам эгаман токи дунё бор —
Еримга, сувимга ва осмонимга...
Бу — менинг Ватаним! Бу — бахт диёри.
Бу мард эл — элларнинг чин халоскори!

СОЯ

Бўзсув қадар муҳаббат туйдим
 Россиянинг тошқин сойига.
 Она юртдай меҳримни қўйдим
 Тўқайзору ботқоқ, лойига.
 Ажойиб сой, толзор ёқаси,
 Жарларида унгурлар, ғорлар.
 Яшил дала тўқай орқаси,
 Кўз илғамас кўкаламзорлар.
 Омон олиб ўтгай хатардан
 Тўқайларда у чиганоқ йўл.
 Хабар берар ҳавзи кавсардан
 Аҳён-аҳён соз, жимжима кўл...
 Тошқин сойнинг у қирғоғида
 Лаънати ёв қароргоҳи бор.
 Қўнғил ёнар жанг сўроғида,
 Қор ёққунча ётдик интизор.
 Қайинзорнинг кумуш тангаси
 Тўкиларди беқарор, нолон.
 Қўзимизда ўч алангаси,
 Тикилардик дам-бадам у ён.
 Билардикки, келгинди лашкар
 Жуда ғаддор, жуда доғули.
 Ўлгудай пес, ўлгудай ўжар,
 Истар: бўлсак ландавур қули...
 Билардикки, биз ҳайдамасак,
 Бизни ҳайдар ернинг қаърига.
 Бари бирдай қутурган кўппак,
 Чанг солади дангал бағрингга.
 Келгиндининг ҳаққи йўқ, ахир,
 Соининг ёлғиз қатрасида ҳам.
 Эл қонидан ичишар чағир,

Бари бирдай ўғри, муттаҳам.
Шунинг учун жаҳлимиз қистар
Боққан сайин нариги соҳилга.
Шунинг учун барча ўч истар,
Ўч қон билан битилмиш дилга.
Шунинг учун... сўлим сой учун
Жанг олдида ичдик боз қасам.
Ҳар ким ўзи ўсган жой учун
Жон аямас бўлди ўшал дам.
Қолар токай ёв панжасида
Азиз тупроқ ва сўлим қирғоқ?
Қишнинг совуқ исканжасида
Бир тун... ахир келди кутган чоқ.
Замбараклар солди гулдурак,
Ҳам ёришди булутли само.
Ўлимлардан беради дарак
Аччиқ бўрон, тутунли ҳаво:
Эмаклашиб қору музларда,
Мадад олиб қиш кечасидан,
Ўтдик музлар қотиб юзларда,
Кечикларнинг бир нечасидан.
Ҳамла деган шундай шиддаткор,
Ҳар лаҳзаси бебаҳо, бир йил,
Бир лаҳзада қанча салмоқ бор,
Бир лаҳзада муродлар ҳосил...
Ҳамла деган шу қадар ғаддор.
Мижжа қоқсанг, бешак ўласан.
Мижжасида умр юки бор,
Мижжасига қойил бўласан...
Ўликларни ўтамиз босиб,
Ўқ ёғилар бамисоли дўл.
Ўқ ёғдирдик ўчга муносиб,
Ўқ ёғдирдик ўлсин деб ёв мўл.
Мана музлаб қолган ўликлар,
Парчаланган замбараклари.
Мана той-той тугунлар, юклар,
Ер ости уй, ғор йўлаклари.
Мана қирғоқ... оҳ, сўлим қирғоқ.
Нақадар соз, нақадар қўрқинч.
Тўнтарилган, ўйилган ҳар ёқ,
Дилга чангал солади ўкинч.
Эсиз, тупроқ!.. Эй ҳаромзода,
Хўш, йиртқичдан фарқинг не ўзи?

Сенга нечун ҳаёт дунёда?
Ҳаром сенга бу тупроқ тузи...
Ҳароб соҳил... барибир сен соз!
Қандай хушвақт зафар оҳанги!
Зарҳалларда саҳифангга ёз:
«Ўғилларнинг бир дамлик жанги...»
Ҳароб соҳил... барибир сен соз,
Яна эганг бўлдик, азиз жой!
Ғазаб учун бу ўч ҳали оз,
Қутар қанча қирғоқ, қанча сой.

БҮСАСИ ҚАНД

Ишқинг юрагимда ташламиш каманд,
У кундан ошиқман, камандингда банд,
Балоларга дучор бўлсам-да, ҳарчанд,
Сени унутмайман, о бўсаси қанд!

Орзуманд кўнглимнинг шўх дилдори сен,
Севги салтанатин шуълакори сен,
Йигитнинг айрилмас вафодори сен,
Нечук унутгайман, о бўсаси қанд!

Ёшликка муҳаббат — ажаб ярашиқ,
Ёр — ёрнинг кўзида ёнган қорачиқ,
Ёр севган йигитнинг йўллари очиқ,
Сени тарк этмайман, о бўсаси қанд!

Майдонга кираман ҳали неча бор,
Ёдимда севган юрт ва севгили ёр,
Бор бўлсин ёрларки, сендай вафодор.
Ваъдага етгайман, о бўсаси қанд!

КУЗЛАРИМ ЙЎЛИНГДА

Айб этма, дил қурғур дилингга пайванд,
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!
Олти ой хат кутдим Барчиной монанд,
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!

Ёнингдан тушмасам бир қадам айри,
Жонимга тегибди ғурбатнинг сайри,
Хою ҳавасларнинг бўлмас ҳеч хайри,
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!

Беқарор кўнгилга шифокор ўзинг,
Ёв учун ҳақ ажал — мард сувор ўзинг,
Қалбида ёлқини — ўти бор ўзинг,
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!

Қаҳрамон бўлиб қайт, қучоқ очай мен,
Азиз бошгинангдан гуллар сочай мен,
Кўксингга бош қўяй, бўйнинг қучай мен,
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!

САЛОМ ХАТ*

Эй сиз, ўлкамизнинг дов ўғиллари,
Эй сиз, ботир юртнинг мард бўғинлари,

Эй сиз, оловларга мардона кириб,
Мўр-малахдай душман жазосин бериб

Сийналарни қалқон этаётганлар,
Тўсиқларни талқон этаётганлар,

Мардлик осмонида лочин парвозлар,
Мерганлар, танкистлар, мард чавандозлар.

Юртимиз таянчи азаматлар, ҳей,
Сизга ҳурмат раво, валлакатлар, ҳей...

Ёрқин доврўғингиз элга дostonдир,
Ватан учун барча фидойи жондир.

Шу Ватан — ардоқлаб бош силаган ҳам,
Шу Ватан — барчага бахт тилаган ҳам.

Шу Ватан берди нон, Ватан берди туз,
Уни ямламакда сариқ ялмоғиз...

Ахир, чорак аср эл тўкиб тер, қон,
Қурди жаҳон минг йил кутган бир даврон.

¹ Бу салом хат Сталинград қаҳрамонларига Ўзбекистон зиёлилари номидан ёзилиб, алоҳида китобча тарзида ўзбек ва рус тилида босилиб, совға ортилган эшелонда юборилган эди.

Эллар тенглик олди бу замонада,
Бахт қандили ёнди ҳар ғамхонада.

Асл эгаларга тегиб ер-тупроқ,
Уйли-жойли бўлди кечаги қашшоқ.

Бутун бўлди ахир ишчи нони ҳам.
Кемтиқлар ҳам тўлур йилдан-йил бекам.

Чиқди чўпонлардан муҳандис, олим...
Ҳаммасин топтамоқ бўлади золим!

Унда инсонликдан қиттак йўқ асар,
У келтирур тагин қуллик ва хатар...

Бас! Ёв ҳақорати юртга ор бўлур,
Кенг, ёруғ дунёмиз баттар тор бўлур.

Қурар ҳар қадамда зах зиндон ва дор...
Сариқ рўдапони аяманг зинҳор!

У — ёвуз, кўзига қон тўлган қассоб,
Элнинг жигарини этмоқда кабоб.

У ахир беибо инсон бўғизлар...
Ундан ҳазар қилар ҳатто тўнғизлар!

Улар — мазор аҳли, қарға-қузғунлар,
Улар — қасам урган иблис малъунлар.

Улар — дўзахилар, расво, муттаҳам,
Улар — мараз, улар — вабо-ю, варам...

Улар ўлаксага ўч сиртлонлардир,
Улар газандалар, шум илонлардир.

Улар ободликка, озодликка ёв,
Лойиқ эмас ҳатто куйган, қоқ косов.

Улар гўзаллигу илм-фан душмани,
Одамзод душмани, Ватан душмани.

Улар нур душмани, булут — қора тун,
Шум қадами етган ерда кўз ёш, хун...

Улар қонимизни тўймай ичишар,
Улар қонимиздан дарё кечишар.

Уларни ўлдилинг, бўлманг ҳеч тутқун,
Тутқунликда бошга тушар қора кун.

Уларда шафқат йўқ — дев аҳраманлар,
Улар одамзодни еб ўрганганлар.

Уларга луғатда топилган йўқ ном,
Улар яъжуж-маъжуж, онағар, ём-ём.

Яъжуж-маъжужларнинг йўлини қирқинг!
Қалласини олинг, қўлини қирқинг!

Азиз Ватанимиз расо кенг ва мўл.
Лекин тисланишга қолгани йўқ йўл...

Ортиқ раво эмас чимдим тупроқ ҳам,
Бутун ғайрат борки, этинг жамулжам.

Улим тўфонини тўхтатинг жадал,
Бир қадам силжитмай, ўлдилинг тугал.

От солинг, балойй ногаҳон бўлинг,
Ё элни қутқаринг, ё танги ўлинг,

Ё ўлим, ё озод ҳаёт биз учун,
Виждон ўзгасини рад этар бутун!

Қасос найзасини қайранг, полвонлар!
Нафратингиз бўлсин тиғи бурронлар...

Азроилдай олинг аблаҳ жонини,
Ҳам сақланг жанубда эл қўрғонини.

Мард жануб қалъаси — Сталинград,
Уят, у диёрда кўтарса ёв қад.

Уша қутлуғ жойлар булғанмасин ҳеч,
Ёруғлик туманга чулғанмасин ҳеч.

Ғазабкор, нафрати оташин эл дер:
Ёвга раво фақат бир ўқ, уч газ ер!

Уринг, қимирламай қирилсин бари,
Мозор бўлсин Кавказ остоналари!

Мардлардай майдонда суринг айғир от,
Бу — анчай жанг эмас, муқаддас ғазот...

Бало селларига қўйинг тўсиқ-сад,
Қолмасин йиртқижда рағбат, дармон, ҳад...

Эл ҳам эрлар учун тўкмакдадир тер,
Ҳар кекса меҳнатда худди эркак шер.

Қўлни қўлга бериб эллар, миллатлар,
Жадал зафар учун қилур меҳнатлар...

Қардошлик ўлкада маҳкам, қурч қоя,
Қурч қоя мисоли юксакдир ғоя.

Уни ололмайди минг жанг, минг қамал,
Жаҳон меҳварида порлар бу амал.

Уни ушатоғмас дорлар, зиндонлар,
У дўстлик абадий сургай давронлар!

Ўзбекистон сизга қуяр ўқ, қурол,
Ўғиллари жангда ботир, баркамол.

Қўчқор, Сирож каби минглаб ўғлонлар —
Қонли жангоҳларда соҳибқиронлар.

Ўзбекистон мишжа қоқмайин ишлар,
Душман фитнасига боқмайин ишлар.

Узун кечаларда ариқ бошида,
Жазирама кунда экин қошида.

Юрт гавҳардай пахта қилар парвариш,
Яшил водийларда мавж урмоқда иш.

Тўлқинланур ҳамон далалар ишда,
Оналар, келинлар, болалар ишда.

Соқоли кўксига тушган чоллар ҳам,
Қўлларига кетмон олдилар бардам...

Бу йил очдик яна янги дарёлар,
Сувга қонди асрий даштлар, саҳролар.

Қанча бўз қир бўлди бугдой майдони,
Еткулик эл нони, еткулик дони...

Гўдакларни етим қўймайди ўзбек,
Етим ранжитганни севмайди ўзбек.

Етимларга паноҳ бўлди бу диёр,
Ҳам топилди падар, ҳам онаизор.

Зафар куйлар бизга санъату ашъор,
Бу эл шеър ошиқи, бу эл санъаткор.

Сафарбар аллома ва билимдонлар,
Ахтариб топмоқда хилма-хил конлар.

Кўмир, темир берур ернинг қатлари,
Сафарбар онг, ақл-фан қувватлари.

Барчаси сиз учун! Сизга пайванд жон,
Сизга кўз тикади ҳаттоки жаҳон...

Юрт сизга юборур озроқ армуғон,
Кўпдай қабул этинг ва уринг ҳамон...

Унутманг, гўдаклар найза учида,
Унутманг, дўсту ёр зиндон ичида.

Сингилларни булғар беуят ҳайвон,
Унутманг, эл истар қасос, қонга-қон.

Эй сиз, қадрдонлар, ўлка интизор,
Ўлка ҳар қадамда сизга мададкор.

Ўлкага тағин ҳам бўлинг фидоий,
Йиртқич ёвни этинг яксон, сазоий...

Ғалаба байроғини кўтаринг баланд,
Қонли дарёларнинг йўли бўлсин банд!

Ҳа денг, дам бермасдан уринг, ўғлонлар!
Ҳа денг, тез бўғилсин сариқ шайтонлар!

Босинг, ёв кўксига найзалар санчинг,
Танклар йўлин тўсинг, мажақланг, янчинг!

Уринг, осмонда ҳам берманг ёвга гал,
Ёвнинг мурдасига тўлсин ер тугал...

Уринг, ҳеч тисланманг, уринг баякбор,
Жангда Улуғ Ленин ўзи сизга ёр...

Улуғ доҳий номин айлаб дилга жо,
Ёв узра ёғдиринг офат ва бало.

Ватан!— деб борилса ҳарб кетмас хато.
Ватан!— деб урилса зарб кетмас хато.

Ватан!— деб чопилса тиф кетмас ғалат.
Ватан!— деб отилса ўқ ўтмас ғалат...

Уринг, қасос олинг садоқат учун,
Уринг, ҳақиқат ва адолат учун.

Қилич чопинг, азиз ўлкамиз ҳаққи,
Ширин ўғил ҳаққи, жажжи қиз ҳаққи.

Қилич чопинг, ота-оналар ҳаққи,
Харобазор, куйган хоналар ҳаққи.

Уч олинг Толстой мозори учун,
Пушкиннинг шеърят гулзори учун.

Улугбек даҳмаси бўлмасин ҳаром,
Улуғ Навоий ҳам кетмасин бе ном.

Уринг, баҳодирлар — ҳақ жангчилари,
Илгари! Илгари! Ҳамон илгари!

Илгариди зафар, ёруғлик, ҳаёт!
Мард орқага қайтмас, чекинмоқ уят!

Ҳа денг, яқин қолди ғалаба куни,
Одил жанг қонуни айтмоқда шуни.

Бошларингиз тошдан бўлсин, йигитлар!
Шонингиз жаҳонга тўлсин, йигитлар!

Дунёда қолмасин фашист деган ном.
Меҳнат диёридан оташиң салом!

БОБО

Уғлидан кечқурун олди қорахат,
Уйқу тугал қочди чол кўзларидан.
Сархона сингудай тортди чилимни,
Бир кўргуси келиб неварасини
Саҳар чоғи тушди келин ёнига.
Аста чақалоқни қўлига олди,
Ўпди эркалатиб пешонасидан.
Ёзиб қулочини, талпинар енгил,
Учирма палапон янглиғ чақалоқ.
Боббо-боббо, дейди маъсум, бепарво.
Титрар беихтиёр, тутгандай тўлғоқ,
Оппоқ соқолларга ларза тушади,
Нуроний юзларда икки қатра ёш
Садаф доналардек юмалаб кетар.
Ростлар қоматини ўша лаҳза чол,
Ўт парча сингари неварасини
Мағрур ва меҳрибон ўпади такрор.
—Ўзи-я... ёпирай, мунча ўхшабсан!
Боламсанки, сенга тушибди меҳрим,
Боламсанки, мени атайсан бобо.
Қунда бир кўрмасам уйқум қочади,
Ғусса тўлиб кетар бобонг дилига.
Ўргилай қулуним, садағанг бўлай,
Ўзига ўхшаган танти бўл, чироқ,
Душманга беомон, дўстга меҳрибон.
Бобонг сени кўрса, сиғмас терига,
Ўлсам, зурриётим қолар жаҳонда...

ҲАМШАҲАР

Мен сенга қойилман, азиз ҳамшаҳрим,
Мен сенга қойилман, дўсти қадрдон.
Сен менинг ёв томон йўллаган қаҳрим,
Мен сенга қойилман, Ватандош ўғлон!

Мен сенга қойилман, азиз ҳамшаҳрим,
Чунки сен тантисан, қалби чўғлисан,
Ҳар кунинг бир дафтар — очилур баҳрим,
Мардона ўзбексан, ота ўғлисан...

Қорда, бўронларда ҳамиша тетик,
Пайт пойлаб урасан пешонадан дал...
Баъзан, ҳафта бўйи ечмайсан этик,
Зорланишга юрмас тилинг ҳеч маҳал.

Сен тикка қарайсан ўлим кўзига,
Сенда йўқ қўрқувнинг аломати ҳам.
Ишонмайсан ёвнинг фитна сўзига,
Сен ҳамон ўшандай, сен ҳамон ўктам.

Чунки сен қаттолсан, чунки сен қайсар,
Қадалган жойингдан қон оқизғувчи.
Сени тушда кўрса душманинг вайсар,
Жонига тегибди найзангнинг учи...

Кўзларинг ўткирки, юбормас хато,
Тўнғиз овлагандай овлайсан ғаним,
Сен фашист бошига туғилган бало,
Ардоқлим, ардоқлар сени Ватаним.

Сенинг ҳар зарбингда оталар зўри:
Сени жангга бошлар зафар шукуҳи.
Шаштинг қайтаролмас у дажжол ўғри,
Сенда ҳувайдодир ўзбекнинг руҳи...

Мен сенга қойилман, азиз ҳамшаҳрим,
Тоғлардан баландсан ва тоғлардай зил.
Сени унутмагай ҳеч кўркам шаҳрим,
Сени туққан она яшасин юз йил!

ЗЕБИ

Зебижон отланди, кетди сой билан.

Қўшиқ

Суронлар қаҳрида кезар қўрқувсиз,
Ҳуснига ярашган заб ном — Зебижон.
Тагин жаҳонларга бўлди бергусиз,
Дўстлари юборар салом, Зебижон!

Меҳрибон, мулойим, дўстга бегина,
Камолот топарди зийна-базийна,
Кечаги санъаткор, содда қизгина,
Бугун бермас ёвга ором — Зебижон!

Юрагида ёнар ғазаб оташи,
Ўқидан учади ғанимлар боши,
Гўзал мамлакатнинг эй, қалам қоши,
Қутлуғ бу зафарёб айём, Зебижон!

Не-не қирон ўқчи адабин берган,
Расо мўлжал олиб, битталаб терган,
Балли, барака топ, қирағай мерган,
Жанг санъатига ҳам пором, Зебижон!

Оловга кирасан, ботқоқ кечасан,
Тўғри келса лойқа сув ҳам ичасан,
Майли, золимларга кафан бичасан,
Майли, қирғин солгин мудом — Зебижон!

Аяма, то учсин ғанимларда қут,
Сафларини тўзғит ва тўк мисли тут,

Ҳалол бўлди сенга онанг берган сут,
Соғ бўл, деб кўтардик биз жом, Зебижон!

Чарх уриб ўйнардиг мисоли каптар,
Жангда ҳам достонинг тўлиқ бир дафтар.
Номингни ёзгали даркор бўлди зар,
Ғалабангни этгил давом — Зебижон!

ТҮЙЧИ ЭР ЙИГИТ УҒЛИ¹

Уқ ёғади дўл янглиғ,
Айлана — қон кўл янглиғ.
Тўйчи дер: «Утирмайин
Анқов янглиғ, гўл янглиғ...»
Тўйчи — асл эр йигит,
Шер боласи — шер йигит.
Ўзбек тантилигини
Бир кўрсатай — дер йигит.
Тўйчи қай ботирдан кам!
Ўқдай учарди ҳар дам...
Бутун ғайрат-у қаҳри
Шу дам бўлди жамбулжам.
Бир дам — оламлар қадар;
Олам-олам зар қадар,
Мардга қимматроқ не бор
Жанг чоғи зафар қадар!
Бир дам — бамисли рўё...
Саф тортиб ўтди дунё,
Эсига тушди қишлоқ,
Соз дала, яшил дарё...
Эсга тушди шу замон:
Онаизор, ёри жон;
Барқ урди хаёлида
Севгили Ўзбекистон;
Жилвагар қорли тоғлар,
Узумзор, яшил боғлар,
Шўх гурунглар, жўралар,
Ёронлар, олтин чоғлар...

¹ Тўйчи Эрийгит ўғли — Матросов сингари ўз тани билан душман амбразурасини беркитган афсонавий қаҳрамонлардан бири.

Ва чопди чақин каби,
Сел каби, оқин каби.
Ташланди ўт комига
Ўт каби, ёлқин каби...
Босиб тушди ўтни ўт,
Ёвда шу дам учди қут.
Тўсди дўзах офатин
Мисли ўқ ўтмас совут...
Қурбон бўлди паҳлавон,
Тепа бағри лола қон.
Лек, қолди ёв бемурод,
Ўт сочолмай саргардон.
Югурди пиёдалар.
Ҳужумкор шерзодалар.
Бир дамда бўлди ғаним
Абжақ ва афтодалар...
Бўлди танти фидойи
Юртимнинг эркатойи...
Халос этилди, аммо,
Ватаннинг парча жойи!
Балли, эр! Ғолиб ўлдинг,
Ўт аро қолиб ўлдинг,
Ёвга солиб офатлар,
Ўчингни олиб ўлдинг...
Тун кечар — келар кундуз,
Мард — бир ўлар, номард — юз...
Номинг эрлик авжида
Порлагай мисли юлдуз!

ИИҒИ

Оҳ... Дилларни эзиб келар бу йиғи...
Мунчалар ингрatган қандай кўргулик?
Бағрин бурдалаган не алам тиғи.
Не бўлди бунчалик ёниб-қуйгулик?
Мунчалар ингрatган қандай кўргулик?

Йиғлама, онажон, эй асрдийда,
Оппоқ сочларингга бўлайин қурбон.
Йиғлама, қўрқмасин шу норасида,
Фарзандинг ёдгори — бу неваражон,
Оппоқ сочларингга бўлайин қурбон.

Умрнинг озори, ҳаётнинг ранжи,
Мушибат қаддингни букмиш мисли ёй.
Улмиш ёлғиз ўғлинг — умидинг ганжи,
Қайғунгга кенг олам бўлмайди жой,
Мушибат қаддингни букмиш мисли ёй.

Лаънатлар ўқийсан фашист разилга,
Ўғлинг учун талаб этасан жонлар.
Ранжинг ранж солади ранжимас дилга,
Оламни титратар мунгли фиғонлар,
Ўғлинг учун талаб этасан жонлар.

Сочларинг ёйибсан мисли оқ булут,
Эгнингга кийибсан мотам либоси,
Ўғилнинг сурати қўлларингда бут,
Сени адо қилмиш фарзанд савдоси,
Эгнингга кийибсан мотам либоси.

Қаддингни расо тут, ягона ўғлинг,
Ягона Ватан деб фидо этмиш жон.
Ардоқлайди Ватан, тўқ бўлсин кўнглинг,
Ардоқлайди уни эрк севган жаҳон,
Ягона Ватан деб фидо этмиш жон.

Ардоқлайди уни келажак йиллар,
Ардоқлайди уни навқирон авлод.
Ардоқлайди уни уруғлар, эллар,
Номи ўчмас, ерда то бор одамзод,
Ардоқлайди уни навқирон авлод.

Йиғлама, йиғлайман йиғлашинг сари,
Фашист юз жон тўлар мард ўғлинг учун.
Неваранг — ўғлингнинг ўринбосари,
Ягона тасалли бўш кўнглинг учун,
Фашист юз жон тўлар мард ўғлинг учун!

УЧ

Фашистни қир, ҳам роса қир,
Уч ташнаси қонмасин,
Жаннат диёр — вайрон, тақир,
Ловва-ловва ёнмасин!
Қоматинг — хам, елканг — яғир
Дилда алам қолмасин!
Тунинг — аза, кунинг — оғир...
Бало панжа солмасин!

Жарда кўрсанг — жарда ўлдир,
Қирда кўрсанг — қирда от!
Қўрқит — ўлдир, алда — ўлдир,
Тўғри келган ерда от!
Кундуз ўлдир, тунда ўлдир,
Саҳар, оқшом демай от!
Қайда кўрсанг — шунда ўлдир,
Аста навбат бермай от!

Сен фашистни ўлдирмасанг,
Фашист сени ўлдирар,
Ўлдиришга улгурмасанг,
Оғзингга ўқ тўлдирар,
Ҳалқумингдан дорга осар,
Товонингдан тилади,
У шундай пес ва дардисар,
Билганини қилади.

Йўлда кўрсанг — йўлда янчин,
Чўлда кўрсанг — чўлда чоп!
Дарёларда, кўлда санчгин,
Ўнг ёндан ур, сўлдан чоп!

Тоғ бошида, сойларда ур,
Тұқай, пана жойда чоп!
Қақшат, ботқоқ — лойларда ур,
Қанча чопсанг — фойда, чоп!

Сен фашистни ұлдирмасанг,
Сени фашист ұлдиарар.
Ұлдиришга улгурмасанг,
Хазон урмай сұлдиарар.
Юлдуз кесар кўкрагингдан,
Ұйиб олар кўзингни.
Болта урар курагингдан,
Тирик кўмар ўзингни.

Фашистни қир, ұлдир, ұлдир!
Омон берсанг бўлмайди.
Үч тиғини кўзлаб қўндир,
Йўқса, кўнгил тўлмайди.
Фашистни қир, қирғин бошла,
Қайтолмасин юртига.
Аямайин ташла, ташла,
Ўзи қўйган ўтига...

Сен фашистни ұлдирмасанг,
Сени фашист ұлдиарар.
Ұлдиришга улгурмасанг,
Дўзахида куйдиарар.
Қамаб қўяр молхонага,
Мол сингари бўғизлар.
Тамға солиб пешонангга,
Жигаринг ер тўнғизлар...

Йиғлаб қолар муштипаринг,
Йиғлаб қолар чақалоқ.
Йиғлар онанг ҳам падаринг,
Йиғлаб қолар эл-аймоқ.
Йиғлаб қолар там-там қизлар,
Ука қолур оғасиз,
Дил мулкида қонли излар,
Жиян йиғлар тоғасиз...

Йиғлаб қолар гулламай боғ,
Босар бойқуш, босар зоғ,

Бу диёрда ёв қолса соғ,
Эл кўнгли ҳеч бўлмас чоғ.

Фашист қолса, тупроқ ҳаром.
Фашист теккан сув ҳаром.
Фашист ичса, товоқ ҳаром.
Нима бўлса, шу ҳаром!

Омон қолган битта аблаҳ —
Бир қишлоқнинг ёниши!
Омон қолган битта аблаҳ —
Офатнинг соғ қолиши.
Ўлдирилган ҳар муттаҳам —
Омон қолган юз одам!
Ўлдирилган ҳар муттаҳам —
Илгарига бир қадам!

Бошига сол замон охир,
Қочолмасин бир жаллод!
Оши — заҳар, нони — тахир,
Ранжимасин, сўнг авлод!
Фашистни қир, ҳам роса қир.
Қуриб кетсин уруғи...
Чақир! Нафрат ва ўч чақир,
Шу — ўлкамиз буйруғи!

ОЛЕГ ВА УРТОҚЛАРИ

I

Кеча аёз, кеча совуқ...
Бўрон эсар ларзакор.
Инграгандай узоқ-ёвуқ...
Оламда не даҳшат бор!
Беш азамат бўлмиш тутқун,
Қуршаб келар юз жаллод.
Қўлда занжир, дилда тўлқин,
Дилда армон, оғир дод.
Бу — ёш Олег, қўрқув билмас,
Ва тўрт мактабдошлари.

II

Кекса жаллод сохта кулар:
— «Айт, ким йўлдан оздирган?
Айтган дарров озод бўлар,
Ким варақа ёздирган?
Қизил байроқ қадаган ким?
Ким ўргатмиш қасамёд?»
Ҳайкал каби боқишар жим,
Беш исёнкор, ёш авлод...
Сотқин эмас, сотқин эмас,
Бу ўлканинг ёшлари!

III

Жаллод урар юзга қамчи,
Ўсал ва хит бақирар:
— «Қўзғолонга ким илҳомчи,
Ким қасосга чақирар?
Қароргоҳу яроқ қайда?

Айтгин, керак бўлса жон...
Кимлар қочқин боз тўқайда?»
Ҳамон унсиз бешовлон,
Мағрур турар, ҳеч сиғинмас
Олег орқадоллари.

IV

Жаллод дейди: «Ёшсан, увол...
Отиласан бешинг ҳам!»
Жавоб айтар Олег дарҳол:
«Эй сен, эски муттаҳам!
Билганингни қил, эй ғаддор,
Қўрққан ким бор ўлишдан
Ўлган яхши такрор-такрор,
Сенга қарам бўлишдан!»
Олқиш ўқир жим шу нафас
Мард Олег йўлдошлари...

V

Тилим-тилим чап ва ўнг қўл:
Яна қийноқ... яна дўқ.
Қон оқди мўл, қон оқди мўл,
Лекин жавоб, жавоб йўқ!
Олег шунда наъра чекар
Боз кўтариб расо қад:
— «Ниятинг пуч, бўш ва бекор,
Биз — ҳақ, биз — кўп, биз — беҳад!
Исён этар, бўйин эгмас
Олег маслакдошлари!»

VI

Олег кўрди: оғу оқар
Қиличларнинг тиғидан.
Жаллод баттар найза тақар,
Лек асар йўқ йиғидан...
Олег дадил ва тик боқар,
Дилда ётар оғир дард...
Олег ўзи чақмоқ чақар:
«Мард туғилган — ўлар мард!»
Ўлим кутар, жавоб бермас
Олег ва қўлдошлари...

VII

Кеча совуқ... учади қор...
Тагсиз — чуқур... сўнгги дам:
—«Ватан... она! Йиғлама зор!
Бор бўл... Улуғ партиям!»
Гулдуракдай учди овоз,
Титраб кетди биёбон
Ва кўз юмди бешта шоввоз,
Жаллод ёзар шу замон:
Ўлди бешак ва чамбарчас —
Мана жонсиз бошлари...»

VIII

Бешак? Йўқ... йўқ! Ёлғон тугал!
Келар қаттол интиқом.
Келар ҳали бизга ҳам гал,
Узоқ эмас у айём!
Дарвозангни тақиллатур
Қизил таққан найзалар.
Гулдуракдай овоз айтур.
«Беомон бу лаҳзалар...
Келди Олег ва забардаст —
Қасоскор сафдошлари!»

ҲАМШИРА

Жанг хотираси

Оғир жанг майдонида инграб қолди ярадор,
Ярасидан оқар қон, лекин ҳали жони бор.
Кўз ўнгида саф қатор — онаизор, севган ёр,
Ярасидан оқар қон, лекин ҳали жони бор.

Талпинар, қўзғололмас... инграйди ярали шер,
Илиқ қондан лоларанг азиз тупроқ парча ер,
«Қани жанг йўлдошларим, ўртоқларим қайда?» дер,
Ярасидан оқар қон, лекин ҳали жони бор.

Дўстлари сурон солар ёвузларнинг бошида,
Ёв бошини чақишар қаҳру ғазаб тошида,
Ол байроғи узоқдан акс этди кўз. ёшида,
Ярасидан оқар қон, лекин ҳали жони бор.

Ҳамшира кўзи тушди тутун аро ногихон,
Нафас тиқин, эмаклар, ўқ ёғар, титрайди жон.
Келди... ярадор ётар бунда беҳуш, бедармон,
Ярасидан оқар қон, лекин ҳали жони бор.

Тугмаларини қирқар азиз, эпчил ҳамшира,
Ярасини боғлайди тез ва дадил ҳамшира,
Майдондан судраб чиқар бўлса-да, зил, ҳамшира,
Ярасидан оқар қон, лекин ҳали жони бор.

Кунлар ўтди ва битди унинг оғир яраси,
Аслига келди йигит, эл кўзининг қораси:

«Кам бўлма,— дейди жангчи,—эй қизларнинг сараси,
Юз йил яша, омон бўл, жон аямас нажоткор!»

Тушди тагин баҳодир жанг ва ўт гирдобига...
Ким етар қиз қутқазган ярадор ҳисобига?
Отини ёзмиш ўлкам мардликнинг китобига,
Ҳатто олис элларда у таниғлиқ, у номдор...

ЕР

Қиз қўшиғи

Билсанг, гўдак чоғимдан
Кўнгил берганман сенга.
Гулларни ҳам боғимдан
Атай терганман сенга.

Гулларим даста-даста,
Ҳамон сени кутаман.
Тўрт йил ҳажрингда хаста,
Йўлингга кўз тутаман.

Уйқусиз кечаларда
Суратинг кўз олдимда.
Кезсам гар кўчаларда,
Савлатинг кўз олдимда.

Қандай сени унтай,
Кўнглимни боғлаган ёр!
Барчиной янглиғ кутай,
Бағримни доғлаган ёр!

Майли, қўлсиз келсанг ҳам,
Қайт, интизорингга қайт.
Жилмайиб мисли кўклам
Интизор ёрингга қайт.

ЖОНАЖОН

Ухшатма

Оқшомга ҳали узоқ,
Кездим далада кўп чоқ.
Мен излаган ёрга ошна
Пахтазорда ҳар япроқ.
Куч тўкар фасли баҳор,
Авж олмоқда пахтазор.
Далада юрар жонон қиз,
Кўзларига мен хумор.

Ўзи шўх, ўзи қувноқ,
Кўзлари кундай порлоқ.
Сой бўйида ниҳоллар ҳам
Уни деб чекар фироқ.
Тонг чиройли ва зангор,
Гулламоқда пахтазор.
Далада юрар жонон қиз,
Кўзларига мен хумор.

Хабардор қўшни қишлоқ,
Ёр томон солдим сўқмоқ.
Кўнглимда ёлғиз армон шу:
Гулласин пахтам тезроқ.
Ёнар офтоб беқарор,
Тўлишмоқда пахтазор.
Далада юрар жонон қиз,
Кўзларига мен хумор.

Янграр овоз хушчақчақ,
Ҳосил мўл, бўлмас одоқ.

Худди ипак, хирмон-хирмон,
Тўлин ойдай ярқирар.
Қишда тўй... шундай қарор,
Қўшиқлари жарангдор.
Ваъдада турар жонон қиз,
Кўзларига мен хумор.

БОҒ КҮЧА

Боғ кўчадан ўтаман бўстонимга,
Ҳар кун салом битаман жононимга,
Жонон ёзар: жонгинам, кел ёнимга,
Қизларжон, қайдасиз?

Боғ кўчадан ўтаман тутзор томон.
Тутзорим орқасида гулзор томон,
Кўнглим қурғур учади дилдор томон,
Қизларжон, қайдасиз?

Кўнглим қурғур учса ҳам илож бўлмас,
Тошқин ўтмас ерларда равоч бўлмас,
Йигит жангга кирмаса ривож бўлмас,
Қизларжон, қайдасиз?

Боғ кўчадан ўтаман барг тергани,
Юртимга олтин пилла мўл бергани.
Ёри жангда, уят қиз ўлтиргани,
Қизларжон, қайдасиз?

ҚИРҒОҚ

Жануб далалари — жимжима барқут,
Унда емишларнинг туслари гул ранг.
Төнг отган дамларда уфқлар ёқут,
Кечаси кенг осмон булут-ла кулранг.

Баъзан юлдузларнинг чарақлашидан
Ерда топиб бўлур ҳаттоки игна.
Ой бўса олади дала тўшидан,
Денгиз — кенг оламга сайқал ойна.

Крим гўзалларин сочлари каби,
Қалин зайтунзорлар тоғ, тепаларда.
Лутфига ташнадир ошиқнинг лаби,
Кумуш шалолалар ялтирар жарда.

Денгиз тубларида чўмилар қуёш,
Жаннат манзаралар роҳатдир жонга.
Юртимга қалъадай сонсиз қия тош,
Ялта — гул диёрим, бермам жаҳонга.

Қирғоқ, қирғоқ! Сўлим майдонларингдан
Хаста мадор олур, диллар баҳраманд.
Кўзим ололмайман гул дийдорингдан,
Толган юракларга жон бўлур пайванд.

Қирғоқ, олтин тупроқ — сахий мамлакат!
Шеърим санармикан васфингни, қайдам...
Нақадар ҳаётбахш, қандай баракат,
Шоир, эрк олди боз бу гул диёр ҳам.

Қувон, куйларингни эрта саҳардан
Элларга таратсин эртанги еллар.
Қувон, қўшиқларинг ошсин кўклардан,
Қўшиққа қўшилсин эрк олган эллар.

Қирғоқ, ватанимнинг жаннат боғисан,
Ҳуснингга ойна уфқнинг зари.
Қирғоқ, ватанимнинг олтин тоғисан,
Сен — денгиз бўйида тенги йўқ пари...

ДЕНГИЗ БУИДА

I

Чақмоқдай тутқусиз, хаёлдай учқур,
Қуёш шуълалари сувлар остида.
Симобдай ярқираб ва оғир тўлқин,
Қирғоқларга фақат денгизнинг пеши.

Жаннат гўшасими бу сўлим соҳил,
Қўз узиб бўлмайди ой жамолидан?
Сув билан тупроқнинг қадим жангига
Қоялар қуйма бир табиий ҳайкал,
Удир асрларнинг тош китобаси...

II

Зайтунзорким, қушларга ошён,
Табиатнинг қизлик чиройи.
Қирғоқларким, тошларга макон,
«Тош айиқ»нинг тўхтаган жойи...
Ҳайбатидан титрайди денгиз,
«Айпетри»да булут барқарор.
Этагида сулув арчазор,
Тўлқинларда юзар «Орзи қиз».
Ўрмонларнинг қоқ ўртасидан
Бош кўтарган миноралар бор.
Тоғлар қадар мағрур ва кибор,
Қолмиш Юнон дабдабасидан...
Бутхонанинг сур деворига
Ҳар ўткинчи бир сатр битмиш.
Қанча йўлчи қадами етмиш
Кечмишларнинг ифтихорига...
Жаннатосо боғда жилвагар
Соз, турфа ранг мрамар кошона,

Кошонани айлаб майхона
Базм қурмиш бунда то саҳар —
Сариқ шайтон, келгинди ўзи.
Тоғ бошида мудҳиш занг уриб,
Ёнбошида қора хоч туриб,
Қонун бўлмиш номаъқул сўзи...
Гул қизларнинг илк оқшомлари
Сўлмиш, сўлмиш совуқ оғушда.
Уйқудан маст туриб дол тушда
Ташланмиш боз май, базм сари.
«Ҳай дариг» деб кўрган кунига —
Сулув Қрим, бегуноҳ Қрим,
Қрим қизлариким бежирим,
Кул бўлармиш куйиб зулмига...
Қон йиғламиш тоғда оқ булут,
Қон йиғламиш тош бўлган айиқ.
Қон йиғламиш гўдак эммай сут,
Қон йиғламиш кўкалам ёйиқ.
Қон йиғламиш буюк шоир ҳам,
Эл деб бағри куюк шоир ҳам,
Ётолмайин гўрда бечора,
Бу дунёда кезмиш овора.
Сариқ вабо дилни тифламиш,
Шундай, Пушкин руҳи йиғламиш.
У демади аммо: «Ҳай дариг!»
У тутганди ханжар — қинсиз тиф.
Тифки, золим қўрқар — қалтирар,
Жон сўраган янглиғ асроил.
Тифки, қасос талаб — ялтирар,
Хун тўлайди ялмоғиз — тош дил...

Зулмлардан дилшикаст шоир,
Аммо эли забардаст шоир,
Қуёш ғамгин ботар чоқларда,
Кўлка мисол шу қирғоқларда
Тентирармиш танҳо ва ғариб,
Тинмайин соз чалармиш лекин.
Тонг отганда машриқ оқариб,
Чайқалармиш денгиз ҳам секин...
Қрим, Қрим! Эзгу қадамжо,
Шоир севган сеҳргар соҳил.
Токай топтар ифлос оёқлар,
Қандай чидар эрксевар кўнгил!

Қрим! Қрим! Жаннат диёрим,
Фигонингдан отмагин тутун...
Йиғлама эй, Пушкин севган юрт,
Келди тугал озод бўлар кун!

Тонг юзидан пардани олди,
Сув юзига олтин хол солди,
Ўркач-ўркач оқ булутларнинг
Қизилликка ботди ранглари.
Жўр бўлишиб сайрашур қушлар,
Жаранглайди хуш оҳанглари.
Жаранглайди қизлар кулгуси,
Бутун Қрим соз қўшиқ айтар.
Жаранг берар денгизнинг усти,
Қояларга урилиб қайтар.
Эркин диёр, жаннатосо юрт,
Дийдорингга ҳусн оқ булут.
Ҳар гўшада шифо чашмаси,
Кўк денгизнинг симоб жилваси
Кўнглимизни тортар ўзига,
Сайргоҳдай дилбар ва сирли.
Қулоқ солдим шоир сўзига,
Жилваларинг ажаб сеҳрли!..

Азиз диёр, жафокаш диёр,
Ҳам аламноқ, ҳам дилкаш диёр!
Сен йиғладинг, дилингда армон,
Эрк! — дединг сен, чекдинг кўп фиғон,
Сен учун деб тўқдик биз ҳам қон,
Сен озодсан, озод ва омон.
Сенга тугал беҳад кошона,
Салом, шоир севган соз қирғоқ.
Жаннат бўлур боз бу вайрона,
Қаттол кунлар мангулик йироқ...

Худди шундай ғариб, мунгли чоқ,
Оқшом сувга сеп ёйганида,
Уфқ ранги сарғайганида,
Сув устига термулиб узоқ —
Хаёлларда ҳориган бошин
Салқин елга қарши тутгандир,
Лаънат ўқиб қора кунига,
Зайтунзордан аста ўтгандир,

Юрагида тўла ғазаб-киш,
Ҳужрасига танҳо қайтгандир,
Бу элларда овора Пушкин
Денгиз учун шеър айтгандир.
Азиз днёр, сўлим кошона,
Салом, шоир севган саз қирғоқ,
Жаннат бўлар боз бу вайрона,
Қаттол кунлар мангулик йироқ...

ЎЛИМ

Қалтироқ ва талваса босибди тугал,
Ўлмоқда панжалари узук аждаҳо.
Йилларнинг ваҳимаси бўлар бутун ҳал
Бу ўлим заруратдир, исбот нораво.

Ортиқ суринмагай қорли йўлларда,
Совуқ ўрмонларда рус қишлоқиси.
Мурдалар ётмайди музли кўлларда,
Димоғни ёрмагай бадбўй қон исси.

Ердан ювилмоқда тарихнинг доғи,
Дилдан ювилажак теран аламлар.
Қайтиб келмас, келмас босқин қийноғи,
Бахтни ўғирлаган ялмоғиз дамлар!

Бу ўлим шу қадар яқин, шу қадар...
Мен унинг тантанасин кутаман ҳар дам —
Акснома каби беисбот келар,
Оламдан сурилар фашист муттаҳам!

АМУ ҚИРҒОҚЛАРИ

Оқ ёлли асов тулпор,
Бебош ва тентак оқин,
Қумлоқ саҳро эркаси
Ва дарёлар серкаси.
Бешик-бешик тўлқинлар
Тўлғаниб ён сойларда,
Жийдалик тўқайларда,
Қақроқ саҳро лабига
Ҳам боғлар асабига
Дармон элтар, жон элтар;
Биёбон томирида
Қўпиргувчи қон элтар.
Эзгу дарё, шўх дарё,
Тошқинларинг шиддаткор.
Жаҳон-жаҳон қудрат бор;
Худди саҳро арслони
Ва қумлар паҳлавони,
Ариллайсан тунларда.
Қирғоқларинг қалтирар,
Олислар бўлур ларзон,
Нили мубораксимон
Лойқаланиб тошасан,
Тепалардан ошасан,
Қишлоқларни кўмасан,
Шундай завққа чўмасан.
Баҳодирлар от сурмиш
Табаррук эй қирғоқлар,
Темур Малик изларин
Сақламиш кўк яйлоқлар.
Гулларнинг атирлари
Елларнинг қанотида,

Огаҳий сатрлари
Учар ҳаёт отида...
Эй, бош эгмас чўнг дарё,
Фурурингни синдириб,
Босқинингни тиндириб,
Ҳам сенинг қоқ белинга
Бир улкан сад миндириб
Ва бошлаб асрий бир дов,
Солғумиз сенга жилов!

Хоразм

ЕДГОР

Қора ўрмон, қалин ўрмон,
Олис диёр...
Сўнгсиз ёбон, совуқ ёбон,
Тиззадан қор...
Юз хатар бор, жангчи билмас,
Бало тайёр... кўзга илмас!
Қора бўрон — зич ўрмонда,
Бўз ёбонда, кенг жаҳонда...
Айланади — зил қалдироқ,
Булут-булут кўчар ботқоқ,
Учар қирғоқ, инграр тупроқ.

Қора ўрмон, қалин ўрмон,
Олис диёр.
Ел қаҳратон, олам ларзон,
Дағдағадор!
Ватан учун, Ватан учун —
Тўсат жангчи қулар дилхун,
Қулар йнгит зўр суронда,
Сур бўронда, қор тўзонда...
Айланади — алғов-далғов,
Бахти қора, ялмоғиз ёв...
Тутун-олов, энг сўнгги дов.

Қора ўрмон, қалин ўрмон,
Олис диёр,
Жанг — беомон, жанг — беомон,
Жанг — даҳшаткор!
Сур уфқда сўнади кун,
Она шўрлик... билмас бутун,
Ёлғиз ўғлин кутар ҳануз,

Кеча-кундуз йиғлар ўксиз...
Билмайдики, танти ўғлон,
Йигит ўлди. У қаҳрамон,
У мард инсон бўлди қурбон!

Қора ўрмон, қалин ўрмон,
Олис диёр.
Омон... омон дориломон,
Кулди баҳор!
Не-не азиз бошлар қолди.
Қирчин-қирчин ёшлар қолди.
Унутмайди ватан — она.
Ҳам ягона, ҳам мардона...
Сизни туққан — ўз бахти ёр,
Чўнг, улуғвор, ғолиб диёр.
Сизга ёдгор, сизга ёдгор!

ШОИР ҚАБРИДА

Ҳамид Олимжонга

Бошгинангни бир дам кўтар, қоқиндиқ,
Сенинг ой юзингни кўргани келдик.
Сени... Ҳа, ўзингни жуда соғиндик...
Бу ёз тонгги бирга юргани келдик.

Наҳот, бир йил... Наҳот, вақт шунча югурик?
Ҳа, йил-коинотнинг бўлмас миждаси!
Бунда гулзор... Ғўра бўлибди ўрик,
Бунда қуёш қўшиғин тонгги ҳижжаси.

Бунда жигарбандлар ва онайизор...
Бу юртда жаранг шеър бўлмас ҳеч унут,
Туш-тушдан келади бир-бир дўсту ёр,
Бунда ёруғ тонгдан ҳукмрон сукут.

Иўлбарсдай ўкириб келади яёв,
Ўзингдай билағон, ҳақгўй, дилчўғли,
Ўзингдай дилкашу довқалб, беаёв,
Ғулом оқсоқолнинг ўт нафас ўғли.

Келади пурҳикмат Ойбек ҳам оғир,
Не-не ёруғ юлдуз, саҳна Сораси.
Шоир қалбин теран тушунган шоир,
Қаҳҳор темирчининг жигарпораси.

Келар Фозил ота, чўққи соқоли
Қор қўйнида баргми ё титроқ симоб?
Кўзларида мудрар чексиз хаёли,
Мавжи нақ сен суйган Сир ёки Сиёб.

Наршаҳдан Муқанна келар, кўзи ёш,
Тилда қайталанмас ортиқ ёҳуси.

Ун икки ирмоқдан келар тошма-тош
Чотқол чўққисининг бир шўх оҳуси.

Бағрида чақалоқ, келар Раксана,
Етимтоғ бағрида булоқдай қайнаб.
Келар Алпомишдай дил ёна-ёна,
Неча-неча Омон ва талай Зайнаб.

Чалқигандай санъат ва шеър тенгсизи,
Келар — кўзлар мунглуғ — (ҳижрон хираси),
Бу юртнинг покдомон бир она қизи,
Бу ўлканинг шайдо бир шоираси.

Наҳот бир йил ўтса... Эсиз, ҳай эсиз!
Нақ тунов кунгидек келдик бирма-бир,
Сўқир, ёвуз ўлим — дилда дард чексиз...
На ақл бовар этар, на чидам, сабр!

Сени чин дилидан суйганлар бунда,
Бир муддат оёққа турар, бир муддат.
Сенинг учун ёниб-куйганлар бунда,
Бошингда жим гурунг қураб бир муддат.

Сендан нима қолди? Ёруғ хотирот,
Жангларда чархланмиш муқаддас қалам.
Яхши от, ёрқин от, сира ўчмас от
Ва «Русия»нг довруқ солмиш кенг олам.

Кўнглимизда сенинг оташ меҳринг бор,
Бош яланг, оёққа турдик шу вайдан.
Кўнглимизда сенинг оташ сеҳринг бор,
Кўнглимизда сенинг оташ шеъринг бор,
Тупроғингни кўзга сурдик шу вайдан.

Йил кетидан йиллар ўтар бир текис,
Лекин темир сафда доим елкадош,
Шеъринг жаранг берар тўла ва тўкис...
Республика эслар сени эгиб бош!

Бошгинангни кўтар, қоқиндиқ,
Жуда соғиндик...

ЭРКАТОЙ

Бувим алласи

Эркатойим қайда экан?
 Асқар-асқар тоғда экан.
 Асқар тоғда нетар экан?
 Қўзи боқиб кетар экан.
 Қўзилари қайда экан?
 Адирда, тўқайда экан,
 Қўнар жойи — кўкбулоқ,
 Қашқир, бўри кўп йироқ.

Эркатойим қайда экан?
 Яшил-яшил боғда экан.
 Яшил боғда нетар экан?
 Олма кўчат экар экан.
 Олмалари қайда экан?
 Келаси куз ойда экан.
 Пишар экан қирмизи...
 Тушар экан қирмизи...

Эркатойим қайда экан?
 Улкан шаҳар ёқда экан.
 Шаҳарда у нетар экан?
 Ҳар кун мактаб кетар экан.
 Мактабида нетар экан?
 Олимликка ўқир экан.
 Уртоқларидан ўтик,
 Ҳамма билимда етук.

Эркатойим қайда экан?
 У чегара ёқда экан.
 Чегарада нетар экан?

Ўз бурчини ўтар экан.
Ёв қутурса, нетар экан?
Ҳеч аямай отар экан.
Асл баҳодир ўзи,
Пешонада юлдузи...

ҚИЗ ҚУШИҒИ

Дуторим, торим-торим,
Аскарда менинг ёрим:
Ёрни севганим-севган,
Йўқ ўзга ихтиёрим.

Гул боғим, боғим-боғим,
Боғ бўлган бўз тупроғим.
Ўз теримга сигмайман
Ёрдан хат олган чоғим.

Ёримнинг ўзи-ўзи,
Қоши дарё қундузи.
Нимасини айтасиз,
Кўкрагида юлдузи.

Йигит бўлсин шўх бўлсин,
Мисли ёнган чўғ бўлсин.
Оромимни бузса ёв,
Қиприқларим ўқ бўлсин.

Рўмолим алвон-алвон,
Ёргинам чиқди полвон.
Эл деган ўғлон экан,
Бахтимга бўлсин омон.

ЕРИМ БОРУ ЕРИМ БОР

Ёрим бору ёрим бор,
Кўзлари хуморим бор.
Хумор кўзли ўйнасин,
Чаманим, гулзорим бор.

Ёрим бору ёрим бор,
Олма-ю анорим бор.
Оламга донғи кетган
Пахта — пахтазорим бор.

Ёрим бору ёрим бор,
Оқ олтин шиорим бор.
Соҳибкор ўзбек дерлар,
Бахти барқарорим бор.

Боғларим — гул боғларим,
Боғ бўлган қумлоқларим.
Ватанимга армуғон
Оқ олтиндан тоғларим.

Юртим, ўзим ўргилай,
Кўрар кўзим, ўргилай.
Ойдек тўлу кундай кул,
Сен — қундузим, ўргилай!

БАЙРАМ ҚҰШИҚЛАРИ

Бугун ўн беш яшар йигитдай шўхман,
Бугун тошқин келар юз бир ирмоқдан.
Дўстлар даврасида авжи қаҳқаҳа,
Севинч тўлқинлари ошар қирғоқдан...
Ялла садолари оқар боғларда,
Шодиёна чалар шодумон ўлкам.
Барқ урар шуълакор минг-минг ол байроқ,
Ўлкамнинг кўкламги кўрки на кўркам!

* * *

Қиё тўшларида кезаман узоқ,
Хаёлимни боғлаб олар чечаклар;
Қуёш кокиллари шаршаракларда,
Кўнгилга ажаб мавж солар чечаклар.
Гўдаклар капалак қувлашар бунда,
Қўшиқдай жаранглар қийқириқлари...
Офтобдай балқитар, кўлдай чалқитар
Ва имлар илҳом деб аталмиш пари,
Шунда, бир гўдакдай қийқиргим келур.
Дўстлар калакаси тутиб қолади,
Қушлар қўшиғига соламан қулоқ,
Сузгун кўзлар андак кутиб қолади.
Оҳ, қандай бебаҳо менга у кўзлар,
Кўзларки, нигорон — тўрт йил йиғида...
Қўрқаман ишқимнинг хурушларидан,
Кўнгилнинг иши не соч оқлиғида?
Кўклам келса тошиб, ёзда қуриган
Тентаксои сингарн эмас бу кўнгил...
Нетай, гўдаклигим тутади баъзан,
Қўшиқдан зерикай демас бу кўнгил,

Инсон бепайғамбар кун кўра олур.
Ва лекин қўшиқсиз яшашни маҳол.
Яхши қўшиқлардан қўёлсам, кошки,
Яхши санъатимиз чиройига хол...

* * *

Оловлар нчида жон берганлар бор,
Унутиш қийин оҳ, унутиш қийин!
Келинлар йиғласа — титрарди дунё,
Чоллар инграр эди гўдакдан кейин.
Кечалар бешикда бедор чақалоқ,
Юлар сочларини шўрли оналар;
Қўйди бағри тошлар сийналарга ўт,
Кукун бўлди, эсиз, не кошоналар...
Қўш булоқдай оқди икки кўздан ёш,
Ҳам ерга урилди қанча дил мулки.
Кўкда кезиб юрди қора булутлар,
Қизлар чехрасидан излардик кулки...
Оч ва сувсоқ ўлди не-не болалар,
Панжалар ёпишди тўғри ёқага,
Кимга ҳам дер эди арзи-додини,
Ҳақиқат сотилгач қора чақага.
Мудҳиш замонанинг совуқ шамоли
Бу гўзал боғларга тўкканда хазон,
Келарди ўрмалаб ғариб оқшомлар
Ва жанг гирдобида титрарди жаҳон...
Гулдурақдай келди кўкнинг ноласи,
Фигон авжларида чақди чақмоқлар,
Қудратли элимнинг қасос наъраси —
Солди кенг оламга зўр қалдироқлар.

* * *

Қаҳқаҳа чоғида бу фигон надир,—
Дема, эй, ўлкамнинг навқирон ўғли!
Байрам юртда қадим бир анъанадир,
Лекин қора кундан қалб ҳамон чўғли...
Бугун-ку йигитдай қувноқман, қувноқ...
Лекин дилда ётар мотамлар доғи,
Ўтганнинг эсларда тургани яхши,
Янтоқнинг ёғи йўқ — душманнинг соғи!
Кунлар келур тағин ёрқинроқ, шодон,

Қуёш кулиб турар қаёнга борсанг.
Лекин эсда турсин азиз қурбонлар,
Шаҳидларнинг қони, голибона жанг!
Чўпонлар куйласин янги қўшиқлар,
Янги қўшиқларнинг шавқи ҳам янги!
Элимга қўшилиб куйлайман мен ҳам,
Зеро, қиммат тушган бахт мангу, мангу...

* * *

Бугун ўн беш яшар йигитдай шўхман...

ҚАСИДА

Сочма

Эй, менинг йнглай бериб кўз ёшлари қуриган, лекин
ноумид бўлмаган онам!

Кул, қувон!

Эй, менинг жаҳон-жаҳон мусибатларни кўтариб,
учуримлардан учуриб ўтолган ўлкам!

Кул, қувон!

Эй, нуроний ва донишманд оталарим, эй пок зур-
риётининг истиқболини невараларининг ёрқин пешана-
ларида ўқиган мўйсафидлар! Кулинг, қувонинг!

Кутилган соат келди!

Эй, кечалари уйқусиз, ёр хаёлида кашта тиккан ва
кетмон чопган, дарс ўқиган ва ўқ қуйган там-там қиз-
лар!

Кулинг, қувонинг!

Кутилган соат келди!

Эй, висол ва яхши кун орзусида, тўрғайдан олдин
уйғониб, саҳарларда, пахтазорларда ҳалол тер тўккан
ой юзли келинчаклар! Кулинг, қувонинг!

Кутилган кун келди!

Эй, отасининг йўқлигини билдирмай, онасига тасал-
ли бўлган шўх, навқирон насл! Укаларим, сингилларим!

Кулинг, қувонинг!

Кутилган соат келди! Улуғ кун келди!

Тўрт йил кутдик, тўрт йил кўзларимиз узун ва қа-
димий карвон йўлларида термулиб, нигорон бўлди.
Тўрт йил жигаримиз қон бўлди. Лекин билардикки, шу
соат, шу бахтиёр ва унутилмас соат, шу ажойиб кун ке-
лажак.

Билардикки, ёвуз, ғаддор, беномус фашизм ўлажак!
Билардикки, сариқ аждарҳонинг пўлат калласи мажақ-

ланажак. Билардик ва билиб, умидвор, пурвиқор, шид-
даткор оғир йўллардан ўтиб келардик...

Тиз чўкмадик, жаллод қаршида омонлик тилаб,
ёш тўкмадик. Ўлганлар ўлди, уларга асрлар ҳайкал ва
обидалар қуражак! Қолганлар омон бўлсин! Чунки,
биз — ўлимларнинг омонсиз ва шаддод кўзларига тай-
салланмай қараганлардан!.. Чунки, биз — даҳшатлар,
офатларнинг номард ва қонли ўпқонларидан мардонэ
ўтишга яраганлардан!..

Тамом бўлди! Оламини ўз панжасига олиб, қонни
сўрмоқ хаёлига тушган иблисининг кунни, қора салтанати,
ҳаёти тамом бўлди.

Бундан сўнг бенаво ва бечора қочқинлар ўрмонлар-
да, ботқоқларда ертўлаларда ҳаёт кечирмаяжак!

Бундан сўнг фашизм жаллодлари гўдакларимизнинг
қонларини бода ўрнида гупуртириб ичмаяжак!

Бундан сўнг муттаҳам урдуларнинг олам саҳнасида
қонли томошалар бошлашига йўл йўқ!

Тамом бўлди!

Бахтимизни босиб олмоқчи бўлган қора кунлар ҳеч
қайтиб келмасдай кетди.

Номард, ғирром Гитлер шармисор бўлди.

Кул! Кул, эй менинг муҳтарам ва аламдийда онам!

Ҳақинг бор!

Кулинг! Эй кекса, азиз оталар!

Кулишга, яйрашга, ғурурланишга ҳақингиз бор!

Сулувлар, укалар, сингиллар, кулингиз! Кулайлик,
қаҳқаҳалар фалак жомини янгротсин, ҳақимиз бор.

Чунки, зафар байроқлари душман ўлкасининг шоҳи-
қаларида ҳилпирамоқда! Чунки, зафар олган — қон ва
қурбонлар бериб, зафар олган бизнинг баҳодирлар, биз-
нинг саркардалар, бизнинг сардорлар!

Фақат, эсдан чиқармайликки, не-не жаннат шаҳар-
ларимиз ёниб кул бўлди! Не-не қизларимиз, ўғиллари-
миз ойлаб ва ҳатто йиллаб золимлар исканжасида қул
бўлди. Фақат, эсдан чиқармайликки, не-не гўдакларимиз
тириклайин кўмилиб, армон билан кетди. Не-не кекса-
ларимиз кеслиб, бурдаланиб, ҳақорат остида — фиғон
билан кетди.

Дорларга осилганлар — эсда турсин!

Кўзларига чўғ босилганлар — эсда турсин!

Қулоқларига қўрғошин қуюлганлар — эсда турсин!

Кўкракларидан юлдуз ўйилганлар — эсда турсин!

Бемон сўйилганлар — эсда турсин!

Эй, улуғвор, бахтиёр, голиб, бўйин эгмас мамлакатим! Зафар қутлуғ бўлсин, тўй қутлуғ бўлсин!

Эй мардона, устивор, азамат, алп совет халқим!

Тўй қутлуғ бўлсин, тўйлар қутлуғ бўлсин!

Эй, радио тўлқинлари! Менинг наъраларимни учар қанотларингда қитъалардан қитъаларга олиб уч! Менинг мамлакатимнинг шодиёнасини ўлмас тароналардай жаҳонларга тарқат! Жаҳон юрагида жаҳон-жаҳон шодиёналар қўзғата ол! Тўлқинлата ол!

Эй сардори азим, устозин муҳтарам, музаффар партия!

Ўзбек ўлкасидан оташин саломлар бўлсин сенга!

Тошкент

ГУРУНГ

Олам ухлар момик қор қучоғида;
Жимиб келар аёз ва юлдузли тун.
Ёруғ туннинг сўлим, завқёб чоғида
Даврага тизилар бир тўп ўспирин.

Бари сабза мўйлов, норғул, навқирон,
Йил боши базмига жам бўлмиш тиғиз.
Ҳар қайси ёнида чевар ва бийрон,
Теримчи, тўқувчи ё аълочи қиз...

Қўшоқ-қўшоқ бари тушар ўйинга,
Мавж урар қўш ўрим елка сочлари,
Чароғон дарчадан ранг берар тунга
Қора тундай ҳалқа-ҳалқа сочлари...

Тинма, эй тийиқсиз чаҳ-чаҳ, кулгилар,
Қўнгил, тўлқин ургил дарёлар янглиғ.
Авжда меҳру вафо, олтин севгилар,
Олтин табассумли рўёлар янглиғ.

Жавлон ўйлар: бу кеч ичгум паймона,
Суюкли заводим равнақи учун
Ва бошлаб юборар қувноқ тарона,
Дилда тўлиб-тошган ишқ ҳақи учун...

Тўйчи Фарҳод ГЭС ни ўйлайди бу чоқ,
Хаёли учади Сир бўйларида.
Шу йил ўлкамизда ёқамиз чироқ,
Шавкати янғирар бахт куйларида!

Қўчқор ўз дардидан бошлар ҳангома:
Шубҳам йўқ, орзуга етаман бу йил,
Инженер бўлгум, то шаҳодатнома
Қўлимга теккунча типирчилар дил.

Солижон кўксида ёнар чўғ мисол
Ботирлик белгиси у «Олтин Юлдуз».
Ёрга ҳазил қотар, маст этмиш висол,
Гул-гул очилади нуқрадай оқ юз.

Дилбар севганига боқар ишвакор,
Чораси не, дилга ишқ олов солгач.
Улмасам, бош қўшай, деган дарди бор,
Докторлик дипломин қизармай олгач.

Бегмат ёшу лекин катта ишга бош,
Қолхоз даласининг ўктам саркори.
Пахтакорлик донғи бахтига йўлдош,
Пахтаси — дил севган куйи, ашъори.

Дер: чексиз давлатга — давлат қўшайлик,
Ижодкор йилларда бўлмасин нуқсон.
Қани, қўлингни бер, чиройли қайлик.
Биримиз ўн бўлсин, ўнимиз тўқсон.

Шунда май тўлдириб сўз бошлар Сарвар,
Дўстлар, азиз Ватан учун ичайлик.
Ўрнимиз йўқолмас, партия — раҳбар,
Юксак давонлардан елдай кечайлик!

Тик турар боадаб, сипоҳ ўғлонлар,
Теримчи, чевар қиз ва отин қизлар.
Бу ном — ҳар қайсига очар жаҳонлар,
Бу номдан ҳар қайси бахтини излар...

* * *

Маيلي, кўклардан ошсин шўх суронлари,
Булар — менинг ўлкамнинг эркаларидир.
Булар — менинг ўлкамнинг болажонлари,
Булар — менинг ўлкамнинг бекаларидир!

ДАРЕ БҮИИДА

I

Зангор самоларга пиллапоядай
Булутга бош қўймиш оппоқ чўққилар.
Баракатга тўлиқ водийлар яшил,
Юртимнинг гурури ва кўрки булар...
Этаклари гулзор, тепасида қор,
Кийик ва алқорлар сакрар тўшида.
Сийнасида не-не хазиналар бор,
Одамзод кўрмаган ухлаб тушида.
Ҳар ёнида ирмоқ, ҳовлиқма сойлар,
Чўққиларда қиш бор, ёнбағрда куз.
Одамзод оёғи тегмаган жойлар,
Кумуш булоқлари ёз чоқлари муз.
Подаларга соз жой — яшил ўтлоқлар,
Қўнгил ниманики хушлар — муҳайё,
Ҳуснига ярашиқ бўлиб ўйноқлар
Яйдоқ тулпор каби азамат дарё.
Ҳуснига ой ошиқ, юлдузлар хумор,
Тўлқинлари тупроқ дардига дармон.
Фақат ўзи бебош, шошқин, беқарор,
Бебошлиги тугал хатарнок, ёмон...
Йўлни қия солиб оқар, тез оқар,
Гаштини алишмас бир жаҳон зарга.
Қадим Сирдарёга жўшқин ишқи бор,
Бўз қирларни кўп ҳам олмас назарга.

II

Кумуш шуълалари расо товланар
Кумуш мисол кокилларингда.

Сўйла, жўшқин дарё, не ҳодиса бор
Сенинг сўлим соҳилларингда?
Ҳали отмай туриб салқин тоғ тонгги,
Янграб кетар водий, жим дара.
Садо солар меҳнат ва ижод бонги,
Машиналар тортишар наъра.
Уя солган каби бир лак қалдирғоч,
Тоғ тўшида қатор оқ уйлар.
Симёғочлар кўкка кермиш кенг қулоч,
Янграр садо ва янги куйлар...
Сўйла, жўшқин дарё, сўйла не гап бор
Баракали қирғоқларингда?
Тунни тонгга улаб, кимлар тирмашар
Сойларингда, ирмоқларингда?

III

Жўшқин дарё, асов дарё,
Тошлар зада бўлолмай гов.
Баҳор чоғи тошқинларда,
Оқиб тушар юз бир ўтов.
Дарё тезоб ва зўравон,
Тортар гирдоб дамига жон,
Тик қоялар қулаб тушар,
Сели ёмон, сели ёмон.
Сели ҳар йил қурбон истар,
Ўйин истар, жавлон истар.
Сувга кетган тойчоғини
Эртой ҳайрон-ҳайрон истар.
Ҳаёт оқар оқ қоридан,
Ясси қир, лолазоридан.
Гул ва лола ранг олади
Бу жойларнинг баҳоридан.
Бўйларида соз даралар,
Жилвагар, хуш манзаралар.
Тик жарлардан келиб қуяр
Катта-кичик шаршаралар.

IV

Сийнангда из ташлаб кечмиш карвонлар,
Чўкмиш дараларга нор туялари.

Достонлар ўқийди йўллар, довонлар,
Ҳар жар қавагида қуш уялари...
Жаҳонгирлар келиб ёт диёрлардан
Бекор излабдими зар, жавоҳирот
Ва Искандар нечун теран ғорларда
Ахтармиш дафина ва обиҳаёт!
Бу ясси қирларда боболар ётур,
Туғмадир ҳар ялпиз, ҳар шох, ҳар набот.
Бунда қон ирмоқлар оқмиш неча қур.
Бунда Чингиз ёймиш олти юз минг от.
Қаттол... чидай олмай номус ўтига,
Боғларга ўт қўйиб, бузмиш тўғонлар.
Дарёни оқизмиш қалъа ичига,
Тупроққа тенг бўлмиш қанча қўрғонлар...
Шошма, она дарё, шошма мунча ҳам,
Сен ҳам тушун: мозий ва бугун надир!
Шонли кунларингга бошланғич бу дам,
Даврондан минг рози ҳар қиё, адир...
Қамолга еткизар сени бу даврон.
Сўлим соҳилингда устозлар келди.
Сен ўзинг минг йиллар эдинг ногирон,
Ўғлонларинг келди, шоввозлар келди.

V

Жийда тўқайларнинг ойдин барглари
Тонг шудрингларида юзини ювар.
Товланар минг бир хил қир чечаклари,
Сабо сунбулларнинг сочини ўрар.
Тўрғайлар чириллаб учар осмонга,
Ҳаволарда юзар она бургутлар,
Ёлғиз тушмагин, деб, булоқ томонга,
Зебо жўжасини каклик ўгитлар...
Оқар эди шошқин, телба, шўх дарё,
Водийни силкитди портлама дори,
Қулаб тушди бирдан тикка тоғ, қиё,
Қаранг, на кўрсатур одамзод кори.
Уялардан учди бир гала чумчуқ.
Алқорлар ўрнида қотди бир зум кар.
Чўпонлар лабига тошганди учуқ,
Қирғоқда бошланди иждокор саҳар...

VI

Қиё тепасида бир йигит турар,
Кенг водий устида ўйчан боқиши.
Пастда жўшқин дарё ўйнар, гуркирар,
Хаёлин банд этар сулув оқиши.
Кафтида тургандай кўринур ҳарён,
Адирлар, тўғонлар, йўллар, қўрғонлар.
Бунда ҳар кафт тупроқ таниш, қадрдон...
Сулув келинчаклар, қизлар, жононлар...
Оҳ, она тупроғим, ўсган жойларим,
Товоним тегмаган борми бир адринг?
Ҳали тоғда янграр шўх ҳой-ҳойларим,
Кўнглимда сақланар ҳурматинг, қадринг...
Болалик умримга сен ўзинг гувоҳ,
Яшил яйловларда мен боқдим пода.
Ёмғирли кунларда тоғ бағри паноҳ,
Қирлар, доvonларда кездим пиёда...
Ёдига тушади болалик чоғи,
Ёдига тушади йиғлаган кунлар.
Ёлғизлик, ўксизлик, ўлимлар доғи
Гўдак жигарини тиглаган кунлар.
Тўлқин қўшиғига қулоқ солади,
Суқланиб боқади тик жар қирғоқда.
Товланиб ётади боғлар бежирим,
Одамзод гуллатган она тупроқда...
Бу сўлим қирғоққа устозлар келди
Ва дарёга деди:— Мунча шошмагин,
Азаматлар келди, шоввозлар келди,
Пайт келди, ҳаддингдан ортиқ ошмагин!
Жунунинг беписанд, кўргайсан ҳали,
Асрий туғёнингни тўсар тўғонлар,
Бошингни қай тошга ургайсан ҳали,
Бўлди ўйноқлашинг шунча замонлар!
Инсон ва табиат жанги эди бу,
Кунга улашарди водийнинг туни,
Тутқизмайман, дерди дарё — тентак сув,
Бўлмагайман асло инсон тутқуни!
Меҳнат қилар эди беҳисоб одам,
Тош чақар, ушалар не-не қоялар.
Хаёллар рўёбга чиқар дамо-дам,
Инсон ошар эди зинапоялар.
Ой ўтди, йил ўтди... Мана, бош тўғон,

Мана, комбинатлар ва янги шаҳар.
Шаҳарки, эртақдай гўзал, чароғон,
Қадим харобада йўқ қитдай асар!
Авж олар водийда ёруғлик базми,
Ёруғликнинг чўққи ошган вақту бу.
Ленин ўйлагани, партия азми,
Эркин элнинг азми — ёруғ бахти бу!
Мўъжизакор ҳаёт яратган кимдир?
Водий қучоғида не-не кошона,
Чўпон болалари бугун олимдир,
Бу қандай тилсимот, қандай афсона!
Йўқ, бу на афсона, на чигал рўё,
Бу элим яратган сўлим диёрдир.
Бу янги, чароғон, забардаст дунё,
Юртимга чиройдир ва ифтихордир.
Тўлқин қўшиғига қулоқ солади,
Сукланиб боқади тик жар қирғоқда,
Товланиб ётади не оқ саройлар,
Одамзод гуллатган она тупроқда:

— Она дарё, азиз қирғоқ,
Яшил тўқай, водий, дара,
Ёруғ бахтга очдинг қучоқ,
Эртанг тагин порлоқ, сара...
Эй ғурурим, юртим фахри,
Гўдаклигим кечмиш нодон.
Чирчиқ шаҳрим, Чирчиқ шаҳрим,
Сенда бўлдим етук инсон...
Қушлар сайрар толзорларда,
Усар райҳон, қизғалдоқлар.
Туман тушар — ҳарир парда,
Яшнаб ётар соз қирғоқлар,
Қапалаклар ўйинга банд,
Порлар заррин қанотлари.
Тоғларингки, баланд-баланд,
Эриб тушар новвотлари...
Булут ўпган сонсиз мўри,
Бурқиб ётар зангор тутун.
Бунда заводларнинг зўри,
Кундуз каби ёруғдир тун.
Қандай ўктам ва ботир эл,
Қандай гўзал, эркин ҳаёт!
Севинч оқар гўёки сел,

Қайда бор бундай тилсимот!
Бу чинакам олтин диёр,
Йўқ, на эртак, на хаёлот!
Жаннат, дўзах бу элга ёт.
Меҳнат-ла эл бахтига ёр.
Ғубори кўзга тўтиё,
Бахти мангу барқарордир.
Бу янги, чароғон дунё
Юртга чирой, ифтихордир!..

ОҲАНГАРОН

Қўшиқ

Тонг отади олис-олис қор тоғидан,
Қончи эрлар келар шаҳрим тўрт ёғидан,
Ер остига тушгали
Аскар янглиғ қуролланур тонг чоғидан.

Оҳангарон, эй хазинам, эй олтин кон,
Ҳар кончи ҳам бу жабҳада соҳибқирон.
Юрт фахри, Ватан фахри,
Ўзбекистон Донбасси, эй Оҳангарон!

Қундуз каби чароғондир коннинг таги,
Хирмон-хирмон қора олтин, йўқ этаги,
Эл қўлида бўлди аён —
Асрларнинг қадим туши ва эртаги...

Тўп-тўп кончи, пармалари бор дастида,
Қора олтин топар элга ер остида,
Сув, балчиқ писанд эмас,
Мардонавор ишлар қайноқ тер остида.

Шер билакли, довяуракли кон қазувчи,
Сен ботирлик китобига шон ёзувчи,
Сен ўлкамнинг мардисан,
Заводларнинг ўчоғини тўлғазувчи.

Юрт шони деб тер тўкади ўғлонлари.
Ватан дейди: балли, даврим полвонлари,

Келсин ҳар кун эл учун
Тепа-тепа қора олтин карвонлари.

Оҳангарон, эй хазинам, эй олтин кон,
Ҳар кончи ҳам бу жабҳада соҳибқирон.
Юрт фахри, Ватан фахри,
Ўзбекистон Донбасси, эй Оҳангарон!

БЕРДИМАТ АМАКИ

Тонг чоғидан тоғлар остига тушар
Кўмир қазувчилар — ер ўғиллари.
Тонг чоғидан тинмай харсанг уришар,
Тош чақиб, тош бўлмиш қадоқ қўлларин.
Тоғ остида тоғлар пайдо бўлади
Яхлит кўмир харсангларидан.
Электровозлар тез-тез тўлади,
Мисли карвон чиқар ғорлар қаъридан...
Тепада янғирар, куйлар тўп-тўп қиз,
Ер остида пешона тери.
Ер остида иш илдам, тигиз,
Ер остида эрларнинг эри!

Бердимат амаки қазийди кўмир
Ўсиб-унган она тупроқдан,
Хаёл қилган эди бир умр,
Хаёл қилган эди гўдаклик чоқдан:
«Қани, куч бўлса-ю, тоғни тилкаласанг,
Беҳуда ётмаса не-не хазина.
Кўмир ётар бунда харсангу харсанг,
Замонларки, сақлар бу сахий сийна».
Тер тўкиб қазиган олтин кўмири
Мамлакатга олов ҳам мадор.
У юртга таниғлиқ мардларнинг бири,
Танти, ўктам, барзанги, девкор:
«Асл тупроқ, азиз тизма тоғларим,

Сийнангни оч, сийнанг тўла зар.
Сенда ўтган менинг гўдак чоғларим,

Муродимга етдим, сол назар!
Бўз сийнангга бошимни қўйиб,
Қувват олай, эй она диёр!
Жамолингга юз қатла тўйиб,
Қучоқлайин худ суюкли ёр!»

КЕНЖАТОЙ

Кенжам, эркатойим, очгин кўзингни,
Кеч қолмайлик кўклам томошасига.
Бугун пионердай тутгин ўзингни,
Олиб борай байрам томошасига.

Уфққа туғ тикмиш ёруғ субҳидам,
Кўшиқ жаранглари кенг майдонларда.
Кўклам қучоғида сўлқиллар олам,
Гўдаклар чопишар хиёбонларда.

Гўдаклар... гўдаклар... Гўдак нечоғлик!
Митти қўлларида чўнг байроқлари.
Гўё шафақ парча бўйнига боғлиқ,
Елпирар елларда бўйинбоқлари.

Гўдаклар келади кўча-кўча зич,
Кўзларида чақмоқ бурролиги бор.
Бошларида чамбар, ёноқлар қизғич,
Юзларида даврим донолиги бор.

Ёшлик ярашиғи — шўхлик, қувноқлик,
Шўх-шўх қўшиқлардан янграсин жаҳон,
Ёшлик ярашиғи — севги, ўртоқлик,
Дўстликка бош эгар замин у замон.

Булар — менинг юртим гул чиройлари,
Булар — комсомолнинг ноибларидир.

Булар — менинг юртим эркатойлари,
Булар — эртаги кун соҳибларидир.

Булар — менинг ўлкам кенжатайлари,
Булар — менинг ўлкам шўх ёшларидир.
Булар — менинг ўлкам юлдуз, ойлари,
Булар — менинг ўлкам қуёшларидир.

МУНГ

А. А. Жданов хотирасига

Аччиқ йиғи ва оғир мунг, чексиз қайғу тошқини,
Кун оқади мотамсаро, диллар мисли титроқ барг.
Нақадар зил ва омонсиз бевақт ажал чақини,
Тансиқ, жўшқин, азамат умр наҳот бўлди жувонмарг!

Мусибатда олис-яқин, мусибатда бутун эл,
Сочлари оқ большевиклар эгар мағрур бошларин.
Байроқдорлар, ҳурматига байроқларни эгиб кел,
Саркардалар боши қуйи, аста артар ёшларин...

Эл тик турар, биллурдек соф қалб учун эл қайғуси,
Қалбки, бардош беролганди балоларнинг селига.
Қалбки, ўлмас ғояларнинг ғубор қўнмас кўзгуси,
Қалбки, сўнгги дамигача ошиқ, содиқ элига...

Эй большевик аллома, эй, яловбардор, ухла тинч,
Қайғу оғир, лекин элга сурагай мунг нораво.
Эй партиям ботир ўғли, эй фидокор, ухла тинч,
Унутмагай коммунага қарай оққан кенг дунё.

Алвидо, эй ўктам жангчи, эй муҳтарам, зўр инсон,
Сен тириксан, туғар куннинг зафариди тириксан.
Довонлардан кечар аҳли ёруғ йўлда чўнг жаҳон,
Сен тириксан, юртимнинг шоҳ асариди тириксан!

ҚОҒОЗДА ҚОЛСИН МАЙЛИ...

Некрасовни таржима қиларкан...

I

Қоғозда қолсин майли,
 Некрасовга қўшилиб,
 Матрёнушка ҳолига кўз ёши тўкканларим.
 Силалмай ёшгинамни,
 Букилмас бошгинамни
 Дёмушка тобутига жимгина букканларим;
 Савелий бобо билан не фарёд чекканларим
 Қоғозда қолсин, майли.

Етти саёқ сингари,
 Манзиллар ўтган сари
 Ҳақиқат уруғини доналаб экканларим —
 Қоғозда қолсин, майли...
 Ўзбек шеърин чархладим рус шеърининг чархига,
 Рус шеъри жаранглади улкан совет Шарқига.
 Йўқ, хафа бўлгани йўқ
 Қутлуғ Русия даҳоси.
 Ўзбек созида янграр рус шеърининг садоси.
 Йўқ, хафа бўлгани йўқ
 Шеъринг бобо деҳқони,
 Рус шеърин отахони.
 Кўзларимнинг ўнгида
 Ҳайкалдай турар мудом унинг полвон сиймоси.
 Савелий қиёфада
 Ўзи бўлди намоён — рус шеърининг бобоси...
 Қоғозда қолсин майли!
 Қани бир кўрсанг, устоз!
 У — шўрлик жон Русиянг —
 Қандоқ фаровон ҳозир.
 У нотавон Русиянг —

Қандоқ паҳлавон ҳозир.
Хўкиз сингари қайсар
Етти саёқ деҳқон-чи,
Қайта навқирон ҳозир.
Сен хаёл этгандан ҳам юз қат соз замон ҳозир.
Русиянг — кенг оламга юрак ҳозир, жон ҳозир.

Қани, бир кўрсанг, устоз!
Қахатқўрғон, Ушуккент —
Юпунравот, Мушуккент —
Боғзор, хиёбон ҳозир.
Қипиқ еган белорус,
Ишсиз, дайди темирчи
Тўқ ва беармон ҳозир,
Чинакам инсон ҳозир.

У шўрлик жон Русиянг —
Қандоқ фаровон ҳозир.
У нотавон Русиянг —
Қандоқ паҳлавон ҳозир.

ОППОҒИМ БИЛАН ЧАТОҒИМ

Икки ўғлим,
Икки тўқлим,
 Иккаласи ўйинчоққа ўч.
Тойчоқ, хўроз,
Лайлагу ғоз,
 Ўйинчоғи бир талай, бир кўч.
Сайхун ўғлим —
Ўйнайди жим,
 Жанжалкашмас — оппоғим, дейман.
Жайхун ўғлим —
Ўйнолмас жим,
 Жанжалкаш, бас, чатоғим, дейман.

ЖАЛА

Қўққис жала қуйиб ўтди қишлоқдан,
Тўлқин ургай яшил кўкат денгизи,
Тўлқин ургай чечаклар оқ, қирмизи,
Бу даракчи сут, қаймоқдан, пишлоқдан...

Қўққис жала қуйиб ўтди қишлоқдан,
Чучмомаю ровоч есак арзийди,
Қўзиқорин лола терсак арзийди,
Тепалардан, сойдан ҳатто тошлоқдан...

ТУРТ...

Ўзим улғайганман етимхонада,
Қаҳратон қишларда киярдим чувак.
Чувак ҳам тансиқ у замонада...
Ҳали ҳам эсимда:

Бир синиқ тувак,
Тувакда гул ўсар залнинг тўрида,
Биттамитиз чопонда, ўзгамиз юпун,
Биров катда ухлар, биров сўрида,
Ўзимиз экардик полиз ва дон-дун...

Чувакда чиқардик байрамларга ҳам,
Бир кесим қора нон, бир чўмич бўтқа.
Лекин демас эдик у кам ё бу кам,
Шай эдик юрт учун ташлансак ўтга...

Оғир йиллар эди, лекин жуда чўнг...
Юрт ўровда эди, ўлка ўровда.
Эл уқиб олганди: қайда чап ва ўнг,
Эл тобланган эди кураш — оловда...

* * *

Ўғлимда бир йўла тўрт ботинка бор,
Тўрттаси тўрт рангда, тўрт фабрикадан.
Нечук тўрт?
Баъзи кез беришар озор.
Айтмайин надан?

Ўзим чувак кийдим қаҳратонда ҳам,
Икки оёғимни чалган бадсовуқ.
Тўртни кийсин ўғлим, ҳеч бўлмасин кам,
Оёғи кўрмасин дарду сизловуқ...

ОТАМ МЕНГА...

Отам менга совға олиб келди тунов кун,
Битта қути.

Қути тўла ускуна бутун;
Эгови бор, рандаси бор, пармаси ҳам бор,
Болғаси ҳам бор.
Ўз қўлимга жуда ҳам мос арраси ҳам бор,
Болтаси ҳам бор.
Гоҳи тахта рандалайман, қути ясайман,
Гоҳи ўтин ҳам ёраман ўчоқ бошида.
Гоҳи ёғоч арралайман, ҳар ишга шайман,
Заводга ҳам бориб келдим отам қошига...
Ҳозир ҳар кун уйимизда иш билан бандман,
Қирқ ҳунар ҳам кам эмиш-ку йигит кишига,
Қарашгим бор тез орада отам ишига,
Заводга ҳам бирга боргум... ўта хурсандман.

СЕНИ УЛУҒЛАЙМАН!

Сени улуғлайман, монолит партиям!
Ёруғ шу кунимиз, порлоқ эртамиз,
Тоғни кўтаролган пўлат елкамиз,
Сени улуғлайман,
Сочи оқарса ҳам йигит партиям!

Энг оғир жангларда ёвқур ва ўктам,
Кетда қолди кўп жар, кўп қалтис довон.
Асрлик орзулар иродангда жам,
Сенинг ижодингдир шу улуғ замон.

Сенинг ҳар сўзингда баҳор муждаси,
Сени деган дилда қолурми гумон?
Сенинг ижодингдир шу бахт ўлкаси,
Бу боғлар мангулик кўрмагай хазон!

Асрлар учдилар сўхта ва дилхун,
Сен машъала тутдинг олис йўлларга.
Чўккан тошдай ғойиб эди бахт бурун,
Бахт калитин бердинг қадоқ қўлларга.

Заҳматларинг беиз кетмади охир,
Сўзинг оғизларда қўшиқ ва шиор.
Ашаддий ёвлар ҳам тан берар ҳозир,
Боримиз мўл бўлди, йўғимиз-чи бор...

Гўдаклар юзида гулларнинг ранги,
Қишда ғунча очар даштларда баҳор.

Бу бахтга қўнолмас ўтмишнинг чанги,
Эрта, бўлғуси кун тагин беғубор.

Не-не мард қурбонлар эсда ҳали ҳам...
Чексиз Ватан — элнинг кўз қорачиғи,
Тенглар ўртасида тенг республикам —
Умр ифтихори — юрт ярашиғи!

Уфқим тонг нурида балқиганида,
Қийғос очилганда бўлиқ пахтазор,
Сойлар соҳилларга чалқиганида,
Дала — гўё қишда қирчиллама қор...

Бизга у байрамга хос кийим-кечак,
Тинчимиз бузганга кафанлик бўлсин.
Бепоен юртимиз тўла гул-чечак,
Яна бўстон бўлсин, чаманлик бўлсин!

Икки улуғ дарё қирғоқларида
Саодатнинг сўлмас боғлари ёрқин.
Кенг ўлканинг яқин-узоқларида
Коммунизм тонги чоғлари ёрқин.

Сени улуғлайман, монолит партиям!
Еруғ шу кунимиз, порлоқ эртамиз,
Тоғни кўтаролган пўлат елкамиз,
Сочи оқарса ҳам йигит партиям!

Алп сиймонгга талай қиёс изладим,
Пастда қолиб кетди не-не тик қоя,
Порлоқ даҳонгга ҳам бир мос изладим,
Не-не зукколар ҳам фақат бир соя!

Ақлинг қаршисида томчидир денгиз,
Эллар отасисан, эллар оғаси...
Даҳонг океанлардан теран ва чексиз,
Коммуна асрининг сен алп дарғаси...
Сени улуғлайман!

БОБОЖОН

— Нима ола келдинг, бобожон,
 Не келтирдинг улкан шаҳардан?
 Қундуз, Холдор, мен ва Болтажон
 Йўлга чиқдик эрта саҳардан.
 Қўринасан нега тажангроқ,
 Қарашинг ҳам нечун сал совуқ?
 Ғарам-ғарам чопдик-ку янтоқ,
 Қучоқ-қучоқ юлдик чирмовуқ.
 Қўшиқ айтиб берайликми ё,
 Очилсин-да ахир қобоғинг.
 «Қувнанг,— дердинг,— бўлманг дилсиёҳ»,
 Қани, бобо, ўша сабоғинг?

Қалдирғочдай шўх вижирлашар,
 Бобо ортиқ боқолмас мунгли.
 Қўнгли тошар, ҳар зум бир яшар:
 Гўдак кўнгли — подишо кўнгли...

Чол кўзида ғурури аён,
 Ажиб сурат олар қўйнидан.
 Икки қўллаб тутар шу замон,
 Гўдакларнинг қучиб бўйнидан.
 Бу Лениннинг сурати эди,
 Совғаларнинг қиммати эди.

Ноёб совға ўша кечқурун
 Дарчадан ҳам анча баландроқ,
 Уй тўридан олди соз ўрин.
 Кўз узолмас кенжа қизалоқ:
 — Бу ким,— дейди узоқ термилгач,—
 Айтиб беринг, бобо, бу ким?— дер.

Мийиғида бобоси кулгач:
— Айтиб берай, эшитгин жим,— дер:

— Қизим, сочларингни тараб ўраман,
Билиб қўй, шу киши энг улуғ бобонг.
Унинг далдасида даврон сураман,
Инқилоб!— деб ўша илк бор урган бонг...
Удир доноларнинг асл доноси,
Буюк бахт тилсимин очолган шоввоз.
Жами гўдакларнинг улуғ бобоси,
Тенги йўқ устоз...
Сизга аталгандир, қўзим, ҳарна бор,
Боғлар, чаманзорлар, сўлим майдонлар.
Ёруғ кошоналар нечоғлиқ пойдор,
Сиз ўсасиз бунда, эй болажонлар.
Сизга — улуғ сарой, гулзор, хиёбон,
Сизга — чексиз бу юрт, баракаю қут,
Навбат кутиб гулар не-не биёбон,
Қақроқ ўзанлардан оқизгайсиз сут.
Удир бўронларда тик турган дохий,
Удир улуғ бобо, жажжи қизгинам!
Удир биздай қўшчи чоллар паноҳи,
Ҳали туғилганмас ўшандай одам...

СОЙ БҮЙИ — ЯЛАНГ ҚУМЛОҚ

Сой бүйи — яланг қумлоқ,
Сой бүйига юр, ўртоқ,
Қумдан саройлар қуриб,
Сойларни чўлга буриб,
Бўзда яратайлик боғ,
Бобом кўнгли бўлур чоғ...
Сой бүйи — яланг қумлоқ,
Сой бүйига юр, ўртоқ,
Чарчагунча югуриб,
Ҳамма ишга улгуриб,
Тўлқинларда юзайлик,
Балиқлардан ўзайлик,
Ўссак-унсак қувноқ, соғ,
Бобом кўнгли бўлур чоғ...

ГИЛОС

Гилос кўчатини экин, дер бобом,
Ҳовли чеккасида ана жой ҳам бор,
Гилос соясида оласан ором,
Меҳнатинг сира ҳам кетмайди бекор.

Худди ўзинг каби ўсар кўчатинг,
Икки-уч йил ўтмай аниқ кўргайсан:
Бекорга бўлмабди жиндак меҳнатинг,
Мевасин егайсан, завқин сургайсан.

Гилос кўчатини экдим бу кўклам,
Ариқ олиб, тагин бўшатдим, бобо.
Яхши ўғитларинг ёқади бирам,
Яхши орзунгни ҳам ушатдим, бобо!

ПИЕЛА

Қурултойга борганда холам,
Ола келди менга ҳам тортиқ.
Фирузаранг чинни пиёлам —
Совғаларнинг баридан ортиқ.

Фирузаранг чинни пиёлам —
Токчамизнинг асл чиройи.
Фирузаранг чинни пиёлам —
Чөй ичганга арзир киройи...

ҚАЙРАҒОЧ

Сув бўйида садақайрағоч,
Юз кишилик мўл сояси бор.
Энига ҳам етмас тўрт қулоч,
Бир ғалати ҳикояси бор:

Эмиш бурун, юз йил бурунроқ
Шу қишлоқдан ўтмиш чол дарвеш.
Ёлғиз экан, соч-соқоли оқ,
На ўғли бор, на қиз, на ёр, хеш.

Сув бўйида дам олибди чол,
Кейин ерни ковлаб, таёғин —
Ўша жойга тиқибди дарҳол...
Эслай олмас ҳеч ким у ёғин.

Ўша таёқ, кўклам экан-да,
Аста-аста ёзибди куртак.
Тағин ҳар йил кўклам келганда
Бўй чўзибди, дема бу эртак.

Бўй чўзибди, йил ўтган сайин
Улғайибди, кучга тўлибди.
Сояси мўл, салқини майин,
Шундоғам дов, полвон бўлибди.

Эголмайди ҳозир бўронлар,
Бўронларга ўзин қилар пеш.
Бунда ором оларкан жонлар,
Эсланади ўша чол дарвеш.

ЮЛДУЗ

Ернинг биринчи сунъий йўлдошини кўрганда

Сўнгсиз фазоларнинг зилол чўққисида
Ажойиб бир юлдуз учиб юрибди.
Жимиллаб-жимиллаб осмон кўзгусида,
Қитъадан-қитъага кўчиб юрибди.

Олтин излар ташлаб мовий самоларга
Учар, учар, учар йўлдош ва йўлчи,
Чексиз коинотга, олис дунёларга
Гўё куррамиздан тўнғич бир элчи.

Сўнгсиз фазоларда чўғ каби ял-ял,
Ажойиб бир юлдуз учмоқда дуркун,
Асрлар жумбоғи шу юлдузда ҳал,
Совет қудратидан бу фақат учқун,
Бу фақат учқун!

ЛАРЗА

...Ёмғир ёғса, тупроқнинг қат-қати бўшаб,
Қуйма қоялар ҳам шишадай ушаб,
Ел увлаб,
Тоғ қулаб,
Ернинг қатларига ларза тушади...

Замбарак ўқининг зарби беўлчов,
Лова ўчоғидай очар минг қудуқ.
Бир зумда кўтарар не алғов-далғов.
Табиатнинг тили бир зумда дудуқ,
Азим тепаларга ларза тушади...

Булутлар қуюлса, чақса чақмоқлар,
Сурон солса агар зўр қалдироқлар,
Яшин тегса агар —
Юз йиллик чинорга ларза тушади...

Агар сен, севгилим, жиндак маъюслансанг,
Ойдек юзларингда кўрсам жиндак ғам,
Кўзларингни босса жиндек мунг изи —
Менинг юрагимга ларза тушади...

ҚҰРИШАЙЛИК

Ухшатма

Уфқларга алвон тақиб,
Секин-секин ботар кун.
Чаманларнинг атри оқиб,
Шаҳримизга чўкар тун.
Сайрашмоқда навбат бермай,
Қушлар ҳам ошиқона.
Кел, бу оқшом кўришайлик,
Кўришайлик, жонона!
Соя-салқин хиёбонлар,
Эсар майин ипак ел.
Гулзор-гулзор, соз майдонлар,
Сайр этиш шавқида эл.
Боғ сайрига келгин сен ҳам,
Қуйлашайлик тарона.
Кел, бу оқшом кўришайлик,
Кўришайлик, жонона!
Ё Комсомол кўлига кел,
Чағалайдай қайиқлар.
Феруза сув тағларида
Юзар олтин балиқлар...
Ё Ғалаба боғига кел,
Сабрим бўлди паймона.
Кел, бу оқшом кўришайлик,
Кўришайлик жонона!
Пушкин боғи кўп чиройли,
Яхши Горький боғи ҳам.
Томошага арзигулик
Шўх анҳор қирғоғи ҳам.
Ё адиблар боғига кел,
Рақс этайлик шоҳона.
Кел, бу оқшом кўришайлик,
Кўришайлик, жонона!

ҚИРИҚ БИР

Замонлар мудроқ юртим,
Ҳорғин ва чарчоқ юртим,
Қудрат ва илҳом олдинг ленинчи инқилобдан.

Қирқ бир йил уйғоқ юртим,
Бахтига иноқ юртим,
Меҳр, байроқ, ном олдинг эрк аталмиш китобдан.

Эсингдами тоқлигинг,
Шўрлик ва тарқоқлигинг,
Қутқазолди рус оға ора йўлда гирдобдан.

Бас бўлди чанқоқлигинг,
Ямоғу қуроқлигинг...
Минг ўргилсак арзийди партиядек офтобдан!

СЕНГА РЕСПУБЛИКАМ!..

Сенга, сенга ардоқлим —
Республикам, олқишлар,
Сенга жўшқин илҳому
Авжи баланд таронам!
Сенга, сенга ҳурматим,
Дилимдаги болқишлар,
Орденлик заҳматкашим,
Бобо деҳқон — мардонам!
Элимсан — тупроғимсан,
Қадим ота юртимсан,
Машъала чароғимсан,
Олтин пахтазоримсан,
Тўкис-тўкин боғимсан,
Баракамсан — қутимсан.
Девкорлар даврасида
Мардимсан — девкоримсан.

Шавкатим, фаҳрим менинг,
Денгизу наҳрим менинг,
Юрагим, бағрим менинг —
Пахтакор Республикам!

Ииллару йилномалар
Соврилган йўқ шамолга,
Ҳақиқат бўлди бугун
Тушлару афсоналар...
Улғайиб қадди расо,
Етмақдасан камолга,
Қайда ғариб хоналар?
Қайдин бу кошоналар?

Қайдин келди бу қудрат,
Учағонлик, бардамлик,
Қайдан бахт? Қайда қолди
Утмишларнинг офати?
Қайдин келди бу шавкат
Ўзғирлик, пешқадамлик?
— Партия шарофати,
Партия шарофати!

Ёрти эмас бутуним!
Ёрқиним, ёруғ куним!
Қўшиғим, қалб тўлқиним —
Пахтакор Республикам!

Не-не асрий бўзларга
Беролдик ҳаёт ва кўрк,
Мирзачўлнинг эртаси
Бугундан чиройлироқ,
Не-не даштлар бошида
Садалардан яшил бўрк,
Яхлит боғ бўлур чоғи
Унчалар эмас йироқ.
Пахтаг, қадр-қимматинг,
Жаҳон-жаҳон шарафинг,
Юзингнинг ёруғлиги,
Кўнглингнинг оппоқлиги.
Ватан хазинасида
Хирмон-хирмон садафинг...
Кўксингдаги қўш орден
Бахтингнинг порлоқлиги.

Қўллари қадоқ халқим,
Кўзлари чақноқ халқим,
Иўллари порлоқ халқим,
Пахтакор Республикам!

Қандингни ур, арзийди,
Қишда изғирин демай,
Ёзда гармсел демай,
Тер тўкдинг пешанадан.
Не тўғонлар боғладинг
Селларни кўзга илмай,
Минг ўргилса бўлади

Сени туққан онадан...
Балли, азамат юртим,
Давлатинг оша берсин,
Ғалабанг қутлуғ бўлсин,
Азамат юртим, балли!
Маҳоратинг, қудратинг
Амудай тоша берсин.
Улкан тўйга ярашур,
Шўх қўшиқ, яли-яли.

Яхшилик, соғлик бўлсин,
Тўй, вақтичоғлик бўлсин,
Белинг боғлоғлиқ бўлсин —
Пахтакор Республикам!
Ордендор Республикам!

БУ ШУНДОҚ УЛКАН ЮРТКИ...

Эй кўнглим, оламдан суюнчи сўра,
Довонлар, тоғлардан елдай учиб ўт.
Лозимдир — оламини гулларга ўра,
Тикка қирғоқлардан селдай кўчиб ўт.

Сен эй, сарҳад билмас эфир мавжлари,
Дунёга ёй: бугун қутлуғ айём, де.
Сен эй, мавжга тўлиқ илҳом авжлари,
Парвоз эт, паҳлавон элга салом де!

Республикам юзи — пахтасидай оқ,
Тонг каби ярқироқ ёруғ замонда...
Бизга ҳар нимадан саз ва азизроқ
Шу юрт, шу мамлакат бутун жаҳонда.

Бир-бирига оғайни —
Ун беш мард, норғул йигит,
Қуда-қудағай, қайни —
Бирдай қўли гул йигит.
Бирида боғу роғлар,
Бири ўрмонларга бой,
Бирида олтин тоғлар,
Бири — дарё қора мой,
Бири — чексиз буғдойзор,
Бирида молу яйлов,
Бири улкан пахтакор —
Пахтаси нақ Олатов...
Бирида мўл-мўл шароб...
Не-не завод, фабрика.
Барчасида бир китоб...
Барчаси бирдан эга:

Бу юртда нимаки бор —
Барининг молу мулки.
Бир-биридан бахтиёр —
Ўртада ўйин, кулги...

Бу шундоқ улкан юртки,
Бойлигига олам тор,
Бу шундоқ улкан юртки,
Номдорлар аро номдор.
Ватанга лойиқ ўғил
Ўзбегим — республикам,
Йил бўйи меҳнатдасан —
Мазмуни олам-олам.
Бўз даштларга кўк либос
Кийдирасан баҳорда,
Пахтадан қўл йиғмайсан
Дўлда, ёмғирда, қорда;
Бульдозер жиловини
Тепалар сари буриб,
Не жарларни тўлдириб,
Тунда трактор суриб,
Экасан ва тикасан,
Асрайсан болажондай,
Пахтазор сенинг учун
Хазина тўқар кондай...

Қор ва муз панжасидан
Битталаб тердик пахта,
Кўкрак керсак арзийди;
Тоғу тоғ бердик пахта.
Пахтакорлик ота касб,
Кончидай меҳнаткаш юрт,
Кўкрак очиқ, қўл қадоқ,
Паҳлавон, заҳматкаш юрт,
Не билан ўлчаш мумкин
Элнинг ўлчовсиз азмин,
Тўйи ҳам меҳнатидай
Суронли, дуркун, вазмин...
Кўр кўрганни кўрмас ҳам,
Гупурган ҳам йўқ эмас,
Тузимиз еб тузлуққа
Тупурган ҳам йўқ эмас:

Йўртоқ йўлдош бўлғайми
Йўрға зоти билан ҳеч,
Бургут сирдош бўлғайми
Қарға зоти билан ҳеч!

Йўлимиз Ленин йули,
Қардошлармиз, қардошлар,
Тўйларда тўйдошлару,
Қайғуда — қайғудошлар,
Замон биру амал бир,
Хирмон биру шамол бир,
Вайсайверсин жаноблар,
Бизда шавкат, камол бир!
Чопағон ва учағон
Давронга лойиқ халқим,
Тупроғи бут, мўл-текис —
Жаҳондай ёйиқ халқим!
Тўйга тўйлар улашсин,
Куйга куйлар улашсин,
Кун сайин ғалабани
Ғалабалар қувлашсин.
Шу бўстон саҳнидаги
Чаманлар чамани бўл,
Пахтакор Ватанимсан,
Пахтакор Ватани бўл!

ҚАЛДИРҒОЧ

Нили муборакнинг сайроқ элчиси,
 Не йўллардан чанг бор қанотларингда:
 Шўр дарёдан нам,
 Эрксевар оҳанг бор баётларингда,
 Не-не диёрларнинг баҳор атри ҳам,
 Эллар йўлчиси...

Шипда уянг бутун, қўл чўздирмадим,
 Қўналғанга қўну, ўқи валфажри...
 Ҳатто бир гишти ҳам сал буздирмадим,
 Зигирдек қалбингда бир йилнинг ҳажри.

Сувларга тўш уриб, ўйна, қанот ёз,
 Сендан қолишмасин қўшалогинг ҳам.
 Қўшалоқ умрнинг маъноси на соз,
 Тагин бола очгин ва бўлма ҳеч кам!

Кузда кетиб, тагин кўклам чоғида —
 Келарсан, азизим,
 Йўллар, тинч йўлларнинг тинчроғи, ҳозир,
 Булбулга жўр бўлиб бахтим боғида
 Қуйларсан азизим,
 Бу эл тинч элларнинг тинчроғи ҳозир!
 Нили муборакнинг сайроқ элчиси,
 Тагин гуркирагай юртим ёзлари,
 Янграгай шўх ёзнинг янгроқ созлари,
 Йўлда қут ўчирмас ўқ овозлари...
 Келавер ҳар кўклам,
 Қанотлик ҳамдам —
 Эллар йўлчиси!

ДУСТИМНИНГ УМР ЙЎЛДОШИ

Дўстимнинг умр йўлдоши ўлди баҳор бошида,
Қирчиллама ёшида...

На жигар, на юраги,
Дардга чалинмиш эди шўрликнинг қўш буйраги.
Ҳол сўраб борган эдик, ётар эди тўлғаниб,
Ётар эди тўлғаниб, гўё оловда ёниб.

Дўстимнинг умр йўлдоши қирчиллама ёшида —
Ўлди баҳор бошида...

Дарахтлар барг ёзмишди, эпкинда шовилларди.
Булутлар орасидан қуёш ҳам ловилларди.
Қайдан бу тарқоқ булут

Кечаси шамол, жала бежиз учирмабди қут,
Кечаси кўк қалдираб, узлуксиз чақмоқ чақиб.
Гўё осмон тутақиб,
Жала роса қуйганди,

Гўё она табиат бир мотамни туйганди...
Дўстимнинг умр йўлдоши ўлди баҳор бошида,
Қирчиллама ёшида.

Тобути енгил эди, лекин мотами оғир
Жуда ёш эди, ахир!

Кексалар букилганди, йигитлар майишганди,
Бу мотам зиллигидан қобирға қайишганди.
Икки ўғли ва дўстим борар тобут олдида,
Не кунлар, не армонлар ҳозир унинг ёдида.
Ногаҳони ўлимдан дод дегудай тоқатсиз,
Тобут борар изма-из,
Елкама-елка борар.

Унсиз бу нолаларга ҳамма қайрилиб қарар...
Йиғламаган ким қолди?

Дўстимнинг умр йўлдошин тупроқ бағрига олди...

Дўстимнинг умр йўлдошин (не чора!) кўмиб келдик,
Қайғуга чўмиб келдик.

Ха, қийин...

Қимга қийин?

Икки гўдакка қийин.

Лекин ўлим енгилган кун ҳам келади кейин...

Дўстимнинг умр йўлдоши қирчиллама ёшида —

Ўлди баҳор бошида.

БИЗГА КЕЛИНГ

Хомер оҳангида

Азиз Москва, азиз Москва,
Юртимизнинг онабош шаҳри,
Сочлари оқ, тарихи чўнг,
Бу оламнинг мангу ёш шаҳри,
Шавкатингни ойлар, йиллар,
Қуйласак ҳам барибир оздир,
Фозил бахши достонидай
Ҳам теран, ҳам баланд парвоздир.
Сен — техника мўъжизасин
Яратолган москваликсан.
Давр бонгини кенг оламга
Таратолган москваликсан,
Эй, меҳнаткаш, эй заҳматкаш,
Эй билағон, азамат оға!
Эй, Лениннинг ўзин кўрган,
Кўзин кўрган валломат оға!
Сен билан юз кўришган кун
Дунёда энг яхши, ёруғ кун,
Селдай тошқин қувончимиз —
Дийдорингга тўйганлик учун
Қатордаги дўстинг каби
Ардоқладинг, заб қарши олдинг,
Қучоқ очдинг, қалб меҳридан
Гўё бизга поёндоз солдинг,
Балли, дўстлик, оғайнилик
Бундан ортиқ бўлармиди ҳеч!
Бизга ҳам бир келинг, дўстлар
Қўз тутайлик йўлга эрта-кеч.
Дунёмизнинг умрига тенг
Бизнинг дўстлик, қардошлик умри.
Дунёмиздай теран ва кенг

Бизнинг дўстлик, қардошлик умри.
Меҳмон бўлиб келинг бизга,
Камалакдай гўзал баҳорда.
Куз бошидан шарбат оқар
Ўлкамизда сойдай, анҳордай.
Майли, ёзда, қуёш ёлғиз
Девон қурган ойларда келинг.
Майли, дала оқ денгиздай
Тўлқин урган ойларда келинг.
Чексиз чўллар ўртасида
Сўлқиллаган ўзбек тупроғи,
Мамлакатнинг тўкин-сочин,
Эртақдан ҳам сўлимроқ боғи
Тоғларимиз шаббодаси,
Чексиз, яшил боғлар салқини,
Гулзорларнинг беҳишт ҳиди,
Атласларнинг чўғдай ёрқини.
Қорақўлнинг ҳафтранг хили,
Ипакларнинг тур-тур ноёби,
Ҳар қатраси офтоб тафти —
Ўзбек элин ширин шароби,
Қардошликка, дўстликка хос
Тузатилган катта дастурхон,
Созу суҳбат кенгаш, гурунг,
Ўйин-кулги, шўх қўшиқ, дoston.
Неки бўлса сизга пешкаш —
Сизни андак хушвақт қилгуси!
Бизга меҳмон бўлиб келинг,
Бизга меҳмон бўлиб келинг,
Сизни андак хушвақт қилиш —
Бизни бешак хушбахт қилгуси!

БУЛУТ

Езда яйловимиздан
Ахён бир ўтар булут,
Аҳвол сўрамай биздан,
Олислаб кетар булут,
Кўкатлар талпингандай,
Кўчатлар талпингандай,
Қараб қолар кетидан.
Қўй-қўзилар маърашиб,
Гўё томчи талашиб,
Чопишар қир четидан.
Мен ҳам кўкка кўз ташлаб,
Баралла гурунг бошлаб:
— Чақмоғингни чақ,— дейман.
— Бу олис яйлоғимга,
Бу олис аймағимга
Сел-сел бўлиб оқ,— дейман.

ОЛМАОТАНИНГ ҚИШИ

Бу йил олма бирам битибдики,
Тарам-тарам, ширалик, қизил,
Қўмири оламини тутгудек...
Ғалласи дунёга етгудек,
Бу йил шундоқ ажиб, улкан йил.
Қор ёғмоқда, нақ оққув пати...
Ҳаво енгил, нафас ҳам енгил.
Жилғаларда муз салтанати,
Табиатнинг сеҳрий санъати,
Бу йил шундоқ ажиб, кўркам йил.
Кўзим олар — олислар оппоқ,
Олам кирмиш қор оғушига,
Ботмиш ширин қиш уйқусига,
Қор ёғмоқда... боғзорлар ҳам оқ...
Олатовнинг шох чўққисиға
Ўзбек пахтасини босиб қўйгандек,
Олмазорлар, арчазорларга
Теракзорлар ва чинорларга —
Елпиратиб осиб қўйгандек.

* * *

Бу йил шундоқ ажиб, ёруғ йил.

УЙҒОН, ШОИР!

Ҳамза Ҳакимзода сағанасида

Тонглар ажиб балқиб отар
 Қашқа тоғнинг ортидан;
 Найзалари тешиб ўтар
 Қора булут қатидан.
 Тўкади гул шудрингларни
 Қанот уриб шўх сабо;
 Тонг аямай сочар зарин,
 Қуёш кулар, заб ҳаво...
 Уйғон, шоир, назар сол!

Яшил диёр ҳуснига боқ:
 Товланади юз бўёқ.
 Чечаклар кўк, пушти ва оқ,
 Сойда лак-лак дур, мунчоқ,
 Кўз узолмас, одам ҳайрон,
 Нақадар соз, дилрабо;
 Чўққиларда сакрар жайрон,
 Этагида най-наво...
 Уйғон, шоир, назар сол!

Оқ булутлар аста-аста
 Тоғдан тушиб келади,
 Қарвон тузиб даста-даста,
 Учиб-учиб келади.
 Нафас ўтмай йироқлардан
 Чақмоқ чақар, ажабо,
 Нафас ўтмай ирмоқлардан
 Сувлар оқар нақ дарё...
 Уйғон, шоир, назар сол!

Очилар кенг водий кўрки,
Соз табиат қучоғи.
Қандай тиниқ бу юрт кўки,
Меҳнат ва бахт ўчоғи...
Севар эдинг, куйлар эдинг,
Ардоқлардинг нечоғлиқ.
Бугун қандай қутлуғ элинг,
Бугун қандай ардоқлик...
Уйғон, шоир, назар сол!

Сен турган тоғ чўққисидан
Ёруғ осмон кўринур;
Ёруғ осмон янглиғ Ватан —
Қутлуғ жаҳон кўринур.
Қутлуғ жаҳон кўкрагида
Озод инсон кўринур;
Қирчиллама ва бахтдийда —
Ўзбекистон кўринур...
Уйғон, шоир, назар сол!

Ўзбекистон — ёруғ орзу —
Эзгу, порлоқ ниятинг;
Кекса Шарққа биллур кўзгу
Уйғоқ жумҳуриятинг...
Келажаги юз бор қутлуғ,
Заҳматкаш, пахтакор эл;
Меҳнатда — алп, қалби ёруғ,
Эрки — дарё, бахти сел...
Уйғон, шоир, назар сол!

ЖҰЖА

Эргаштириб бир тўп жўжа,
Қўшнимизнинг қўрасидан
Чиқиб келар она товуқ,
Жуда баджаҳл, жуда ўжар.
Тутай десам сарасидан,
Йўл бермайди сира ёвуқ.
Бувим дер: ёндоша кўрма,
Бир жўжа ҳам олдирмайди.
Ҳаддингдан сен оша кўрма,
Ҳеч қаровсиз қолдирмайди.
Мен қарайман олисроқдан:
Бир-биридан сулув жўжа,
Бири худди оппоқ рўжа,
Ўзгаси нақ юз қуроқдан.
Бири ола, бири сарғиш...
Бу ёнидан ўтгим келур,
Биттасини тутгим келур,
У ёнидан ўтгим келур,
Уттасини тутгим келур.
Лекин ўтиб кетаман жим,
Ранжимасин, ахир бувим,
Кимга даркор ахир қарғиш...

ГАВҲАР

Олтин санаяпсиз чоғи, афандим¹,
Олтин санаяпсиз гурбат забтида.
Лекин фаҳм этмабсиз, биз киму сиз ким,
Фақат ўртанибсиз алам таптида.
Ҳамёнингиз тўлиқ...

шубҳа на ҳожат,

Сотқинлар ҳамёни ҳамиша тўлиқ.
Соппа-соғ одамдай ёзармишсиз хат,
Лекин билманки, афтингиз сўлиқ.
...Йўлимиз — коммуна, яширмаймиз, ҳа!
Инсоний орзулар — бизнинг орзулар,
Зафар айёмлари, қувноқ қаҳқаҳа...
Янглишмасам — сизни қақшатган шулар!
Жаврайсиз, асирлик чақадай сийқа,
Бўхтонлар тўқийсиз — мағзи оғулар.
Биз-чи?

Довон ошдик биз ҳар дақиқа.

Тўғонлар ошгандай баҳорги сувлар...
Қўйинг, сиз мунчалар вайсаманг, жаноб,
Қандай оҳангга жўр жавраяпсиз-а!
Ўзингиз нотавон, қалбингиз нотоб,
Орзунгиз жирканчу...

авраяпсиз-а!

Қора тер тўкасиз ким учун, нечун,
Билмайсиз, бу — бизга аниқ нақадар.
Гўё ўлкамизда ҳукмронмиш тун...
Кўр ҳам кўрмоқда-ку бедард эй, овсар!

¹ Бир саёқ афанди ўзбек совет адабиётига талай бўхтон ёғдирганини эшнтиб қолганимда ёздим.

* * *

Олтин санаяпсиз, лекин ҳей тақсир,
Менда бир гавҳар бор — гавҳарми-гавҳар.
Айтиб бера қолай, эмас-ку бу сир,
Тенг бўлолмас унга дунё-дунё зар...
Қуёв жиғасига қўндирса арзир,
Не куёв, арзийди шоҳлар тожига,
Не тожлар, қуёшдек ёндирсак арзир,
Бермасман дунёнинг юз йил божига.
Тунларни ёритар чилчироқ мисол,
Ҳатто қуёш унда жилосин кўрар.
Шуълалари оқар минг булоқ мисол,
Янги даврон унда даҳосин кўрар.
Бу — озод юртиму ёрқин ҳаётим,
Менинг ўзбек деган чўнг қутлуғ отим,
Олам лол бўлгулик созим — баётим,
Ёруғ келажагим, умидларимдир.
Чинакам шеъриму адабиётим,
Эрта туғилажак Ҳамидларимдир...

* * *

Шундоқ, афандим,
Уқдингизми — биз ким ва ўзлари ким...

ОНАНГИНАМ

Товонимга чақир тиканакдай ботгувчи — ғашлик,
Бедаво сизловиқдай сизлатгувчи —

ғашлик.

Жигаримни қиймалаб аҳён-аҳён,
Чучварага чеккувчи —

ғашлик.

Мени ўйлаб нотавон ва нимжон,
Ғашимга теккувчи —

ғашлик.

Суюқларимни сирқиратиб,

оч теватдай ғажигучи,

Кўзимга ёш тирқиратиб,

жиғилдонимда аччиқ бўзадай ачигувчи
ғашлик...

Дунёга қайта келишимга кўзим етсайди,
Йигит ёшим тўлмаётуриб,
Айрилиқ зайлида қоқ ёғочдай қуриб
Жон берган онамни кўришимга

кўзим етсайди,

Тиззасига бир нафас бош қўйишимга

кўзим етсайди,

Оналик меҳрига ўбдон тўйишимга

кўзим етсайди,

Оқ сутингни оқлай, дейишимга

кўзим етсайди,

Менда ғашлик нетарди?

Янтоқ ўтинидек,

Тамаки тутунидек,

Тонг пайтида таралган бадбахтлик тунидек —

Чексиз фазоларга тарқаб кетарди!

Онагинам!

Одам бўлдимми менам?
Йигит ёшимгача бир челақ сув келтириб
бермаган бўлсам,
Ё ташналигингда бир коса шарбат тўлдириб
бермаган бўлсам,

Ё нон ёпишинг учун,
Хатто бир йўла, бир кун
Саҳродан ўтин орқалаб келмаган болангман...

Оғзингдан сўз чиқмай, елмаган болангман..
Сенинг арзимас бир юмушингни адо этолмаганим,
Сенинг бир ишорангга юз ўмбалоқ ошиб кетолмаганим!

Сени жиндақ хушвақт қилгани,
Сени жиндақ хушбахт қилгани —
Тағсиз жарлардан ўтолмаганим,
Сени сўнгги йўлга ўзим узатолмаганим —
Тоғдай зил.
Абадиятдай чексиз армон бўлиб қолди дилимда,
онагинам!

Одам бўлдимми менам?
Ҳа, одам санашар мени элимда.
Сенга қилолмаган хизматим,
Сен деб чеколмаган заҳматим —
Жиндақ зеҳним, жиндақ шеърим, жиндақ ғазалхонлигим
Оналик меҳрига тўймаган меҳрим,
жиндақ яхшилик ва ёмонлигим
Мени одам санаган элимга бахшида,
жафодийда онагинам!
Элга хизматим — сенга хизматим эмасми ахир,
Эл мени фарзандим демасми ахир!
Рози бўл, одам саналай менам...
Дунёга қайтиб келурман,
Лекин бошқа ўғил бўлиб...

УКРАИНАМСАН

Хирмон-хирмон ғаллам, ноним — нонхонам,
Дил қўйса — қўйгулик Украиннамсан.
Давлат хазинамда порлоқ дурдонам,
Ҳамиша суйгулик Украиннамсан.
Қора олтин конлар — олам доврўғи,
Оламлар доврўғи — Днепр ёруғи,
Днепр ёруғида Ленин йўриғи;
Не дурдона, эл дер: зап хазинамсан!
Сенинг тупроғингда қолди ёлғизим
Олий дарсхонангда улғаяр қизим.
Қудам, қайинбекам, барно болдизим.
Бажаним, Оксанам, Остап, Зинамсан.
Эсдан чиқармиди лой ўра — хандақ?
Чўлларингда бўлди ёвузлик абжақ.
Дўстлигимиз — Ленин ғоясидай ҳақ...
Хазинам, дафинам, мўл ганжинамсан!
Тоғларни кўтаргай дўстликнинг кучи!
Дўстлик кучи — янги жаҳон қурғувчи,
Ёзилажак шеърнинг бу ҳали учи...
Меҳри Днепрдай тошқин сийнамсан,
Украиннамсан!

ҚОЗОҒИМ

Қалиним, жигарим, кўзда қароғим,
Олатов бошида гавҳар чироғим,
Аждар кушандаси — олмос яроғим.
Жаҳонга бергусиз тўкин қазноғим.
Қардош қозоғим!

Абайнинг ўзидай заҳматкаш устоз,
Жамбулнинг созидай бургут парвоз соз,
Қаҳри келганида — қаҳратон аёз.
Меҳри кулганида — ёруғ, сахий ёз.
Олмаотам, Сувноғим, Чимкент, Сўзоғим,
Қардош қозоғим!

Ўзинг ёруғ тонгдай чўнг — ёруғ йўлсан,
Дарёларинг янглиғ тошқин, бой, мўлсан.
Муҳитга бергусиз забаржад кўлсан,
Баҳорда ёмғирсан, куз чоғи дўлсан,—
Чолқорим, Болқошим — сутим, қаймоғим,
Қардош қозоғим!

Ййловлари каби кенг қалб эгаси,
Хазина қазмоқда қозоқ чегаси,
Тоғлар кўтармоқда алпдай елкаси.
Юртининг хўжаси, элин бекаси.
Бўз саҳро эркаси, тоғлар эркаси,
Миллиардлар яратган олтин аймоғим,
Қардош қозоғим!

Дийдорингга тўйдим... Шаҳарим пешкаш.
Дилимда йўқ эди, ҳам қолмади ғаш,

Нечоғлик суюксан, нечоғлик дилкаш,
Оғажон, тоғажон, эркажон, эркаш,
Нонхонам дурдонам, дўстим — иноғим,
Қалби қайноғим —
Қардош қозоғим!

Тошкент

ҚАЙДАДИР БУЛОҚ...

Қайдадир булоқ бор тоғлар бошида —
Кумуш балиқларнинг сўлим ўлкаси,
Тошларга урилиб тушмоқда оқ сув,
Тўлқинлари тиниқ ва порлоқ инжу.
— Қайларга шошасан покиза оқим?
— Улкан денгизга,—
Улкан денгиздаги чиройли қизга...
Салқин оғушимда ёйиб қулочин,
У менинг мавжимда ювади сочин,
Ташна лабларига бўламан дармон,
У менга мунтазир, менга нигорон.
— Ҳа, сенга мунтазир фақат у эмас,
Чексиз денгиз эмас, чексиз сув эмас,
Уша қиз сингари ташна ирмоқ ҳам,
Уша денгиз янглиғ чексиз тупроқ ҳам,
Сенга мунтазиру, сенга нигорон...

МАХТУМҚУЛИ ТҮЙИДА ҲЗБЕК КҲЗАСИ

Ҳайъатда ярқираб, кўз қамаштирар
Чинни косалару бир чинни кўза.
Қараганинг сайин эс адаштирар,
Ҳар қайси гўеки яхлит фируза.
Нақшлари чиннисоз дилидай ёрқин...
Ҳзбек тўёнаси каттакон тўйга.
Ял-ял ёнар эди фируза ёлқин,
Мен ҳам лол қарардим, чўмгандим ўйга:
Ҳзбек тупроғидан ясалмиш чинни,
Нечоғлик нафосат заррин хатида,
Истасанг бол тўлдир, истасанг — шинни,
Нечоғлик фусун бор эл санъатида!
Нечоғлик даҳо бор, нечоғлик маъно,
Нечоғлик жило бор сеҳр қудратида,
Шундоқ бир кўзани, қайдам, Бобиршоҳ
Кўролганми чексиз салтанатида!

Бунда не эллардан ўтирар қўноқ:
Бунда етти иқлим йўлчилари бор,
Ҳинду, Чину Мажор, Болқону Қозоқ,
Турк, Слав ҳам Мўғул, Татару Болқор...
Кўзадан кўз узмас эди кенг зал ҳам.
Гўё Махтумқули туғилган кунда —
Дунё адиблари бўлган эди жам,
Туркманлар тўйида, шундай тўкинда,
Санъат саройида, оқ кошонада,
Фузулий, Ҳайёмнинг шўх даврасида,
Юз Ҳотамдан сахий шу тўйхонада —
Низомий, Пушкиннинг чўғ даврасида
Давронга ярашиқ шодиёнада,

Гўё шеър шаробин элексир мисол
Зумрад косаларга лим-лим тўлдириб,
Барчани этиб лол,
Қардоши тўйинга завқ, файз келтириб,
Улашарди жами қўноқларга жом —
Навий бобом...

Ашхобод

БАРҲАЕТЛИК

Отчопарда сайлу томоша борди,
Меҳмонлар ўтирар олис, яқиндан,
Ўртада ёзиғлик улкан гиламда
Бел олишар туркман курашчилари.
Бир чеккада авжи пойга, қийқириқ,
Кўпик сочиб келар сулув той-тулпор,
Гўё бўз шунқор.
Осмон бўйлаб ўтди шу дам кумуш қуш,
Парашютлар тўлди тўй осмонига,
Парашютлар тушди сайил майдонига.
Иннайкейин, гўёки тонгда ёруғ туш
Пайдо бўлди кўкда ажиб вертолёт.
Қўнди у майдоннинг кун ботарига,
Ундан тушиб келди ҳаммага таниш,
Туркман тупроғининг ёниқ шоири...
Элу юрт лол, ҳайрон... кўз узмас ундан.
У бўлса кўкракка қўлини қўйиб,
Эл ҳам қўноқларнинг кўркига тўйиб,
Бош эгиб ҳаммага берди-ку салом.
Унга тулпор тутди икки туркман чол,
Бошларида улкан қўзи қалпоқлар,
Жиловдор икки чол етагида у
Йўл олди меҳмонлар турган чортоққа.
Кетидан келарди сонсиз суворий,
Туркман ўлкасининг чавандозлари.
Саф тузиб келарди гўё чўнг лашкар,
Шоир ҳам тўхтади чортоқ ёнида,
Эгнида бешмати, қўзи қалпоғи,
Белида белбоғи, оппоқ япоғи,
Шеърини бошлади оғир, салмоқдор,
Ёҳу, бу овозда қандай қудрат бор,

Тингларди оломон, меҳмонлар жимжит,
 Тингларди кенг майдон кекса-ю йигит.
 Туркман гўзаллари на табассумкор,
 Қулоқ солар эди жимжит шу маҳал,
 Тингларди бепоён туркман қумлари,
 Тингларди олисдан Амударё ҳам,
 Тингларди гўёки шу улуғ жаҳон...
 Шеърини тугатди шоир... илжайди,
 Чапаклар, оламни тутди чапаклар,
 Қизлар кулгусидан сочди чечаклар,
 Кексалар мўъжиза кўргандай гўё,
 Кўзларин узолмай туришарди ганг...
 Сўнг бошланди тағин пойга-ю ўйин,
 Отлар оёғидан кўтарар қуюн,
 Ким маррадан ўтса ва олдин келса,
 Шоир қўлларидан оларди соврун.
 Туркман ўз шоирин қадрлар шу тарз...
 Гўёки армонли, улкан бу шоир,
 Зор йиғлаб, оҳ уриб ўлган бу шоир —
 Не-не замонлару давронлар оша,
 Жаҳонлар оша —
 Не-не балолардан ўтиб келганди,
 Ленин замонига етиб келганди,
 Ёруғ бир оламга келган эди соғ,
 Меҳмонлар вақти чоғ,
 Элин вақти чоғ,
 Дилларда қолмаган эди зарра доғ...
 Махтумқули шеърининг шарбатин ичиб
қондим,
 Юз элнинг шоиридай мен ҳам дилимдан
ёндим,
 Юз элнинг шоиридай мен ҳам дилда
қувондим,
 Юз элнинг шоиридай —
 Шеърнинг ўлмас кучига мен ҳам дилдан
инондим...
Туркменистон

АЛЕР

Қиш бу йил қандоқ яхши,
Олам оппоқ, беғубор,
Юртимиз — юртлар нақши...
Алёр, жўралар, алёр!
Қандоқ гўзал ёруғ тун,
Файзи — оламдек пойдор,
Дилларда шодлик жўшқин...
Алёр, жўралар, алёр!
Либос кийибди қордан
Чексиз дала — пахтазор,
Яхши мужда баҳордан...
Алёр, жўралар, алёр!
Ҳаёт сўлим ва қувноқ,
Бизда бир кабутар бор,
Қанотлари қордан оқ...
Алёр, жўралар, алёр!

* * *

Зафарлар завқ бағишлар,
Улкан тўй, гўзал айём.
Эски йилга олқишлар,
Янгисига чўнг салом!
Енгилмас ўлка учун,
Соз йил учун лиммо-лим!
Акаю ука учун,
Алп эл учун лиммо-лим!
Юлдузларга элимдан
Илк-аввал учувчилар,
Юз бир сомон йўлидан
Тилсимот очувчилар,

Коммунанинг тонг чоғи —
Соғлигига лиммо-лим!
Ёруғ бахт қароргоҳи
Борлигига лиммо-лим!

Бахтдан куйла, ватандош,
Бундоғ Ватан қайда бор!
Довонлардан ҳатлаб ош...
Алёр, жўралар, алёр!
Бахтдан куйлайлик, жонон,
Коинотдай барқарор —
Бу даврон, қутлуғ даврон...
Алёр, жўралар, алёр!
Бахтдан куйлайлик жигар,
Дунёда партия бор,
Ҳар дақиқа — бир зафар...
Алёр!

МУНДАРИЖА

Комил Яшин. Ўзбек халқининг ардоқли шоири 5

Шеърлар

«Қўшиқларим, сиз учун хижолатлик эмасман...» 8

1926

Сўнги хат	11
Йўқ бўлмас.	13
Тутқун қиз.	14
Меҳнат.	15
«Кўзингни ўйнатма, кулма, қарама...»	17
Танбурим товуши.	18
Чашма бўйида.	19

1927

Қўклам куйлари.	20
Боқ!	24
Кўкқиё	25
Тошқин.	26
Тонг таронаси.	27
Шуъла.	30
Бахт.	32
Сакко ҳам Ванцетти мотамида.	36
Қишлоқ кўринишлари.	39

1928

Қон саҳифаси.	41
Тилсиз тошлардан.	43
Ана, боғлар.	45
Ен!	46
Эдил кулганда...	48
Мунг.	50
Кураш.. . . .	53
Чўл.	54
Ойниса.. . . .	55

Сув ёқалаб...	57
Тоғ эртаси	58
Қонлар...	59
Қиз қабрида.	61
Чечаклар.	63
Қундуз.	65
Фарғона.	67
Урак тошганда...	68
Тингла, ҳаёт!	71
Еруғ кунлар етакчиси бўл, ўғлим!	73
Чўпон ота.	75
Қайнашларим.	77
Яна бир қатла	79
Шу қадар мағрур, шу қадар буюк...	81

1929

Нурхонни йўқлаб...	83
Дарё бўйлаб...	85

1930

Саломнома.	87
------------	----

1931

Бонг.	94
Холниёзга бағишлаганим.	96

1932

Сафарбар («Соат уч, кеча...»).	99
Ленинизм дарсидан	103

1934

Хайр, Тошкент!	108
Чўл оралаб...	110
Учадн.	112
Сухбат.	114
Шаҳар бўсағасида.	116
Қуёш ҳақида	118
Бир гўзал.	121
Бу кеча...	122
Кремль ёнида.	126
Сафарбар («Чайқаламан...»).	129
Яхши шаҳар.	131

1935

Қадаҳ.	135
Яхши қиз.	135
Пойтахт.	138

Аскардай...	141
Яшил япроқлар.	143
Саргузашт.	145
Сулув.	147
Балки...	148
Она орзулари.	149
Уғил.	151
Ухла, кўзим!	153
Жилға бўйида.	155
Ез.	157
Куз.	159
Ҳам посевной, ҳам васл.	161
Кутиб олганда...	163

1936

Айрилиқ.	165
Ойсулув.	167
Серго Орджоникидзе.	170
«Самога термилиб боқдим кечаси...»	171
Юрт кўшиғи.	172
Сени, болалигим...	173

1938

У кун..	176
Бир варақ.	179
Лолазордан ўтганда..	181
Боғ.	183
Наҳанг.	187
Етти йигит ва бир чол.	189
Орденли.	192

1939

Кўшиқлар.	194
Онажонлар.	197
Ой юзли.	199
«Кўзларим йўли устида...».	201
Яли-яли.	202
Шодиёна.	203

1940

Дам.	205
«Сен у ёнга кетдинг, мен бу ёнга...»	206
Тўйга атаганим...	207
«Офатлар қочиқ бизга...»	209
Уйғон!	210
Уйлар.	212
Аччисой.	214
Қизғалдоқ.	219
Қиз.	221

Қоя.	222
Барақа томчилари.	225
Навой.	227
Богимнинг чечаклари.	229
Майпараст.	230
Холтош.	232

1941

Кўл бўйларида.	235
Тонг қушлари.	236
Хуш қол!	237
Тельмангина.	239
Саҳарларда.	242
Севги.	243
Мен она бўлсам агар...	245
Пилла.	247
Мард йигит, ёринг бўлай!	248
Отлиқ аскар.	249
Сен она.. . . .	250
Вабо.	251
Бешотар.	253
Қора кўзли	255
Бу — менинг Ватаним!	256

1942

Сой.	258
Бўсаси қанд.	261
Кўзларим йўлингда.	262
Салом хат.	263

1943

Бобо.	270
Ҳамшаҳар.	271
Зеби.	273
Тўйчи Эрийгит ўғли.	275
Йиғи.	277
Уч	279
Олег ва ўртоқлари.	282

1944

Ҳамшира.	285
Ер.	287
Жонон.	288
Боғ кўча.	290
Қирғоқ.	291
Денгиз бўйида.	293

1945

Улим.	297
---------------	-----

Аму қирғоқлари	298
Едгор.	300
Шоир қабрида	302

1946

Эркатой.	304
Қиз кўшиғи.	306
Ерим бору ёрим бор.	307
Байрам кўшиқлари.	308
Қасида.	311
Гурунг	314

1948

Дарё бўйида.	316
Оҳангарон.	322
Бердимат амаки.	324
Кенжатой.	326
Мунг	328

1952

Қоғозда қолсин, майли	329
---------------------------------	-----

1953

Олпоғим билан чатоғим.	331
--------------------------------	-----

1954

Жала.	332
Тўрт...	333

1955

Отам менга	334
Сени улуғлайман!	335

1956

Бобожон.	337
Сой бўйи — яланг қумлоқ	339
Гилос.	340
Пиёла.	341
Қайрағоч.	342

1957

Юлдуз.	343
----------------	-----

1958

Ларза.	344
----------------	-----

Кўришайлик.	345
Қирқ бир.	346
Сенга, республикам!.. . . .	347
Бу шундоқ улкан юртики...	350

1959

Қалдирғоч.	353
Дўстимнинг умр йўлдоши.	354
Бизга келинг.	356
Булут.	358
Олмаотанинг қиши.	359

1960

Уйғон, шоир!	360
Қиприқларим.	362
Жўжа.	363
Гавҳар.	364
Онагинам («Тавонимга чақир тиканакдай»)..	366
Украинамсан	368
Қозоғим.	369
Қайдадир булоқ.. . . .	371
Маҳтумқули тўйида ўзбек кўзаси.	372
Барҳаётлик.	374
Алёр.	376

На узбекском языке

МИРТЕМИР

Сочинения в 4-х томах

ТОМ I

СТИХОТВОРЕНИЯ

Редактор *Р. Абдурашидов*

Рисом *Ю. Габзалилов*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ № 846

Босмахонага берилди 15.02.80. Босишга рухсат этилди 10.07.80. Формати 84x108¹/₃₂. Босмахона қозони № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 20.16. Нашр л. 13,12+0,23 вкл. Тиражи 10000. Заказ № 1321. Баҳоси 1 с. 80 т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.